

Матлуба Темур қизи

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ЙЎЛИ



**Тошкент
«ТАМАДДУН»
2011**

85 (5У)

М31

Матлуба Темур қизи.

Санъатнинг сеҳрли йўли / Матлуба Темур қизи; сўзбоши муаллифи Н. Раҳмонов; масъул муҳаррир А. Саид. — Т.: Tamaddun, 2011. — 272 б.

ББК 85(5У)

УДК: 7 (545.1)

Санъат ихлосмандлари ўзлари севган кўшиқчи ёхуд актёрнинг ҳаётини, руҳий дунёсини, ўз санъатлари, касбдошлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билишга жуда қизиқадилар. Матлуба Темур қизи узоқ йиллардан буён элимиз севган санъаткорлар ҳақида мақолалар ёзади, суҳбатлар қилади. Ана шу ижодий фаолиятнинг ҳосиласи сифатида юзага келган ушбу китоб бир томондан санъатсевар халқимизнинг қизиқишларига жавоб берса, иккинчи томондан ўзбек санъатининг кечаги ва бугунги қиёфасининг ойнаси сифатида қадрлидир. «Санъатнинг сеҳрли йўли» Сиз азиз китобхонларнинг қалбларингиздаги туйғулар, фикр ва мулоҳазаларга ҳамоҳанглиги билан манзур бўлади деб ўйлаймиз.

Сўзбоши муаллифи: Насимхон Раҳмонов,
филология фанлари доктори

Такризчи: Тошпўлат Турсунов,
санъатшунослик фанлари доктори

Масъул муҳаррир: Азиз Саид

ISBN 978-9943-377-00-4

© «TAMADDUN» МЧЖ нашриёти, 2011 у.

САНЪАТГА МУҲАББАТ

Санъатнинг яшовчанлиги, умрбоқийлиги халқимизнинг табиатан санъатсеварлиги, санъатга ошнолиги билан белги-ланани. Халқ даҳоси яратган минг йиллик қўшиқлар, томошалар ва ижод маҳсули худди кино ленталаридай кўз ўнгингиздан ўтаверади.

Санъат тўғрисида мақола ёки китоб ёзишнинг машаққатлари билан бирга хузури ҳам бор. Санъатнинг ҳар қандай тури ҳақида ижод қилиш учун одам табиатан ижодкор бўлиши, қалби ва руҳи тоза бўлиши керак. Матлуба Темур қизи ана шундай нозик дидли, ақли теран ижодкор, қалами ўткир журналист. Унинг "Санъатнинг сеҳрли йўли" номли китобининг қўлёзмасини varaқлаганда бунга амин бўласиз.

Матлуба ўқимишли китоб ёзибди. Китобни «Юракдан таралган оҳанглар» деб номланган биринчи қисмини ўқий бошлашингиз билан бугунги қўшиқчиликка жонкуярлик билан ёндашган, санъатни теран тушунадиган, айниқса қўшиқ матнларини нуктадонлик билан таҳлил қилишга қодир ижодкорни кўрамыз.

Айрим ёш қўшиқчиларнинг қўшиқ матни танлашдаги дид-фаросати ҳақида сўз юритганда, шеърни ҳассослик билан тушунадиган танқидчи кўз олдимизда гавдаланади; айрим қўшиқчиларнинг ижро маҳорати ҳақида қалам тебратганда эса ижодкор шахсини, руҳий оламини яхши тушунадиган санъаткорни кўрамыз. Хуллас, Матлуба Темур қизининг қўшиқчилик санъатига бўлан муҳаббати ҳар бир саҳифада ярқ этиб кўзга ташланади. Китобнинг бу қисмини "Қўшиқчилик қомуси" деб ҳам аташ мумкин, чунки биз билган ва билмаган бир қатор ёш қўшиқчиларнинг ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилинган.

Китобнинг «Саҳнадаги тақдирлар» деб номланган иккинчи қисми театр санъатига бағишланган. Таниқли театршунос, профессор М.Қодиров, професор Т.Исломов, таниқли актёр Ўзбекистон халқ артистлари Т. Каримов, Р.Иброҳимова, М.Абдуқундузов сингари бир қатор олиму санъаткорларнинг истеъдодига, меҳнатларига берган баҳосидан шуни англаш мумкинки, Матлуба санъатни чин дилдан ҳис қилади, санъаткорлар билан баравар саҳнага чиқаётгандай ҳис

қиласиз китоб саҳифаларини варақлаганингизда. "Мубоҳаса", "Ёднома", "Баҳс" рукнлари остидаги мақолаларида шоир Усмон Азим, марҳум драматург Машраб Бобоев сингари ижодкорларнинг айрим қирраларидан китобхонларни боҳабар қилади. Хуллас, китобга кирган ҳар бир мақолада айрим санъаткору актёрлар ҳақида сўз юритилса ҳам санъатнинг яхлит манзараси шу китобда намоён бўлган.

Ушбу китобдан Олий ўқув юрти санъат журналистикаси йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар ўқув қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

**Насимхон Раҳмонов,
филология фанлари доктори, профессор**

ЮПАКДАИ
ИЛАПАИИИ
ОХАИИИИ



КЎШИҚ КУЙЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори санъатнинг барча турларига, театр, кино ва айниқса, миллий эстрада санъатига алоҳида эътибор қаратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 26 июндаги "Эстрада кўшиқчилилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида"ги 272-сон қарори миллий кўшиқчилилик санъатимизни янада ривожланишига замин яратди. Қарорда ёш ижодкорларнинг профессионал малакасини ошириш, иқтидорларини тўла намоён этишлари учун шарт-шароит яратиш каби муҳим масалалар белгилаб берилган. Шундай экан, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни тараннум этувчи, Ватанга муҳаббат ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳи билан йўғрилган етук, бадиий жиҳатдан пухта, мазмунан теран кўшиқлар яратиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Албатта, белгиланган вазифалар санъатимиз ва маданиятимиз намояндалари, ёш ижрочилар ва эндигина кўшиқчилилик остонасига қадам қўйган ёш хонандалар зиммасига катта масъулият юклаши табиий. Халқимизда "Санъатнинг нони қаттиқ бўлади" деган ҳикматли гап бор. Катта саҳнага чиқиш, халқ кўнглидан жой олиш осон иш эмас. Ҳар бир хонанда кўшиқлари орқали инсонлар кўнглига завқ-шавқ улашиши, дардларига малҳам бўла олиши, шу билан бирга, фикр-мушоҳадага ундаши, ҳаётга, яшашга чорлай билиши керак.

Бадиий китобда асар қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, қалб кечинмалари, туғёнлари, қувончу шодликлари акс этгани каби, уч ёки тўрт дақиқалик кўшиқда ҳам фикр бўлиши керак. Кўшиқнинг мазмуни шеър ва мусиқа уйғунлиги, яхлитлиги билан боғлиқ. Мазмун ва шакл бирлиги, бир бутунлик пайдо бўлди деган гап яхши асар туғилди, деганидир. Кўшиқ яратилиш жараёнида шоир, бастакор ва ижрочининг мақсад-маслаги бир бўлмаса, яхши асар юзага келиши қийин. Кейинги пайтларда айрим хонандалар куйлаётган кўшиқлар матнида мазмунан саёз жумлалар, тумтароқ сўзлар учрамоқда. Шеърят талабларига жавоб бермайдиган матнларда на вазн, на қофия, на бадиийлик бор. Гўё севдим, ёндим, куйдим деган сўзлар ишлатилса, хонанда яхши кўшиқ куйладим, деб ҳисоблайди.

Шу ўринда Жалолиддин Румийнинг "Сўз - либос, маъно - унда яширин асрор" деган сўзлари беихтиёр ёдга тушади. Атоқли ёзувчимиз, сўз устаси Абдулла Қодирий ҳам "Сўз қолип, фикр унинг ичига қуйилган гишт бўлсин" деганида она тилимизнинг беқиёс бой ва тенгсиз эканини назарда тутган бўлса не ажаб? Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, санъаткор фикр кишиси, маънавият жарчиси. Унинг интеллектуал салоҳияти, эстетик диди ва тафаккури нечоғли экани репертуаридан ўрин олган қўшиқларида ўз аксини топади. Хонанда Ойбек Ҳамроқуловнинг "Дилбардилбар куй бўлса ишқ, ёниб-ёниб чалсак биз, алвон-алвон гул бўлса ишқ кучоқ-кучоқ терсак биз", деб куйлаган қўшиғи матнига эътибор беринг. Ниҳоятда самимий бу мисраларда лирика, ҳис-туйғу, ишқ изҳори сўзнинг ўз оҳангида жаранглаб турибди. Ёки, ватан ҳақидаги қўшиғида: "Билмай босиб чумолини гуноҳимга сўроқ бердим, ватан не деб сўрганларга бир кафтгина тупроқ бердим", дейди.

Келтирилган мисраларнинг ўзиёқ бу хонанданинг сўзга, матнга жиддий ёндашишини кўрсатиб турибди. Тўғри, сўзга эътиборли бўлган хонандалар оз эмас. Лекин "ёмон қилиқнинг биттаси ҳам кўп" деганларидек орада учраб турадиган дуч келган матнни куйга солувчи ёки ўзи шеър ёзиб, ўзи куй басталаб айтувчи баъзи ёш ижрочилар миллий қўшиқчилигимиз савиясига соя солмоқдалар.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасига деярли ҳар куни кўплаб ёш хонандалар қўшиқлари матнини тақдим этадилар. Бу қўшиқлар Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши ҳузуридаги ижодий қўмақлашувчи вакиллар гуруҳи томонидан таҳлил қилиниб, ўрганилиб келинмоқда. Яқинда бўлиб ўтган кенгаш йиғилишида ҳам бир қанча хонанда ва созандаларнинг ижодий изланишлари, репертуарлари ўрганиб, таҳлил қилинди. Албатта, ижрочиларнинг репертуари, овоз имкониятлари, ижро маҳоратлари бир-бириникидан фарқ қилади. Таҳлил жараёнида шу нарса кўзга ташландики, айрим хонандалар ижодида мусиқага эътибор кучли, лекин сўз танлашда оқсаш сезилган бўлса, айримларининг ижодида мумтоз шеърятга интилиш ва иштиёқ борлиги кенгаш аъзоларини қувонтирди. Шоҳруҳ Ғаниев, Алишер Қосимов, Бобур Кенжаев, Жайрон Сапарова, Жўрабек

Эргашев, Иззатбек Қўқонов, Илҳом Деҳқонов сингари ёш хонандалар ижоди бунга мисол бўла олади. Кенгашда ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, катта саҳнага чиқишларига ёрдам бериш, мазмунан саёз қўшиқларнинг олдини олиш зарурлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Бинобарин, ёш ижодкорларга ҳукумат миқёсида ҳам, халқимиз томонидан ҳам эътибор берилиб, имкониятлар яратилаётган экан, улар бу ишончни оқлашлари лозим.

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,
2008 йил, 19 декабр*

ШОГИРД УСТОЗ КЎРМАСА

Эстрада қўшиқчилигига бир назар

Мустақиллик йилларида янги ёш истеъодларни излаб топиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий эстрада қўшиқчилиқ санъатини дунёга танитиш ишлари кенг миқёсда йўлга қўйилди. Ҳукуматимиз томонидан миллий эстрада йўналишида миллий кадриятларни тараннум этувчи, миллатимизни, она заминимизни улуғловчи, ёшларимиз қалбига Ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотувчи, бадий жиҳатдан етук асарлар яратиш вазифалари белгиланди. Бироқ, эстрада санъатида миллий асосга эга бўлган халқчил услубни шакллантириш жараёни суст кечмоқда. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, "Бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир «янгича услуб» деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас".

Ушбу теран мулоҳазалар ҳар бир санъат кишисини, айниқса, эстрада хонандаларини огоҳликка чорлаши керак. Зеро, катта саҳнага чиқаётган ҳар бир хонанда ўзига-ўзи "Мен нимани ва ким учун куйлаяпман, мухлислар менинг қўшиқларимни тинглаяптими?" деган саволни бериб туриши керак.

Шу маънода ўтган йили "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасига махсус рухсатнома (лицензия) олиш учун ҳужжат топширган саккиз юзга яқин хонанданинг репертуарини кўздан кечирдик. Улар репертуаридаги саксонга яқин қўшиқлар маз-

муна саёзлиги, бадий хижатдан талабга жавоб бермаслиги сабабли рухсатнома берилмаган. Кўпгина хонандалар қўшиқ матни ва мусиқасини ўзлари ёзишган. Ижро даражаси ҳам шунга яраша. Мусиқа оҳанглари аксарият ҳолларда чет эл мусиқаларидан ўзлаштирилган. Албатта, ҳар бир ижодкор бошқа халқларнинг мусиқасини ҳам тинглаши, улардан илҳомланиши, завқланиши табиий. Лекин бу "бахрамандлик" миллий заминдан узилиш, миллий услубни йўқотиш дегани эмас. Ёш хонандалар, биринчи навбатда, мусиқий саводхонликка, бадий сўзга, талаффузга жиддий эътибор қаратишлари керак. Қолаверса, бизда азал-азалдан давом этиб келаётган устоз-шогирд анъаналари мавжуд. Халқимиз "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" деб бежиз айтмаган. Баъзан ҳали ўзи шогирд даражасида бўлган хонандаларни "устозим" деб юрган ёшлар ҳам учраб турибди. Ваҳоланки, эрта-индин чин маънода санъаткор бўламан деган ёш истейдод эгаси тўғри йўлни топа билиши учун устоз санъаткорлар этагидан тутиши, улардан ўрнак олиши ниҳоятда муҳим.

Сўнгги вақтларда айрим аёл хонандалар (ҳатто таниқлилар ҳам) маддоҳликка, ўзларини ўзлари мақташга ўтиб олганлари жуда ачинарли ҳол. "Қошим камон, белим хипча, лабим асал" каби бачкана сўзлар бугун радио ва телевидениедан бемалол таралиб ётибди. Ўзбек аёлига хос назокат, нафосат, сирлилиқ, ҳаё-ибо қаёқда қолди? Наҳотки қизларимиз бачкана ибораларни баралла куйлашдан уялмайдиган даражага етиб қолдилар. Эркак хонандаларнинг қўшиқлари ҳам саёзликда, ғариблиқда булардан қолишмайди. Бундай ҳолат, эҳтимол, баъзи ёшлар қўшиқ санъатига тирикчилик манбаи деб қараётганлари оқибатида юзага келаётгандир. Агар шундай бўлмаганда, улар атрофга теранроқ назар ташлаб, қўшиққа мавзу бўладиган нарсаларни тўлиб-тошиб ётганини кўрган бўладилар. Балки бунга аксарият хонандаларнинг адабиётдан, профессионал шеърятдан йироқликлари сабабдир. Очигини айтиш керак, баъзан номи чиққан хонандалар ҳам шеърятни тушунмайдилар. Аслида ҳар бир ашулчи қўшиқ асосида пухта матн ётишини билиш керак.

Хонанда Санобар Раҳмонова "Қишлоқларимдан", "Устозлар", "Ёшлигим" каби гўзал қўшиқларни куйлаганда ҳали мактабда ўқирди. Мусиқаси ва сўзлари бир-бирига уйғун бу қўшиқларда ёш қизнинг, ватанни севган фарзанднинг беғубор болалиги акс этган. Шунинг учун ҳам хонанда халқнинг кўнглидан жой олган. Ёинки, Маҳмуд Намозов репертуари-

даги қўшиқларни олайлик. Халқона услуб, нола бор уларда. Ҳосила Раҳимованинг ўзбек йигитларининг гурури, ор-номуси, ҳамияти ҳақидаги мардликка чорловчи қўшиқлари ҳам эътиборга молик.

Хонанда Рустам Ғойиповнинг Муҳаммад Раҳимхон Феруз ғазалига басталаган "Ғиғон" қўшиғи бор. Феруз ғазаларига қўл уриш учун хонанда етарли даражада билимга, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши керак. Хонанда репертуарида Навоий, Деҳлавий, Феруз, Сўфи Оллоёр, Чўлпон шеърлари билан айтиладиган қўшиқларнинг мавжудлиги шундан далолат беради. Худди шунингдек, Абдулла Шомарупов ижоди ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдириш мумкин. У Чўлпон қаламига мансуб "Созим", Машраб ғазали билан айтиладиган "Келадур" каби қўшиқларни миллий услуб ва оҳангда куйлайди. "Ялла" гуруҳининг неча йиллардан бери тилдан тушмаётгани ҳам бу гуруҳнинг эстрада санъатида халқона услуб ва йўналишда ижод қилаётгани натижаси. Ёки бўлмаса Фуломжон Ёқубовнинг "Шукрона" қўшиғи юртимиз тинчлиги, осойишталиги учун шукроналик туйғуси билан яшашимизга даъват эмасми! Ёш хонанда Малика Эгамбердиеванинг шоир Аҳтамқул Карим сўзи билан айтган "Шукур қил" қўшиғи ҳам ибратли. Унинг изланиши бардавом бўлишига умид қиламиз.

Айрим эстрада ижодкорлари миллий меросимизни пухта ўрганмай, устоз санъаткорлар тарбиясини олмай туриб ноёб дурдоналаримиз саналган халқ қўшиқларини енгил-елпи "қайта ишловлари" билан бачкана аҳволга келтириб қўяётганлари ачинарли ҳол. Миллий куй-қўшиқларга ҳавас уйғонгани яхши. Аммо уни устозлар ёрдамида пухта ишлаб ўрганиб, ижрони, оҳангни бузмасдан халққа тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Истеъдодли хонанда Зиёда Қобилованинг ижоди, изланиши ёмон эмас. Хонанданинг тиришқоқлиги, изланувчанлиги яхши, албатта. Бироқ, у машҳур "Сайдинг қўябер сайёд" қўшиғи матнларини бироз бузиб ижро этаётгани таассуфли. Халқимизнинг сеvimли санъаткори Фахриддин Умаров ижро этган "Эй, муҳаббат" қўшиғи матнлари, сўзлари талаффузида ҳам хатоликлар мавжуд. Буюк адибимиз Абдулла Қодирий "Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак", деган эди. Бу ибора нафақат ёзувчилар, балки шоирлар ва хонандалар учун ҳам айтилгандай.

Таъбир жоиз бўлса, устозлар куйлаган қўшиқларни, халқ-имизнинг сара ва ноёб дурдоналарини қайта куйлашда бироз андиша зарур. Негаки, ўлмас қўшиқларимизни қайта тиклайман деб қадр-қимматини тушириб юборишимиз ҳеч гап эмас.

Бугун куйланаётган қўшиқлар, истайсизми-истамайсизми, ёшларни ўз ортидан эргаштиради, маънавий тарбиясига таъсир кўрсатади. Шундай экан, ижодга масъулият билан ёндашиш халқимизга асл ва соф санъатни кўрсата билиш ҳар бир ижодкорнинг бурчи ва вазифасидир.

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,
2009 йил, 20 февраль*

...ҚЎШИҚ ВА ҚЎШИҚЧИЛАР ҲАҚИДА

*Муסיқий ва дам олиш кўрсатувлари дирекцияси директори
Аваз Боқиев билан суҳбат*

— *Аваз ака, қўшиқчилар билан ишлаш осонми?*

— Ҳар хил ёшдаги, ҳар хил савиядаги қўшиқчилар бор. Уларнинг ҳаммаси билан ҳам муносабатларимиз бир хилда кечвермайди. Бизга баъзан қўшиқларнинг хомаки, баъзида эса тайёр вариантини олиб келишади. "Тайёр" деганда мен "фонограмма"ни назарда тутаяпман. Фонограмма - телевидениедаги техник воситалардан бири. Тўғри, баъзида айрим сабабларга кўра улар ўтмай қолади. Ана шундай ҳолларда фонограмма эгаси "буни тайёрлаш учун анча мунча ҳаракат қилган эдик" дея ҳафа бўлиб қолиши мумкин. Бироқ, бу нарсани биз эмас, бадий кенгаш ҳал қилади. Агар иш жараёнида, яъни қўшиқнинг сўнгги варианты тайёр бўлмасдан туриб бизга мурожаат қилишса, биз ўз маслаҳатларимизни берамиз ва бундай ҳолларда ҳеч қандай "ҳафагарчилик"ка ўрин қолмайди.

— *Ўз вақтида "таъқиқланган қўшиқчилар рўйхати" бўлган. Сиёсий қарашлари туфайли деб айтиш унчалик тўғри бўлмас, ҳар ҳолда, тўйга юрадиган қўшиқчиларга нисбатан ана шундай таъқиқ, ўзига хос бир "телевизион қатағон" бўлган. Ҳозир ҳам таъқиқланган қўшиқ ёки қўшиқчилар борми?*

— Бу саволингизга менинг жавобим қатъий. Йўқ.

— *Саволнинг иккинчи, яъни тўйга борадиган қўшиқчилар ҳақидаги қисмига келсак, мен бу хусусда қуйидагиларни айтишим мумкин. Урф одатимизда шундай нарса бор, тўй санъаткорсиз ўтмайди. Ким бўлиши, кимнинг оиласи эканидан қатъий назар "тўй қилсам фалон қўшиқчини олиб келаман" деб ният*

қилади. Бизда тўйга борадиган санъаткорга савияси паст ёки бир ибора бор - "отарчи"деб қарашга ўрганилган. Бу нарса, айниқса авваллари, миллий урф одатларимиз таҳқирланган пайтларда ҳам кучли эди.

Тўғри, тўйга юрмайдиган, ўртамиёна санъаткорлар бор. Айни пайтда тўйларга бориб юрган яхши қўшиқчилар ҳам бор. Санъатда шундай нарса борки, томошабинга эргашсангиз, унинг даражасига мос нарсалар қиламан десангиз, қўшиқнинг савиясига путур етади. "Тўйбоп" қўшиқлар пайдо бўлади. Бунга биз қаршимиз. Санъаткорнинг тўйга юришига эмас, балки тўйни мўлжаллаб қўшиқ айтишига қаршимиз.

Мен тўй билан боғлиқ яна бир нарсани айтишни истар эдим. Қўшиқчилик санъатимиздаги ўзига хос бир йўналишнинг сақланиб қолишида тўйларимизнинг хизмати катта бўлган. Буни баъзи санъаткорларимиз тўғри англаб етишган, англаб етмаганлар эса,юқорида айтганимиздек, "тўйбоп"лигича қолиб кетаверган. Қўшиқчилик санъатида дам олиш, хордиқ чиқаришга мўлжалланган алоҳида йўналишлар бор. Ана шу йўналишларнинг ривожланишида тўйларнинг ижобий таъсири бўлганлиги шубҳасиздир.Баъзи бир ижрочиларимизнинг қўлида шундай чолғу асбоблари борки, уларни 10-15 йил бурун филармонияда ишлаб, олган маошига ҳеч қачон сотиб ололмасди. Мен қимматбаҳо чолғу асбоблари ҳақида гапирмаяпман. Яхши дутор, яхши тор, яхши ғижжак фалон сўм туради. Халқимизда "уста уста эмас, қўлидаги асбоб ускунаси уста" деган гап бор. Шу маънода тўйлар ўзига хос "шоу-бизнес"бўлган.

– *Маълумки, санъаткорлар орасида рақобат бор. Биз буни «соғлом ижодий рақобат» деб атаймиз.Бироқ рақобат ҳамма вақт ҳам соғлом бўлавермайди. Айтинг-чи. Бу нарса сизларнинг фаолиятингизга таъсир қиладими?*

– *Йўқ, бу - санъаткорларнинг ўз ораларидаги бор нарса.*

– *Русларда бир мақол бор. "Ким пулини тўласа мусиқани ҳам ўша буюради.Сизларда мусиқани ким буюради?*

– *Бизда мусиқа буюрилмайди, бироқ томошабиннинг талабини албатта инobatга оламиз.*

– *Қўшиқчилар билан бўлган муносабатда уларнинг унвон ёки мансаби ҳам роль ўйнайдими?*

– *Биз санъаткорларнинг халқимиз ва санъатимизга қилган хизматига қараймиз. Холисона, ҳалол хизмат қилиб келаётган санъаткорларимиз бор. Уларни ёшларга ўрнак қилиб кўрсатамиз.*

– Бизнинг йшлар давомида шакланган анъанавий қўшиқчиликимиз бор. Бугун ҳам шу йўлда муваффақиятли ижод қилиб келаётган санъаткорлар талайгина. Айни пайтда бугунги ҳаётимизни замонавий эстрадасиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Сизлар шу икки йўналишдан қайси бирига кўпроқ оғирлик берасизлар?

– Анъанавий қўшиқчилик ҳамда замонавий эстрада бир-бирини тўлдирди. Мен ҳар иккала йўналишнинг ҳам тенг ривожланиб бориши тарафдориман.

– Дирекциянгиз яқин кунларда томошабинларни қандай янги мусиқий дам олиш кўрсатувлари билан хушнуд қилмоқчи?

– Ўйлаб қўйган, эфирга чиқиш арафасида турган нарсаларимиз кўп. Бироқ ҳозир улар ҳақида гапирмоқчи эмасман.

– Сирми?

– Йўқ, ирим.

– Сухбатингиз учун раҳмат.

"Ёш куч" журнали, 1997 йил, 3-сон

УСТОЗ КЎРМАГАН ШОГИРД

Кўлимга қалам олиб, сизларга мактуб ёзишимга сабаб бўлган нарса кейинги пайтларда қўшиқчилик борасида туғилган баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашиш истаги.

Дангалини айтганда, охирги икки уч йил ичида бу соҳа биров оқсаётгандай. Турли туман, янги овозлар пайдо бўла-яптию лекин ярқ этиб кўзга ташланадиган истеъодлар кўрин-маяпти. Қаерга қарама қўшиқчи, қаерга қарама хонанда. Яна ҳаммаси "хушовоз".

Назаримда қўшиқсиз яшай олмайдиган туғма қобилият эгаларидан кўра, кўпроқ қўшиқ айтишга ихлосмандлар кўпайганга ўхшайди. Янаям ғашга тегадигани, ойнаи жаҳонда ҳам, радио тўлқинида ҳам ўша "хушовоз" хонандалар билан учрашув, суҳбат. Битта иккита қўшиқ айтган ёш хонандаларни экранга олиб чиқиб мақташдан нарига ўтишмайди. Яна қандай қўшиқлар денг, матни саёз, мусиқалари ўзлаштирилган. Ўйлаб қоласан-да киши. Наҳот қўшиқ куйлаш тўп суришдек осон бўлса?

Менимча, бугунги аксарият қўшиқчиларимиз қўшиқчилик, ҳофизлик деган улкан, нодир бир санъатни коптоқ қилиб қувиб юришибди. Унисидан куйини кўчиришса, бунисидан сўзини

олади. Яна биридан ўйин тушишни ўзлаштиради. Мени кечирисину лекин копток ўйнашни ҳам билиш керак, аслида.

Бир мисол келтирай, яқинда "Истиқлол" гуруҳининг "Томда товуқ ётади, воҳай бола" қўшиғини эшитиб ёқа ушладим. "Тож" гуруҳининг лўли қизга атаб айтган қўшиғи, яна бир ёш хонанда (исми ёдимда йўқ)

*Даврадаги бир жонон
Менга сирли боқмоқда,
Сўзласам, сўзларимнинг
Маъносини чақмоқда*

каби қўшиғи, "Байрам" гуруҳининг

*"О,э,оп, кам камалак қош ёрим,
Жам жамалак соч ёрим,
Қийнама бунча*

каби қўшиқларни қўшиқ деса бўладими?

Ёш-ёш хонандаларнинг деярли барчасининг қўшиғи, "севдим, ёрим,гулим, асалим" каби саёз сўзлардан, бирон маъно ифодаламайдиган хитобга айланиб қоляпти. Афсуски, бундай гуруҳлар ва хонандаларнинг санаб саноғига етолмаймиз. Лекин, наҳотки бундай адашиб қолаётган ёшларга тўғри йўлни кўрсатадиган жонкуяр инсонлар, маслаҳатгўйлар топилмаса? Бундай енгил-елпиликка зўр беришнинг охири нима бўлишини ҳеч ким тасаввурига сигдиролмаса керак. Ахир ўзбек санъати, айниқса, қўшиқчилик санъатининг пойдевори мустаҳкам эди-ку?

Афсуски халқимизнинг ардоқли ҳофизлари, санъат илмининг усталари ҳам бугун бу ҳақда лом-мим дейишмаяпти.Аксинча,ҳаттоки, энг ҳурматли санъаткорларимиз ҳам ўзларини баъзан тута билмаганликларидан ранжийди, киши.

Қўшиқчилик санъат турлари орасида энг оғир ва масъулиятлисидир. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаслиги мумкин. Бугун эса ҳамманинг қўлидан келадиган гўёки бир юмушга айланиб бораётгандек.

Аслида қўшиқ- инсонга янги фикр айтишдир, агар у инсоннинг ботиний ҳис туйғуларини тебрантирмаса, баъ-

зан йиғлатиб, баъзан ўйга чўмдириб, баъзан завқ шавқ улашмаса у кўшиқ эмас. Бунинг учун санъаткорнинг дилида инсонларга айтадиган гапи, дарди бўлиши лозим.

Янги йил байрам дастурлари давомида берилган концерт дастурларини томоша қилар эканман, беихтиёр ана шундай мулоҳазаларга бордим. Мен бу билан ҳамма санъаткорларимизни бирдай баҳоламоқчи эмасман, асло. Масалан, ўша кунлари Ю.Усмонова, С.Азизбоев, А.Усмонов, Ғ.Бойтоевларнинг дардли, маъноли кўшиқлари инсон юрагига йўл топа оладиган кўшиқлардир.

Тўғри гап (гарчи аччиқ бўлса-да) яхши. Халқ санъаткордан яхши ва гўзал кўшиқларни соғиниб яшайди. Шундай экан, яхши кўшиқ яратишда санъаткор халқдан қарздор. Ҳамонки, халқдан туз,насиба олган санъаткор унинг дилидагини куйламас экан, у ҳақиқий санъаткор бўлолмайди.

"Хуррият" газетаси, 1999 йил, 27 февраль, 4-сон

КЎШИҚЧИ БЎЛИШ ОСОНМИ?

Томинг тўла чак-чак бос

Қани бос

Манаки устоз

Мана буниси тоза

Буни чак безпроса

Сани томинг кетган

Нимага?

Чаквотганлигинга

Кейинги пайтларда турли хил гуруҳлар сонининг кўпайгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, мана бундай кўшиқларнинг ёшларга маъқул келаётганинг гувоҳи бўлаяпмиз. Савол туғилади. Кўшиқчи бўлиш осонми. Кўшиқ яратиш-чи?

Машаққатли меҳнат, яъни изланиш орқали янги куй басталаб, яхши шеър танлаб, уни маромида ижро эта оладиган хонандалар учун кўшиқ яратиш ҳам уни куйлаб "Кўшиқчи" деган номга сазовор бўлиш ҳам жуда қийин, мураккаб. Иккинчиси, шунчаки, бир ҳавасга куйлайдиганлар шарқу фарб мусиқаларининг айнан ўзини кўчириб олиб, саёз матнларни ўзлари ёзиб куйлайдиган баъзи гуруҳлар ижрочилари, баъзи

хонандалар учун кўшиқчи бўлиш жуда осон эҳтимол. Кўшиқчилик, мусиқа борасида фикр юритар эканмиз, етишиб чиқаётган гуруҳлар ҳақида ёмон сўз айтиш ниятимиз йўқ, бу каби гуруҳлар керак эмас, дейишдан ҳам узоқдамиз. Бугунги кунда замонавий кўшиқчилигимиздаги муаммою камчиликлар нималарда кўринаяпти. Юқорида айтиб ўтганимиздек, кўшиқчи бўлиш осон деб ўйлайдиганлар кўпайиб кетганлиги кишини ўйлантиради. Кўшиқларга эътибор берадиган бўлсак, мусиқаларда деярли янгилик йўқ. Ҳаммаси гарбу шарқ оҳангларининг кўчирмаси. Гуруҳлар бастакорлар билан ишламайди, шоирлар билан ҳамкорлик қилишмайди. Улар ҳам шоир, ҳам бастакор, ҳам хонанда сифатида элга танилмоқчи бўлишяпти, шекилли. Сўзимизнинг исботи учун бир неча гуруҳларнинг баъзи кўшиқларига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

"Жаноб Мирзо" (Турон) гуруҳи

*Кеча сани ман тушимда кўргандим
Ўйлаб сани ишқингда ўлгандим.
Ёндирганди сани кўзларинг
Ранжитма ширин сўзларинг.
Бундай тушлар дастидан вой, дод.
Ўлдирадику вой дод
Куйдирадику вой дод
Хипча белингданей вой дод
Гунча лабингданей вой дод*

Бу эса китоб ўқимасликдан, дунёқарашларининг торлигидан далолат эмасми?

Яна шу гуруҳнинг бир кўшиғига эътибор беринг-а.

*Мана бугун келдим ман уйингизга
Тўғриси айтсам бир қизингизга
Келдим қизингизга совчиликка
Берақолинг қизингизни хотинликка
Мана олиб келдим, бор-ўғимизни
Тезроқ бошланг тўйимизни
Агар берсангиз сиз қизингизни
Қайнона деб оламан ман ўзингизни
Қайнонажон, воҳ қайнонажон.*

Шунингдек, "N A" гуруҳининг бу кўшиғи ёшларга нима беради?

*Даминги ол
Биз билан бўл*

*Дегани ўл
Яна бўл
Дам де где
Дам беожиз
Дам дабдала*

"Мафтун" гуруҳининг

*Чао чао
Дедим чао
Лабинг гунча
Нозинг бунча*

деб бақириб - чақиритларидан нима маъно уқиш мумкин. Билмадим. Шу жумладан "Манзур" гуруҳининг

*Жанона қиз мен сени
Севганим жоним дедим
Сен учун ёр бўлгани
бордир имконим дедим
Севгимни изҳор айтсам
Сиз ўзингиз ким дединг
Кўнглимни асир этган...
Дема дема жим дема
Ўзгани севдим дема...*

Кўшиғи ҳам юқоридаги фикримизнинг тасдиғи. Албатта бу сингари мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Матнлардан кўриниб турибдики, шоирлар билан ишлаш уёқда турсин, ҳатто шеър нималигини ҳам англаб етмаган кўринишади. Афсуски, ушбу кўшиқларнинг барчаси ёшларга маъқул бўлмоқда. Сабаби нимада? Сабаби - мусиқасида. Кишининг диққат эътиборини биринчи навбатда мусиқа тортади. Оҳанг кучли, жозибали, ўйноқи бўлгани сабаб матн иккинчи, ижро эса учинчи даражага тушиб қолаверади. Бироқ, мусиқалар ўғирланган. Шундай экан, ҳар бир гуруҳ бирон бир янги мусиқа ярата олмагани уни ижодкор, кўшиқчилигимизга янгилик олиб кирди, дея олишга ҳақлимиз. Акс ҳолда, бундай кўшиқларнинг кўпайиши ёшларимизнинг мусиқий савияси ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек ёшларга маънавий озуқа бермайдиган кўшиқ уларнинг дидлари ва мусиқий тарбияларининг ўсишига ҳам тўсқинлик қилади. Ҳозирча, ўзбек ёшларида мусиқага ташналик бор, холос. Энди эса уларнинг кўшиққа, шеърятга, санъатга бўлган муносабатларини, дунёқарашла-

рини, дидларини, мусиқий тарбияларини ошириш ҳақида қай-гурмоқ керак. "Қўзиқорин" гуруҳларнинг қўшиқлари, албатта бадиий кенгаш, синов ёки кўриқдан ўтиши шарт. Чунки уларнинг хориж ёки ўзимиздаги хонандаларнинг ашулаларидан ўғирланмаган, матнлари шеърят талабларига жавоб берадиган бўлиши лозим. Акс ҳолда, янги ўзбек гуруҳларининг куй қўшиқлари ёзилган аудио ва видеотасмаларнинг кўпайтирилиб, халққа сотилишига чек қўйиш даркор. Афсус бу ҳам етмагандек, Ўзбекистон телевидениеси ҳам "янги услуб"даги услубсиз гуруҳларнинг чиқишларига кенг йўл очмоқда. Бизнингча яратилаётган ҳар бир қўшиқ бадиий кенгашдан, кўриқдан ўтгандан сўнг овоз ёзиш студияларига, ойнаи жаҳонга ёки радиога тарқатилиши мумкин. Чунки биргина кассета бутун республикага тарқалади. Ўрта Осиё томоша қилади.

Мамлакатимизда мумтоз ва замонавий куй қўшиқларимизни маҳорат-ла ижро этадиган, рисоладагидек шеърларга оригинал мусиқалар басталаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ҳам фикрларига матбуот ва телевидениенинг эътиборини қаратмоқ, қўшиқчилигимиз борасида айтиб ўтилаётган енгил-елпи ва йўл йўлакай фикрлардан ташқари, таҳлилий материаллар билан ҳам ижрочиларимизнинг ва тингловчи ёшларимизнинг танишиб боришларини таъминлаш керак. Акс ҳолда кенг дунёни кўрмай тор доирада ўралашиб қолаётган қўшиқчилигимиз ашулачилик санъатининг юқори пиллапоаяларига кўтарила олмайди.

"Ёш куч" журнали, 1997 йил, 1-сон

ТҶЙГА НЕГА БОРАМИЗ?

Яқинда бўлиб ўтган бир воқеа сабаб тўйларимиз ҳақида анчадан буён ёзмоқчи бўлиб юрган баъзи фикрларимни тўкиб солишга жазм қилдим. Кейинги пайтларда тўйларимизда тартиб ва интизом йўқолиб бораётгандек, хордиқ чиқариш, кўнгил очиш учун тузалган тўй дастурхонидан нега хориб, чарчаб қайтадиган бўлдик? Эҳтимол, палапартишликларнинг, тартибсизликларнинг тобора авж олишига ўзимиз сабабчи бўлаётгандирмиз. Қўша-қўша машиналар, одамлар кўрсин учун қимматбаҳо саруполар, сон-саноқсиз тоғорадаги пишириқлар. Ўйлаб қарайдиган бўлсак, буларнинг бари манманликнинг, мол-дунё кетидан қувишнинг ўзгинаси эмасми? Кераксиз, арзимас нарсалар деб тўй қандай ўтганини ҳам сезмай қоламиз.

Бизга дабдабаю ҳашам, қўшалаб саруполар, ҳатто нечта санъаткорлар қатнашгани муҳим. Гўё шу нарсалар кўнгли-

мизга хузур бағишлайдигандек. Тўйларимиз шу сабаб файзли ўтадигандек...

Яна ўйланиб қоламан. Аввалари ҳам тўйлар шундай бўлганмикан? Лекин замоннинг ўзгаришига ҳам ўзимиз сабабчи эмасмизми? Шакл ўзгариши билан моҳият ўзгармаслигида гап кўп. Бу ҳақида ўйлаб кўриб мулоҳаза юритсак, фойдадан холи бўлмас.

Ҳозирги, айниқса пойтахт тўйлари концертга айланиб қолаётгани табиий хол бўлиб қолди. Бир тўйга ўнталаб ва бундан ҳам зиёдроқ хонандаларни чақириш удумга айланяпти. Санъаткорларимизнинг ўзлари ҳам бундай холдан ранжишяпти. Чунки у ўз кўшиғини бемалол айтиш, истейдодини намойиш этиш имконидан маҳрум. Яқинда бир тўйда худди шундай манзарага дуч келдим. Санъаткорлар навбатга туришибди. "Навбатчи" гуруҳга эса навбат тегиши гумон. Ачинарлиси, у ўтказиши керак бўлган тўйда ўзи навбат кутиб ўтирибди. Саф-саф бўлиб кириб келаётган таниқли санъаткорлар иккита ёки тўртта ашуланнинг мазмунини бузиб шошапиша айтиб кетишяпти. Уларни шу сонияда эндигина кўшиқчилик остонасига қадам кўяётган ҳаваскорларга ўхшатдим.

Азалдан тўйнинг ўз удум-одатлари бўлган. Менимча, тўй-тўйлигича, концерт концертлигича қолгани маъқул.

"Ў, ака сиз тўй қилинг, хоҳлаган артистингизни подарка қиламан. Сизга қайсиниси ёқади. Муҳирми, Юлдузми, Обидми... айтаверинг".

Ҳа, бундай гапларни тез-тез эшитиб қоламиз. Во ажаб, санъаткорларни "совға" қилишга ҳам қодирмиз. Ахир яқин-яқингача Комилжону Маъмуржон акаларнинг халқ ўртасида санъатларига, ўзларига ҳурмат, эътибор юқори эди-ку? Нега бугунги санъаткорларнинг обрўси бундай эмас? Эшитишимча, Муҳаммаджон аканинг хонадонларида одам тирбанд бўлган, тўйчилар йиллаб навбат кутишган. Ҳар ҳолда буни муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Бизни ташвишга солаётган нарса ҳофизларимизнинг қайсидир "акахон ё опахон"ларининг юзидан ўтолмай, кимларгадир "воситачи" бўлиб қолаётганликларидир.

Тўйларимизнинг бошидан охиригача шўх, ўйноқи кўшиқлар айтилишига ўрганиб ҳам қолдик. "Ринна-ринна", "Араваси бор". Хуллас, тўйда мазза қилиб тинглашга арзигулик кўшиқ, топилмайди ё кўшиқ топилса, тингловчи топилмайди. Ҳофизларимизнинг бирига "Нега тўйларда миллий кўшиқ-

ларимиздан айтмайсизлар, десам, халқ, нимани сўраса, айтишга мажбурмиз, биз улар учун қўйлашимиз керак, ўзимиз учун эмас" деб жавоб берди. Хонанданинг ўзи нега ўз қўшиқлари орқали халққа таъсир қилолмапти? Нега тушуниб-тушунмай туркча қўшиқ айтса, ҳамма ўйинга тушади-ю, "Тановар"ни бефарқ тинглайди? Қўшиқ танлашни, айниқса, уни маромига келтириб қўйлаш хонанданинг вазифаси эмасми? Ваҳоланки, фақат одамларни ўртадан чиқармай ўйнатиш санъати ҳаммага манзур бўлди, дегани эмас-ку, ахир! Мени маъзур тутишсину, баъзи хонандаларимиз тўйларда ўзлари нима ҳақида қўйлаётганликларини ҳам билмайдилар. Ёшларни ёш десак, уялмай-нетмай ўртада жазавага тушаётган катта ёшдагиларнинг қилиқлари гашингизга тегади. Маънавият ҳақида кўп гапиримиз аслида маънавият улашадиган ҳам санъаткор. Улар халқни ўз қўшиқлари, одоб-ахлоқлари, юриш-туришлари билан тарбиялашлари керак. Бунинг учун халқ руҳига, қалбига мос қўшиқлар яратиш, уларнинг кўнглига кириб боришга ҳаракат қилиш зарур. Ният нима? Ният одамларни фақат ўйнатиш эмас. Айтилган ашулалар шунчаки, ўткинчи бўлиб қолиши учун ҳам эмас. Балки ўзбек тўйларида ўзбекона руҳ, маданият, ибо, ҳурмат, ҳамма-ҳаммаси, шу жумладан, халқ қўшиқларини ҳам тинглаш деган тушунчалар йўқолмаслиги учундир.

«Туркистон» газетаси, 2005 йил, 15 февраль

САЁЗ МАТН ЯХШИ ҚЎШИҚҚА ЯРАМАЙДИ

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш масалаларига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани қувонардир. Зеро, эстрада санъати ривожини учун кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор қандай самара бераётганига бугун барчамиз гувоҳимиз.

Бежиз қўшиқ миллатнинг юзи, деб айтилмайди. Ҳар бир хонанда ўз қўшиғини билан халқ олдига чиқар экан, бирон фикр айтиши, одамлар дилида эзгулик уруғлари унишига ёрдам бериши зарур.

Қолаверса, профессионал санъат билан ҳаваскорлик ўртасидаги фарқни, аввало, хонанданинг ўзи англаб етиши керак.

Баъзан эфир орқали бадиий жиҳатдан бўш, савиясиз, тумтароқ хонишлар янграб тургани одамнинг дилини хира қилади. Айниқса, қўшиқлар матнидаги саёзликлар, ҳаваскорликка

ҳам даъво қилолмайдиган шеърларнинг қўшиқларга асос қилиб олинishi, оҳанглардаги қоришиқлик масалага жиддийроқ ёндашишни талаб этади.

Шу мақсадда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси қошидаги ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи томонидан ҳозир ҳар бир хонанданинг репертуари ўрганилиб, таҳлил қилиб бориляпти. Таҳлилий жараёнлар давомида баъзан шундай қўшиқлар учрайдики, хонандаликка даъвогарнинг савияси ва маънавияти ҳақида турфа фикрлар пайдо бўлади. Масалан, ёш хонанда Ж.Асатуллаевнинг "Не қилай" (Д.Ғиёсов сўзи) кўшиғи матнида "Дукур-дукур урар юрак бўлсанг сен ёнимда, лекин айтгин нега мен эмас сени ҳаёлингда, фақат сен жоним бажо айла мени истагимни, сўраётганим кўп эмаску қиласан бунча ноз" каби тумтароқ ва пала-партиш сўзлар йиғиндисини кўриб ҳайрон қоласиз.

Хонанда Улугбек Абраев ижросидаги "Атиргул" кўшиғи (кўшиқ матнини хонанданинг ўзи ёзган) "Қўлларимда атиргул, атиргул, сенга гулим беролмасам на қилай, на қилай, кўча кўйда кўрганимда мен сени, санга дардим айтолмасам на қилай" каби қуруқ хитоблардан иборат. Б.Қаҳҳорованинг "Армон" (Х.Сиддиқов) кўшиғи матнида "Сен эдинг, ёрим, ўю ҳаёлим, айт нега ташлаб кетдинг мени, сен эдинг жоним" каби яланғоч муҳаббат изҳорини кўриб ажабланасан.

М.Ҳамидов ижросидаги "Нега танладинг" (Малика сўзи ва мусиқаси) кўшиқ матни ҳам ғализ жумлалардан иборат. "Нега бугун беролмай бардош, сен олдингда эголмадим бош, ташлаб кетдинг мени сен жонгинам"...

Очиғи, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ижодий кўмаклашувчи гуруҳнинг вазифаси хонандаларга бу борада амалий ёрдам бериш ва ижодларини тўғри йўлга йўналтиришдан иборатдир. Репертуарлари талабга жавоб бермаган кўплаб хонандалар кенгаш аъзоларининг таклиф-мулоҳазалари билан таништирилиб, шоир ва бастакорлар билан якка тартибда иш олиб бориляпти.

Эътироф этиш жоизки, репертуарларини муҳокамага ҳавола этаётган хонандалар орасида иқтидорли овоз эгалари оз эмас. Ўз навбатида уларнинг ижоди рағбатлантирилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Муҳими, устоз шогирдлик аънаналарини давом эттириш, шоир, хонанда ва бастакорлар ҳамкорлигини мустақкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Ана шундай ҳамкорликда ишлаётган ижодий гуруҳ таркибида Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, шоирлар Мирпўлат Мирзо, Турсун Али, Рустам Мусурмон, Азиз Саид, Икром Отамурод, Салим Ашур, Ахтамқули сингари ижодкорлар билан бир қаторда бастакор, сайқалчилар Мусахон Нурматов, Дилшод Аҳмадшо, Дилмурод Маткаримов, Иқбол Муҳаммадлар бор.

Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган "Баркамол авлод йили" да бундай ижодий ҳамкорликнинг масъулияти янада ошди. Зеро, бугун ёш истеъдодларни ҳар жиҳатдан қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, халқимиз орасидан янги овоз соҳибларини излаб топиш ҳамда уларни тўғри йўлга йўналтириш маданият ва санъат соҳасида хизмат қилаётган ҳар бир зиёлининг бурчидир.

"Ўзбекнаво" бирлашмасида бўлиб ўтган навбатдаги давра суҳбати "Наврўз - 2010" умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказишга бағишланди. Турли фикр - мулоҳазаларга бой, жонли ва саимимий руҳда ўтган ижодий учрашувда бастакорлар томонидан яратилган янги қўшиқлар тингланди, айрим хонандалар ижросидаги қўшиқлар матни профессионал шоирлар томонидан кўриб чиқилиб, баъзи камчиликлар тўғирланди.

"Бугун қаерга борманг, ким билан гаплашманг, аксарият эстрада хонандалари ва бугунги қўшиқчилигимиз ҳақида баҳс бўлади,- деди Ўзбекистон халқ шоири, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси Иқбол Мирзо. - Тўғри, оммавий ялпи дид ва таъб қолипини яратиб бўлмайди. Ҳар кимнинг ўз дунёқараши бор. Аммо кўпинча танқидий мулоҳазалар ўринли туюладики, уларга қўшилмасдан иложинг қолмайди. Баҳслар асосан сўз, матн, мусиқа, хонандаларнинг саҳна маданияти, клипларидаги хатти-ҳаракатлар масаласида бўлади.

Баъзан айрим хонандаларнинг хонишларида мумтоз адабиётимиз намояндалари ғазалларини бузиб ижро этиш ҳолатлари кузатилмоқда. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг ўтган йилги 4 декабрь сонисида "Куюнчак мактуб" рукни остида берилган "Хонандалар китоб ўқийдими?" сарлавҳали мақолада (муаллиф О.Исмоилов) Огаҳийнинг "Устина" радиопрограммасидаги байтлар хонанда томонидан бузиб ижро этилгани куюнчаклик билан танқид қилинганди. Мақола муаллифи Навоий, Фузулий, Огаҳий ва бошқа

мумтоз адабиётимиз вакиллари газалларини бузиб айтаётганлар орасида нафақат ҳаваскорлар, балки ёшларга устозлик қилаётган санъаткорларнинг борлигини ҳам таъкидлайди ҳамда Огаҳийнинг "Таъвиз - ул- ошиқин" (Ошиқлар тумори) девони дебчасидан авлодларига ёзиб қолдирган ўтинчи, васиятномасини ҳам келтиради. Бироқ куюнчаклик билан ёзилган бу мақолага бирон бир хонанда томонидан муносабат билдирилмагани мени ажаблантирди. Буюк сиймоларнинг бизга мерос бўлиб қолган ижодига эҳтиёткорлик билан ёндошайлик. Уларнинг тилини бузишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ".

Дарҳақиқат, қўшиқчиликдаги камчиликлар борасида матбуотда айтилаётган танқидий мулоҳазаларга хонандаларнинг беписандлиги кишини ажаблантиради. Ўзини ҳурмат қилган ижодкор соҳасига доир ҳар қандай гап-сўзга жиддий эътибор бериши, ўз репертуарини бир кўздан кечириб чиқиши ниҳоятда зарур.

Бастакор Мусахон Нурматов мавзу юзасидан сўзга чиқиб шундай деди:

"Ҳаммамиз ўзимизча тарқоқ ҳолда ижод қилиб келганмиз. Мана бугун биз бастакорлар, таниқли шоирлар билан юзмаюз учрашиб, ижодий фикр алмашиб турганимиздан беҳад мамнунмиз. Қаерга боришни, кимга учрашишни билмасдик. Назаримда барча ижодкорлар учун ижод эшиклари янаям кенгроқ очиляпти, бир-биримиз билан янаям яқинлашаяпмиз. Албатта, бу жуда хайрли ва савобли иш. Чунки ижодкорларнинг бошини қовуштириб, бизга имконият ва шароит яратиб берилаётгани жуда катта гап".

Бастакор истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан санъатга, жумладан, эстрада санъатига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани ривожлантиришни кўзда тутган қатор қарорлар қабул қилинганига тўхталди. Ёш истеъдодларни юзага чиқариш мақсадида мунтазам кўрик-танловлар ўтказилляпти. «Ниҳол» мукофоти таъсис этилди. Пойтахтимизнинг ўзида эстрада йўналишида иккита олий ўқув юртида иккита факультет ва учта коллеж фаолият кўрсатаяпти. Ҳуллас, "йилт" этган истеъдод бўлса, рўёбга чиқиши учун ҳамма имконият яратилган. Озгина меҳнат қилган санъаткор борки, албатта рағбатлантириляпти. Шунча имкониятга, юксак эътиборга жавобан нималар қила олдик, нималар қилишимиз керак, деган савол ҳар қандай виждонли, ор-номусли ижодкорни

ўйлантириши табиий, деди у ўз сўзида. Келинг, очикчасига, беғараз, дўстона мунозара қилайлик. Ўз фикр-мулоҳазаларимизни очик -ойдин айтиб, амалий таклифларимизни билдирайлик. Токи бугунги мулоҳазалар эртага қўйилиши мумкин ва муқаррар бўлган қатъий саволларга ечим бўлсин».

"Мамлакат сарҳадларини қўшин кўриқласа, маънавият сарҳадларини қўшиқ кўриқлайди,-деди шоир Мирпўлат Мирзо. Яхши қўшиқ миллат руҳини ёт туйғулардан асрайди. Қўшиқда илоҳий жозиба бор, у ўзига эргаштирувчи кучга эгадир. Буни ёш санъаткорлар унутмаслиги керак.

Қўшиқ бунёдкорлик қудратига эга. Бунинг ёрқин мисолини мустақиллик йилларида улуг аънамага айланган Наврўз ва Истиқлол шодиёналарида янграгучи ажойиб қўшиқларда кўраман. Хуррият руҳи мужассам қўшиқлар халқимизда Истиқлолга, озод Ватанга меҳр ва муҳаббат туйғуларини камол топтирди. Қадим қадриятларимизга уйғун қўшиқлар жаннатмонанд заминимиздан фахрланиш ва ифтихор қилиш ҳисларини тарбиялайди.

Бир оғиз сўз билан айтиш мумкинки, инсон қалбида қўшиқ аслида ҳаётсеварликнинг рамзи сифатида шаклланган. Лекин ғализ жумлалар, саёз ҳисситёли қўшиқлар урчиб кетаётгани ҳаммамизни ташвишлантирмоқда."

Шунингдек, давра суҳбатида шоирлар Турсун Али, Рустам Мусурмон, Олқор Дамин ва бошқа ижодкорлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар.

Давра суҳбатини бошқарган бирлашма бош директори Азамат Ҳайдаров тадбирнинг фойдали ўтганини таъкидлади. "Айниқса, Юртбошимизнинг бу борадаги эътибори ва ғамхўрлигини алоҳида таъкидлашни истардим,- деди А.Ҳайдаров. - Янги истеъдодларни, янги қўшиқларни, янги шеърларни кашф этиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб, ҳар йили "Ягонасан, муқаддас Ватан" Республика кўрик-танлови ўтказиладиган бўлди. Бу кўрик-танловга давлатимиз томонидан катта миқдорда маблағ ажратилди. Бу ҳар бир ижодкор, айниқса, ёшлар учун кенг имконият яратилди, деганидир. Бир хил овоз, бир хил қўшиқ, ўхшаш оҳанглар ва тақлидлар ўрнини янги номлар, янги қўшиқлар билан тўлдиришимиз зарур. Бу жараёнга ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз керак. Аввало, санъатсевар, диди баланд халқимиз олдида жавобгарлик ҳиссини унутмаган ҳолда, қўшиқчилик санъати енгил-елпи ҳаракатларни эмас, машаққатли меҳнат ва чуқур

изланишни талаб қилишини идрок этайлик. Янги -янги номларни кашф этиш, мазмунан теран қўшиқлар яратиш, қолаверса ижодкорларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, уларни моддий томондан қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифамиздир.

Зеро Юртбошимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида таъкидланганидек "... бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Маданий жамоатчилигимиз, аваламбор муסיқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз".

Давра суҳбатини муаллиф ёзиб олди
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси,
2010 йил, 26 февраль

ЮРАҚДАН КУЙЛАШ БАХТИ

*(Ўзбекистон халқ ҳофизи
Сойибжон Ниёзов ижодига чизги)*

Халқимиз истеъдодларга, ноёб овоз соҳибларига бой. Ҳожжи Абдулазиз Абдурасуловдан, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедову, Юнус Ражабийдан тортиб, Комилжон Отаниёзов, Расулқори Мамадалиеву, Фаттоҳон Мамадалиев... ва бошқа кўйлаб халқимиз суюган хонандаларнинг номларини бугун фахр билан тилга оламиз. Бугун ана шу устозларнинг анъаналарини давом эттираётган хонандаларимиз кўп. Улардан бири Ўзбекистон халқ ҳофизи Соибжон Ниёзовдир. Унинг ижросидаги "Чапандози қаландар", "Мўғулчаи дугоҳ", "Сараҳбори наво", "Самарқанд ушиоғи", "Самандари дугоҳ" каби мақом ашулалари, "Соғинаман васлингни", "Оққушгинам", "Кўз қамашади", "Деди", "Топмадим", "Оромларим йўқолди", «Отажон» каби лирик кўшиқлари ҳам мухлислар кўнглидан жой олган.

- Болалигим Бухоро вилоятининг Юқори Олот қишлоғида кечган,- дея ҳикоя қилади Соибжон Ниёзов. Қишлоғимиз болалари билан кўй боқиб юрган пайтларимизда ёши катта-

роқ болалар бир ерга тўпланишиб, рубобда ўзларича куй ча-
лишарди. Уларни ҳавас билан кузатиб турардим. Ёш бўлганим
учунми, уйдагилар "синдириб кўясан", деб акамнинг қашқар
рубобини менга беришмасди. Мен бўлсам, пайт пойлаб, бо-
лалардан эшитган куйларимни ҳеч кимга билдирмасдан яши-
ринча чалардим. Бир куни уйда ҳеч ким йўқ маҳал Комилжон
Отаниёзовнинг бир кўшиғини ўзимча куйлаётгандим, дадам
келиб қолдилар. Донг қотиб қолдим. Дадам: " Қани яна бир
айтчи,- дедилар. Ўша куннинг ўзидаёқ мени шаҳардаги мусиқа
мактабига олиб келдилар. Ўшанда 4-синф ўқувчиси эдим.

Ёшлигидан Комилжон Отаниёзов, Ортиқ Отажонов
кўшиқларидан илҳомланиб, улғайган Сойибжон кейин-
чалик Раҳматжон Қурбоновни ўзига ғойибона устоз деб
билади. Мусиқа мактабидан сўнг, мусиқа коллежидаги
сабоқ уни чин маънодаги санъаткор бўлишига замин яратди.
Тошкентга келиб Ўзбекистон Давлат Консерваториясига
ўқишга киради. Бу даргоҳда Ўлмас Расуловдай санъаткор
кўлида таҳсил олди. Ижодини Хоразм мақом йўналишида
бошлаган хонанда кейинчалик Фарғона -Тошкент, Бухоро
йўлларида ҳам куйлашга қаттиқ бел боғлади. Дарсдан бўша-
ди дегунча, хассос санъаткор Фаттоҳхон Мамадалиевдан
кўшимча сабоқ олади.

1995 йили Юнус Ражабий хотирасига бағишлаб ўтказил-
ган халқаро мақомчилар кўрик- танловига Сойибжон Ниё-
зов биринчи ўринга сазовор бўлди. "Мақом санъати жуда
мураккаб санъат , уни ижро этиш учун хонанданинг овози
2-3 октава баланд ва кучли, ўзи эса чуқур билимга эга бўли-
ши лозим,- дейди хонанда.

- Бухоро амирлиги даврида ҳам "Шашмақом" фақатгина
саройларда куйланган экан. Эҳтимол, шунинг учун мумтоз
кўшиқларни, катта ашулаларни куйлаш ҳаммага ҳам насиб
этавермайди. Ҳар бир мақом ашуласида катта авж пардалари-
да куйланадиган нозик тебранишлар бор. Катта авжни олганда
хонанданинг бугун аъзосига катта оғирлик тушади".

- *Миллий оҳангларга йўғрилган "Жанон бўламан", "Мустаҳ-
зод", "Тонг отгунча" каби бир қатор кўшиқлар ҳам борки, улар
ҳали-ҳануз халқимиз қалбидан жой олиб келмоқда. Ҳатто эс-
рада йўналишида ҳам куйланиб келинати. Буларнинг унути-
либ кетмаётганига сабаб нимада деб ўйласиз,-деб сўрадик хо-
нандадан.*

- Сиз санаб ўтган қўшиқлар мақом қўшиқлари эмас, миллий қўшиқлар сирасига киради. Улар халқимизнинг маънавий мулкига айланиб бўлган. Бу ашулаларни яратган ва ижро этган санъаткорларимиз мақом санъатини пухта эгаллаганлар. Уларнинг замирида мақомнинг руҳи миллий оҳанглар сақланиб қолган. Устозларнинг: " Ёмон ашула йўқ, ёмон ашулачи бор", - деган гапи бор. Фикримча, кимки мақом ёки миллий қўшиқларимизни куйламоқчи экан, уни бузиб ижро этишга ҳаққи йўқ. Негаки, буюк санъатимизни, неча асрлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келаётган меромизни келгуси авлодга асл ҳолича қолдириш барчамизнинг бурчимиз. Агар энгил елпилик билан куйлаб, мусиқаси, оҳангини бузиб, сўзларини нотўғри талаффуз қилиб ижро этсак, бугунги ёшлар ҳам шуни такрорлайдилар.

- *Бугун орамизда қўшиқ айтиш учун ўқиш унчалик шарт эмас, овоз бўлса бўлди, деган тушунча билан ижод қилаётганлар ҳам йўқ эмас.*

- Ким ва қайси касб соҳиби бўлмасин, аввал илм олиши зарур. Тўғри, авваллари ҳаваскорлар деган тушунча бўларди. Ҳаваскор ўз номи билан ҳаваскор. Улардан кўп нарса талаб қилинмайди. Чин маънодаги санъаткор бўлиш, мақом йўлидаги ашулаларни мукамал эгаллаш учун юқорида айтганимдек, катта билим, қунт, сабр, бардош керак.

Санъаткор халқнинг назаридаги инсон. У ўзи айтаётган қўшиқ ё ашуланинг сўзига тушунмаса, ўзгаларга нимани тушунтиради? Мусиқий саводи бўлмаган, адабиётни тушунмаган, сўзнинг маъно моҳиятини ҳис этмаган хонанданинг қўшиқлари ўткинчи. Баъзи хонандаларга "намуд" ёки "мақом" сўзининг маъносини айтиб бер, -десангиз "билмайман" дейди. Устоз кўрмаган хонанда шундай бўлади.

Кези келганда менга беминнат ёрдам берган, мақом ашулалари сир-синоатини ўргатган беназир устозларимга чексиз ҳурматимни билдираман. Бир воқеа ёдимга тушиб кетди. Бир куни устозим Орифхон Хотамов билан Абдуҳошим Исмоилов мени Таваккал Қодировнинг уйларига олиб боришди. У маҳалда анча ёш эдим. Таваккал аканинг бағрикенглигини қарангки, ўз қўллари билан ош дамлаб бизни кутаётган эканлар. Менга "Мўғулчаи дугоҳ"ни айттиришди. Ашула тутагач, Таваккал ака мени роса дуо қилдилар. Ориф аканинг вафотларидан уч кун аввал уларни кўргани бордим. Устоз оппоқ кийимда фариштадек бўлиб ўтирибдилар. Менга секингина қараб қўйдилар ва мени йиғлаб дуо

қилдилар. Ўша кунларни эсласам ҳали-ҳануз эгим жимирлаб кетади. Мен устозлар дуосини олган бахтли ҳофизман. Мана, ҳозир ўзим ҳам шоғирдлар тайёрлаяпман. Барча вилоятларда шоғирдларим бор. Устозларим менга ниманики ўргатишган бўлса, мен ҳам шоғирдларимга қўлдан келганча ўргатиб келяпман.

— *Тарбиянинг энг олий кўриниши - туйғулар тарбиясидир, деган эди адиблардан бири. Дарҳақиқат, ўлмас куй- кўшиқ ва ашуларда туйғуларни тарбияловчи хусусият бор. Шундай эмасми?*

— Тўғри. Бугун кўпгина кўшиқларда айнан туйғулар тарбияси етишмайди. Аксарият кўшиқлар қуруқ, дағал, шунчаки "гап"ларга ўхшаб туюлади. Менимча бундай кўшиқларнинг умри қисқа. Бугун бор, эртага йўқ.

— *Сизни қайси ҳофизларнинг кўшиқлари таъсирлантиради?*

— Биласизми, мен устоз санъаткорлар Ҳожихон Болтаев ва Орифхон Хотамовлар ижросини тинглаганимда юрагимда аллақандай ҳислар пайдо бўлади. Кўнглимда ажиб ҳис туйғулар жўш ураётганини, руҳим бир қадар покланаётганини сезаман. Ҳақиқий санъатнинг кучи шу бўлса керак. Бир куни қизиқ бир ҳолатга тушдим. Қаҳрамон Комилов мусиқа басталаган "Сени севдим" кўшиғи ёзилапти. Ишонасизми, қирқта созандани тўплаганман. Бу кўшиқ мақом йўналишидаги кўшиқ эмас. Лекин куйлаяпману кўзимдан шашқатор ёш оқади. Ўзимни тўхтатолмайман. Ҳамма созандалар ҳайрон. Мен куйлаётган кўшиғимда яшаётгандим.

— *Ўз ижодингизда ҳам маълум ўзгаришлар кўзга ташланяпти. Эстрада жанрига ҳам қўл уряпсиз чоғи?*

— Эстрада жанрига қўл уришим, репертуаримдан лирик кўшиқлар бўлишига эришиш бу жанрларда ҳам бемалол куйлай олишимни исботлаш эди, холос. Мақом - бу менинг ҳаётим. Мақомнинг тингловчилари бошқа, эстрада жанрининг тингловчилари бошқа. Буни унутмаслик керак. Қайси жанрда ижод қилишимдан қатъи назар, кўшиқ санъатига борлиғимни бахшида этиб, юракдан куйлаш иштиёқда яшайман.

2009 йил ҳофиз учун омадли келди. Сойибжон Ниёзов ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб Ўзбекистон халқ ҳофизи унвонига сазовор бўлди. "Зарафшон" концерт залида мухлисларга "Кўнгил истаб" деб номланган яқохон концерт дастурини тақдим этди. Дастурда йигирмадан зиёд мақом ашулалари жонли овозда янгради. Ҳофизнинг авж пардаларда куйлаши барча мухлисларини мамнун этди. Зал-

да хонанданинг хонишларидан сел бўлиб ўтирган тингловчиларни кўриб санъатнинг қудратига яна бир бор амин бўлдик. Шунда беихтиёр Чингиз Айтматовнинг қуйидаги сўзлари ёдимизга келди.

"... биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз. Бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан бошлаб бутун тарихимиз давомида курашганмиз. Лекин унга фақат мусиқадагина қойим бўлганмиз. Фақат мусиқагина барча замонларнинг ақидаларини енгиб ўтиб, доимо келажак сари интилади..."

*"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси,
2010 йил, 15 январь*

СОҲИР ОВОЗ СОҲИБИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Муҳриддин Холиқов билан суҳбат)*

Муҳриддин Холиқов - 1959 йилнинг 5 сентябрида туғилган. 1980 йили А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтига ўқишга кирган. "Қамолот - 89" конкурсининг ғолиби. Тўрт фарзанднинг отаси. Ҳаётдаги шиори. "Мардлик ва бир сўзлик". "Саломга қараб алик олиш"ни ва ваъдасининг устидан чиқишни ёқтиради.

Таҳририятда иш бошлаганимда ёшгина қизча эдим. Мени таҳририятдан республикаимзда чиқаётган газеталарнинг бирига амалиёт ўтагани жўнатишди. Санъатга бўлган қизиқишим туфайли бўлса керак, нуқул санъатга тааллуқли мақолаларни эринмай кузатар эдим. 1989-90 йиллар орасида севимли хонанда Муҳриддин Холиқов ҳақида "Тошкент оқшони", "Тошкент ҳақиқати", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газеталари саҳифаларида бирин-кетин мақолалар чоп этила бошланди. Ўшанда "бир кун келиб мен ҳам бу санъаткор ҳақида мақола ёзаман", -деб дилимга тугиб қўйган эдим. Орадан роппа-роса ўн йил вақт ўтди. Ниҳоят суҳбатдошим билан юз кўришиб, мулоқот қилиш менга насиб этди.

Шу ўринда севимли хонанда Муҳриддин Холиқовнинг киши қалбини оханрабодек ўзига жалб этувчи қўшиқлари ҳақида ортиқча таърифу тавсифга берилиш, бизнингча шарт эмас. Унинг ижросидаги ҳар бир қўшиқнинг тезда оммалашиб, мухлислари юрагидан ўрин олишининг ўзи кифоя, шундай эмасми? Муҳриддин ака билан бўлган қуйидаги суҳбат эса бугунги қўшиқчилик санъатининг баъзи жиҳатлари ҳақида.

– *Мухриддин ака, мени анчадан бери бир савол қийнайди. Кўпчилик хонандалар дастлабки чиқишларида лов этиб ёниб, мухлисларда катта умид уйғотишадую бироз танилиб бўлишгач, негадир уларни ўша иштиёқ, эҳтирос тарк этгандай, бир жойда қотиб, туйғусиз бўлиб қолаётгандай туюлади. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?*

– Тоққа чиқётган инсонни ҳеч кузатганмисиз. Ўша одам кўп машаққатлар чекиб, тирмаша-тирмаша дастлабки қирни забт этади ва ўзининг тоғнинг энг баланд чўққисини забт этган гумон қилади ёки навбатдаги тепаликка интилиш учун ўзида куч топа билмайди. Санъатда эса ҳали тепаликка чиқишга улгурмай, бир жойда тўхтаб қолувчилар жуда кўп. Ўзининг назарида ўша инсон манзилга етиб келдим, деб ўйлайди.

Фикримча, ҳар бир инсоннинг ўз имконият доираси бор. У ўша имкониятдан ташқарига чиқолмайди. Демокчиманки, ҳар кимнинг бирон манзилни забт этиш этмаслиги унинг Аллоҳ томонидан унга берилган куч-қувват ва имкониятларига боғлиқ. Сиз айтган туйғусизлик масаласига келсак, куйлаётган кишини ҳеч қачон ҳис туйғу тарк этмайди. Хонандада кечаётган руҳий ҳолат барибир атрофидагиларга ўзига сезилганчалик сезилмайди.

– *Баъзи санъаткорлар машҳур бўлгани сари атрофдан, одамлардан ажралиб қола бошлайди. Сиз бунинг ўзингизда ҳис қилганмисиз?*

– Ростини айтсам, мен одамлардан ажралиб қолишни ҳис қилмаганман ва қилмайман ҳам. Нега мени эъозлаган халқдан ўзимни олиб қочишим, узоқроқ тутишим керак.

– *Ҳозирги кўшиқларда маънавий юксаклик этишмайди. Бунинг сабаблари, оқибатлари ҳақида нима дея оласиз?*

– Енгил-елпи кўшиқларнинг тобора авж олаётганига фақат хонандалар эмас, халқ ҳам сабабчи деб биламан. Аввало халқ кўшиқ тинглашни, кейин санъаткордан кўшиқ талаб қилишни билиши керак. Сизга бир мисол айтай. 80-йиллар эди. Бир тўйда мендан "Мустаҳзод" кўшиғини ижро этиб беришимни сўрашди. Мен билмайман, - дедим. Шунда кўшиқ сўраган киши дўстона оҳангда менга қараб, "Ука, санъатнинг нонини есангиз, албатта бу кўшиқни ўрганинг", - деди. Яна бир куни бошқа тўйда "Шайдо этиб кет" ашуласини сўрашди. Бу ашулани ҳам билмасдим. Шу пайт ашула сўраган одам ғазаб билан қўлимдан микрофонни тортиб олиб, бир нарсалар деб гудранди. Қаранг, дўстона оҳангда гапирган кишининг сўзи-

дан, газаб билан айтилган сўз жонимдан ўтиб кетди. Жудаям қаттиқ таъсирланганимдан, бу ашуланинг матнини эртасигаёқ топиб ўргандим. Мана, у пайтдаги одамларнинг санъатни тушунишлари, талабчанликлари, хонандалар ижодига бефарқ эмасликлари. Бугун-чи? Хонанда нимани айтаяпти, нима демоқчи, ҳеч кимнинг иши ҳам йўқ, ҳамма ўртага тушиб ўйнаса бўлди. Оқибатини эса ўзингиз кўриб турибсиз. Кундан кунга саёз кўшиқлар туғилиб ётибди. Халқ санъаткордан ҳар қанча талаб қилишга ҳақли. Агар халқ хонандадан талаб қилса, хонанда ҳам масъулият ҳис қилади. Бугун айтолмаган кўшиқни эртага албатта ўрганишга мажбур бўлади.

– Эшитишимча шогирдларингиз саҳнага чиқиш олдидан Сиздан фотиҳа олишаркан. Сизга ҳам кимдир шундай муносабат билан куйлашга йўл берганми?

– Саҳнага чиқишдан олдин ҳар бир хонанда ўзи устоз деб билган кишисидан "фотиҳа" олади. Бу азалдан бор одат. Саҳнага чиқишнинг ҳам ўз сир-синоатлари, йўллари бор. Менинг саҳнага чиқишимга йўл бериб, фотиҳа берган инсон - отам. Шунингдек, кўпгина санъат усталари, устозларим марҳум санъаткор Комилжон Отаниёзов, Комилжон Баратов, Камолддин Раҳимов, Шерали Жўраев каби халқ суйган санъаткорлардан фотиҳа олиб кейин катта саҳнага чиққанман.

– Кўпгина истеъдодли хонандалар халққа танилмай, четда қолиб кетадилар. Истеъдоднинг юзага чиқиши учун биринчи навбатда нима керак деб ҳисоблайсиз?

- Фақат Аллоҳнинг назари тушиши керак.
- *Ҳаётда кўнгил майлига қараб яшайсизми ё ақл?*
- Ҳамиша ақлни устун қўйиб яшайдиган инсонман.
- *Кўнгилчанмисиз ё шафқатсиз?*
- Шафқатсиз бўлолмайман.
- *Ҳаётингизнинг мазмуни нимада?*

Инсонларга кўлдан келганча, имконият борича яхшилиқ қилишда.

– Пули кўп одамнинг ташвиши бўлмайди дейишади. Ташвиш нималигини билмасангиз керак?

– Пул қанча кўп бўлса ташвиш ҳам шунча кўп бўлади. Энг бахтли, энг хотиржам, энг беташвиш инсон ким биласизми? Пули йўқ одам. Ахир пули йўқнинг ҳам қора қозони қайнайди-ку.

– *Йиғлаганмисиз?*

– Ҳаётимда икки марта қаттиқ йиғлаганман. Биринчи бор - халқ олқишига сазовор бўлган кунимда қувончимни ичимга сиғдиролмай йиғлаганман, иккинси марта иккита истеъдодли шогирдларимнинг бевақт вафот этган куннда қаттиқ йиғлаганман. Бунни сўз билан ифодалаш қийин.

– *Кўролмаслик, ҳасад каби ёмон иллатлар ҳам бор. Бу туйғулар айниқса санъаткорларда кучли бўлади, дейишади. Сизда ҳасад борми?*

– Мен бировга ҳасад эмас, ҳавас қилишим мумкин деб ўйлайман. Ҳасад қандай одамларда бўлади, биласизми. Сенда бор бўлса кўролмайди, йўқ бўлса беролмайди. Яхшиликни бошқалар туратурсин, ҳатто ўзига ҳам раво кўрмайдиган одамларда ҳасад кучли бўлади.

– *Кимларга ҳавас қилишингиз мумкин?*

– Кўнгли сувдай тиниқ, қалби ҳам, вужуди ҳам покиза инсонларга ҳавас қиламан.

– *Бир суҳбатда ҳайвонлардан шерни яхши кўраман, дегандингиз. Нега айнан шерни?*

– Шер энг ақли ва кучли ҳайвон бўлгани учун.

– *Мухлисларингизга тилакларингиз?*

– Мард, одил, бир сўзли инсон бўлишин.

"Ёш куч" журнали, 1999 йил, 9-10-сон

ОҲАНГИДА МИЛЛИЙЛИК ЗОҲИР

Салоҳиддин Азизбоев – 1964 йилда Тожикистоннинг Ўра-тепа шаҳрида санъаткор оиласида туғилган. Урта мактабни тугатиб, Содирхон Ҳофиз номидаги Хўжанд мусиқа билим юртига ўқишга кирган. 1983 йилда М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваторияси (Ҳозирги Ўзбекистон Давлат Консерваторияси) га қабул қилиниб, шундан буён анъанавий ижрочилик кафедрасида ғижжак сози мутахассислиги бўйича ишлаб келмоқда. ЎДК доценти. Севган ва севиб ижро этадиган қўшиқлари "Самарқанд ушшоғи", "Қаро кўзим", "Фигон", "Армони битта", "Айлама", "Оҳ гулим", "Кел энди".

Ғижжак навоси узоқлардан маҳзун таралмоқда. Унинг оҳангига сармаст бўлиб, беихтиёр ўзингиз ҳам хиргойи қиласиз.

Куйдаги нола, маҳзунлик дилингизни ўртайди. Гижжак - бу ўзбекнинг дардини, ўтмишини, бугуни ва эртасини куйловчи ўлмас соз. Шунинг учун ҳам бу сознинг майин овозини тинглаганимизда ўзбек деган ифтихор, мағрурлик туйғуси яна қайта жонлангандек бўлади.

– *Салоҳиддин ака, сиз асли гижжак сози мутахассисисиз. Кейинги пайтда қўшиқлар ҳам ижро этаяпсиз.*

– Аслида қўшиқ куйлаш ҳаёлимга ҳам келмаганди. Кўпгина санъат гуруҳларида созанда бўлиб ишлаб юрдим. Куйлар ҳам басталадим. Ҳатто гуруҳимиз аъзолари ҳам мени қўшиқ айтади, деб ўйлашмаган. Басталаган куйларимни уларга хиргойи қилиб берардим, холос. Очигини айтганда, ўзимда масъулият сезардим. Қўшиқчиман деб даъво қилолмайман. Ҳаққим йўқ. Севган машғулотим десам тўғри бўлади. Гижжак созига келсак, у ҳамини мен билан. Шогирдларимга, ўқувчиларимга ўргатаётганимдан бахтиёрман.

– *Кузатган одам қўшиқларингизнинг аксарияти мумтоз оҳангларда ижро этилаётганини сезади...*

– Ҳар бир хонанданинг ички туйғу ва кечинмалари қандай бўлса, ана шу ҳис туйғулар қўшиқларида зоҳир бўлади. Мумтоз куй қўшиқлардан узоқ қўшиқларни куйлай олмайман. Шу ўринда бир воқеани айтиб берай. Покистонда бир гуруҳ санъаткорлар билан сафарда бўлдик. У ерда ўзбеклар жуда кўпчиликини ташкил этар экан. Залдагилар бизга "Муножот"дан, "Ушшоқ"дан айтинглари, деб илтимос қилишди. Демак - миллий оҳанг, мумтоз куй қўшиқлар бу фақат менинг дардим, изтиробларим эмас, бу ҳар бир ўзбекнинг, ҳар бир шарқ кишининг қонида оқадиган туйғу. Мен ҳам шуларнинг бири сифатида шарқ мумтоз мусиқаси ошиғи, шайдосиман.

– *Замонавий қўшиқларни, дейлик эстрадани қабул қилолмайсизми?*

– Юқоридаги сўзимни тўғри қабул қилинг. Замонавий қўшиқлар керак эмас деяётганим йўқ. Олдинга интилиш учун ўтмишни унутмаслик, таъбир жоиз бўлса, гуллаётган дарахт илдизини ҳис қилиб турмоғи лозим. Рэп, рок йўналишлари, шовқин-суронли мусиқаларга келсак, уларнинг ҳам қаердан келиб чиққанига эътибор бериш керак.

Фарбдан, демак, илдиз бошқа. Фарбни эшитиш керак. Фақат унга кўр-кўрона тақлид ёмон. Бошқа миллат вакиллари

учун шовқинлар, саҳнадаги жалб этувчи ҳаракатлар одатий ҳол бўлиши мумкин. Лекин булар ўзбек мусиқаси, санъати, маданияти нуқтаи назаридан қабул қилинмайдиган "синг-майдиган" ижро усуллари.

– *Миллий оҳангларни ҳам, ҳозир сиз айтган ғарб оҳанглари-ни ҳам уйғунлаштириб, замонавий қўшиқчиликда, эстрадада қўллаётганлар бор-ку.*

– Минг афсуски бундай ҳолларда четдан олинган оҳанглар соф туркона оҳангларни босиб кетяпти. Бу жараён ўзбек санъатини ривожлантирмайди.

– *Яхши қўшиқ инсонга нима беради, фикрми, ҳис-туйғуми, инсоний фазилатларни шакллантирадими?*

– Санаб ўтганларингизни барчасини бериши мумкин. Фақатгина қай вақт, қандай кайфиятда, қандай қўшиқлигига боғлиқ. Масалан, одам йиғлаб турганида шўх-ўйноқи қўшиқ эшитгиси келадими. Бугунги қўшиқчиликдаги энг асосий иллат менимча сўз танлашда кўринмоқда. Шеър фақат бугунни ифодаламаслиги, эскирмаслиги лозим. Шундагина қўшиқ инсон руҳига ҳам, ақлига ҳам таъсир қила олади.

– *Хонандалар тез-тез янги қўшиқлар куйлашмаса, кассеталар чиқаришмаса худди халқ назаридан тушиб қолаётгандай туюлаверади. Тезда янги қўшиқлар яратиш қўшиқнинг сифатига таъсир қилмайдими?*

– Йилига янги қўшиқ яратмаган хонандани ижод қилмай қўйибди, десак хато бўлади. Балки у изланишдадир. Битта кассета чиқариш учун йиллаб ижод қилиш, қўшиқ устида меҳнат қилиш керак. Бу ижодий жараён биринчи навбатда масъулият, иккинчидан, шошилмасликни талаб қилади. Шу билан бирга бу жараён ҳар бир хонанда ижодида ҳар хил кечади. Қўшиқнинг сифати ҳақида гапирадиган бўлсак, хонанда қисқа вақт ичида қўшиқ яратадими ё тезлик биланми, бунинг аҳамияти йўқ, муҳими, у қандай қўшиқ ярата олганига боғлиқ.

– *"Камолот", "Анор", "Офарин" ва бошқа кўрик танловлар ўтказилди. Бу танловлар кўпгина иқтидорли ёшларни элга танитди. Танловларга муносабатингиз?*

– Танловларда қачонки таниш-билишчилик, кўзбўямачилик йўқолмас экан, бу танлов эмас. Шу ўринда бир эътирозим бор. Масъул раҳбарлар ва танловларга бош-қош бўлаётганлар нега саёз қўшиқларга аҳамият бермаяптилар. Балки бу соҳада қайсидир маънода қаттиққўллик керакмикин.

Кўриқда қўшиқчиларни йиғиб, фонограммасиз, ўзининг соф овозида эшитишсин. Халқ танлайди. Агар халқ эшитмаса, тан олмаса, хоҳ биринчи, хоҳ иккинчи ўринни олмайлик, бу билан ўзимизни алдаган бўламиз, холос. Санъат - пулга сотилмайди. У соф ва бегараз бўлиши лозим.

– Суҳбатингиз учун ташаккур.

"Ёш куч" журнали, 1996 йил, 5-сон

КҲНГИЛ ТОРИНИНГ СИРИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Шахбоз Низомитдинов ижодига бир назар)*

Энди мактаб остонасига қадам қўйган ўқувчилар эдик. У пайтлар ҳали эстрада санъати нима эканини тушунмаганимиз рост. Лекин "ойнаи жаҳон" орқали узатиладиган куй-қўшиқлар сира эътиборимиздан четда қолмасди. Биз болалар ўзимизча гоҳ Санобар Раҳмонова, гоҳ Марғуба Собирова, гоҳ "Ялла" гуруҳи бўлгимиз келар, улар ижросидаги қўшиқларни ўзимизча хиргойи қилиб юрардик.

Орадан йиллар ўтиб, бу қўшиқлар бизнинг кўнглимизга нақадар сингиб кетганини, ўзимиз сезмаган ҳолда руҳиятимизга ўзгача таъсир қилганини ва маълум маънода тарбиявий аҳамиятга эга эканини англай бошладик. Бу қўшиқларни ҳозир ҳам қайта-қайта тинглагимиз келаверади. Ички бир соғинч билан қўмсаймиз...

1971 йилда ташкил этилган "Ялла" ансамбли ўша пайтларда эл оғзига тушган, кўплаб мухлислар қалбини ром этган, ўзбек эстрада санъатига тамал тошини қўйган Ботир Зокировнинг издошлари эди.

Албатта, ҳаётда ҳамма воқеалар ҳам тасодифий, фавқулодда бўлавермайди. "Ялла" нинг ҳам ташкил этилиши тасодифий эмас эди. Ўша кезлари Тошкент театр ва рассомчилик (ҳозирги Тошкент давлат Санъат институти) нинг ўқув театрига Герман Рашков деган инсон раҳбарлик қиларди. Унда ташкилотчилик қобилияти ниҳоятда кучли бўлиб, санъатни юксак кадрларди. Ўзбек эстрада оркестрининг таниқли дирижёри, барчамиз севиб тинглайдиган машхур "Дилбарим" киносидаги Дилбарим қўшиғининг муаллифи Альберт Малаховнинг вафотидан кейин оркестр бироз ночор аҳволга келиб қолади. Ўша кезлари Ленинграддан созанда ва бастакор Евгений Ширяев Тошкентга келади. Шунда Рашков Евгений Ширяевни институт қошидаги ансамблга мусиқа раҳбари этиб тайинланишини, бу ансамбл келгуси-

да катта шуҳрат қозонишини айтиб, уни бу ишга ундайди. Албатта, унинг истагида юксак мақсади бўлгани аниқ. У ҳам бўлса Москвада ўтказиладиган танловда Ўзбекистондан бирон бир эстрада гуруҳини олиб чиқиш ва танитиш эди. Хуллас, бир гуруҳ мутахассислар йиғилишиб, ансамблга бирор ном қўйишни маслаҳатлашадилар. Кимдир у дейди, яна кимдир бу. Шунда таниқли домлалардан Анатолий Зухурович Қобулов "ансамблга "Ялла" деб ном берсак, қандай бўларкин?" - дейди. "Ялла" бу шундай қувноқ қўшиққи, уни тинглаган одам ўйнамасдан туролмайди, деб изоҳ ҳам беради домла. Бу ном кўпчиликка маъқул келади. Кейин... ансамблга Фаррух Зокиров, Равшан Зокиров, Шаҳбоз Низомитдинов, Баҳодир Жўраев, Сергей Аванесев, Шамил Закиров, Раҳим Орифхўжаев, Григорий Пушен, Виталий Зубарев, Лариса Кандалова сингари иқтидорли ёшлар аъзо бўладилар. Бирин-кетин ансамбл ижросида "Навниҳол", "Торимнинг сири", "Қиз бола", "Қарғалар", "Бойчечак" каби қўшиқлар яратилади. Ўша пайтларда гуруҳлар бугунги кундаги каби кўп бўлмаса-да, ҳар ҳолда "Садо", "Наво", сингари гуруҳлар ҳам сермазмун ижод қилган. Шунга қарамай, "Ялла" нинг тез орада обрў эътибор қозонганини, эл оғзига тушиб шуҳрат топганини ёши улуғлар яхши билишади. Гуруҳ ижросидаги "Қиз бола" қўшиғи ўша пайтларда "Хит" бўлган десак хато бўлмас. Гуруҳ бу қўшиқнинг мусиқасига миллий созларимиздан рубоб ва доира созини қўшиб, унинг жилосини янада оширган. Эстрада оҳанглариغا миллий созларимизни киритган, янгилик олиб кирган ҳам "Ялла" бўлади. Кейинчалик бу анъана бошқа хонандалар ижодида ҳам кўзга ташлана борди.

"Ялла"нинг бу қадар машҳур бўлиши сабаблари нима деган ҳақли савол туғилади. Эҳтимол, ўша йилларда эстрада қўшиқчилиқ санъатида рақобат бугунгидагидек кучли бўлмагандир, балки қўшиқ куйлашга ҳар ким ҳам эҳтиёж сезмагандир. Балки ижро маҳоратининг пухталиги ёйинки мусиқаларнинг тароватими, ҳар қалай бу каби саволларга жавоб топиш мушкул. Бироқ, менинг назаримда гуруҳга йиғилган йигитлар санъатга тасодифан келиб қолган эмасдилар. Уларнинг ҳар бири санъаткорлар, маданият соҳасида ишлаган зиёлилар оиласида туғилиб вояга етганлар. Агар қўшиқ матнлари бадиий жиҳатдан мукамал бўлган, дейдиган бўлсак, бу фикр ҳам бироз эътирозга сабаб бўлади. Негаки улар ижро этган қўшиқлар матни содда, равон сўзларга қурилган. Мисол тариқасида "Қиз бола", "Кел-кел жоним", "Қарғалар"

каби кўшиқларни келтириш мумкин. Гуруҳ иштирокчиларининг ҳар бири кўшиқ куйлаш жараёнида бош қаҳрамон вази фасини бажаришган. Ҳар бири кўшиқ ичида яшаб, ўз ижро маҳоратларини намоеън эта билишган. Ва албатта, муסיқалардаги оҳангдорлик, жозибанинг кучлилигидан сўзларнинг маъно мазмуни ҳам у қадар аҳамият касб этмаган. Завқ шавқ улашадиган, рақсбоп кўшиқлар бутун залдаги томошабинларни ҳаяжонлантирган. "Ялла" ансамблининг фақат Ватанимизда эмас, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ҳам шуҳрат қозонгани ҳақида мисоллар бор. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов чет эл сафари ҳақидаги саёҳатномасида қизиқ воқеани тасвирлайди.

"Мексика пойтахти Мехикодан Гвадалахаргача автобусда бордик. Олти юз чақирим масофани машинада юриб ўтиши унчалик "роҳатбахш" эмас. Аммо атрофдаги нотаниш манзаралар билан ҳаёлимиз бўлиниб йўл машаққатини унчалик сезмадик. Фақат Фарруҳ Зокиров бошчилигидаги "Ялла" йигитлари автобуснинг орқа ўриндиғига ўтириб олиб, бора-боргунча "тинғир-тинғир" қилгани бир қадар эриш туюлди. Фарруҳдан нима қилаётганини сўрасам, мексикаликларнинг "Сиолито линдо" ("Тиниқ осмон") деган кўшиғини мексикан тилида (мексикаликлар испан тилида сўзлашади, бироқ уларнинг тили европалик испанликларникидан бир қадар фарқ қилади) машқ қилишаётган экан... Эртасига Гвадалахар шаҳрининг катта бир боғида "Ялла" концерт берди. Минглаб одамлар йиғилган. Улар бизнинг тилни тушунмайди. Шу боисдан бўлса керак, баъзи ёш яланглар концерт бошланганда хиринглашиб, ҳуштак чалиб ўтирди. Аммо Фарруҳ "Сиолито линдо"ни айта бошлаши билан бир зум жимлик чўкдида гулдурас қарсақлар янгради. "Ялла" "Чойхона" кўшиғини ижро этаркан, ўша "тўполончи" ёшларнинг ўзи баравар қарсақ чалиб, "На Востоке- На Востоке" деб жўр бўла бошлади. Шунда мен "Ялла" йигитларининг ноёб истеъдоди, топқирлиги ва меҳнат-севарлигига қойил қолдим..."

Чиндан ҳам бу ансамблни Фарба ҳам, Шарқда ҳам эъзозлайдиган мухлислари кўп. Гуруҳнинг илк аъзоси, ширали овози билан ажралиб турадиган таниқли эстрада хонандаси "Ялла - ретро" гуруҳи иштирокчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шаҳбоз Низомитдиновнинг ансамблда ўзига хос ва мос ўрни бўлган. Ҳар бир кўшиқда унинг бетакроп овозининг жаранги бор. У гуруҳ ташкил этилгандан то 1980 йилгача қилган ижодий изланишларини дилдан кўмсайди,

соғинади. Бироқ тақдирнинг ёзуғини қарангки, Шаҳбоз ака соғлиги туфайли маълум давр ижодини тўхтатади. Йиллар ўтгач эса, гуруҳга қайтмайди.

1982 йили Ўзбекистон радиосига ишга боради. Ўшанда эстрада симфоник оркестрининг бадий раҳбари Дони Илёсов эди. Шаҳбоз ака ижодини эстрада симфоник оркестрида давом эттиради. Санъатга чинакам муҳаббат қўйган ва усиз ўзини бир зум ҳам тасаввур этолмаган Шаҳбоз Низомитдинов ижодий изланишни давом эттиради ва бирин-кетин "Изҳор", "Садқайи кўз ёшларинг кетсин", "Ўхшар", "Сен қайдасан биласан", "Кўнгил банд бўлди", "Ассалом Тошкент", "Нозик" сингари дилтортар қўшиқлар яратади. Хонанданинг айтишича, "Нозик" қўшиғини у яхши-ёмон кунларида доимо унга ҳамлард бўлган турмуш ўртоғи Моҳизар опага бағишлаган экан.

1996 йили санъаткорнинг эллик ёшлиғи тўйига гуруҳнинг илк қалдирғочлари тўпланишади. Ҳаммалари биргаликда "Торимнинг сири" қўшиғини куйлашади. Уларнинг шу дамдаги кўнгилларидан кечаётган соҳир ва инжа туйғулар фақат ижодкорларнинг ўзларигагина аён. Улар шу қўшиқ орқали беғубор ёшлик дамларини, гўзал ва бетакрор йигитлик чоғларини, муҳаббатга лиммо-лим тўлган юрак сирларини "Торларининг сири" орқали ифодалашгани аниқ. Уларнинг кўзларидан оқаяётган шашқатор ёш саҳна соғинчининг, садоқатнинг, бирга ўтказилган масрур дамларнинг нишонасидан дарак бериб турарди.. Ортга қайтмоқликка йўл йўқ. Вақт шиддат-ла ўтиб бўлган. Бироқ, қўшиқ соғинчи хонандани яна қайтадан гуруҳ тузишга чорлайди.

1990 йилда хонанда фарзандлари Моҳинур, Шоҳрух ва Зариналардаги мусиқага бўлган муҳаббатни англагач, "Муסיқали хонадон" оилавий гуруҳ ташкил этади. Ва болалар учун бир қатор қўшиқлар яратилади.

1996 йил ҳам Шаҳбоз Низомитдинов ҳаётидаги унутилмас йиллардан бири бўлди. У Алишер Навоий номли опера ва балет театрида саҳналаштирилган "Буюк Темур" операсида Соҳибқирон Амир Темур образини яратишга эришди.

2001 йили "Ялла - ретро" гуруҳининг тузилиши хонанданинг кўнгил соҳилидаги соғинчининг ифодаси, дейиш мумкин. Шаҳбоз Низомитдиновга Элдор Усмонов яқиндан ёрдам беради. Вақтнинг, даврнинг тез ўтиши, техниканинг тобора ривожланиши сабаб хонанда кўпгина эски қўшиқларни ян-

гитдан сайқал бериб, қайта ишлайди. Санъатнинг сеҳри ҳам шундаки, у ёш ва кўнгил танлаб ўтирмайди. Шаҳбоз ака ҳамон унча мунча ёшлардан яхшироқ куйлай олади. Бунинг учун унда куч ҳам, овоз ҳам, юрагидаги жўшқинлик ҳам ва энг муҳими санъатга ва гўзалликка ошно қалб бор. Санъаткорнинг бахти ҳам шунда.

"Театр" журнали, 2009 йил, 5-сон

ҚЎШИҚ ЮРАҚДАН ЧИҚСА

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Собиржон Мўминов ижодига назар)*

Собиржон Мўминов – 1969 йил 19 октябрда санъаткор оилда туғилган. У етти ёшида мусиқа мактабида скрипка сози бўйича, сўнгра билим юртида таҳсил олди.

1990 йилда А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг «анъанавий ижрочилик» факультетига ўқишга кирди. Ҳозирда «Ўзбекистон» ашула ва рақс дастасида яккахон хонанда сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Халқимизда санъатнинг нони қаттиқ бўлади, деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Агар шундай бўлганда бугун шиддат билан санъат кўчасига кириб келаётганлар бу қадар кўпайиб кетаётган бўлмасмиди, деб ўйланиб қоласан, киши. Яна иккинчи жиҳати, санъат даргоҳи шу қадар кенги, унга сени киришга ҳаққинг йўқ, сен эса қўшиқ куйлайвер деб ҳукм ҳам чиқаролмайсан. Баъзан, бу синовлар майдони, бу майдонда ҳаммининг беллашишга ҳаққи бор дегувчилар ҳам топилиб қолади. Бир қараганда бу гапларда жон борга ўхшаб туюлади. Аммо катта сахнага, неча минг томошабинлар, халқ ҳузурига чиқишининг ўзига хос томонлари ҳам йўқ эмас. Сахнага чиқмоқчи бўлган санъаткорнинг маълум маънода маънавий ҳаққи бўлиши керак эмасмикин, деган саволлар бизни ўйлантиради.

Авваллари профессионал санъаткорлар билан ҳаваскорлар ўртасида фарқ бўларди. Профессионал деганда биз ўз касбининг устасини тушунамиз. Яъни мусиқий билимга эга бўлган, суяги санъатда қотган, бир неча устозлар қўлида таҳсил олган, ўз ижро йўлига, овоз диопазонига, нота ёзувигача билган санъаткорни тушунамиз. Ҳаваскор эса бундай маълумотлардан холи, умуман бошқа соҳа киши-

си, яъни санъат ишқибози, холос.. Катта саҳна эса оддий ишқибоз бўлгани учун ҳам ҳаваскордан кўп нарса талаб қилмайди. Кўринадики, саҳна профессионал санъаткорнинг елкасига катта масъулият юклайди ва ундан ана шу талабларга тўла жавоб бериш вазифасини қўяди. Бугун ана шу мезонлар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳаваскор билан профессионал ўртасидаги мувозанат бироз бузилганини кўрамиз. Ҳақиқатан, саҳна муқаддас жой. Унга ҳар кимнинг ҳам чиқиб кетаверишга ҳаққи йўқ.

Бугун саҳнанинг қонун қоидаларига, унинг талабларига жавоб бериб, амал қилиб келаётган хонандалар ҳам йўқ эмас. Бундай хонандалар биз юқорида тилга олган саҳна масъулиятини чуқур ҳис қилади, ҳар қандай вазият ва шароитда ҳам саҳнага, мухлисларига хиёнат қилмайди. Санъат ҳамонки фидойиликни ва садоқатни талаб қилар экан, шукрки, ҳали қўшиқчилик санъатида фидойилар бор. Ана шундай санъаткорлардан бири, лирик хонанда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминовдир. Унинг қўнғлида санъатга бўлган муҳаббат болалигидан уйғонган десак муболага йўқ. Сабаби унинг дадаси Одилжон Мўминов халқимизнинг суюкли санъаткорлари Жўрахон Султонов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Маъмуржон Узоқовлар билан жўровозликда доира чалиб қўшиқ куйлаган. Одилжон ака Ўш шаҳридаги ўзбек драма театрида 25 йил ишлаган ва мусиқа мактабида доира дарслигини киритиб ёшларга сабоқ берган. Оилада беш ўғил ва тўрт қиз улғайишди. Тақдирни қарангки, бешала ўғилнинг ҳаммаси санъатнинг этагидан тутишди. Собиржон Мўминов аввал мусиқа мактабида скрипка сози бўйича, сўнгра билим юртининг вокал факультетида, кейинчалик А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институтининг "анъанавий ижрочилик" бўлимида бир қатор устозлар қўлида таҳсил олди.

"Биласизми,- дейди у,- санъатда мана бу менинг устозим деб бир кишини эътироф этиш анча мушкул. Сабаби, биздан аввал ўтган, ҳозир ижод қилаётган барча санъаткорларни ўзим учун устоз деб биламан.. Негаки ҳар бирининг ўз ижро йўли, бири бириникини такрорламайдиган жиҳатлари бор. Уларнинг ҳар биридан нимадир ўрганаман. Масалан, мумтоз йўналишда Фатоҳхон Мамадалиев, Очилхон Отахонов, Расулқори Мамадалиев, лирик йўналишда Шерали Жўраев, Нуриддин Ҳамроқулов, эстрада йўналишида Ботир Зокиров... хуллас устозлардан ни-

маники ўрганган ва ўрганаётган бўлсам ўз ижодимда фойдаланишга ҳаракат қиламан."

Хонанда мана бир неча йиллардан бери қўшиқчилик санъати ривожига муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти. Унинг репертуаридан саксондан зиёд қўшиқлар ўрин олган бўлиб, мазву жиҳатидан ҳам, йўналиш жиҳатидан ҳам ранг-баранг ва сермазмун. У ўз услуби, ўз ижро йўлига эга хонандалардан. У ижро этган қўшиқлар хоҳ маҳзун, хоҳ шўх оҳангда бўлсин, ўзбекона миллий руҳ устуворлигини, оҳангларда ёқимлилиқ, танланган матнларнинг куй билан ҳамоҳанглигини сезамиз. Хонанданинг нозик диди, фикран теранлиги ижросидаги қўшиқларда ўз тажассумини топади.

- Қўшиқ куйлаш учун овознинг кучли бўлиши унчалик муҳим аҳамият касб этмайди, - дейди хонанда. Энг муҳими, ижрочининг овозида шира, юрагида дарди бўлиши керак. Агар хонанданинг юрагида дарди бўлмаса, ҳар қандай кучли овози бўлмасин қўшиқ томошабин қалбига йўл топа билмайди. Ҳар бир қўшиқда инсон қалбини тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган деталь бўлиши керак. Акс ҳолда у ўз таъсирчанлигини йўқотади".

Биз кўпроқ маҳзун, насиҳатомуз қўшиқларни таъсирчан деймиз. Аммо шўх ўйноқи қўшиқларда ҳам ўзига хос таъсирчанлик бор. Маҳзун қўшиқлар инсонни ўйлатса, мушоҳадага чорласа, баъзан йиғлатса, шўх шодон қўшиқлар инсон қалбида ҳаётга умид, ишонч туйғуларини уйғотади, завқ - шавқ улашади. Инсон бундай пайтда қўшиқнинг сўзига аҳамият ҳам бермай қолади. У фақат куй сеҳрига маст бўлади. Шу ерда, куй, оҳанг биринчи ўринга чиқади. Хуллас ҳар иккаласи ҳам бир-бирини тўлдирди.

- Бугун қўшиқчилик санъатида турли ижро йўллари кўзга ташланади. Сизнинг ижро услубингиз қайси йўналишга кирди", - дея саволга тутаман хонандани.

Хонанда бироз ўйланиб, ҳақиқатан ҳам бугун қўшиқчилик санъатида турли ижро йўллари пайдо бўлди. Назаримда менинг ижодимни замонавий ижро услуби йўналиши десак тўғри бўлар, - дейди.

- Кўпгина хонандалар танқиддан тўғри хулоса чиқаришмайди. Агар ижодингизни дўстона, самимий танқид қилишга қандай муносабат билдирасиз?

Агар ижодимни тўғри баҳолаб, холис ёндошиб "мана бу айтган нарсангиз бўлмабди" дейишса ҳафа бўлмайман. Тан-

қиддан тўғри хулоса чиқара билиш ҳам бир мардлик. Дўст ачитиб гариради деган мақол бор. Бироқ ўша танқидчининг ниятига ҳам боғлиқ.

Хонандадан бугун қўшиқчилик санъатида кўзга ташланаётган айрим муаммолар хусусида ҳам фикр билдиришини сўраб, бугун профессионал ижодкор сифатида сизни қийнаётган, кўпроқ ўйлатаётган нарса нима деган саволни ўртага ташладим. Хонанда бугун ҳақиқий санъат билан сохта санъатнинг қоришиқ бўлиб кетаётгани ачинарли хол, дейди куюниб. Халқимиз санъатни тушунадиган, унинг қадрига етадиган халқ. Бизнинг маданий меросимиз, маънавий мулкимизга айланган катта ашулаларимиз, мумтоз қўшиқларимиз талайгина. Булар билан қанча фахрлансак арзийди. Бироқ, бугун саҳнага ким хоҳласа чиқиб кетавериши, тутуруқсиз сўзларга қурилган қўшиқларни (агар қўшиқ деб айтиш жоиз бўлса) қўшиқ деб куйлаб ётган хонандаларнинг кўпайиб бораётгани кишини гашини келтиради. Ёшларимизнинг ҳақиқий қўшиқ билан зўрма-зўраки қўшиқларни бир-биридан ажрата олмай, илғамай, дидсиз бўлиб улғайиб қолишлари жуда қўрқинчли. Техника ривожланиши яхши. Аммо бу кимнинг кўнглида қўшиқ куйлаш иштиёқи туғилса айтаверсин, техниканинг ўзи тўғирлаб қўяди, дегани эмас. Ҳар бир хонанда санъат учун, ҳа, ҳақиқий санъат учун яшаши керак. Қайси касбни эгалламайлик, қай ерда фаолият кўрсатмайлик, ишимизга, касбимизга содиқ қола билишлик инсоний бурчимиз деб биламан. Негаки, бугун биз санъаткорлар эртанги кун учун масъулмиз. Халққа рост санъатни бўйи бастича кўрсата билиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Назаримда ҳар бир профессионал ижрочининг репертуаридан лирик, мумтоз, эстрада жанрида куйланадиган қўшиқлар ўрин олмоғи шарт. Ҳамонки, профессионал, ўз касбингизнинг билимдонимисиз, ҳар қандай йўналишда куйлай олишингиз керак. Аслида менинг табиатимга лирик, маҳзун оҳангдаги, насихатомуз қўшиқлар жуда яқин. Лекин ортимизда турган мухлислар эҳтиёжи деган масалани ҳам назардан қочирмаслик лозим. Эстрада жанрида куйланадиган қўшиқларда ҳам миллий колоритни, руҳни сақлаб қола билса бўлади.

Хонанданинг куюнчаклигида жон бор, албатта. Хонанда ўз мухлислари ҳузурига жиддий тайёргарлик кўриб чиқади. Ҳар йили яккахон концерт дастурини тақдим этар экан,

дастурдан ўрин олган қўшиқларнинг мавзу жиҳатдан ранг-баранглигига, шеър матнларининг бадий ифодасига аҳамият беради. Тўғри, унинг ижросидаги қўшиқ матнларида у қадар мураккабликлар йўқ. У кўпроқ халқона, содда, равон тилда ёзилган, шу билан бирга мазмунли шеърлардан фойдаланади. Бу эса қўшиқнинг тингловчига тез ва осон етиб боришида қўл келади.

Хонанданинг репертуарини кўздан кечири туриб, "Аёл", "Қалбимдасан", "Ёлғизлик ёмон", "Ажаб дунёсан", "Зеболанмасин", "Ўйлаб гапир", "Бир кам дунё", "Йиғлама ёр", "Ҳар номардга айтма", "Найлайин", "Икки дил" ва бошқа бир қатор маҳзун қўшиқлар қаторида шўх қувноқ, хазиломуз қўшиқлардан "Қоши хилолим", "Дилбарим", "Ул пари", "Боғ кўча", "Аразлари ёмон", "Эркақлар" "Ахтариб" кабилар ўрин олган. Буларнинг барчаси халқона услуб, миллий оҳангларга йўғрилган.

Ҳақиқатан бугун санъат оламида кундан кун янги номлар пайдо бўлаяпти. Ким машҳур бўлиш, ким тирикчилик вазидан, ким ўзидан ўлмас ва боқий қўшиқлар қолдириш ниятида. Хонанда Собиржон Мўминов эса унча бунчага чалғимасдан, санъатнинг машаққатли йўллари сабр ва чидам билан босиб ўтаётган, кўпгина ёшларга ибрат бўлиб келаётган, устозлар изини давом эттираётган хонанда сифатида эътиборга молик. Зеро, вақт ва давр ҳар қанча шиддат билан ўтмасин, ўз измига бўйсиндирмасин, хонанданинг касбига ва мухлисларига садоқати асл холича қолаверади.

"Моҳият" газетаси, 2009 йил, 7 август

АЖАБ ДУНЁ

Донишмандлардан бири: "Санъат фақат дунёқарашимизнинг ифодалаш тарзи эмас, балки инсоният учун нажот йўли ҳамдир", деган экан. Ҳақ гап. Чиндан-да шеърят, мусиқа, қўшиқ, инсонларга ҳамиша қанот, нажот бўлиб келган. Айниқса, мумтоз куй-қўшиқларнинг сеҳру жодуси сизу бизни ўзига мафтун этади. Миллий куй-қўшиқларимиздан илҳомланасиз, таъсирланасиз, гоҳо ўзингиз хиргойи қиласиз, гоҳ юракдан тўйиб-тўйиб йиғлайсиз.

Адабиёт, санъат кишилари ўзига хос оламга эга бўлган инсонлар саналади. Кўнгиллари нозик, фаҳму фаросатли, эзгулик улашувчи кишилар. Шоирнинг кўнгил сарҳадлари-

дан отилиб чиққан мисралар шеърга айланса, ҳофизнинг юраги ўша мисраларни куйлагиси келади. Бу қўшиқ баъзан нажот, баъзан мурожаат ва баъзан даъватдай янграйди.

*Вафоси йўқ кишининг беҳуда ёри бўлманг,
Учиб ширин сўзига ошиқи зори бўлманг.
Кўнгиб бериб олисдан, асло хумори бўлманг,
Чин юракдан севмаса, бир дам дилдори бўлманг,
Севмаганга суйкалиб, қўлда дутори бўлманг.*

Бу қўшиқни тинглаганимга бир неча йил бўлди. Ўзбекона миллий руҳ, сезилиб тургани боисми ижрочиси билан қизиқдим. Билсам, қўшиқ, ижрочиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (у пайтда унвони йўқ эди) Собиржон Мўминов экан. Ўша-ўша хонанда ижодини эринмай кузатадиган бўлдим.

*Севишган ҳар йигит-қиз,
Авалло ақли расо бўлсин.
Куёв бирлан келинчақда
Вафо бўлсин, ҳаё бўлсин.*

Хонанданинг "Ризо бўлсин" қўшиғи кирмаган хонадон қолмадиёв чамамда. Сўнгра "Ажаб дунё", "Онажон", "Ёлғизлик ёмон", "Зорим бору зўрим йўқ", "Ҳар номардга айтма", "Сизнинг борингизга шукр" бошқа кўплаб қўшиқларини тингладим. Қўшиқларда сокинлик, маҳзунлик руҳияти, миллий оҳанг устуворлигини яққол сезасиз. Сўз танлашда ҳам хонанда насихатомуз шеърларга мурожаат қилади. Куйланадиган ҳар бир қўшиқда профессионал ижро маҳорати сезилиб туради. Маҳзун қўшиқлари сизни фикрлашга ундаса, шўхчан оҳангдаги қўшиқлар ҳаёт гўзалликларига ошно этади, кайфиятингиз кўтарилади, руҳиятингизда тозариш сезасиз. Муҳими, ижро этилажак қўшиқларнинг ўз айтадиган "сўзи", "оҳанги" бор. Собиржон Мўминов табиатан вазмин, ўз дунёқарашига эга, кенг мушоҳадали хонанда. Унинг мусиқий билими кенг, ижро маҳорати, овоз ишлата билиш услуби ҳам ўзига хос. Сабаби, у санъаткорлар оиласида дунёга келган. Оилавий муҳит, шароит уни мусиқага бўлган интилиши ва қизиқишига бош мезон бўлган. Етти ёшидан скрипка сози бўйича ўқиган. А. Қодирий номидаги Маданият институтининг Миллий мусиқа бўлимини тамомлаб, "Ўзбекистон" ашула ва рақс дастасида яккахон хонанда сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хонанда ўз мухлисларига бир неча бор яккахон концерт дастурларини туҳфа этди. Кейинги пайтларда унинг реперту-

аридан шўх, ўйноқи кўшиқлар ҳам ўрин олди ва бу ҳолатни табиий қабул қилиш керак деб ўйлайман. "Раққсбop кўшиқларнинг кўпайиши бошқа кўшиқларингизга таъсир кўрсатмайди?" дея савол бераман хонандага.

"Йўқ асло! Кўшиқлар ҳеч қачон бир-бирига салбий таъсир кўрсатмайди. Аксинча бир-бирини тўлдиради, ёрдам беради. Назаримда ҳар бир профессионал ижрочининг репертуаридан лирик, мумтоз, эстрада йўналишида куйланадиган кўшиқлар ўрин олмоғи шарт. Ҳамонки, профессионал, яъни ўз касбингизнинг билимдонимисиз, ҳар қандай йўналишда куйлай билиш керак. Тўғри, аслида менинг табиатимга, руҳиятимга, ички кечинмаларимга маҳзун, насиҳатомуз кўшиқлар жуда яқин. Лекин оптимизда турган мухлислар эҳтиёжи деган масалани ҳам назардан қочирмаслик керак. Эстрада йўналишида куйланадиган кўшиқларда ҳам миллий руҳ миллатимизга хос анъана, меъёр сақланиб қолиши керак. Яқинда Чустий домланинг "Ўйлаб гапир" деган кўшиқларини ижро этдим. Қай даражада ижро этдим, бу мухлисларга ҳавола". "Кўшиқ яратилди. Ижро этилди. Шундан кейин сизни нима ўйлантиради?" дея сўрайман яна. Собиржон ака ўйланиб: "Биласизми, - дейди, - кўшиқларим ёшларга ёқмаса ҳеч изтироб чекмайман. Энг аввало, катта ёшдаги инсонларга маъқул келиш-келмаслиги ҳақида кўпроқ ўйлайман. Чунки кексалар ёшлик онларига қайтмайдилар. Ёшлар эса ўсиб-улғайиб, ҳаёт чиғириқларидан бир-бир ўтиб, оқ-қорани таниб, ўз кўнгилларига қулоқ солади-ган лаҳзага етганларида, ҳамма нарсани, ҳатто кўшиқ, танлашни ҳам, тинглашни ҳам тушуниб етадилар".

Бу фикрда ҳам жон бор, албатта. Теран фикрли хонанда Собиржон Мўминовнинг ижодига барака тилаймиз ва халқимизнинг кўнгилдан жой олувчи дилбар, роҳатбахш кўшиқларини кутиб қоламиз.

«Тошкент ҳафтанома» газетаси, 2005 йил, 7 июнь

КўНГИЛ БАҲОРИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Абдулла Шомағрупов ижодига чизги)*

Фасллар келинчаги баҳор нафақат борлиқни, балки инсонлар кўнглида мудраб ётган ажиб туйғуларни ҳам уйғотади, руҳиятда тозариш ва сезиларли янгиланиш пайдо бўлади. Олам-

нинг ва табиатнинг гўзалликларидан баҳри дилинг очилади. Ҳаётга ва яшашга иштиёқинг ортади. Кўнгилнинг сарҳадларидан ёқимли наволар сизиб чиқа бошлайди. Кўнгилда беғубор тилаклар ниш уриб куртак ёзади. Ва у кўнгил баҳорига айланади.

Баҳорнинг илк кунлари пойтахтимизнинг муҳташам "Истиқлол" санъат саройида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулла Шомағруповнинг "Кўнгил баҳори" деб номланган яккахон концерт дастури намойиш этилди.

Ҳар бир хонанда мухлислари олдида ижодини сарҳисоб қилар экан, унинг зиммасида катта масъулият туради. Халқнинг кўнгилдан жой олиш, эътиборига тушиш ҳам осон иш эмас. Санъаткор бунинг учун, энг аввало, сабр билан меҳнат қилиши, изланиши, устозлар кўмагидан баҳра ола билиши керак. Ва, энг муҳим жиҳати, у куйлаётган кўшиқларининг моҳиятига эътиборини қаратиши лозим. Хонанда Абдулла Шомағрупов кўшиқларини тинглаб, энг аввало, унинг дастуридан ўрин олган кўшиқларнинг маъно мазмунига эътибор қаратдим.

Унинг ижросида "Созим" (Чўлпон), "Кўнглим" (Маҳтумқули), "Хоҳ инон" (Лутфий), "Ўртар" (Машраб), "Ҳайрон бўла қолдим" (Ҳувайдо), "Ёр келинг" (Муқимий), "Келадур" (Машраб), "Парвона" (Шўхий), "Ваҳ-ваҳ на гўзалсан..." ((Машраб), "Мастона" (Машраб), Айлаб келинг" (Муқимий) каби мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодидан ўрин олган газаллар янгради. Унинг ижросидаги Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шеъри билан айтилувчи "Уйғотмагил..." кўшиғи тингловчилар руҳиятига сокинлик олиб кирди. Мусиқа ва сўзнинг бир бирига уйғунлиги натижасида хонанда дастуридан яна бир янги, бадий жиҳатдан пишиқ асар ўрин олди, дейиш мумкин.

*Тушда кўрдим дилбаримни,
Эй сабо, уйғотмагил,
Олма бир дам васл шавқин,
Кўй, мени кўзғатмагил.*

Хонанда шоирнинг қалб кечинмаларини, ҳис туйғуларини дилдан туяди. Унинг ижросидаги Чўлпон қаламига мансуб "Созим" кўшиғи ҳам эътиборли. Шоир ёзган мисраларда яшашга, ҳаётга бўлган иштиёқ сезилиб туради. Хонанда эса бунга шундай оҳанг топганки, мусиқанинг кўтаринкилиги киши қалбини завқлантиради. Сўз ўз мусиқаси, мусиқа эса ўз сўзи билан чамбарчас боғланади.

Дастурга суҳандонлар ҳам яхши танланган. Муслимбек Йўлдошев ва Дилдора Рустамоваларнинг қўшиқларга ҳам-ҳанг шеърӣ чӣқишлари саҳнага ўзгача файз киритди. Дастур томошабинлар руҳиятига ўзгача кайфият, кўнгилларига илиқлик, маҳзунлик ва сокинлик олиб кириш билан бирга, ўзгача ҳу-ур бағишлади. Ижодий ҳамфикрлик, фикрлар уйғунлиги бор жойда концерт дастурининг яхши ўтиши табиий.

Санъаткорнинг саҳна маданияти, созандаларнинг саҳнада ўзини тута билишлари ҳам ёш санъаткорлар учун ибратли. Қўшиқларга мос саҳна безаклари, раққосаларнинг рақслари, танланган либослару ҳамма - ҳаммаси бир-бирини тўлдириб тургандек...Концерт дастурининг биринчи қисми кўнгилдагидек тугади. Бироқ, дастурда иштирок этган қизиқчилар Шукрулло Исроилов ва Ҳалима Иброҳимоваларнинг чӣқишлари айрим эътирозларга сабаб бўлди. Негадир иккала қизиқчи томошабинларга бирорта янги тайинли гап айтишмади.

Назаримда қизиқчиларимиз ҳам томошабинлар ҳузурига чӣқишдан олдин ўз дастурларини ўрганиб, бойитиб, айтадиган гапнинг маъно моҳиятига жиддий эътибор қаратишлари лозим, шекилли. Негаки, зукко томошабин бугун бўлмаса эртага бундай қайтариқлардан зерикади. Қолаверса, қизиқчиларнинг шунчаки саҳнага чӣқишлари баъзан яхши ўтаётган концерт дастурининг жозибасига ҳам путур етказиб қўйиши мумкин. Ушбу самимий билдирилган фикрдан тўғри хулоса чиқаришади деган умиддамиз.

Хонанда Абдулла Шомағурпов дастурнинг иккинчи қисмини ҳам кўтаринки кайфиятда давом эттирди. Унинг миллий эстрада йўналишида, халқона услубдаги қўшиқлари кўпчиликка манзур бўлди. Оналаримизни мадҳ этувчи "О, аёл" (Тоҳир Муҳаммад сўзи) қўшиғи олдидан суҳандон Муслимбек Йўлдошев "Она" қасидасини ўқиди. Умуман олганда, хонанда Абдулла Шомағурпов ижодида устоз санъаткорларнинг анъаналари сезилади. Унинг қўшиқчилик санъатида эришаётган ютуқларида устози Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимовнинг ҳам беназир хизмати бор. Устоз санъаткор ижро этган қўшиқларнинг кўпчилиги Машраб ғазали билан айтилади. Шунданми, унинг ҳам дастуридан ўрин олган қўшиқлар деярли Машраб ғазаллари билан боғлиқ. Хонанда устози- Камолиддин Раҳимов ижросидаги Машраб мусаббаъси билан айтиладиган "Ваҳ-ваҳ на ғўзалсан..." қўшиғини миллий эстрада йўналишига йўғириб ижро этди.

*Эй гунчаи навҳези гулистони малоҳат,
Эй, тоза ниҳоли чаман орои назокат,
Зулфи сияҳинг фитнаю холу хатинг - офат
Йўлингда тегар бошима минг санги маломат,
Мақбулсан, эй дилбари хуш лаҳжа, бағоят,
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳай, на санам қилса жафо - жонима роҳат.*

Хонанда "Келадур" ғазали билан айтиладиган қўшиқни шўх, ўйноқи оҳангда ижро этганки, бунда мусиқа билан сўзнинг оҳанги уйғун тарзда намоённи топган.

*Чиқсам кўчаларга шоҳсуворим келадур,
Гул гунчасидек лола узорим келадур.*

"Мастона" ғазали билан айтиладиган қўшиқдаги халқона услуб, миллий оҳанглар кишида латиф кечинмалар ҳосил қилади.

*Кўрдим юзингни девона бўлдим,
Ақлу хушимдин бегона бўлдим.
Тортиб жафони ўлсам кўйингда
Қайтмасман ҳаргиз - мардона бўлдим.*

Шундай хушнудлик ила хонанданинг концерт дастури яқунланди. Залга тўпланган томошабинлар хонанда ижросидаги қўшиқларни дастурнинг охиригача диққат билан тинглашди. Бу эса томошабинларнинг хонанда ижодига бўлган эҳтиром ва эътирофидир. Биз Абдулла Шомағруповнинг халқимизга бундан-да, дилбар ва гўзал қўшиқлар туҳфа этишига ишонч билан, дилимиз яйраб хайрлашдик.

"Моҳият" газетаси, 2009 йил, 27 март

«САРБОН»НИНГ ЙЎЛИ

"Ўзбекнаво" гастроль концерт бирлашмаси (ҳозирда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси) томонидан бўлиб ўтган "Янги тароналар" I Республика кўрик танловининг ғолиби "Сарбон" гуруҳининг хонандаси Фарҳод САИДОВ!

Хонанда бундан йигирма етти йил илгари Навоий вилоятида туғилган. Глиэр номидаги Республика мусиқа мактабини, М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат Консерваториясининг (ҳозирги Ўзбекистон давлат Консерваторияси) "Халқ чолғу асбоблари" бўлимини тугатган. Айни пайтда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг Тошкент вилоят бўлимида хизмат қилмоқда.

– Фарҳод, кўпгина хонандаларнинг овозлари, ижро йўллари бир-бирлариникига жуда ўхшаб кетади. Тақлид билан ўхшашликнинг орасида нима фарқ бор?

– Ўхшашликнинг ўзи аввало тақлиддан келиб чиқади. Овоз ўхшаши мумкин. Аммо инсон ўз дардини ҳеч қачон бировни-кига ўхшата олмайди. Шунинг учун ҳам тақлид билан бошланган кўшиқчи кейинчалик ўз "ини"ни қидира бошлайди.

– Кўшиқ куйлаш осон эмас. Аммо кейинги пайтларда бу иш ҳамманинг қўлидан келаврадиганга ўхшаб қолди. Бунга сабаб нима?

– Менимча ҳар бир инсон қўлидан келадиган ишни қилгани маъқул. Савдогар савдогарлигини, қассоб қассоблигини, ошпаз ошпазлигини, ўқитувчи ўқитувчилигини... Кўшиқ куйлашга иккинчи касб ёки ҳавас деб қарамслик керак. Ахир, санъат осонликча, зару зўр кўмагида эришса бўладиган ўткинчи нарса эмас-ку.

– Ўзбек эстрадаси ҳақида нима дея оласиз?

– Ҳамма халқларнинг, жумладан ҳинд, турк, араб, америкалик, мексикалик ва бошқаларнинг эстрада санъатида ўзининг миллий оҳанги сақланиб қолган. Бизда эса негадир миллий оҳанг йўқола борапти. Бу миллий ғурур, миллий ифтихор йўқоляпти дегани эмасми? Масалан, ҳозирги гуруҳлардан биронтаси Европага бориб концерт берди, дейлик. У ерда қандай кўшиқ айтишади. Ахир ҳеч бирида миллий колорит сезилмайди.

– Қайси эстрада хонандаларининг кўшиқларида миллий оҳанг сақланиб қолган?

– Равшан Намозов ва "Туркистон" гуруҳининг хонандаси Улуғбек Отажонов кўшиқларида шундай ажойиблик сезаман.

– Кўшиқларда миллий оҳанглари сақлаб қолиш учун хонанда нималарга эътибор бериши керак?

– Мусиқада гармония деган фан бор. Бу фан ҳақиқий эстрада хонандаси ва созандаси бўлишга катта ёрдам беради. Миллий кўшиқларга ҳам тўғри гармония қўя олиш катта билим, савия талаб қилади. Шунингдек инсонда мусиқани тинглай олиш қобилияти кучли бўлиши, шарқ ва ғарб оҳанглари кўп эшитиши керак.

– Кўпинча санъаткорлар бир-бирларининг санъатларини тан олишмайди. Нега шундай?

– Ўзининг санъатидан хавотирда бўлган одамгина ҳақиқий санъаткорларни қоралайди.

– Тўйлар санъаткорларнинг ахлоқига таъсир қиладими?

– Иззат- икром, энг тўкин дастурхон санъаткорга. Тўйдаги табиати ҳар хил одамлар, у ердаги муҳит.. хуллас буларнинг бари санъаткорга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бундан таъсирланиб киши ўзини йўқотиб қўймаслиги лозим. Бунинг учун инсонда миллий одоб, тарбия, сабр жуда кучли бўлиши керак.

– Бугунги қўшиқчиликдан кўнглингиз тўладими?

– Кўнглим тўлди деган кун ўша санъаткор ҳам, санъат ҳам тўхтаб қолган экан деб ҳисоблайверинг. Кўнглим тўлмайдиган жиҳатлар: ҳаваскорларнинг савияси тингловчининг дидига таъсир қиляпти, клип ва қўшиқлар матнида бир-бирига ўхшашлик кўпайиб кетди. Кўпгина истеъдодли ёшлар тўй, телевидение ва санъат талабларидан қай бирига мос ижод қилишни билмай адашиб кетишяпти. Бу ҳар биримизга тааллуқли бўлган катта муаммо.

– Фарҳод, мана яқинда "Янги тароналар" миллий эстрада қўшиқ ва куйлар I республика танловида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдингизлар. Фолиблик сири нимада деб ўйлайсиз?

– Сири оддий. Гуруҳимиз аъзоларининг барчаси ўз касбининг усталари, профессионал даражадаги созанда ва хонандалар. Адашиб улоқиб кириб қолганлар йўқ. Ўн беш йилдирки профессионал ижрочи бўлиш йўлида ҳаракат қилиб келяпмиз. Меҳнатларимиз қачон рўёбга чиқар экан, деб ташвишланар эдик. Машаққатли меҳнат барибир ерда қолмас экан.

– Бошқа гуруҳлар ҳам катта тайёргарлик кўришган. Улар сизнинг ютуқларингизга қандай муносабатда бўлишди?

– Биринчи ўрнини эгаллаш, ҳамма муваффақиятга эришдим дегани эмас. Ёки ўрин ололмаслик ҳақиқий ижодкорни ижоддан тўхтатиб қололмайди. Бу танлов барчамиз учун синовдан бўлак нарса эмас. Бошқа гуруҳ хонандалари бизни самимий қутлашди, ёмон муносабатда бўлишмади. Шунингдек бу танловда жуда кўплаб истеъдодлар кашф этилди.

"Ёшлик" журнали, 1999 йил, 1-сон

ЖОНЛИ ИЖРОНИ ТИНГЛАШ ЁҚИМЛИ

(Рустам Фойилов билан суҳбат)

XX асрнинг сўнги чорагида ўзининг ранго-ранг, сермазмун қўшиқлари билан, катта қалб ва шиддат-ла санъат гул-

шанига кириб келган хонанда Рустам Ғойипов номини кўпчилик яхши билади. Хонанданинг бир қатор, ҳам маҳзун, ҳам шўх-шодон кўшиқлари тезда машҳур бўлиб, ўз тингловчисини топган ва у кўшиқларни билмаган, ҳатто куйламаган кишини учратиш қийин эди. Хонанда саҳнага катта қалб, катта жасорат, қудратли овоз, ҳеч кимни такрорламас услуб ва йўналиш билан, янгилик билан чиқди. Унинг "Она эмасму", "Тилло узук", Ойданда гўзал", "Даврага туш", "Отага тик боқма", "Пахтакор" «Амир Темур» ва бошқа бир қатор кўшиқлари санъатсевар мухлислари қалбидан чуқур жой олган. Орадан қарийб шунча йиллар ўтган бўлса-да, бу кўшиқлар ҳамон мухлислари ёдидан кўтарилган эмас, десам муболага йўқ. Ўша пайтлардаёқ Рустам Ғойипов том маънода ўзбек эстрада санъатида "ўзбек рок" қироли номини олишга эришиб бўлган. Ижро услуби, овоз диопозони, сўз танлаш маҳорати, муסיқаларнинг бетакрорлиги боис ҳар битта хондонга унинг кўшиқлари кенг кириб борди. 1989- 1997 йиллар орасида хонанда ўзининг яккахон концерт дастурларини халққа тақдим этди. Ранг-баранг мавзулардаги кишини мушоҳадага, мулоҳазага чорловчи фалсафий кўшиқлари ўзбек эстрада кўшиқчилиги санъатига янгилик олиб кирди. Орадан йиллар ўтиб, у яна катта саҳнага қайтди. Савол туғилиши табиий. Шу кунгача хонанда қаерда эди, нималар билан машғул бўлди, нега ойнаи жаҳонда деярли кўринмади? Мана шу саволларга жавоб топиш мақсадида хонандан билан суҳбат уюштиришга муваффақ бўлдик.

– Рустам ака, орадан анча йиллар ўтиб яна катта саҳнага қайтмаяпсиз. Бу нимадан кўнгил эҳтиёжими ё саҳна соғинчими ё бошқа бирон сабаб борми?

– (Хонанда ўйланиб) Менинг саҳнада узоқ муддат кўринмай яна саҳнага қайтишимнинг боиси эса бу менинг ижодий тактик услубим десам ҳам бўлади. Бундан бир неча йил аввал мен ўз мухлисларимга айтадиган гапларимни, фикрларимни кўшиқларим орқали айтишга ҳаракат қилганман. Энди эса янги авлод, янги давр кишисига янгича фикрловчи кўшиқларни айтиш вақти келди, деб ўйлайман.

Кўшиқларим инсонларнинг юракларига малҳам бўлса, дарду аламлари, кўнгилларидаги ғуборларини аритса, шодлантирса, мушоҳадага чорласа, гурурини кўтарса деб ният қиламан. Кўшиқда учлик бўлса айни муддао бўларди. Яъни унинг бошланмаси туғу-

ни, кульминацияси ва ечими. Ҳар битта қўшиқ бир асардек бўлса! Агар ўша асарнинг мағзи тўқ, айтмоқчи бўлган "гап"и, дарди бўлса, у асар узоқ йиллар ўз қадр-қимматини йўқотмаса, эскир-маса керак. У одамларни эзгуликка чақирса, миллий қадрият ва маънавиятимизни юксакликка кўтарса, ўзбек спортини жаҳонга танитилаётгани каби бугунги ўзбек санъатини ҳам дунё мумтоз санъати дурдоналари қаторидан ўрин олишини истайман.

– *Устоз-шогирд масаласига қандай қарайсиз?*

– Устоз-шогирдлик нафақат санъат соҳасида, балки бошқа соҳаларда ҳам муҳим. Дейлик, илм ўрганмоқчисиз, илмни албатта устоздан ўрганиш керак. Бўлмаса "устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" деганларидек, одам ҳар ёққа ўзини уриб юраверади. Шунинг учун устоз санъаткорлар санъат йўлига қадам қўяётган ёш истеъодларга ўз билими, санъатининг маълум бир услуби, сирларини ўргатишлари, талабгорнинг имкониятини ҳисобга олиб, аниқлаб тўғри йўлга солишлари, имкон қадар кўмаклашишлари керак. Зеро ниҳол, ёш навда тўғри парваришланса эртага ҳосил беради.

– *Яқин кунларда мухлисларингизга янги концерт дастурингизни тақдим қилмоқчи экансиз. Бу концерт репертуарингизда қандай қўшиқлар ўрин олган?*

– Албатта, энг аввало барчамиз учун муқаддас бўлган ўзбек заминини, унинг ўғлонларининг мардлигини мадҳ этувчи, миллий қадриятларимиз ва маънавиятимизни юксалтирувчи, бугунги анъанавий қўшиқчиликдан бошқачароқ янгича йўналишдаги халқаро андозаларга жавоб берувчи қўшиқларни мухлисларимга тақдим қилмоқчиман. Мавзулар ҳар хил. Қўшиқларнинг матни устида жиддий иш олиб боряпмиз. Ижодий изланиш кетяпти. Репертуаримдан илгари ижро этган қўшиқларим ҳам ўрин олган. Буларни ҳам янгича талқинда янгича сайқал билан ижро этаман.

– *Бугун янги-янги номлар, янги овозлар сахнада пайдо бўляпти. Сахнага қўшиқ айтиш қўлидан келса келмаса чиқаётганлар ҳам кўп. Бунга муносабатингиз?*

– Саҳнанинг чеки чегараси йўқ. Унинг учун ҳеч қандай қонун ҳам йўқ. Унга ҳамманинг чиқишга ҳаққи бор. У бир синовлар майдони. Ҳеч кимга "сенинг чиқишга ҳаққинг йўқ, сен эса чиқавер" дейилмайди.

– *Бундан чиқди ким хоҳласа сахнага чиқаверсин, шундайми?*

– Албатта туб маънода бундай демоқчи эмасман. Авваламбор қўшиқчилик санъати йўлига кирган хонандалар саҳна масъулиятини ҳис қилишлари, унинг талабларига жавоб

бера оламанми ё йўқми деган саволни ўзларига беришлари керак. Энг асосийси мухлисларга нимани етказмоқчи эканликларини англаб етишсин. Ҳар қандай санъаткор санъатини эркин ифода этиши учун халққа истеъдодини кўрсата олиш имкониятидан маҳрум қилмаслик керак деб ўйлайман.

— *Кейинги пайтларда ойнаи жаҳонда хонандаларнинг уй-жойларини, машиналарини, ҳатто ётоқхоналарини ҳам кўз-кўз қилишяпти. Айтаётган қўшиқларига эътибор берсангиз (агар қўшиқ деб аташ мумкин бўлса) на мазмун, на шеърият талабларига жавоб, на оҳанг бор. Афсуски кўпчилик ана шундайлар ортидан эргашиб кетяпти. Бу кибрланиш, ким ўзарга пойгасими?*

— Ўша хонандаларнинг айтаётган қўшиқлари, қилаётган ишлари кўз-кўз қилишга лойиқ бўлса нима қилибди? Халқимизнинг хизматини қилиб келаётган, обрў эътиборга лойиқ санъаткорлар озми? Уларнинг аҳволи қанча яхшиланса, санъат учун қилаётган меҳнатлари ҳам шунча яхшиланиб борса керак деб ўйлайман.

— *Бугун жонли ижрода деярли куйлашмаяпти...*

— Кўшни давлатлар стадионларида ўзимиз жонли овозда концертлар берганмиз. Сабаби республикамызда сифатли ва кучли овоз кучайтирувчи мосламалар деярли йўқ эди. Бугунги кунда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўшиқчилик санъатига катта эътибор берилляпти. Концерт қўйиш ва овоз ёзиш учун энг замонавий ва кучли техника базаси яратилиб қўйилган. Демак халқ учун хонандаю созандалар жонли ижро этиши шарт. Фонограммага келсак, ундан фойдаланиш телевидение, радио ва акустикаси жонли ижро этишга ноқулай бўлган катта очиқ саҳналарда қўлланилса жоиз деб биламан. Ижрочи сифатида шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, биз жонли ижро этганимызда ижрочи ва тингловчилар аро уйғунликни ҳис этиб турардик. Энди бугунги кунда урф бўлган фонограмма хусусида. Тўйларда санъаткорларнинг "бирровга" келиб-кегишлари одатий ҳолга айланди. Санъаткорнинг "бирровга" хизмат қилишини ҳисобга олсак, бу ерда санъаткор учун албатта фонограмма анча қулай. Чунки вақт тиғиз, то асбоб ускуналарни улаб, битта кўшиқ ижро этгунча анча вақт кетади. Иккинчи тарафдан санъаткорнинг овоз имкониятини ҳам назардан қочирмаслик керак. Энди танганинг орқа томонига қаралса бутунлай бошқа нарсанинг гувоҳи бўламиз. Ўзбек халқи йиллаб орттирган маблағига орзу-

ҳавас билан тўй қилади. Орзу ҳавасининг асосини тўйда хизмат қилувчи қўшиқчи деб билади. Анча маблағ эвазига ана шу санъаткорнинг вақтини кутиб тўй қилсаю тўйда биронта жонли ижрода қўшиқ куйланмаса?

Менга гарчи мусиқаларида баъзи камчиликлар сезилса ҳам жонли ижрони тинглаш ёқимли ва мароқли.

САҲНА МАСЪУЛИЯТИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Ўткир Сиддиқов билан суҳбат)*

Ҳар сафар Миллий қўшиқчилик санъатимиз ҳақида гап кетганда кишининг кўнгли ёришиб, юракни фахр ва гурур туйғулари қамраб олади.

Санъатимиз жаҳонга кўз-кўз қилишга арзигулик зарварақларга бой. Устоз Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовдан тортиб Тамарахониму, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновлар, Юнус Ражабийдан тортиб Комилжон Отаниёзов, Берга Давидова, Фаҳриддин Умаров, Ботир Зокировларгача бўлган санъаткорлар ва уларнинг ижоди ўзининг бетакрорлиги билан афсонага айланиб кетгани ҳам бор гап. Бугун ана шу қутлуғ анъаналарни давом эттираётган истеъдодли ҳофизлар ва қўшиқчилар кўп. Айни пайтда қўшиқчилик борасида мулоҳаза ва баҳсга чорлайдиган айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бу масалада матбуотда ҳам шу мавзудаги баҳслар бўлиб турибди. Бугун ана шу масалада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, юзлаб концерт дастурларига конференсьелик қилиб келаётган бадий сўз устаси Ўткир Сиддиқов билан фикрлашдик.

– *Ўткир ака, сиз кўп йиллар давомида машҳур хонандалар билан ёнма-ён ижод қилган инсон сифатида қўшиқчилигимизнинг бугунги вакиллари ҳақида нималар дея оласиз?*

– Биласизми, бу ниҳоятда жиддий ва катта мавзу. Ихчамгина бир суҳбатда бутун бошли қўшиқчилик санъатимиз босиб ўтган шарафли йўл, унинг ютуқларини муаммолари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтиш имкони йўқ. Сиз юқорида эслатиб ўтган буюк санъаткорлардан кейинги авлод вакиллари Камолиддин Раҳимов, Ортиқ Отажонов, Хайрулла Лутфуллаев, Нуриддин Ҳамроқулов, Фарруҳ Зокиров, Хожиакбар Ҳамидов ва бошқалар ҳам бугун устозлар сафидан муносиб жой олиб туришибди.

Эътибор беринг, хонандаларга ҳам "Хизмат кўрсатган артист", "Халқ артисти" деган унвонлар берилади. Айнан "артист"! Бу эса "санъаткор", "ижрочи" деган маънони англатади. Демак, кўринадики, кўшиқчилар ҳам, хонандалар ҳам "рол" ижро этадилар. Таъбир жоиз бўлса "бир актёр театри"-ни яратадилар.

– Демак ҳар бир концертни ўзига хос спектакль дейиш мумкин экан-да?

– Ҳа, албатта. Бу ерда ҳам сахна бор. Декорация, костюм грим, сахнадаги ҳолат, матн, муסיқа бор. Гап шундаки, кўшиқчиларимиз мана шу "концерт - спектакл"ни қандай намоиш этаяптилар. Уларнинг ижроси томошабинларга маъқул тушаяптими? Томошалари маромига етиб боряптими? Албатта, бугунги ёш хонандалар орасида эл хурматини қозонган санъаткорлар оз эмас. Афсуски, бу саволларга ҳамиша ҳадеб жавоб бериш қийин. Келинг, суҳбатимизни кўшиқдан бошлайлик. Маълумки, сахнада ижро этилаётган кўшиқ ҳам яхлит асар ҳисобланади. Кўшиқда ҳам тугун, кульминация, ечим бўлади. Худди драматик асар каби. Агар актёр сахнада бирон бир ролни ижро этса, ўша қаҳрамон қиёфасида яшаганидек, хонанда ҳам куйлаётган кўшиғида яшай билиши керак. Лекин айрим хонандалар бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Кўшиқ куйлаётган пайтларида атрофга аланг-жаланг қилиш, ўзини тутолмаслик ёки кимгадир қараб "муқом қилиш" каби ҳолатларини учратиш мумкин. Ижро пайтида томошабинлар гул тутса хонанда гулни икки букилиб олиши, мухлислари билан қучоқлашиб-ўпишиб кўришиш одатий ҳолга айланиб боряпти. Бундай вазиятлар хонандани ҳам, тингловчини ҳам чалғитади. Натижада кўшиқ ўз мухлисларига етиб бормайди. Хонанда ҳам кўшиқни юракдан эмас шунчаки куйлайди, холос. Мен МДХ давлатидан келган Валерий Леонтьевнинг концерт дастурини томоша қилиб ҳайратланганман. У ҳар бир куйлаётган кўшигини бир спектакль даражасига олиб чиқолган. Ижро юксак савияда, профессионал даражада бўлганди. Унга кимдир гул тутди, лекин у гулни таъзим билан олиши у ёқда турсин, ҳатто қиё ҳам боқмади. Бу пайтда у кўшиқ яъни образ ичида яшаётганди. Бу манзарани кўриб кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ҳақиқий санъаткор деб шуни айтилади.

– Демак, хонанда хаёлининг бузилишига айрим томошабинлар ҳам сабабчи бўлишар экан-да?

– Тўғри, мухлис севган санъаткорига гул тутгиси келади, лекин бунинг ҳам ўз вақт-соати бор. Менимча, хонанда образда яшаса, мухлисни ром эта олса, айтаётган қўшиғи шунчаки эшитилса эмас, жон-дилдан тингланса, хонанда билан мухлис ўртасида руҳий бир боғлиқлик пайдо бўлса, бундай чалғиш ҳолатлари рўй бермайди.

– *Кейинги вақтларда баъзи хонандаларнинг куйлаётган қўшиқларида на мантиқ, на маъно бор. Айниқса, сўз масаласида жиддий ўйлайдиган хонандаларни учратиш амри маҳол. Қайси қўшиқнинг матнига эътибор берманг, сийқаси чиқиб кетган, бачкана, "қофияси тўғри келса бўлди" қабилидаги маза-матрасиз сўзлар. Она тилимиз шунчалик ғарибми деб ўйлаб қоласан, киши. Ҳатто айрим халқ артисти унвони бор санъаткорларнинг ҳам тутуруқсиз бақириқ-чақириқларга тўлиб кетган қўшиқлари ҳақида нима дейсиз?*

- Юқорида тилга олган санъаткорларнинг ҳар бири сўз масаласида жиддий бош қотиришган. Комилжон Отаниёзов, Бобомурод Ҳамдамов, Фахриддин Умаров, Камолиддин Раҳимов, Нуриддин Ҳамроқулов сингари санъаткорларнинг қўшиқлари матнига эътибор беринг. Мазмунан чуқур, улар оғзига нима келса куйлаверишмаган. Бугун кўпроқ мусиқа биринчи ўринда чиқиб қоляпти. Шўх, ўйноқи бўлса бўлгани. Бу аҳволда қўшиқчилик санъатимизнинг аҳволи не кечади? Билмадим. Қайси хонанданинг қўшиғини эшитмайлик "ёрим", "лабинг шакар", "кетма", "кутаман", "бир қараб қўй ўзимга" каби тутуруқсиз жумлаларга дуч келамиз. Очиғи, меъдага тегиб ҳам кетди бундай бачканалик. Буям майли, ҳали халққа ҳеч нима бермай битта-иккита қўшиқ айтган айрим санъаткорларнинг калондимоғлигини айтмайсизми? Куйлаётган қўшиғини халқ тан олдими, йўқми... дабдабаси ўзгача. Кийим-кечакларининг дабдабасигаку тил ожиз. Гўё қимматбаҳо кийимларини кўз-кўз қилгани саҳнага чиқишаётганга ўхшайди. Либос масаласида ҳам эътиборга молик жиҳатлар кўп. Хонандалар эътиборларини асосан саҳна безагига, ўзининг либосларига қаратишяпти. Менинг фикримча хонанданинг либоси ҳам репертуарига қараб белгилангани маъқул. Ижро этаётган қўшиғига қараб либос танланса уйғунлик яъни мазмун пайдо бўлади. Масалан, Муножот Йўлчиеванинг саҳнадаги маданияти, куйлаётган қўшиғи, либослари бир-бирини тўлдириб чуқур маъно, моҳият касб этиб туради. Балки бу

мумтоз кўшиқчилик йўналиши дейишингиз мумкин. Лекин эстрада йўналишида Насиба Абдуллаеванинг саҳнада ўзини тутиш маданиятига нима дейсиз? Ҳавас қилмай бўладими? Оддий, содда, дабдасиз, лекин маданият, жозоба, нафосат уфуриб туради. Саҳнада ўзини тута биладиган, бачкана хатти-ҳаракатлардан йироқ санъаткорлар ҳамиша бўлган. Ҳозир ҳам йўқ эмас, бор. Марҳум Муҳриддин Холиқов, Охунжон Мадалиев, Камолиддин Раҳимов, Фуломжон Ёқубов, Фиёс Бойтоев, Замира Суюнова, ёшлардан Озодбек Назарбеков, Аваз Олимов сингари хонандаларнинг саҳна маданиятига риоя қилиб келаётгани таҳсинга лойиқ. Бу хонандалар ҳар жиҳатдан ёшларимизга ибрат бўла оладилар. Саҳнанинг сеҳри бор, деб кўп гапирамиз. Таъбир жоиз бўлса саҳнанинг ҳам ўз қиёфаси, либоси бўлиши керак. Баъзилар кўчада кийиб юрган оёқ кийими билан ҳам саҳнага чиқиб кетаверади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Неъматжон Қулабдуллаев вилоятларга сафарга борганларида ҳам хатто оёқ кийимларини кўтариб юрардилар. Тоза, озода, лекин ялтир-юлтур кийим киймасдилар. Буюк санъаткор Тамарахоним ҳам либос масаласига алоҳида эътибор берардилар. Концерт бошланишига 15 дақиқа қолганида мени гримхоналарига чақириб бошимдан оёғимгача назар ташлаб, камчилик тополмасалар оқ йўл тилаб, энди бошласанг бўлади, дердилар.

Шу ўринда айрим хонандаларда учраб турадиган ваъзхонлик ҳақида ҳам айтишни истардим. Саҳнага чиқиб олиб, кўшиқ куйлаш ўрнига отангдан зўр ақл ўргатишга тушиб кетади. Муҳлис маъруза тинглагани эмас, кўшиқ тинглагани келади. Агар ҳофиз концерт бошланишида муҳлислари билан бир саломлашиб олса шунинг ўзи етарли деб ўйлайман. Бугунги концертларни кўриб аввалги санъаткорлар концертлари бир-бир кўз олдимдан ўтаверади. Созандалар ҳам жонли ижрода чалишган. Хонандалар ҳам жонли ижрода куйлашган. Бугун эса сунъий ижро авж олди. Лоақал мусиқаларда фонограммадан фойдаланиб ижро жонли бўлганида ҳам майли эди. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Хонандаларнинг ўзи қолиб, уй-жойларини, машиналарини, кийим-кечакларини реклама қилиш шартмикин, деб ўйлаб қоламан.

— *Ҳақ гап. Бу борада менинг ҳам баъзи ҳамкасб журналистларга эътирозларим бор. Қайси газетани варақламанг устида албатта хонандаларнинг суратларига кўзингиз тушади. Ичини очиб мақолани ўқисангиз тайинли гап йўқ. Ҳали санъат учун*

дурустроқ хизмат қилишга улгурмаган хонандаларни "юлдуз" деб кўкка кўтариб мақтаб ётганлар ҳам журналистлар! Санъат ҳақида ёзаётган одам аввало санъат сирларини билиши керак. Агар санъатни тушуниб, ҳис қилиб ёзилса ижодкорнинг истедоди таҳлил қилинади. Бунинг учун журналистнинг ўзи ҳам том маънода санъаткор даражасида бўлиши керак, деб ўйлайман.

– Фикрингизга қўшиламан. Санъат соҳасида йиллаб меҳнат қилган қанчадан-қанча санъаткорлар бор. Улар ҳақида ҳам ёзиш керак, албатта. Умуман саҳнани аслида мардлар майдони дейдилар. Шунинг учун унинг муқаддаслигига, масъулиятига жиддий аҳамият беришга тўғри келади. Мана шу масалалар мени доим чуқур ўйга толдиради...

«Театр» журнали, 2008 йил, 5-сон

ҚЎШИҚ ИЧКИ ТУҒЁН

Ойбек Ҳамроқуловни мен лирик хонандалар сафига қўшгим келади. Сабаби унинг қўшиқларида инсон қалбининг нозик торларини чертиб юборадиган гўзал ва нафис туйғулар мужассам. Овозидаги майинлик, соҳирлик юрак юракларингизни жимирлатгандек бўлади. Унинг қўшиқлари юракка яқин қўшиқлар. Тинглар экансиз, кўнглингиз бир қадар юксалгандек бўлади, руҳ тозаради.

Кўпгина ёш хонандалар устоз ҳофизлар ижро этган қўшиқларни куйлашга жазм қилишяпти. Бироқ, ҳамма хонандалар ҳам кўнгилдагидек маромига етказиб айтишолмаяпти. Тўғри, устозлар даражасида куйлашсин, деган талабни қўёлмаймиз, албатта. Лекин қўшиқнинг ижро йўли, мусиқаси бузилмаслиги керак. Сизнинг ижронгиздаги мумтоз қўшиқларда эса оҳанг ҳам, ижро ҳам, ҳаттоки авж пардадаги нозиклик ҳам сақланиб қолган. "Соҳибқироним" қўшиғини куйлашга нима туртки бўлди?

– Болалигимда Комилжон Отаниезов ижросидаги қўшиқларни эшитганимда вужудимда ҳаяжон, титроқ пайдо бўларди. Узоқ хаёлларга берилиб кетардим ва ўз-ўзидан кўзимга ёш келарди. Ўзимни тўхтатолмай йиғлаган пайтларим бўлган. Юрагимга аллақердандир "ух" келарди. Балки қўшиқнинг сўзи, балки устознинг дарди, ижроси мени мафтун этгандир?

Кўшиқнинг матнини анчагача тополмадим. Бир куни синглим устоз ижро этган қўшиқлар тўғламани олиб келди. Қўшиқлар орасидан уни топдим. Очиғи, ўзимча айтиб юрар эдим уни ёзиб халққа тақдим этиш хаёлимга ҳам келмаганди. Бир тани-

шимнинг йиғинида шу қўшиқ билан даврани очдим. Хоҳ ишонинг хоҳ йўқ, даврадагилар "воҳ" деб бақриб юборишди. Санъатни кадрлайдиган, яхши тушунадиган Равшанбек деган акаимиз менга "Ойбек шу қўшиқни айт, мендан қандай ёрдам керак бўлса бераман! деб қолдилар. Шу гап сабаб бўлиб қўшиқ ёзилди.

— *Кечирасиз, бу ғазал кимнинг ғазали?*

— "Тоҳир ва Зуҳра" достонидан олинган.

— *Демак, сиз қўшиқ куйлашда матнга алоҳида эътибор берасиз, шундайми?*

— Албатта. Тўғриси айтсам жуда кўп китоб ўқийман. Достонлар, тарихий мавзудаги китоблар, шеъррий тўпламлар, хуллас бисотимда жуда кўплаб китоблар топилади. Қўлимга тушган шеърни қўшиқ қилиб кетолмайман. Матн қўшиқнинг устун.

— *Ёшлар орасида тезроқ машҳур бўлиш "касал"и тобора кучайиб бормоқда. Ижоди халқни қониқтирадимми ё йўқми хонандалар тезроқ машҳур бўлиш, тезроқ элга танилиш учун бири-бирдан ўзишга ҳаракат қилишяпти. Натижа эса маълум... Аммо Сизнинг ҳам имкониятларингиз йўқ эмас-ку. Бироқ, негадир сизда хотиржамлик сезилиб туради. Бу нимадан?*

— Нима демоқчилигингизни тушундим. Табиатимдаги хотиржамлик, бирон ишни қилишга шошилмаслик дадамдан ўтган бўлса керак. Айниқса қўшиқчиликда, санъатда шошма-шошарликка йўл қўйилмаслик керак. Бу деганим, менга ҳамма нарса барибир деганим эмас. Дадам бизга доим бир гапни эслатадилар. "Санъатнинг нонини ейишдан аввал унинг машаққатларини бошингдан ўтказ, ўзинг унга дош бер, нимага эришсанг ҳам ўз кучинг ва меҳнатинг билан эриш, менга орқа қилма", дейдилар. Бу насиҳат доимо менинг қулоғимда. Масалан, бир йилда тезкорлик билан 4-5 та ўзимга сингди-ролмайдиган қўшиқ куйлагандан, сингадиган битта қўшиқ яратиш мен учун афзал. Секинлик билан бўлса-да "узоққа" борадиган қўшиқлар ижро этгим келади.

— *Секинлик билан манзилга етиб бораман деяпсиз. Тўғри-я, лекин вақтдан ютқазиб қўймайсизми?*

— Халқда бир гап бор. "Минг қилгин жаҳду жадал буйруғидан ортиғи бўлмайди". Одамзод кўп нарсаларни хоҳлайверади. Лекин дунёда биз хоҳлаган нарсалар бўлавермайди. Ҳар бир нарсанинг ўз вақти соати бор. Вақти келиб устозлар куйлаган саҳналарда ўз концерт дастуримни намойиш этарман...

— *Кўпинча бахтлимисиз деган саволлар билан аёлларга мурожаат қилинади. Менимча эркаклар ҳам бахтли бўлишга ҳақлари бор. Шу маънода сиз бахтлимисиз?*

– Албатта, бахтлиман. Отам,онам, синглим ва укам бор. Турмуш ўртоғим ва икки фарзандим бор.

– Сизнингча муҳаббат нима? У борми?

– Менимча муҳаббат инсоннинг инсонга қаттиқ боғланиб қолиши бўлса керак.

– Сир бўлмаса сеvimли машғулотингиз ҳақида.

– Отлар жону дилим. Уйда битта отим бор.Ижоддан бўш вақтларимда отда сайр қилишни яхши кўраман.

– Сўхбатингиз учун ташаккур.

"Туркистон" газетаси, 2002 йил, 12 март

ДАРДЛАРИМ ҚЎШИҚЛАРИМДА

Аҳрор Усмонов - 1966 йил 21 июнда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. 1971 йилда Бешариқ шаҳар 1-ўрта мактабга ўқишга кириб, 4-синфдан бошлаб қашқар рубоби мутахассислиги бўйича ўқиган. 1981 йил Фарғона санъат билим юртида таҳсил олган.1985 йил М.Ашрафий номидаги (ҳозирги Ўзбекистон давлат Консерваторияси) "Халқ чолғу асбоблари" бўлимига ўқишга кирган.

Яхшиямки, дунёда куй бор, оҳанг бор, ҳофизлар бор. Яхшиямки дилларга ором бахш этувчи қўшиқлар бор.Баъзан ғийбатларга,бўхтонларга ботган дунёнинг ёлғонларидан тўйган инсон ўзини қаерга кўйишни билмай, юрагига малҳам қидиради. У ҳеч бир меҳрибонидан топмаган малҳамни фақатгина қўшиқдан топади. Инсон қўшиқ танлаши мумкин. Аммо қўшиқ инсон танламайди. Истеъдодли хонанда Аҳрор Усмоновнинг қўшиқларида ёруғ дардни кўраман.Бу дард ҳар бир дардманд дардига малҳам. У муҳаббат ҳақида куйляпти. Шоир Муҳаммад Юсуфнинг дардлари хонанданинг дардларига айланган.

*Муҳаббатим қайдасан, қалб ардоғим,
Жайрон кўзим, қирларда қолган оху
Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим
Энди сени излаб қайдан топарман.*

Куй сеҳри сизни аллалайди. Ҳофизнинг ноласидан қалбингиздаги титроқдан алланечук бўлиб кетасиз. Юрагингиздан "оҳ" келади. Муҳаббат. Хонандага қўшилиб, билар билмай хиргойи қиласиз. Бу қўшиқ сизнинг қўшиғингизга айланади. Дунёда муҳаббат борлигига ишониб, ҳаётни, одамларни севиб яшагингиз келаверади. Гўзал туйғулар бўлмаганида бу қадар гўзал мисралар қўшиққа айланмаган бўларди.

1991 йил "Ёш ленинчи" газетасининг 6-март сонидида "У кўшиқ айтса" сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда шундай сатрлар бор. "Аҳрор Усмоновнинг ойнаи жаҳонда пайдо бўлиши кўплаб кўшиқ шайдолари орасида мунозараларга сабаб бўлди. Кимдир Шерали Жўраевга тақлид қилишида айбласа, яна бири у вақтинчалик эканини, бирор фурсат ўтиши билан ўз йўлини топиб кетишига ишончи комиллигини баён қилади".

Йиллар ўтиб, бу сўзларнинг ҳақ эканига амин бўлдик. Аҳрор Усмонов ўз йўлига ва ўз кўшиқларига эга бўлди. Унинг "Оққушгинам", "Оромижоним", "Хаёлотларим", "Йўллар кўпдир", "Ёр-Ёр", "Шамол сабаб", "Инсонни инсон ўлдирур", "Йиғлар", "Боролмайман" каби қатор кўшиқлари мухлисларига яхши таниш. Ҳақиқий санъат йўлини танлаган, унинг қийинчиликларига сабр ила жавоб берадиган, халқини, кўшиғини севадиган хонандаларгина халқ қалбидан жой олади. Баъзида сершовқин мусиқалардан чарчаб, толиқасиз. Шунда яна маҳзун, дардли кўшиқларга суянасиз.

*Сувда сандиқ оқиб борар
Қалқа-қалқа ёр-ёр,
Рўмолини силкиб қолар
Қирғоқда қиз ёр-ёр*

Хонанда Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий, Махтумқули, Фурқат шеърларини севиб ўқийди. Шеърятни қадрлаган хонанда Маҳмуд Тоир, Муҳаммад Юсуф, Шокирхон Ҳакимий, Мурод Раҳмон, Чоршамъ шеърларига қуй басталаш билан бир қаторда ўзи ҳам баъзан қалаб тебратиб қўяди. "Яхши шеър ёзадиган шоирлар йўқ, ё улар ёзмай қўйишди. Яна баъзи бир одамлар хонандалардан ҳафа бўлишади. Матбуотда ҳам китобларда ҳам яхши шеърларнинг ўзи кўринмайди,- дейди хонанда куюниб. Тўғри, шеър, мусиқа, ижро буларнинг бари мукаммал бўлгандагина яхши кўшиқ дунёга келади. Хонанданинг "Шамол сабаб" кўшиғи тингловчилар диққатини тортди.

*Ғийбат қилманг йигитни
Уялтирманг қизни ҳам
Шундай ўтли муҳаббат
Сийлаб ўтсин сизни ҳам
Насиб этмаса ёр васли
Энди ҳажри қийнасин
Кимда кимнинг кўнгли бор
Қўяверинг ўйнасин*

Қўшиқ ҳақида хонанданинг ўзи шундай дейди. "Қўшиқни яхши кутиб олганлар кўп бўлди. Аммо баъзилар нотўғри ҳам тушунишди. Мужлислар кимнинг кўнглига нима иш келса қилаверса бўлар экан, деган хаёлга боришмасин. Бу қўшиқ икки ёш келин куёв ҳақида. Қўшиқ қизларнинг ор-номуси, йигитларнинг мардлиги ҳақида".

Хонандадан устозингиз ҳақида гапириб беринг, деганимизда "Устозим Шерали акадан бир умр миннатдорман. Ҳамиша таъзимдаман", - дейди. Ўзбек қўшиқчилиги ҳақида сўраганимизда, - "Хонандаларимиз бошқа халқларнинг қўшиқларини куйларини олиб, унга сўз қўйиб куйлашмасин. Бошқа халқларнинг асбоблари, созлари ўзбек куйларига хизмат қилсин." У кекса ҳофизларимиздан Фаттоҳхон Мамадалиев Муҳаммаджон Каримов санъатларига эъзози баланд. Шунингдек Хориж ва рус мумтоз композиторларидан Бах, Гендель, Гайдн, Бетховен, Моцерт, Шопен, Шуберт, Бетховен ва бошқаларнинг асарларидан руҳий озиқа олади.

*Йўллар кўндир дунёда
Гуллар кўндир дунёда.
Бир-бирига етмаган
Диллар кўндир дунёда
Мен излаган гул қайда
Унга элтар йўл қайда.*

Сокин таралаётган бу қўшиқ эмас, кўнгилинг беҳудуд саҳроларида чарҳ ураётган нолалардир. Дардчил садолар тўлқинида кўнгилинг бахти бу. Бу кўнгилинг дунёсида разолат йўқ. Фақат муҳаббат бор ва муҳаббат сари юксалиш бор.

"Ёш куч" журнали, 1997 йил, 6-сон

ЗАРБЛАРГА ИНГАН ТҲЙҒУЛАР

Аббос Қосимов — 1970 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Аввал мусиқа мактабида, сўнг мусиқа коллежида таҳсил олади. А.Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият Институтининг «анъанавий созандалик» бўлимига ўқишга кириб, муваффақиятли тугатади. «Зарб-91» республика кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлган.

Ўзбек халқининг тўй-маросимлари ўзгача тароватли, файзли ўтади. Тўйларимиз албатта карнай-сурнай, ноғораю доира

садоларисиз очилмайди. Биз ушбу созларимизнинг келиб чиқиш тарихига кўпам қизиқмаймиз. Имом ат-Термизийнинг пайгамбаримиздан қилган ривоятларида шундай дейилади: "Никоҳни эълон қилинганлар, уни мачитларда ўтказинганлар, эълони ошқора ва мукаммал бўлиши учун дўмбиралар чалинганлар".

Бундан кўринадики, дўмбира одамларни бирон-бир нарсадан воқиф этмоқлик, чорлаш, уларни сергаклантириш учун хизмат қилган. Баъзи археологик маълумотларга қараганда эса Ислом давридан олдинги замонларда доирага асосан аёллар жўр бўлган. Уларнинг доира усулларига мос қўшиқ айтиши ва рақсга тушиши ўша даврларда шаклланиб, асрлар оша ривожланиб, сайқалланиб келмоқда. Демак, доира сози бошқа созлар қатори кеча ё бугун кириб келгани йўқ. Унинг тарихи жуда узоқ-узоқларга бориб тақалади.

Бугун давр ўзгарди. Замон ўзгариши билан доира созининг янгича шакли, янгича усул ва йўналиши пайдо бўла бошлади. Биз буни кўпгина доира созининг моҳир ижрочилари устоз санъаткорларнинг ижро йўлларида кўришимиз мумкин. Уста Олим Комилов, Тўйчи Иноғомов, Каҳрамон Дадаев, ака-ука Элмурод Исломовлар... Қўйингчи, уларнинг издошлари Маъмуржон Ваҳобов, Ҳасан Азимов ва бугунги кунда доира санъатининг доврўғини оламга таратаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, "Аббос" гуруҳининг раҳбари, истеъдодли созанда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аббос Қосимов.

Мухлисларимизга яқиндан гаништирмоқчи бўлган созанда Аббос Қосимовнинг ижодига тўхталишдан аввал бир нарсага диққатингизни жалб қилмоқчиман. Марҳум санъаткор Уста Олим Комилов ўз даврида Париж шаҳрига хизмат сафарига борган эканлар. Уста ўшанда икки қисмдан иборат "Қўш қарс" усулини камида икки соат давомида чалибдилар. Қўллари-нинг қадоқлари ёрилиб, усулни қон оққунча тўхтамасдан чалган, бундан доира ҳам қип-қизил қонга бўялган экан. Бу ҳолни кўрган париждликлар устани ўраб олиб, уларнинг санъатларига қойил қолишган ва қўллари-ни гипсга солиб, ўша гипс-ни ҳалигача Париждаги музейда сақлашар экан. Аббос Қосимов уста Олим Комиловнинг шогирди машҳур созанда Тўйчи Иноғомов қўлида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлган омадли ва бахти кулган созанда. У 9 ёшида Тўйчи Иноғомовга шогирд тушади. Бир йўла мусиқа мактабига ўқишга бора-

ди. У ерда мусиқа назарияси, нота ёзуви асосидаги қонун-қоидаларни ўрганса, Тўйчи акадан "Тожиқча-бухороча", "Хосил", "Доира сайрайди" каби усулларнинг ижро йўлларини ўрганади. Ёш, зеҳнли бўлгани учун Тўйчи ака унга устози уста Олим Комилов ижро этган "Сарбоз", "Тантана", "Бурулча", "Довул", "Қўшқарс", "Қўқонча" сингари усулларни диққат билан ўргатади. Кейинчалик собиқ пионерлар саройидаги доирачилар тўгарагида, ундан сўнг маданий-оқартув техникумида, сўнгра Тошкент Давлат маданият институтида таҳсил олади. У созанда Маъмуржон Ваҳобовдан янгича усул "Тескари йўл"нинг ижро усулларини мукамал ўрганади. Тинимсиз изланишлар туфайли, қолаверса, бир эмас, бир неча устозларнинг қўлида таҳсил олиб, профессионал созанда даражасига кўтарилган Аббос 1991 йил Уста Олим Комилов хотирасига бағишланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари бўйича ўтказилган "Зарб - 91" кўрик-танловида иккинчи ўринга сазовор бўлади. У доира чалганда юрагида жўш ураётган хис-туйғуларини яширолмайди. У ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам сел қилиб юборади. Хорижий мусиқа асбоблари саналган табла(араб), конги, бонги (Лотин Америкаси ва Африка давлатлари), довул (озарбайжон) созларини маромига етказиб ижро этади.

– "Мусиқада, – дейди у, – доиранинг вазифаси фақат усул ушлаш эмас, соз чалиш, доира оҳанг яратиши, мусиқага ўзгача бир жозоба бағишлаши керак".

Бу гапда жон бор, албатта. Шунинг учун ҳам у карнай-сурнай созларининг ўзига хос томонларини, унинг имкониятларини тўла очиб бериш мақсадида "Аббос" гуруҳини ташкил этишга қарор қилди. У бугунги кунда карнай, сурнай, қўш най, доира каби ўзбек миллий чолғу асбобларининг жуда катта имкониятлари борлигини гуруҳ созандалари билан бирга исботлади. Бу созларда ҳар қандай куйларни, ҳатто хорижий давлатларнинг мусиқаларини ҳам маромига етказиб ижро этиш мумкинлигини кўрсатди. Унинг "Наврўз", "Баҳор таронаси", "Байрам таронаси", "Доира садоси" каби куйларини, "Истиқлол таронаси", "Болажонлар", "Гўзал Ўзбекистон", "Норим-норим", "Рус популуриси" каби қатор видеоклипларини мухлислар зўр завқ билан томоша қиладилар.

Созанда йиллар мобайнида АҚШ, Япония, Германия, Франция, Бельгия, Люксембург, Греция, Тайван, Канада ва бошқа кўплаб хорижий давлатларда хизмат сафарида бўлиб, у

ерда бир ярим соатлик концерт дастурларини намойиш этиб қайтди. Иқтидорли созанда яқин кунларда Тайван шахрига бориб, у ерда доира санъатига қизиқувчи ёшларга мураббийлик қилиб қайтади. Дарвоқе, у яна бир хайрли ишга қўл урди. Устозлари ўргатган усулларни ривожлантириш, ёш созандаларни тарбиялаб етиштириш мақсадида "Аббос" доирачилар миллий мусиқа мактабини очди. Мактабни очиш жараёнида унга ташкилотчи ҳамфикр дусту Шавкат ака Мусаев ва "Аббос" гуруҳининг етакчи созандаси Зуҳридин Сафаровлар яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Икки оғиз мактаб ҳақида: Мактаб тўғарақдан шуниси билан фарқлики, у ерда ёшлар мусиқа назарияси, ўзбек миллий чолғуларининг келиб чиқиш тарихи, саҳна ҳаракати, доира санъати ва нота ёзувини мукамал эгаллайдилар. У ерда ўз касбининг етук билимдонлари, тажрибали устозлар таълим берадилар. Келгусида эса режалар, орзулар, амалга ошириладиган ишлар жуда кўп...

Халқда бир мақол бор: "Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми".

Аббос Қосимов меҳнат қилишдан, доира созининг бутун сир-синоатларини ўрганишдан чарчамайди. Жуда кўплаб муҳлислар орттирди, халқ эътиборини қозонди ва 40 дан зиёд шогирдлар етиштирди. Бугун у ташкил этган мактабда ҳам келгусида созанда бўлиш ниятида юрган бир қанча ёшлар таълим олаётдилар. Бу иш ҳам савобли, ҳам хайрлидир. "Доира дарси тугамайдиган дарс, меҳнат, машқ ва яна машқ қилиш керак", - дейди Аббос.

У тинимсиз машқлар эвазига шу даражага етдимиз ё устозларидан олган дуои фотиҳалари ижобат бўлибми, буниси фақат яратганга аён.

Унинг қалбидаги гўзал хис-туйғулар, орзулар ҳамиша зарбларга кўчаверсин.

«Театр» журнали, 2002 йил, 6-сон

САДОЛАРГА АЙЛАНГАН ЮРАК

Ҳабибулло Шамсиев – 1971 йил 9 июлда Тошкент шахрида туғилган. 1998 йил Тошкент шаҳар Охунбобоев номидаги кўзи оғирлар махсус мактабини тамомлаган.

Яна оппоқ тонг отди. Турмуш икир-чикирларидан толиққан мудроқ вужудимизда хорғинлик сезилади. Уйқуга тўймаган кўзларимизни зўр-базўр оча туриб узоқлардан таралаёт-

ган хонанданинг хонишларидан сергак торгамиз. Қалб уйғонади. Чарчаган вужуд ўз чигилини ёза бошлайди. Хонанда эса неча-неча инсонлар қалбини уйғотаётганидан беҳабар ўз дунёсига фарқ бўлганича, ўзига сизмай куйлайди.

Менга кўп тошларинг отмагин ағёр

Қилни туя дебон сотмагин ағёр.

Ғийбатнинг қўйнида ётмагин ағёр

Бу дунё сендан ҳам, мендан ҳам қолар.

Дунё. Бу бир синов. Бу синовдан ҳар биримиз бирма бир ўтаверамиз. Сир синоатларга бой дунё.

Аллоҳ кимгадир мол дунёни бисёр қилиб берган. Кимнидир бенуқсон, яна кимдандир бу саховатини дариг тутган. Кимнидир эса фақат ва куйлаш учун яратган. Туғма истеъдод соҳиби Ҳабибулло Шамсиев гўзал қалби билан ёруғ дунёнинг қувончларини, армонларини куйлаш учун дунёга келган. Ана шу армонлар унинг гоҳ маҳзун, гоҳ ўйноқи қўшиқларидан макон топади. Туғма истеъдод эгалари ҳар доим ҳам туғилавермайдилар. Ҳабибуллонинг ҳеч кимни такрорламайдиган овози, кўлида ўлмас сози бор. Дардли қўшиқлари, пок ва самимий қалби бор. У атрофдан кечаётган нарса ва ҳодисаларни қалбан туйди. Ҳаётнинг асл моҳиятини фалсафий мушоҳада этар экан, дунёга ички бир нигоҳ, ички бир туйғу ила теранроқ боқишга интилади. У ёниб куйлайди.

"Ҳабибулло, - дейди отаси Ҳамидулла ака, - беш ёшиданоқ ўзи мустақил соз чала бошлаган. Саккиз ёшида уни кўзи ожизлар мактабига ўқишга бердик. Шу мактабда очилган тўғаракка қатнай бошлагач, устози Николай Иванович Бондревдан аккордион созини ўрганди".

Гарчи Ҳабибулло бошқа мусиқий олийгоҳларда таҳсил олмаган бўлса-да, мусиқа соҳасига тааллуқли барча нарсаларни, жумладан мусиқа йўналишлари, овоз пардаларининг созланиши, нота ёзувини, куйлаш йўл йўриқларини устоз санъаткорлар кўмагида пухта эгаллашга ҳаракат қилмоқда. У най, танбур, доира, табла, тор созларини моҳирона чала олиш қобилиятига эга. Сеҳрли бармоқларидан сеҳрли оҳанглар таралади. Ана шу сеҳрли оламда ўз руҳияти билан парвоз қилади. Завқланади, завқ улашади. Айни пайтда у радио тўлқинлари орқали бериладиган мақом шўьбалари ва оқимларини мустақил равишда ўрганмоқда. У нафақт созанда, хонанда балки дилбар куйлар ярата оладиган бастакор ҳамдир.

У кўпгина хонандаларга куй басталайди, мусиқаларга сайқал беради.

1990 йил Ҳабибулло учун унутилмас йил бўлди. У "Қамолот-90" кўрик танловида ўзи басталаган "Мен бўлай" ва устози Ҳасан Ражабийдан ўрганган "Қапандози қаландар" кўшиқлари билан қатнашиб совриндор бўлди.

- Ҳар гал,-дейди хонанда «Мен бўлай» кўшиғимни куйлаганимда ички бир садо юрагимдан таралаётганини ҳис этаман. Ўз- ўзидан янги нолалар кўшилаётгандек туюлаверади. Гўё кўшиқ янгитдан туғилгандек бўлади.

Қулоқ тутсанг, эшитилса бир садо

Сени излаб борган бўлса бир гадо.

Сен ҳайдасанг, жонин қилса у фидо

Сени излаб борган гадо мен бўлай.

Ҳабибулло ёшлигида Рустам қори Турсуновнинг кўшиқларини тинглаб завқланар, гарчи у ҳаётида ҳофиз билан бор йўғи икки маротаба учрашган бўлса-да, устозим деб санайди ва ҳурмат билан тилга олади. У айна пайтда Нормурод Нарзуллаев, Ислом Ҳамро, Зулфия Мўминова шеърларига куй басталамоқда. Бастакорлар Абдуҳошим Исмоилов, Рустам Маҳмудов, Дилором Омонуллаевалар билан ҳамкорлик қилиш ниятида. Ундан бугунги кўшиқчилик борасида камчиликлар, муаммолар ҳақида сўраганимизда у шундай жавоб берди.

"Кўшиқчилик борасида деярли мушкулл вазиятлар йўқ. Кўшиқчиликда мумтоз куй-кўшиқларнинг ҳам, реп, поп, рок, операнинг ҳам ўз ўрни, бир-бирига ўхшамайдиган томонлари бор. Услуб йўналишлар ҳар хил. Аммо услуб ва йўналишлардан тўғри фойдалана билиш керак. Тўғри, ҳар бир ёш хонанда ижодининг бошланишида кимгадир тақлид қилади, ўхшагиси келади. Кейинчалик албатта устоз санъаткорлардан маслаҳат олиб, йўл йўриқларини ўрганиб ўз йўналишини топиб олади. Яна бир муҳим нарса хусусида тўхталмоқчиман, бу ҳозирги кунда авж олган хориж мусиқа оҳанглари йўлаштириш масаласи.- Дейлик, бир хонандага туркча куй ёқди. Унинг биринчи қиладиган иши ўша хонандани топиб, шу оҳангда куйлаш учун руҳсат сўраши, сўзининг мазмунига путур етказмаган ҳолда, ўз она тилимизга таржима қилиб куйлаши керак. Бундан ҳамма забонларда куйланадиган "шлягер" кўшиқлар мустасно. Ундай кўшиқларни барча куйлашга ҳақли. Афсус бизда бу жараён шоу бизнесга айланиб кетяпти. Баъзилар кўшиқни фақат қайғу, дард, изтиробдан иборат бўлса яхши кўшиқ деб ҳисоблашади. Йўқ. Мен бу фикрга кўшилмайман. Кўшиқ - маълум бир сониялик

учрашув, енгиллик ҳамдир. Агар у оғир, дардни ифодалайверса халқ эшитмай қўяди. Ахир инсон завқланиши, рақс тушиши ҳам керак-ку. Мен бу жараённи оддийдан мураккабликка интилиш деб атайман. Бу деганим маза матрасиз қўшиқларнинг кўпайгани яхши деганим эмас. Шўх қўшиқларни ҳам мусиқа қонун қоидаларига риоя қилиб, меъёрдан чиқмасдан куйлаш керак. Баъзан матни унча бўлмаган қўшиқлар ҳам барчага манзур бўлиб қолиши мумкин."

Ҳабибуллонинг гапида жон бор. Ҳайоқ, жозибали қўшиқларнинг ҳам ўз мухлислари, тингловчилари бўлади. Шўх қўшиқларни тинглайвериб чарчаганимизда қалбларимиз маҳзун қўшиқлар соғинади. Ҳабибуллонинг ягона орзуси дилга яқин гўзал ва бетакрор қўшиқлар яратишдир.

*Кел қалбимнинг оташи гўзал
Сенга томон кетди хаёлим.
Қайдасан, эй сўзлари асал
Гул шохда қолди рўмолинг*

Ҳабибуллонинг ҳар бир янграган қўшиғида у хоҳ араб, хоҳ турк, хоҳ эрон қўшиқлар бўлсин ҳаётга меҳр, ташналик бор. Санъат йўлининг машаққатли синовларида унинг ижодига омадлар тилаймиз.

"Ёш куч" журнали, 1997 йил 4-сон

САҲНАДА ТУҒИЛГАН ХОНАНДА

(Хонанда Равшан Намозов билан суҳбат)

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида "Равшан ва Зулхумор" спектакли ўйналаётганда актёрса Султонхон Қодировани тўлғоқ тутиб, тоби қочади. Бу ҳодисадан унинг турмуш ўртоғи актёр Раҳмон Намозов ҳайрон. Султонхонни саҳнадан олиб чиқиб кетишади. Орадан кўп вақт ўтмай, ўғил дунёга келганлиги ҳақида хабар келади. Бу чақалоқ 1961 йил 10 июлда намоёни этилган "Равшан ва Зулхумор" пьесаси сценарийсига "ўзгартириш киритган" қаҳрамон истеъдодли хонанда Равшан Намозов эди. У бугун саҳнада туғилганлиги бежиз эмаслигини исботламоқда.

— Равшан ака, сиз халқ йўлида айтган қўшиқларингиз билан танилгансиз. Ижодингизнинг асосий йўналишини халқона қўшиқлар белгилашининг сабаби нима?

– Болалик чоғларимда момом доира чертиб халқ термаларини ижро қилиб берардилар. Уларни тинглаб тўймасдим. Бир куни дадам спектаклга мени ҳам олиб бордилар. Ўшанда 4-синфда ўқирдим. Дадам саҳнага чиқишлари биланоқ қўлимга доира тутқазиб мени ҳам чиқариб юборишди. Илк бор саҳнада доира чалган куним ёдимдан чиқмайди. Санъат йўлига бошлаган инсон момом, дадам ва доира чалишни ўргатган Карим Бурҳонов бўладилар.

– *Момонгиз қандай термаларни айтардилар?*

– Ҳозир эсимда йўқ.

– *Халқ қўшиқлари кўпинча доира, қарсак, чанқовуз, сибизик жўрлигида ижро этилади. Ҳозирда эса улар ўрнида турли замонавий мусиқа асбоблари жўрлигида ҳам куйлашапти. Бу табиийликка путур етказмайдими?*

– Мисол билан айтай. Авваллари енгил машиналар бўлмаган, техника ривожланмаган. От миниб йўлга чиққан киши билан машинада йўлга чиққан кишининг орасидаги фарқ нимада. Фарқи бири машинада, бири отда. Муҳими – манзилга етиб бориш.

– *Халқ термаларини ўзингиз излаб топасизми?*

– Йўқ. "Сув келади мўридан" деб бошланувчи халқ термасини мактабда ўқиб юрган пайтимдаёқ айтиб юрардим. Кейинчалик "Бойсун" этнографик фолклор гуруҳи раҳбари Холиқ акадан "Базм", "Кавушим", "Олмача", "Қаландарлар тилаги" каби халқ термаларини олиб ижро этдим.

– *Турли хил кўрик танловлар бўлади. Масалан, Амир Темурга бағишланган ё бўлмаса "Ўзбекистон ватаним маним". Уларнинг санъат учун қанчалик нафи бор деб ўйлайсиз?*

– Кўрик танловларнинг афзал томони шуки, уларда энди-энди етишиб чиқаётган истеъдодлар кашф этилади. Ёшлар ҳаётида бу катта бир синов, ҳам туртки. Баъзан биргина кўрик сабаб санъатда ўз йўлини топиб кетаётган ёшларни ҳам учратиш мумкин.

– *Кўрикда фақат энди чиқаётган ёшлар эмас, таниқли хонандалар ҳам иштирок этишади-ку?*

– Менимча улар ёшлар билан баҳслашиш учун эмас, ўзларининг маҳоратларини синаб кўриш учун иштирок этишса керак.

– *Ўзингиз нега қатнашмайсиз?*

– Менинг ўз «мавуларим» бор. Буларнинг ҳаммаси ҳаётимда қийинчиликларга учраганимдан келиб чиққан.

– *Истеъдод бўлсаю овоз бўлмаса қўшиқчи бўлиш мумкинми?*

– Куйлаш учун овоздан ҳам муҳим нарса бор. Бу - юрак. Кичкина овоз билан ҳам кўплаб кишилар қалбига йўл топиш мумкин. Катта овоз бўлиб унда ҳеч қандай дард бўлмаса куп қуруқ сўз инсон юрагига етиб бормайди. Масалан, Муҳриддин Холиқов, тожикистонлик Далиёр Назаровларнинг кичкина овозларида катта дард бор.

– *"Ёшлар орасида кимларни истеъдодли деб айта оласиз?*

– Оролмирзо, Мардон, Оғабек, Ўлмас, Дилшод, Ҳабибулло...Истеъдодлар кўп.

– *Кимларни ва қандай оҳангларни тинглайсиз?*

Асосан Комилжон Отаниёзов, Расул қори Мамадалиев, созанда Турғун Алиматов, хинд қўшиқчиси Лата ман Гешкар ва Карл Сантанио ижодларидан илҳомланаман.

– *Уларнинг ижоди нимаси билан сизга ёқади?*

Ҳаммасининг ўзига яраша услуби бор. Комилжон аканиннг қўшиқ куйлаш маҳорати, овоз ишлатиш йўли жуда кучли. Бу инсоннинг билими ҳам кучли бўлган. Унга хатто тақлид қилиб ҳам бўлмайди. Лата ман Гешкарнинг овозида тортувчи куч бор.

– *Қўшиқ куйлаш учун санъаткорга билим керакми?*

Аллоҳ кимгаки туғма истеъдод берган бўлса билимни ҳам қўшиб беради. Ҳаёти давомида саҳнада ўзини тутиш, саҳна сир синоатини ўрганиш мумкин.

– *Бу гапингиздан ёшлар ўқимаса ҳам бўлар экан, деб хулоса чиқариб қўйишлари мумкин-ку ахир?*

– Ўзини мажбурлаб ўқигандан ўқимаган маъқул.

– *Бахшилар куйлайдиган дoston ва термалар оҳангларидан ҳам фойдаланасизми?*

– Бахшиларни тинглаб руҳимда тозариш сезаман. Шоберди бахши, Абдурахмон бахши, уларнинг оддий сўзлари халққа яқин. Халқнинг юрагига фақат оддий ва тўғрисиўз билан кириб бориш мумкин.

– *Қайси воҳанинг термалари сизга ёқади?*

– Сурхондарё, Бухоро, Хоразм термаларини айтаман. Фиждувоннинг ўзининг алоҳида термалари бор. Насиб бўлса, Самарқанд, Фарғона термаларини ҳам излаб топиб куйлаш ниятим бор.

– *Сизни неча ёшдагилар тинглайди деб ўйлайсиз?*

– Халқ қўшиқлари барчага бирдек ёқса керак.

– *Қўшиқ инсонга энг аввал нима бериши керак?*

– Ҳар бир шинаванда ўзига керакли қўшиқни эшитади. Бу унинг қўшиқ тинглашига боғлиқ. Менимча қўшиқ инсоннинг ёши, касбидан қатъи назар унга руҳий мадад, маънавий озуқа бериши керак. Қолаверса бу инсоннинг қалб эҳтиёжидан келиб чиқади.

– *Сизга тақлид қиладиганларга қандай муносабат билдирасиз?*

– Менинг қўшиқ куйлаш йўлим, услубим уларга маъқул келганидан хурсандман. Аммо битта тўғри маслаҳат берардим. Осонликка алданишмасин, тайёрига баковул бўлишмасин. Чинакам санъаткор бўлиш, ўз йўлига эга бўлиш учун меҳнат қилишдан қийинчиликларни ёриб ўтишдан чўчишмасин.

– *Сизни табиатан инжиқ дейишади, тўғрими?*

– Инжиқ эмасман, талабчанроқман. Менинг талабларимга дош беролмаган айрим кимсалар "инжиқ" деб баҳона қилиб қўя қолишган.

– *Соч соқолингизнинг олмаслигингиз бошқалардан ажралиб туриш учунми?*

– Йўқ.

– *Кийинишингиздан тортиб, саҳнадаги ҳаракатгача томошага қурилган, театрлаштирилган. Бу нимадан?*

– Актёрлик маҳоратини ҳам ишга солиб куйласам, қўшиқнинг руҳи янаям боршқача бўлади, деб ўйлаганман. Ҳатто қўшиқнинг сўзларига ҳам унчалик эътибор бермаганман. Энди билсам, оддийроқ кийиниб, кўпроқ истеъдодни намойиш этиш керак экан.

– *Мабодо қўшиқчи бўлмаганингизда актёр бўлармидингиз?*

– Албатта, келажакда ўзимни кинода синаб кўриш ниятим ҳам йўқ эмас.

– *Масалан, қандай киноларда?*

– Мураккаб съёмкали кинолардаги мураккаб эпизодларни бажаришдан тоймаган бўлардим. Агар менинг қизиқшимни синаб кўрмоқчи бўлган режиссёрлар таклиф қилишса розиман.

– *Нега айнан мураккаб эпизодларда?*

– Ёшлигимда жуда шўх, олов бўлганман. Дарахтма-дарахт сакрашни, осилишни яхши кўрардим. Болалар билан муштлашмаган кун йўқ эди. Кураш тушишни, ҳарбий машғулотларни бажаришни яхши кўрардим.

– *Яна нималарни яхши кўрасиз?*

– Чарчаган пайтимда ухлашни, бундан ташқари сузишни, тоққа чиқишни, футбол ўйнашни, раем чизишни, машина ҳайдашни...хуллас мультфильм кўришни.

– *Хориж ва ўзбек актёрларидан кимларнинг ижоди сизга ёқади?*

– Мен ёқтирган актёрлар уч вазифани бажарадиган - ҳам режиссёр, ҳам актёр, ҳам каскадёрлар. Жан Марэ, Жан Поль Бильмандо, Ален Делон, Мел Гибсон, Жеки Чан, Брюс Ли, Силвестер Сталонье, Стивен, Сигал, Жан Клод Ван Дамм. Ўзбек кино актёрларидан марҳум Ҳамза Умаров, Мурод Ражабов, Рустам Уразаев, Ёдгор Саъдиев, Исамат Эргашев, Беҳзод Муҳаммадкаримов...

– *Бўш вақтларингизда нималар билан шуғулланасиз?*

– Фантастик, астрологияга оид диний китобларни ўқиш билан машғул бўламан. Ҳозирги кунда Ўзбекистон тарихи ҳақидаги китобларни ўқиш билан бандман. Шаҳмат ўйнашни ҳам ёқтираман. Шахмат ақлни чархлайди.Тўғри йўлни топишда катта аҳамияти бор.

– *Сиз учун атрофингиздагиларнинг гапи муҳимми?*

– Одамларнинг яхши гаплари учун ҳам, ёмон гаплари учун ҳам раҳмат. Улар мени унутишмабдими, демак мен яшаяпман.

– *Ўзингизни эркин инсон деб ҳис қиласизми?*

– Фақат саҳнада ўзимни эркин ҳис қиламан, холос. Ҳаётда мени "нимадир" занжирдай боғлаб қўяди.

– *Янги гуруҳ тузмабсиз. Ўтаётган кунингизга ачинмаяпсизми?*

– Ўзингизга маълум кўпгина гуруҳлар ташкил қилдим. Маълум сабаблар билан тарқаб кетди. Ўтаётган кунимга ачинсам ё ачинмасам, бу тақдир. Бироқ гуруҳ тузишга шошилаётганим йўқ. Худо хоҳласа атрофимга ҳар томонлама мукамал, билимли, содиқ, моҳир мусиқачиларни тўплаб янги гуруҳ тузиш ниятидаман.

– *Наҳотки, шунча фазилатларни ўзида жамлаган одамларни топаман деб ўйлайсиз?*

– Ният қиламан ва Худо хоҳласа ниятимга эришаман.

– *Ниятларингиз ижобат бўлсин.*

"Ёш куч" журнали, 1998 йил, 7-сон

МУХЛИСЛАРИНГИЗГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Мавлуда Асалхўжаевага очиқ хат)*

Яқинда хизмат сафари юзасидан Фарғона вилояти томон йўл олдим. Шофёр "Яна икки кишини олволсак, кейин юрамиз деди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан иккита йўловчи аёл ҳам топила қолди. Машина жойидан қўзғалди. Шу пайт шофёр "Зерикиб қолманглар. Сизларга қанақа қўшиқ қўйиб берай? Ҳаммасидан бор, - деб сўради. Аёллардан бири "Яхшиси, радио эшита қолайлик, ҳар ҳолда янгиликлар, ахборотлар дегандай..", - деди истамайгина.

Шофёр ё "Ориат доно" ё "Замин"... билмадим, ишқилиб, радиоканаллардан бирини улади. Радиодан хонанда Мавлуда Асалхўжаеванинг, яъни сиз ижро этган туркча оҳангга йўғрилган "Мен мушук эмасман", - деган қўшиқ янгради. Аёллардан бири "Э-э, ака, илтимос, бошқасига олинг", - деди негадир энсаси қотиб. "Ҳа-а, кечагина бу хонанданинг ашаддий мухлиси эдилар-ку, нима, ёқмай қолдимиз", - дея эътироз билдиргандай бўлди дугонаси. Шу ондан бошлаб Сизнинг ижодингиз ҳақида суҳбат (ғийбат эмас) бошланди. Тўғрироғи, ашаддий мухлисангиз қўшиқларингизни эшитмай қўяётганининг сабабларини куюниб гапирди. Суҳбатдан аён бўлдики, Сиз ўз мухлисларингизга ҳиёнат қилган эмишсиз. Шу суҳбат таъсирида ҳамда санъатшунос бўлганим тўфайли юрагим тубида беркиниб ётган фикрларим галаён кўтарди. Сизга самимий ва беғараз икки оғиз дил сўзларимни тўкиб солишни лозим топдим.

Мавлудахон! Очиғи, мен сизнинг у қадар ашаддий мухлисангиз эмасман. Бироқ, касбим тақозосига кўра, барча хонанда-ю созанда, санъаткорлар ижодини кўпдан изчил кузатиб бораман. Сизни Ўзбекистон Давлат Санъат институтида ўқиётган даврингиздан бери биламан. (Албатта, биз бир-биримиз билан учрашмаганмиз). Илк қўшиқларингиз ёдингиздами? "Фигон", "Дугоҳи Ҳусайний", "Тановар", "Қайтар баҳор", "Қизларжон", "Унутма". Бу қўшиқлар умрбоқий қўшиқлар. Эсимда, бир куни "Ойнаи жаҳон"да бошингизга тиллақош, эгнингизга беқасам кўйлак кийиб мумтоз қўшиқларимиздан бирини ўзгача бир дард билан куйлаганингизда ниҳоятда хурсанд бўлиб, эрта-индин мухлисларингизнинг

янада кўпайишига ва Сиз уларга маънан бой ва юксак даражадаги қўшиқлар гулдастасини туҳфа этишингизга умид қилгандим. Лекин негадир бора-бора ички бир дард ўрнини енгил-елпилик босиб кетаётганга ўхшайди. Биламан, санъат йўли ниҳоятда машаққатли йўл. Кўпчилик санъаткорлар бу йўлда ўзларини йўқотиб қўядилар. Бу даргоҳга илк қадам қўяётган ҳар бир хонанда ўзгача бир ҳис-туйғулар, ички туғёнлар, покиза орзулар билан кириб келадию бора-бора куйлаётган қўшиқларида саёз жумлалар, хатти-ҳаракатларида бачкана қилиқлар пайдо бўла бошлайди. Бундай муносабат нима учун ва қандай пайдо бўлади? Бу санъаткорнинг касбига бўлган ҳурматсизлигимми ёки мухлисларини назар-писанд қилмасликми ёинки ўзига ортиқча бино қўйишиданми?

Сиз яхши биласиз, устозлар "Саҳна муқаддас даргоҳ" дея уқтиришган. Лекин виждонан айтинг-чи, бугун унинг муқаддаслигини ҳис қиляпмизми? Не-не буюк санъаткорларни кўрган шу муқаддас даргоҳга чиқишга кўпчилик санъаткорлар маънан ҳақлимилар? Агар маънан ҳақли бўлсалар, унда саҳнанинг муқаддаслиги, тартибу интизомлари, маданияти, умуман, ёзилмаган конун-қоидалари қаёқда қолди?

Санъаткор ким ўзи? У қандай бўлиши керак? Сира шу каби саволлар сизни қийнаганми?

Немис файласуфи Фридрих Шиллер "Санъаткор аср фарзанди, аср тантиғи бўлиб қолса холига вой", - деганида нақадар ҳақ эканини бугунги кун санъат майнавозчилари исботлаб турибди. Тўғри, санъатнинг нони қаттиқ бўлади. Лекин сўнгги йилларда унинг нони сувга тушгандек кўпчилик қолди. Мени минг бор маъзур тутинг, сизнинг ижодингизга заррача ғаразлигим йўқ, асло. Санъаткорнинг елкасида жуда катта юк бор. Бу юк уни кузатиб турган минг-минглаб қоракўзларнинг ишонч, умид юки. Сиз ана шу юкдан, масъулиятдан ўзингизни четга олаяпсиз, чамамда. Сиз унча-бунчага чалғимайдиган, ортидан ёшларни ибрат манзили сари етаклайдиган ёшдасиз. Ишонаманки, бунга қодирсиз. Фақат, Худо берган истеъдоддан (у ҳар кимга берилавермайди) тўғри фойдалана олмаяпсиз. Балки бу айб эмасдир?! Бироқ, унинг зарарли томонлари кўпки, охир-оқибат мухлисларингизни йўқота борасиз. Наҳот бундан чўчимайсиз? Сиз саҳнага қадам қўяётган ёшларга ибратли устоз бўла олишингиз керак. Бунинг вақти келди. Аммо... мухлислар сизнинг ёшингизга яраш-

майдиган стол устига чиқиб олиб, "Мен мушук эмасман", дея қўлашингиздан лолу ҳайронлар. Бу нафақат менинг, балки ўша йўловчи оддий ўзбек аёлининг - Сизнинг собиқ ашаддий мухлисанинг фикри. Санъаткор деган унвонингиз бор, ахир! Жилла курса, ўз ҳамиятингиз, ориятингиз ва андишанингизни сақлаб колсангиз дейман. Ҳар ҳолда аёлсиз. Назокат, нафосат деган ўзбекона фазилатларимиз бор.

Ўз қўшиқларингиз билан халққа нур, зиё улашиш ўрнига... Айни товушингиз шира боғлаб, шоҳ қўшиқларингизни яратиш ёшига етганда фурсатни қўлдан бой бераяпсиз. Сизда жуда катта имконият, истеъдод бор. Сиз шундан оқилона, донолик билан фойдалана олишингиз мумкин.

Сизни ва Сиз каби санъаткорларни миллионлаб инсонлар тинглайди. Уларга қандай таъсир ўтказиш эса (салбий ёки ижобий) Сиз айтаётган қўшиққа боғлиқ. Ўз ўрнида санъаткор миллат ёшларининг маълум маънодаги тарбиячиси ҳамдир.

Афсуски, қўшиқчилик санъатимиз жуда майдалашиб бораяпти. Ахир унинг оқибати не бўлиши ҳақида Сиз ва биз жон куйдирмасак ким қайғуради?

Назаримда, мухлисларингиз Сиздан ўзбек аёлларига хос вазминликни, ор-номусни, мулоҳазали фикрларни кутишмоқда. Кўз олдингизга келтиринг, Коммуна Исмоилова, Ҳадиа Юсупова, Берта Давидова, Матлуба Дадабоева, Зулайҳо Бойхонова, Муножот Йўлчиева... бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шу каби санъаткорларни стол устида қўшиқ куйлашларини ҳазм қилолган бўлармидингиз? Нақадар аянчли ва кулгили ҳолат, тўғрими?

Санъаткор - халқ фарзанди. Уни кўкларга кўтарадиган ҳам, ерга урадиган ҳам ана шу халқ. Шунини унутмангки, кечаги сизнинг қўшиқларингизнинг ашаддий мухлислари бугун Сиздан осонгина воз кеча олишади. Уларни тутиб қолиш эса ўз қўлингизда. Улар сизга садоқатлими, демак, сиз ҳам садоқатга хиёнат қилманг.

Сиз жиддий фикрлашга, маъноли, гўзал қўшиқлар куйлашга ярашасиз. Афсуски, қимматли вақтингизни бой бераяпсиз. Қўшиқларингиз матнига алоҳида эътибор беринг... Кези келганда айтишим ўринлики, бу борада кўпгина хонандаларнинг қўшиқлари танқидга ва таҳлилга муҳтож... Туриб-туриб ҳайрон бўламан: ўзбек аёл хонандаларига нима бўляпти, ўзи: "Менинг қошим камон", "Белим хипча", "Юзим анор", "Лабим шакар", "Тезроқ кел, жоним", "Сени

кутаман", "Вой-вой, қилма овора", "Бир тунинг бахш эт менга", "Ёримнинг лаби асал", "Нима қилай ёқадией, шу боланинг озори"... шунга ўхшаш куракда турмайдиган жумлаларга тўлган бақириқ-ҳайқириқлар меъдага тегиб кетди. На мантиқ, на нола, на оҳанг, на дард... ахир қайси даврда аёллар эркакларга қараб шундай хитоб қилишган?! Ёшларни ёш десак, туппа-тузук катта санъаткорларни нима жин урди? Мен сизнинг қўшиқларингизни сўзма-сўз таҳлил қилмоқчи эмасман. Сабаби, Сиз нима куйлаётганингизни ўзингиз яхши биласиз. Мухлисларингиз ҳам яхши билишадди. Бироқ, мени қийнаган бошқа нарса: оғзимизга нима келса айтаверамизми? Балки Сиз замон талаби дерсиз? Йўқ, бу билан ҳам ўзингизни оқлай олмайсиз? Инсон ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай вазиятда ўзини, ўзлигини сақлаб қолиши зарур. Ўз "мен"ига содиқ қола олсагина у шахе сифатида тан олинади. Бунинг учун эса санъаткорга жуда кўп нарса керак. Умри қисқа, мағзи пуч қўшиқлар ўткинчилигини жуда-жуда яхши биласиз. "Олтин фонд"да сақланиб қоладиган қўшиқлар устида кўпроқ ишланг.

Мавлудахон! Юқоридаги аччиқ, лекин беғараз фикрларимдан ранжиманг. Мен бу фикрларни самимий, юракдан ёздим. Дўст ачитиб гапиради, дейишади. Лекин, дўст аччиқ сўзларини ҳар кимга ҳам айтавермайди. Қалбига сигган одамга айтади.

Зеро, санъаткорнинг қиялаши ўз мухлислари ундан юз ўтирганида кўринади. Бунга эса санъаткорнинг ўзидан бўлак ҳеч ким айбдор эмас. Сизга омад, ижодий баркамоллик тилайман.

«Муштум» журнали, 2008 йил, 1-сон

САНЪАТ САДОҚАТНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Аббос Қосимов билан суҳбат)*

Халқимизнинг катта-кичик тадбирлари ва тўй-томошаларини карнай-сурнай, ноғораю доира каби қадим созларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улардан, айниқса, доиранинг доғруғи узоқларга бориб тақалади. Уста Олим Комилов, Тўйчи Иноғомов, Қаҳрамон Дадаев, ака-ука Исломовлар ва яна бошқа доирачиларимиз номини бугун жаҳон билади.

Ана шундай истеъдодли санъаткорлар сафида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, "Аббос" гуруҳининг раҳбари

Аббос Қосимовнинг ҳам ўрни бор. Биз созанда билан учрашиб, суҳбатда бўлдик.

– *Бугунги кунда гуруҳингиз ижросидаги куйлар кириб бормаган хонадон қолмади десак, муболаға бўлмайди. Сиз асосан доира чаласиз. Айтинг-чи, доирага қизиқишингизга нима сабаб бўлган?*

– Мусиқага қизиқишимда акам Умар Қосимовнинг хизмати катта. Акам - созанда. 9 ёшимда мени мусиқа мактабига етақлаб олиб борганлар. Ҳали доира нималигини билмайдиган бола эмасманми, бошида унча хушламаганман. Акам қаттиққўл эдилар. Ҳар бир дарсимни қайта-қайта машқ қилдиравердилар. Мактабда мусиқа назарияси, нота ёзуви асосидаги қонун-қоидаларни ўргансам, мактабдан ташқари машҳур созанда, раҳматли Тўйчи Иноғомов қўлларида таҳсил олганман. Тўйчи акадан "Тожикча-бухороча", "Ҳосил", "Доира сайрайди" каби усулларнинг ижро йўлларини ўрганганман. У кишининг сабоқлари қалбимда доира созига меҳр уйғотган. Тўйчи ака кейинчалик устозлари уста Олим Комилов ижро этган "Сарбоз", "Тантана", "Бурулча", "Довул", "Қўш қарс", "Қўқонча" сингари усулларни ҳам ўргатдилар. Мусиқа мактабини тугатиб, маданий - оқартув техникумида, сўнгра Тошкент давлат Маданият институтида таҳсил олдим.

Доирада янгича усул - "тескари йўл"нинг ижро усуллари-ни созанда Маъмуржон Ваҳобовдан ўргандим. Бир қарашда чалиш осон кўрингани билан доира созининг ўзига яраша машаққатли томонлари кўп. Кунига 4-5 соатлаб машқ қилиш, орада узилиш бўлиб қолмаслиги лозим. Ҳам жисмоний кучкуват, ҳам мусиқий қобилият, ҳам катта юрак керак. Ҳар бир зарбнинг ўзгача садолари нолалари, қочиримлари бўлиши зарур. Ана ўшанда ўзингиз ҳам сел бўлиб чаласиз, мухлислар ҳам маза қилишади.

– *Янглишмасам, "Зарб - 91" кўрик-танловида қатнашгансиз?*

– Дарҳақиқат, 1991 йили Уста Олим Комилов хотирасига бағишланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари бўйича ўтказилган "Зарб-91" кўрик-танловида иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллаганман.

– *Яқин йиллар ичида турли хорижий мамлакатларда бўлдингиз. Айниқса Лондондаги концерт дастурингиз хорижлик мусиқа шинавандаларида катта қизиқиш уйғотди.*

– Гуруҳимиз билан қайси мамлакатга бормайлик, қайси куйни ижро этмайлик, томошабинлар юзидаги ҳайратни кўриб ҳақиқий санъатнинг қадрига етадиган, уни қалбдан тушуна-

диган кишилар кўплигидан қувондик. Айниқса, "Баҳор таронаси", "Доира садоси", "Норим-норим", "Гўзал Ўзбекистон", "Рус попурири" каби куйларимизни олқишлар билан қарши олишди. Ўтган йили "Дилхирож", "Дунё овози", ёшлар учун Майкл Жексон мусиқасини ўзбек миллий созларимиз жўрлигида ижро этдик. "Дунё овози" куйимизни эшитган бўлсангиз керак. Бу куйни хорижий мамлакатлардан олиб келган созларни бир ерга жамлаб, улар жўрлигида ижро этганмиз.

– Назаримда, бу ҳам бир янгилик бўлди. Доира, карнай, сурнай ижроларини бирлаштириб гуруҳ ташкил этган ташаббускорларидансиз. Менимча, сизлардан кейин шу каби гуруҳлар янада кўпайди.

– Одатда карнай-сурнай созларига тўй-томошаларда давраларни очиб берувчи бир восита сифатида қаралган. Доира бу созларга усул бериб турган. Ўзимча ҳар бир сознинг жуда катта имкониятлари бирлигини исботлашга уриниб кўрдим. Фақат бу созларни ижро қила билиш, катта меҳнат ва изланишдан қочмаслик керак экан. Миллий созларимизда ҳатто ҳорижий мусиқаларни ҳам ижро этиш мумкинлигини исботладик.

Энди бошқа гуруҳларга келсак ҳар хил номлар билан чиқаётган гуруҳларнинг кўпайгани яхши, албатта. Бироқ, айрим эътирозларим ҳам йўқ эмас. Фикрларимни самимий ва дўстона қабул қилишларини истардим. Аввало, гуруҳимизга ҳавас қилиб фаолият кўрсатганларнинг ижодига барака. Лекин бизни қаттиқ ранжитадиган томони шундаки, "Аббос" гуруҳи бизмиз деб, номимиздан хизматга бориб, биз яратган мусиқаларни ўзиники деб эълон қилиб юрганлар ҳам бор экан. Бундайлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Майли, меҳнатлари билан янги-янги мусиқалар яратишса, биз ҳам қувонган бўлардик.

Очиғи, кейинги пайтда янги куй ижро этишга ҳам чўчиб қолдим. Сабаби, дарров уни ҳам дискетага ёзиб олиб, "меники" дейдиганлар топилиб қолаёпти. Нима бўлганда ҳам, санъатга ёлғон-яшиқ аралашмаслиги, мухлисларни чалғитмаслик керак.

– Шогирдларингиз кўп бўлса керак?

– Ҳа шогирдларим орасида турли ёшдагилар бор. Уларга ҳам, соз чалишга орзумандларга ҳам айтадиган гапим шуки, санъатга юракдан меҳр қўйиш, меҳнатдан, изланишдан, машаққатдан қочмаслик керак. Санъат - қалб, кўнгил эҳтиёжи. Буни Аллоҳ ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Зўрма-зўра-

килик ёки пул топиш мақсадида санъат оламига қадам қўйиб бўлмайди. Санъат ҳалолликни, покликни эъзозлайди.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 2005 йил, 17 февраль

МУҲАББАТНИ КУЙЛАЙМАН

(Хонанда Зиёвуддин ЭШОНХУЖАЕВ билан суҳбат)

"Бу оқшом, кечалар, тонгача..."

Бу қўшиқ кўп йиллардан бери такрор-такрор янграсада, ҳамон томошабинлар томонидан ўзгача бир ҳайрат билан кутиб олинади.

Сабаби - қўшиқ ўлмас ва абадий мавзу Муҳаббат ҳақида. Муҳаббатни мадҳ этувчи, инсоннинг ботиний ҳиссиётларини тараннум этувчи қўшиқлар боқийдир.

– *Зиёвуддин ака, сиз куйлайдиган қўшиқлар фақат Муҳаббат ҳақида?*

– Қанийди бу туйғуни биргина "севаман" деган сўз билан тушунтириб бўлса. У сўзсиз ифода. Муҳаббат кишининг нигоҳидан ҳам аён бўлаверади. Қачонлардир кимнидир севгансиз, лекин тақдир икки томонга улоқтирган. Аммо уни тез-тез эслаб, соғиниб яшайсиз. Ана шу муҳаббатни куйлаб адо этиб бўладими?

– *Қўшиқ яратганингизда фақат ўз туйғуларингизни ифода-лашга ҳаракат қиласизми?*

– Ҳар доим ҳам эмас. Асосан ёшларни кузатаман. Уларнинг юриш-туришларидан тортиб, бир-бирларига бўлган муносабатларигача. Яқинда қизимни боғчага ташлаб келаётиб икки ёшга кўзим тушди. Бир-бирларига шунақанги меҳр билан тикилиб нималардир ҳақида завқ билан гаплашиб боришяпти. Жуда ҳавасим келди. Буларнинг муҳаббати чинми.

Эртага бу ёшларни нималар кутаяпти деган савол миямга келди. Шундай кайфият мени чулғаб олганда мусиқа яратаман. Содда ва равон шеърлар қидираман. Турмуш ўртоғим шифокор бўлишига қарамай, адабиётни севгани учун баъзан шеър ёзиб беради. Қўшиқ орқали киши ўзининг ички изтиробларини, кечинмаларини ўзгаларга етказиши керак.

– *Сизнингча, қўшиқнинг ўз эгасини топишидаги энг муҳим омил -унинг мавзуси, шунақами?*

– Фақат мавзу эмас, мусиқа, ижро, ҳатто биргина сўз ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, "боғ аро сайр қилиб юр-

ганда сени кўрдим, кечир" деган мисрадан кўра, "кечир мени"нинг маъноси таъсирлироқ ва кучлироқ. Мақсад нима. Ёрига кечир демоқми. Ҳамонки шундай экан гапни айлан-тирмасдан лўнда жавоб берган маъқул. Тинглаётган инсон юрагига тегиб ўтиш учун битта сўз кифоя. Лекин буни етказиш хонанда интеллектга боғлиқ. Шеър танлаш ҳам, рақс тушиш ҳам, ақл, фаҳм, дид, дунёқарашга алоқадор.

– *Мулоҳазаларингизни давом эттираверсак, қўшиқ "гап" айтиш, фикр етказиш деган хулосага бориб қолмаймизми?*

– Йўқ. Санъат қуруқ хитобни, яланғоч насиҳатни ёқтирмайди. Такрор-такрор айтилавериш сийқаси чиқан сўзлар кимга керак. Тўғри, ҳар қандай қўшиқда фикр бўлади, уни туйғуларга, ҳиссиётларга йўғириб ижро этиш санъаткорнинг даражасига боғлиқ. Даражанинг юқори бўлиши эса меҳнат, изланиш, фидойилик, ўзидан кечишга боғлиқ.

– *Баъзи ёшлар ўз йўлимни топсам дейдилару аммо "тақлиддан" нарига ўтолмайдилар. Йўлни қандай топиш мумкин?*

– Аввало хонанда ўз қалбига қулоқ солиши керак. Ҳеч ким ҳеч вақт "мана бу сенинг йўлинг" дея олмайди. Агар устози бўлса фақат куйлаш сирларини ўрганиши мумкин. Ўз йўлини топиш учун хонанда ўз имкониятларини билиши керак. Нимани куйлай олади, мақомними, эстраданими, операними, лириканими ва ҳоказо. Агар бугун эстрадани, эртага мақомни куйласа ҳар томонга йўрғаласа ўз йўлини топа олмайди. Юлдуз Усмонованинг юлдуз бўлишининг сири нимада. Ўз иқтидорини битта соҳага йўналтира олганида. Шерали Жўраев..Эргашганлар талайгина. Аммо у битта.

– *Санъаткорлар атрофида турли миш-мишлар кезиб юради.*

– Тўғри. Айнан санъаткорлар ҳақидаги гаплар тез тарқалади. Чунки улар халқ назоратида. Ҳар бир босган қадами кузатувда. Қанақа гап тарқалиши санъаткорнинг ўзига боғлиқ.

– *Ўзбекистон телевидениесидаги қайси кўрсатувлар сизга ёқади?*

– Кўрсатувлар орасида энг манзури "Оталар сўзи ақлнинг кўзи". Эсимни таниганимдан буён шу кўрсатувни кўриб бораман.

– *Ҳозир қандай қўшиқлар устида ишляяпсиз?*

– Яна муҳаббат мавзуидаги қўшиқлар устида. Меҳр йўқ жойда муҳаббат ҳам йўқ. Бор бўлсин муҳаббат.

– *Раҳмат?*

"Ёш куч" журнали, 1996 йил, 2-сон

МАШХУР БЎЛИШНИНГ ОСОН ЙЎЛИ

Қадим Юнонистонда машхур бўлиш истаги билан ёнган фуқаро Диана ибодатхонасига ўт қўйганлиги маълум. Муаррихлар ҳали-ҳануз бу воқеага турли хил муносабатда бўлишади. Ҳа, айнан воқеага, асло воқеани содир этган кишига эмас. Бошқа томондан олиб қаралганда эса машхурликнинг ўзи ҳам ўта нисбий ҳодиса. Гитлер, Сталин, Саддам Хусайн ва Пиночет каби номлар машхурлик рўйхатининг энг юқори қисмидан жой олгани ҳам фикримизнинг далилидир. Бироқ шундай касб эгалари борки, уларнинг машхурлиги бутун бир фаолиятлари учун баҳо мезони бўлиб хизмат қилади. Шундай касблардан бири қўшиқчилик эканлиги сир эмас. Суҳбатимизда санъат деган улкан даргоҳ остонасида турган, машхурликка орзуманд икки хонанданинг бу борадаги мулоҳазалари билан танишасиз.

1. Касбингизни машхур бўлиш учун танлаганмисиз ёки бутунлай бошқа эҳтиёж бўлганми?

2. Янада машхурроқ бўлишга интиласизми?

3. Ҳаётда ўзингиз хоҳламаган ишни бажаришга мажбур бўлганмисиз?

4. Нимани кечириб бўлмайди деб ўйлайсиз?

5. Ҳаётда нимадан қўрқасиз?

6. Ўз кучингиз нимада деб ўйлайсиз?

7. Хориж хонандаларининг мусиқаларидан фойдаланганингизда кўнглингиздан "ўғирлик қилдим" деган туйғу кечмайdimи?

8. Машхур бўлишнинг энг осон йўли нимада деб ўйлайсиз?

9. Ёдингизда қолган энг қизиқ воқеа?

НИҒМАТЖОН ДУШАМОВ:

1971 йил 11 январда Тошкент шаҳрида туғилган. Мусиқий олийгоҳга кириш ниятида юрибди. Доира чалишни устози Равшан Эгамбердиевдан ўрганган. Оилали. Севган хонандалари Мухриддин Холиқов, Фиёс Бойтоев, Юлдуз Усмонова, Ахрор Усмонов. Маҳзун қўшиқлар ижро этишни ёқтиради. Унинг "Ишқ айбдормас", "Дилдоргинам", "Интизор", "Тўлин ой" ва бошқа қўшиқлари ўз мухлисларини топган.

1. Ҳар қандай бир ишга қўл уришдан аввал инсонда шу ишга нисбатан эҳтиёж пайдо бўлади. Қўшиқ куйлашга бўлган мендаги эҳтиёж ҳам болалигимдан бошланган. Машхурликка келсак, машхур бўламан деб ҳаёлимга келтирмаганман.

Энди-энди интиляяпман.Онамнинг ҳаётда кўп азоб уқубутлар тортиб, машаққат чекканликларини улғайгач англай бошладим. Онам қолган умрларини роҳатда ўтказишлари учун ҳам мен машҳур бўлишим керак деган фикрга келдим.

2. Албатта хоҳлайман.

3.Баъзан тўй-ҳашамларда ўзим истамаган кўшиқни айтиб беришимни сўрашади. Кўпга кенгаш деган гап бор. Устига устак, хизматчилик.

4. Энг яқин дўст деб билган кишим менга хиёнат қилса кечиролмайман.

5. Куруқ туҳматдан ва бу дунёда ҳеч кимга кераксиз бўлиб қолишдан қўрқаман.

6. Кучим бировни ғийбат қилмаслигимда ва ёлғон ишлатмаслигимда.

7. Хорижий мусиқаларни тинглайману аммо ҳали ўзим фойдаланганимча йўқ.

8. Машҳур бўлишнинг осон йўли одамлар юрагига ёқади-ган яхши кўшиқ яратишда.

9. Бир куни дўстим билан бирга йўлга чиқдик. Машина тўхтатдик.Машинанинг олдига мен ўтирдим. Йўлда "ҳозир бориб.маза қилиб ўтирамиз" деб дўстимга гапира кетибман. Ҳайдовчи менга ғалати қараб қўйди. Икки бекат юргандан сўнг машина тўхтади. Машина орқасидан югуриб келаётган дўстим ҳансираганча эшикни очса қотиб қолибман. У машинага чиқолмай қолган, орқамиздан югуриб келаётган экан. Мен бўлсам бундан беҳабар ўзимга ўзим гапириб келаётган эканман.

ОЗОДБЕК НАЗАРБЕКОВ «ОДИЛ» гуруҳининг хонандаси:

Озодбек Назарбеков - 1974 йил 7 майда Андижон вилоятида туғилган. Рубоб созини мустақил ўрганган. Олий ўқув юртига кириш ниятида. Устоз санъаткорлар Фаттоххон Мамадалиев,- Маишрабжон Эрматов ва эстрада хонандаларидан марҳум Ботир Зокиров, Равшан Намозов, устози Муҳриддин Холиқов санъатига ҳурмати баланд. Иймони бут инсонларни қадрлайди. Ҳаётдаги шиори. Рухий покланиш, ҳалоллик ва тўғрилиқ инсонни камолга етиштиради. Оилали. Жамиятдаги ўзгаришларнинг санъатга таъсири кучли деб ҳисоблайди.

Унинг "Эрка кийик", "Кетма", "Ширин-ширин", "Иболи ой жамолим", "Гўзаллар", "Йиғлама", "Аллоҳ гўзал", "Барно" каби кўшиқлари барчага яхши таниш.

1. Машҳур бўлиш учун танлаганман.

2. Менимча юрагида орзуси мўл бўлган ҳар бир инсон машхур бўлишга интилади.

3. Ўзим хоҳламаган ишни бажаришга мажбур бўлганман, албатта.

4. Дунёда аёлнинг ўз оиласига, эракнинг ўз аёлига қилган хиёнатини кечириб бўлмайди.

5. Айниқса ҳеч кимга керак бўлмай қолишдан қўрқаман.

6. Кучим эътиқодимда деб биламан. Ҳаётда баъзи нарса-ларга сабр қилишга тўғри келади. Шундай пайтларда сабр-тоқат қилиш, ғазабни тийиш ҳам эътиқод тушунчасининг бир бўлагидир деб биламан.

7. Хорижий мусиқалардан бошқа санъаткорлар фойдаланаётгани учун мен ҳам фойдаланаётганим йўқ. Очиғи, қўшиқчиликда осон йўлга ўтиб бўлинди. Битта ҳақиқий санъат даражасидаги қўшиқни дунёга келиши ўз-ўзидан бўлмайди. Энг камида 4 ёки 5 йил керак. Шундагина у қўшиқнинг умри узун бўлади. Бир йилда бир нечталаб қўшиқлар яратилапти. Уларнинг эскириши ҳам бир пастлик. Ахир ҳақиқий қўшиқ ҳар куни туғилавермайди. Орамизда санъат учун курашаётганлар эмас, "тирикчилик" учун қўшиқ куйлаётганлар ҳам йўқ эмас. Баъзан ўйлаб ич-ичимдан сиқилиб кетаман. Ижодимда бу жараён тўхтади, десам ҳам бўлади.

8. Баъзан битта қўшиқ билан ҳам машхур бўлиб кетиш мумкин. Халқнинг дилига ёқадиган, унинг кўнглига йўл топа оладиган қўшиқ машхур бўлиш учун осон йўл. Аммо ҳамма гап халқ кўнглига йўл топа билишда. Бу ҳам осон иш эмас.

9. Уйланишимга беш кун қолганда дўстларим жуда қалтис хазил қилишган. Воқеа бундай бўлганди. Бир оғайнимникига ошга боришим керак эди. Бордим. Кўчада дўстларимни кутиб турдим. Учала оғайним келишди. Шу пайт оғайниларимдан бири "ҳозир қизингни кўрдим" - деди. Иккинчиси жиддий туриб битта бола билан кетаётган экан,- деди. Учунчиси ҳам уларнинг гапини маъкуллай кетди. Шу пайт ҳаяжон билан ош бўлаётган оғайним-никига кираман, деб, бошқа домга кириб кетибман. 4 қаватга чиқиб эшикни тақиллатсам, бегона одамлар. Қайтиб пастга тушдим. Кейин ўша ош бўлаётган уйга чиқдим-да, жаҳл билан қайнонамникига кўнғироқ қилдим. Бир умр гаплашмаган қайнонамга роса гапириб, уларни уришиб берибман. Шунда дўстим Дилшод кўлимдан трубкани олиб қўйди. Ҳазилни бошлаган уч оғайнимдан иккитаси тўғри қайнонамникига боришибди. Қарашса қайнонам бошини боғлаб олган, қон босими ошиб, тўйни

тўхтатиш" ниятида, қиз (ҳозир турмуш ўртоғим) роса йиғлаган. Иккала оғайним уларникида икки соат қолиб кетишган. Ялинишган, ёлворишган, ҳазиллари чинга айланиб кетишини ҳаёлларига ҳам келтиришмаган. Қайнонам кейин тушунганлар.

"Ёш куч" журнали, 1999 йил, 1-сон

КЎШИҒИНГНИ СОҒИНИБ ЭШИТИШСА...

Жанон бўламан деб ҳаммани куйдирасанму

Куйган бу фақирларни яна ёндирасанму

Ёдингизга тушди чоғи.

Ха, бу ўша халқимизнинг севимли хонандаси Маъмуржон Узоқов ижро этган кўшиқ. Йиллар ўтса ҳамки, бу каби кўшиқлар ўз қадр-қимматини йўқотмайди. Зеро, халқ қалбидан ўрин олган яхши кўшиқ, куйни соғиниб-соғиниб эшитгинг келаверади.

Ўзбекнинг ана шундай умрбоқий кўшиқларидан руҳланиб санъат остонасига қадам қўяётган ёш хонандаю ҳофизлар талайгина.

Шулардан бири - Илҳомжон Фармонов!

– Илҳомжон, Маъмуржон Узоқовдан сўнг бу кўшиқни айтишга ҳамманинг ҳам юраги дов беравермайди.

– Албатта. Устозларнинг ижроси биз ёшларга катта масъулият юклайди. Лекин бу кўшиқни айтишга ҳавас қилиш улғу санъаткор билан баҳслашаман деган гап эмас. Ҳар кимнинг ўз овози, ўз йўли бор. Ёшлигимдан шу кўшиққа муҳаббатим тушган, доимо хиргойи қилиб юрардим. Ниятим шу кўшиқни чиройли ижро этиш эди. Қўлдан келганча ижро этдим. Унга баҳо бериш мухлисларга ҳавола.

– Кўшиқ ўзи нима?

– Сўз билан тушунтиролмайман. Менимча кўшиқ инсон юрагидан отилиб чиқадиган дард бўлса керак. Ана шу нозик ҳис туйғулар, кечинмалар, изтиробларни туйган кишигина кўшиқ куйлайди.

– Кимдир пул топшиш, обрў қозониш, яна кимдир қўлидан бошқа иш келмагани учун, бошқаси эса одамлар учун куйлайди. Сиз-чи?

– Аввало ўзим учун. Қолаверса халққа манзур бўлармикин деган умид билан куйлайман. Пулни эса машҳур бўлмасдан туриб ҳам топса бўлади. Ўзимга ёқмаган кўшиқни биров "мана бунча бераман" деса ҳам куйлай олмайман.

– Сизнинг *"Онажонинг рози қил"*, *«Қаро кўз»*, *"Хумор экансиз"*, *"Сенмидинг"*, *"Ёрим кел"* *"Жанон бўламан деб"* каби ўнлаб қўшиқларингиз ўз тингловчиларини топган. Қачондан бери қўшиқ айтасиз?

– Мактабда ўқиб юрган пайтларимда "Санъат байрами" кўриклари бўларди. Мен доим қатнашардим. "Камолот-89" кўрик танловида энг ёш хонанда сифатида иштирок этдим. Ана ўшандан бери саҳнадаман.

– *Оилангизда сиздан бошқа санъаткорлар ҳам борми?*

– Оиламиз билан санъаткормиз. Дадам - Шомурод Фармонов кўп йиллар мобайнида маданият уйида ишлаганлар. Санъатни чуқур ҳис қиладилар. Акам Азамат Глиэр номли республика мусиқа мактабини тугатган, бастакор десам ҳам бўлади. Ҳам созанда, ҳам қўшиқчи. Укам Шерзоджон - чолғучи.

– *Шеърларни қандай танлайсиз ?*

– Шеър танлашда ҳам биринчи кўмакдошим дадам. Мазмунига эътибор берадилар, кейин мусиқага туширамиз.

– *Ҳеч кузатганмисиз, тўйларда қўшиғингизни мазмунига эътибор беришадими ё мусиқасигами?*

– Тўй... Тўйлар ҳар хил бўлади. Бу ёғи мусиқани, қўшиқни тушунадиган одамларнинг кўп ёки камлигига боғлиқ. Шундан қувонаманки, қўшиғимни мазза қилиб эшитадиганларни кўп учратаман. Халқимиз ҳақиқатан ҳам куй, қўшиқ шайдоси. Руҳан енгил тортаман, янаям янги-янги қўшиқлар яратсам, мухлисларни баҳраманд этсам дейман. Ахир, санъатингни ҳурмат қилган кишини сен ҳам ҳурмат қиласан.

– *Ҳозирги кунда туркча, арабча, озарбайжонча мусиқаларни ўзлаштириб олиш ҳоллари учраяпти...*

– Тўғри. Ўзлаштириш ҳозирги кунда деярли барча санъаткорларда бор. Ўзимда ҳам. Билмадим, бу халқ талабими, ё мусиқалари шунчалик жозибадорми, ё чолғучиларнинг ўта маҳоратиданми, бу кўпчиликка ёқади.

Масалан, туркча қўшиқ эшитдингиз? У сизга жуда маъқул келди. Ўзбекча шеър шу мусиқага дарров туша қолади. Қарабсизки, бир бутун қўшиқ тайёр. Бу, санъаткор учун қулай ва осон йўл. Балки шунинг учун ҳам бу хол тобора авж олаётгандир.

Аслида машаққатли меҳнат эвазига қўшиқ яратилса бошқачароқ бўлади.

– *Қўшиқларингиз эл назаридан қолишидан чўчимайсизми?*

– Йўқ, асло! Бугунги қўшиғингни бундан беш-олти йилдан сўнг ҳам кимдир соғиниб эшитса, "ўша пайтда яхши айтган эди"

деса ҳофизга бундан ортиқ олқиш йўқ. Ҳаётда ҳамма нарса абадий эмаслиги барчага аён. Масалан, Муҳриддин акани бундан анча йиллар аввал ижро этган қўшиқларини эшитган сайин эшитгинг келаверади. Тўғри, ҳар куни эшитолмайман. Лекин уни соғиниб-соғиниб эшитаман. Куйи ҳам, овози ҳам бир маромда. Ашуладаги нола ўзгача. Мен ҳам ўз йўлимни топсам дейман.

— *Ёлғиз қолган пайтларингизда нима ҳақида кўпроқ ўйлайсиз?*

— Кўпроқ беҳуда кетган вақтларим ҳақида қайғураман. "Бугун кимни хурсанд, кимни хафа қилдим", "нима учун" деб ўз-ўзимга савол бераман. Негаки, ҳаётда бировнинг дилини оғритиб қўйишдан қўрқаман. Баъзан келажагим қандай бўларкин дея хаёл сураман.

— *Қўшиқчи учун энг муҳим фазилат нима?*

— Санъаткор учун камтарлик муҳимроқ бўлса керак. Фақат сизнинг камтарлигингизни бошқача тушунишмаса бўлгани.

— *Масалан?*

— Шундай вазиятлар бўладики, камтар инсонларга менсимай қаршади. Одамгарчилик юзасидан муомала қилаяпти деб ўйлашмайди. "Ҳов, бола, мана буни айтасан, айт!" деб буйруқ берсак бўлаверади, деб ўйлашади. Камтарликни бунақа тушуниш яхши эмас. Барчага баробарликни ёқтираман. Санъаткорлар ҳам бир-бириларини ҳурмат қилишлари, эл олдида ўзларини тута билишлари керак.

"Ёш куч" журнали, 1995 йил, 3-сон

САНЪАТКОР ХАЛҚНИ ТАРБИЯЛАМАЙДИ

Умида Мирҳамидова - 1974 йил Тошкент вилояти, Паркент туманида туғилган. Юнус Ражабий номидаги мусиқа педагогика билим юртида ўқиган. Ҳозирда Шайхонтоҳур тумани маданият уйида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг "Эй нозанин", "Сайранг булбулим", "Дунё", "Келсангчи" каби қўшиқлари мухлисларга яхши таниш.

— *Умидахон, ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққатли томонлари бўлади, санъаткорлик эса янада машаққатлироқ касб. Сиз машаққатларини билиб туриб шу касбни танлаганмисиз?*

— Болалигимда қайси санъаткор телевидениеда қўшиқ айтиб чиқса унга ҳавас қилиб мен ҳам ўзимча айтиб юрардим. Қўшиқ айтиш энгил, осон бўлса керак деб ўйлаганман. Кейинчалик ўзимнинг ижодимда битта қўшиқнинг яратилиши

жараёнидаги қийинчиликларни бошимдан ўтказиб, санъаткорлик машаққатли касб эканини англадим.

– *Аёл кишисиз, қолаверса аёл санъаткорлар ҳақида турли гаплар тарқатишади. Сиз бундан чўчимайсизми?*

– Чўчийман. Турли миш-мишлар ҳамма аёл санъаткорларнинг бошида бор гап. Биринчидан, миш-мишларнинг тарқалишига санъаткорларнинг ўзлари сабаб. Иккинчидан, шундай одамлар борки, сендаги озгина хатти-ҳаракатни кўриб қолсалар ёнига қўшиб-чатиб тўқишдан ҳам тоймайдилар.

– *Айниқса тўй-ҳашамларга борганингизда одамлар билан муроса қилиш қийиндир-а?*

Гапирманг. Ҳамма одамлар билан бир хил муомалада бўлишга ҳаракат қиламан, лекин улар менга ҳар хил муомала қилишади. Айниқса битта қўшиқни тамом қилиб улгурмасимдан "кеннойи мана бунақасини айтинг" деб кайфиятимни бузадиганлар кўп учрайди. Бу ерда тўй эгаларининг заррача айби йўқ. Атрофдагиларнинг қўшиқни эшитмасликларидан шундай ҳолатлар келиб чиқади. Бировнинг орзулаб қилган тўйи бузилмасин деб, аччиқ гапларга ҳам чидаймиз.

– *Кўнглихираликлар сизнинг табиатингизга таъсир қилмай-дими. Ўзингизда ўзгариш сезмайсизми?*

– Аввал қандай бўлсам ҳозир ҳам шундайман.

– *Кимгадир тақлид қиляяпман деб ўйлайсизми?*

– Тақлид қиляяпман деб ўйламайман. Балки Юлдуз Усмоновага ҳавас қилганим учун баъзи ҳаракатларимда ўхшашлик бордир.

– *Мабодо турмуш ўртоғингиз ё оилани дейсан, ё санъатни деса нима деган бўлардингиз?*

– Бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман. Ҳар икки ишни давом эттиришни жуда хоҳлайман. Ҳозирча турмуш ўртоғим санъатни йиғиштири деганларича йўқ.

– *Туркча қўшиқларни тўйларда кўп сўрашади. Бунга муносабатингиз қандай?*

– Бундай оҳангларни кириб келиши аслида ёмон эмас. Лекин бизларга қийин бўлаётгани ўзбек қўшиқларини эшитмай қўйишаяпти. Бу хол тўйларда ҳам авж олмоқда.

– *Одамларнинг санъат ҳақидаги тушунчаларини ўзгартириш, соф ўзбекча қўшиқларни тинглашга ўргатиш менимча санъаткорга ҳам боғлиқ бўлса керак. Бунга нима дейсиз?*

– Йўқ санъаткор халқни тарбияламайди. Чунки у халқнинг талаби билан иш қилади. Ўзимиз учун эмас, халқ учун ишлашга мажбурмиз. Бу шахсан менинг фикрим.

- Ўз кучингиз нимада деб ўйлайсиз?
- Талабчанлигимда.
- Элга танилишнинг осон йўли нимада?
- Меҳнат қиласиз, изланасиз, аммо юзага чиқиш учун кимлагардир илтимос қиласиз, барибир пул керак. Пулингиз бўлмаса сизга ҳеч ким ёрдам бермайди.
- Суҳбатингиз учун ташаккур

«Ёш куч» журнали, 1996 йил, 5-сон

САҲНАНИНГ ЎЗ СЕҲРИ БОР

(Хонанда Дилшодбек Раҳмонов билан суҳбат)

«Туркистон» саройида хушовоз хонанда Дилшодбек Раҳмоновнинг яккахон концерт дастури бўлиб ўтди. Концертда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзабек Холмедов, истеъдодли хонанда Абдужалил Қўқонов ўз кўшиқлари билан мухлисларини хушнуд этди. Концерт дастурида Дилшод Раҳмоновнинг ўн тўрт нафар шогирдлари саҳнага чиқишиб, хонанданинг кўшиқларидан термалар (ҳаммаси жонли ижрода) куйлашди. Ёшларнинг овози бир-бириникидан жозибали эдики, барчанинг кўнглига илиқлик, нур синггандек бўлди. Дилшод Раҳмоновнинг катта саҳнадаги бу йилги концерт дастури барча мухлисларига манзур бўлди деб бемалол айта олишимиз мумкин.

– *Дилшод, 2003 йилги концертингизда парда очилай деганда айрим сабабларга кўра техник воситалар ишламай қолган экан. Шу пайт сиз ўзингизни йўқотмай жонли овозда, жонли мусиқада дастурга киритилмаган кўшиқларингизни куйлаган экансиз. Бундай вазиятдан чиқиб кетиш осон кечмагандир?*

– Кутилмаганда кутилмаган ишлар бўлар экан. Ўша куни техник воситалар (фонограмма деб тушунишмасин) бирдан тўхтаб қолди. Дастуримни "Аёл" кўшиғим билан бошлашим керак эди. Вазият эса тубдан ўзгариб кетди. Ўзимни қўлга олдим "Отажон" деган кўшиғим билан бошлаб юбордим. Назаримда томошабинлар сезишмадиёв. Очигини айтсам, менда эсанкираб, ўзимни йўқотиб қўйиш каби ҳолатлар бўлмади. Жонли ижрода бемалол куйлай оламан, (мақтана-япти деб ўйламанг) иккинчидан устозим Рустам Ғойиповдан саҳнада эмин-эркин, ўзини тутишни ўрганганман. Устозимнинг бир гаплари доимо қулоғим остида жаранглаб тура-

ди. "Сен саҳнага чиқдингми, томошабин ортидан эргашма, уни ўз ортингдан эргаштир, шундай қилгинки, унинг қалби, вужуди, қулоғи, кўзи сенда бўлсин. Агар сен диққатингни бўлсанг, ўзингни ҳам йўқотасан, айтмоқчи бўлган қўшигингни ҳам унутасан. Саҳнанинг ўз сеҳри бор. Шундай экан, сен бир ўзинг кўплаб одамларни сеҳрлай олишинг керак".

– *Илк концертингизга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўткир Сиддиқов конференсьлик қилган эканлар-а?*

– Ўткир акани инсон сифатида ҳам, маҳоратли бадиий сўз устаси сифатида ҳам ҳурмат қиламан. Илк концертимда шу инсон бошловчилик қилсалар деб ният қилгандим.

– *Бу сафаргисидан негадир уларни учратмадик?*

– Минг афсус уларнинг вақтлари бўлмади.

– *Катта саҳнага чиқишининг ўзи бўлмайди. Айниқса ҳозирги шароитда, барибир кимгадир эргашиш, кимнингдир этагидан тутиш керак-ку?*

– Саволингизни тушундим. Аввало қўшиқчилик кўнгилахушлик, масхарабозлик эмас. Юрагида дарди бор, Аллоҳ истеъдод юқтирган одамгина куйлаш бахтига эришади. Ўзимга келсак, оиламизда санъатни тушунмайдиган, фарқига бормайдиган одамнинг ўзи йўқ. Отам Юрсинали Раҳмонов кўп йиллар мобайнида мусиқа фанидан сабоқ берганлар. Онам Мунаввара Раҳмонова ўқитувчи, улар ҳам санъатнинг қадрига етадиган инсон. Оилада тўрт ўғил эдик. Мендан катта акам Дилмурод Раҳмонов (Аллоҳ раҳмат қилсин) яхшигина овозга эга эдилар. Қўшиқларни бирам чиройли куйлардилар. Афсус ҳаётдан жуда эрта кетдилар. Ойнаи жаҳонда энди-энди кўринаётган бўлсам-да қўшиқ куйлай бошлаганимга анча йил бўлди. 1984 йилдан халқ хизматида бориб юрдим. Устозларим Шерали Жўраев, Рустам Ғойипов, Қиличбек Тожиев, Охунжон Мадалиев каби санъаткорларнинг этагидан тутиб, дуоларини олдим. Тезроқ машҳур бўлишга шошилмадим. Мана, ҳамма нарсанинг вақти-соати бўлганидек, бугун катта саҳнада куйлаш бахтига эришиб турибман.

– *Устоз шогирд муносабатлари деганда нимани тушунасиз. Бировлар устозим "фалончи" дейдию, фалончи бу қўшиқчини мутлақо танимайди, билмайди...*

– Шунақасиям бўлади (кулади). Устоз шогирд деганда сенга йўл йўриқ кўрсатувчи, хатоларингни рўй рост айтиб турувчи,

яхшиликка даъват этувчи яқин дўстни тушунаман. Ҳар бир янги қўшиғимни Рустам акам эшитадилар, фикр билдирадилар. Овозни қандай ишлата билиш, авж пардасига кўтариш ё тушиш каби. Ҳар бир ижодкорнинг ижодидан нимадир ўрганасан. Бировнинг нафаси, ижроси бировникига ўхшамайди.

– *Қўшиқларингизни ёзиш жараёнида ижодий кўмакдошлар кимлар?*

– Яккахон концерт дастуримни тайёрлашда Ислом Худойбердиев доим кўмак бериб келади. Бундан ташқари Фаррух Сирожидиннов, Эркин Соҳибов, олтиариқлик шоир Шухрат Аҳмедов каби ижодкорлар билан ҳамкорлик қилиб келаман.

– *Репертуарингиздан ранг-баранг мавзуларга бағишланган қўшиқлар ўрин олган. Ўзингиз қайси мавзуда куйлагингиз келади?*

– Ота-она, меҳрибон аёллар мавзусидаги қўшиқларни куйлагим келади.

– *Куйлаётган қўшиқларингиздан кўнглингиз тўладими?*

– Йўғ-е (қулиб) Кўнглим тўлди деган кун - санъаткорнинг ижоддан тўхтаган куни.

– *Ҳаётда Дилшод Раҳмонов қандай инсон?*

– Ҳазил хузулни ёқтирадиган, дили шод инсон.

– *Ижодий тамойилингиз?*

– Бир зум тиниб-тинчимаслик, меҳнатдан, ўзгалар юмушидан қочмаслик. Яхшилиқ қилиб қолиш керак.

– *Ҳаётда нимадан қўрқасиз?*

– Қуруқ тухматдан қўрқаман.

– *Тингловчи сифатида ўзингиз кимларнинг қўшиқларини тинглайсиз?*

– Шерали Жўраев, Рустам Ғойипов, Қиличбек Тожиев, Камолиддин Раҳматов, Валижон Қодиров...

– *Инсонлардаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?*

– Тўғрисўзликни, ҳалолликни.

– *Тенгдошларингиз орасида сиз ҳурмат қиладиган хонандалар?*

– Озодбек Назарбеков, Анвар Санаев, Абдужалил Қўқонов, Тоҳир Маҳкамов сингари хонандаларнинг оддийлиги, камтарлигини ҳурмат қиламан.

«Меҳр кўзда» газетаси, 2006 йил, 13 апрель

«ТУҒИЛМАГАН ҚЎШИҚЛАРИМ, СИЗДАН УЗР»

(Хонанда Алишер Қосимов ижодига назар)

Сиз уни ҳар кунни ойнаи жаҳонда кўравермайсиз. Ҳа деганда овозини радиотўлқинлари орқали тинглайвермайсиз. У ўзини кўз-кўз қилавермайди. Борлигини бот-бот эслатиб қўяди, холос. Бу хонанданинг қўшиқларини ойнаи жаҳонда намоиш этилган "Тараннум" кўрсатувида эшитгандим. Шунда унинг кўнгил сарҳадларидан отилиб чиқаётган дардли нолаларини тинглаб, кўнгил куйчиси экан деб ўйлагандим.

*Саҳар туриб оламга боқ, жилғалари равондур
Чарақлаган тоғлар боши шомга бориб тумандир
Тойчоқларинг қаёндиру, қулунларинг қаёндур
Кўрганларинг ўзингеники, кўрмаганинг гумондур.*

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзи билан айтиладиган бу қўшиқда шоирнинг дарди унинг дардига айланади. Оҳанг ҳам сўзга хос равишда жилваланади.

*Ҳаёт ўйин эрмас, саёҳат ё зиёрат,
Умр йўли заҳматлару, меҳнатлардан иборат
Кўнгилларга қурдикми ё кўприкми ё иморат
Кўрганларим ўзимники, кўрмаганим гумондур.*

Инсон руҳиятига хотиржамлик ва оройиш олиб кирувчи бу қўшиқни тинглаган кишининг руҳияси бир қадар юксалиб, сокин туйғулар қуршовида қолади. Турмуш икир-чикирларига ўралашиб, яшаётган бир пайтда бундай қўшиқлар кўнгилларимизга ёруғлик олиб киргандай бўлади.

Баъзи хонандалар саҳнага қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-суронли муסיқалару тумтароқ сўзлар билан чиқаётган бир пайтда Алишер Қосимов сингари санъатни қадрлайдиган, унга ҳурмат ва садоқат билан жавоб берадиган хонандалар бор экани кишини қувонтиради.

Алишер Қосимов санъат оламига тасодифан келиб қолган эмас. Болалигида холаси Санобар Раҳмонованинг қўшиқлари унинг жажжигина юрагида санъатга бўлган меҳр уйғотган бўлса, кейинчалик хассос санъаткорларнинг хонишлари, дардли қўшиқларидан таъсирланган.

1973 йил "Қуйла Санобар" фильм концертини суратга олиш жараёнида 5 ёшли Алишер ҳам суратга тушади. 6-синфда ўқиётганида "Онажоним, кўп яшанг" (Файзи Шоҳисмоил шеъри)

қўшиғини мактаб саҳнасида куйлаб, устозларининг хурматини қозонади. 8 - синф ўқувчиси Алишер "Ўзбекситон ватаним маним" кўрик-танловида қатнашиб, 3 - даражали дипломга сазовор бўлади. Алишер Қосимов 1986 йили Тошкент давлат Маданият институтига ўқишга киради. Баъзан қўшиқ куйлаш учун ўқимаса ҳам бўлаверади, худо истеъдод берган бўлса бўлди-да, дегувчилар ҳам топилиб қолади. Назаримизда худо берган истеъдоддан тўғри фойдалана билиш, овоз имкониятлари устида ишлаб, ижро маҳоратини ошириш, санъатнинг сир-синаотларини ўрганиш учун устоз мактабини кўриш, мусиқий билимга эга бўлиш шарт. Бундан ташқари саҳна одоби, муомала маданияти, деган гаплар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси ўқишни, билимли бўлишни талаб этади. Алишер Қосимовнинг репертуарини кўздан кечирганда шунга гувоҳ бўлдики куйга танланган шеърлар ҳам енгил-елпи эмас, тош босадиган, ўйлатадиган. Хофиз Хоразмий, Навоий, Огахий, Фурқат, Муқимий сингари мумтоз шоирларимиз ижодига хурмати баланд хонанданинг кўнглига замондош шоирларимиз Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо каби ижодкорларнинг шеърлари ҳам яқин. У бир қўшиғида "Бу дунёда гўзал жозиб яшашни, хуш ахлоқу хушсуратдан ўрганинг", деса, "сахар туриб ўз отангни мазорига бордингму" дея мудроқ қалбларни уйғотмоқчи бўлади. "Дилингизда нечун торлик, на сирдур, қаранг баҳор қандай ажиб тақдирдур", дея баҳор фаслининг тароватини куйлса, бошқасида беминнат нур сочиб турган куёшдан ибрат олиб яшашга ундайди. Баъзида дунёнинг ғаму андуҳларидан толиққан кўнгилга таскин бериб, "баъзида чарчатар майда аламлар, баъзида тансиқ дилга малҳамлар, сиз билан тирикман азиз одамлар" дея ўксик кўнглига малҳам излайди ва "ҳаётга талпиниб яшайвераман" дея ҳаётга умид кўзлари билан боқади. "Сизни соғиндим" қўшиғида хонанда болаликнинг масрур ва беғубор дамларини ички бир соғинч-ла эслайди. "Онажон" қўшиғида эса муҳтарама оналаримизни мадҳ этади.

Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб "Туғилмаган қўшиқларим" шеърида

*"Биз баҳорга ошиқ бўлдик куздан узр,
Хазонларда қолиб кетган издан узр,
Ҳар не ўтса биздан ўтди, бизда гуноҳ,
Туғилмаган қўшиқларим сиздан узр,*

дея куйлайди. Шоирнинг қалб кечинмалари, изтиробли дардларини хонанда "ўзи" га ва ўзгаларга сингдиришга ҳаракат қилади. Алишер Қосимов шоирнинг ҳар бир сўзига хур-

мат ва эҳтиром билан ёндошади. Хонанданинг шеърятни тушуниши, уни юракдан ҳис этиши қўшиқларидан аён.

Ижод неъматни ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Зеро, ижодкор ўзгалар дардига ва қувончига шерик бўла оладиган, ўксик қалбларга малҳам бўлишга қодир инсондир. Мумтоз ва лирик қўшиқлар ижросиси Алишер Қосимовни ана шундай гўзалликка ошно қалбли инсонлар сирасига киритгимиз келади.

Хонанда бугун янги-янги қўшиқлар яратиш билан бирга, Бобур номидаги Андижон вилоят драма театри раҳбари сифатида ҳам самарали фаолият олиб борапти.

Хонанда учун қўшиқларини кутаётган мухлисларнинг борлигини сезиб яшашдан кўра ортиқроқ бахт йўқ.

*"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси,
2009 йил, 16 октябрь*

СЎЗГА ИХЛОС БИЛАН

(Хонанда Яҳёбек Мўминов ижодига назар)

*Қани ул сен билан ўтган ўшал дамлар, ўшал дамлар,
Фақат қолганга ўхшайди у дамлардан алам ғамлар.*

Янглишмасам, бу қўшиқни 1998 йилда Ўзбекистон теле-радиоканалининг "Машъал" радиоси орқали тинглаганман. Ўшанда қўшиқнинг оҳанги, сўзи ва ижроси кўнглимга ажиб туйғулар бахш этди. Халқона оҳангларга йўғрилган қўшиқлар киши руҳиятига сингиб борарвераркан. Негаки унда ўзбек миллатига хос бўлган самимийлик, юракни аллаловчи, ҳис-туйғуларингизга бегона бўлмаган сирлилик мавжуд. Ўзимча бу қўшиқни аввал устоз санъаткорлар куйлаган бўлсалар керак, деган хаёлга ҳам бордим. Қўшиқ оҳанги машҳур "Жанон бўламан" қўшиғи оҳанги заминига қурилгани учун шундай ўйлаган бўлсам керак. Дарров ижросиси билан қизиқдим. Фақат хонанда Яҳёбек Мўминов!

Йиллар ўтиб, хонандани "Тараннум" кўрсатувида учратдим. Қизиғи, айнан мени ўйлатган савол кўрсатув бошловчисини ҳам ўйлатган экан. Бошловчининг "Ўшал дамлар" қўшиғининг яралиши, уни аввал қайси устоз санъаткорлар ижросида янги рагани ҳақидаги саволига хонанда шундай жавоб берди:

" 1998 йил эди. Бир куни акам Муҳсин Мўминов қўлларида бир қанча шоирларнинг шеърлари тўпланган китобни олиб келдилар ва менга Фарид Усмон қаламига мансуб "Ўшал

дамлар" шеърини тутқаздилар. Шеърни ўқияпману оҳанги ўзи билан бирга чиқиб келаверди. Халқимизда "ҳар қандай янгилик унутилган эскиликдир",- деган ҳикматли гап бор. Мен албатта миллий куйларимизни унутилиб кетяпти демоқчи эмасман. Ўзим ҳам бу қўшиқ чин маънода янгилик деб айтолмайман. Бироқ, унинг кўнгилга яқинлиги борасида шундай дейишим мумкинки, устозлар бизга мерос қолдириб кетган миллий оҳангларнинг руҳидан келиб чиқиб, бироз сайқал берилиб шу қўшиқ туғилди."

Орадан яна вақтлар ўтди. Хонанданинг репертуарлари жамланган альбом қўлимга теғди. Менинг диққатимни тортган нарса унинг сўзга бўлган ихлоси эди. Қўшиқ тинглашдан аввал унинг матнларига кўз югуртирдим. Унинг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф сўзи билан "Бор бўлсин" қўшиғи, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо сўзи билан "Айланай", "Билсанг эди", Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир сўзи билан "Муҳтож бўлмайсан", "Кел бугун", "Атиргул", шоирлар Отабек Боқоний сўзи билан "Ғаниматмиз бир-биримизга", Маъруф Худойбергенов сўзи билан "Ота-онам давлатим" каби ўнлаб қўшиқларида азалий қадриятларимиз, ўлмас туйғулар, инсонийлик, бағрикенглик каби мавзулар ўз тажассумини топган. Яхши сўзга, яхши оҳанг топилади,-деганлари рост. Ҳар бир қўшиқ ўз оҳанги билан уйғунлашиб кетган.

Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтиладиган "Бор бўлсин" қўшиғи ўз оҳанги ва сўзи билан дилингизни ўртайди.

*Қиз бор уйнинг файзи бўлак дейдилар,
Жаннат йўли - қиз бор йўлак, дейдилар.
Ўнгиригда ўғлим йўқ, деб ўксиманг,
Тоғ бўлмаса қир ҳам тиргак дейдилар.
Элнинг бахти ботирларга ёр бўлсин,
Оминалар, Фотималар бор бўлсин!...*

Сўзнинг моҳияти, ички маъно-мазмун ифодасидан келиб чиқиб, хонанда уни ажиб бир оҳанг билан йўрғаклайди. Ва ўзи маҳзун нолалар билан ижро этади. Қўшиқ сўнгидаги икки мисра "Бир кун бошинг етар бўлса болишга, қизларингдан яқин яна киминг бор",- деган эътирофда, шоирнинг дарди, ўкинчи, ота-онанинг ўз қиз фарзандларига бўлган ишончи, умиди, бор меҳр-муҳаббати жиловланиб турибди. Қизларимизнинг меҳрибонлиги, улар ота-онанинг таянчи эканини қалбан туясиз, беихтиёр қўлингизда улғайган, эркалаб, суйиб катта қилган қиз-

ларингизни остонадан бошқа уйга кузатиш пайтида кечадиган туйғулар қуршовида қоласиз, кўзларингиз намланади.

Маҳмуд Тоир сўзи билан айтиладиган "Она" кўшиғида шундай мисралар бор.

*Мен тугилдим шодон юрдим,
Жонни тикдим сўзим учун,
Кеч сўрарман она узр,
Яшадингми ўзинг учун.*

Мунис ва мушфиқ ўзбекнинг онаси ҳамиша болам деб яшайди. У ўз ҳузур-халоватини бир зум ҳам ўйламаган. Ўз ташвишларимизга кўмилиб, баъзан вақтимиз етмаяпти деган турли важлар билан волидамиз холидан хабар ҳам ололмаيمиз. Шоир хаёлидан ўтказган, қалбига кўчиб сўз бўлиб жаранглаётган - бу унинг дардидир.

Хонанда ижросидаги бошқа кўшиқлар ҳам эътибордан четда эмас. Энг муҳими, унинг навосоз юрагида кўшиқ куйлашга бўлган меҳр - муҳаббат бор. У гарчи мусиқий мактабда ёинки Олийгоҳда таҳсил олмаган бўлса-да, кўшиқчилик санъатига беписанд ва шунчаки деб қарамайди. 1993 йилдан бери куйлаб келаётган хонанда устозлар изидан аста-секин одимлаб бораётир. Бу йўлда унга устози Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов кўмак бериб, маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатиб келаяпти.

Яҳёбек Мўминов шурида мумтоз мусиқа меросимизга бўлган, миллий қадриятларимизга бўлган юксак ҳурмат туйғусининг борлигининг ўзи кишига таскин беради. Буни хонанданинг ўз халқига, шоирларига, мухлисларига садоқат намунаси, юрак изҳори дейиш мумкин.

"Моҳият" газетаси, 2010 йил, 9 апрель

«КЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ»

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Ҳосила Раҳимова ижодига назар)*

Ўзининг бор тароватю гўзаллиги билан юртимизга фасллар келинчаги баҳор ташриф буюрди. Баҳор ойида бутун борлиқ уйғонади. Инсон кўнглида инжа ҳис туйғулар ҳукмрон бўла бошлайди. Айни шундай лаҳзаларда киши кўнглига яхши кўшиқ сиғади. Март ойи кўша-кўша байрамлар ойи.

Халқимизнинг сеvimли санъаткорлари мухлисларига ўз концерт дастурларини айнан баҳор ойида тақдим этишади.

*Боғда булбул сайрайди, чаман ичра
Шом бўлганга ўхшайди, чаман ичра*

Ҳа, бу қўшиқ сизларга яхши таниш. Ўзбекистон булбули номини олган Ўзбекистон халқ артисти Ҳалима Носирова ижросида янграган бу қўшиқ ҳали-ҳануз кўнгилларни шод этиб келади. Парда очилади. Саҳнада баҳор фаслини ифодаловчи манзара. Шу пайт эгнида атлас кўйлак, бошида ироқи дўппи, сочларини иккига қилиб ўриб қўйган хонанда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳосила Раҳимова айнан ҳассос санъаткор ижро этган "Чаман ичра" қўшиғи билан мухлислар ҳузурига чиқиб келади. Саҳнадаги бу ҳолат, кўринишдан этларингиз жимирлаб кетади. У сизнинг юрагингизга аллақандай жозиблик олиб киради. Кўз ўнгингизда ўзбек миллий либосида, ўзбекона назокат ва нафосат билан пайдо бўлган хонанда ҳаёлингизни узоқ-узоқларга олиб кетади. Кўнглингизда соҳир туйғулар уйғотади. "Чаман ичра" ни хонандага қўшилиб хиргойи қиласиз. Шунда буюк актёр Шукур Бурҳоннинг "Саҳнада яшаш керак", -деган сўзи беихтиёр ёдга келади. Бу ибора назаримизда фақат театр актёрларига эмас, балки саҳнага чиқадиган ҳар бир ижрочиға, қизиқчи, созанда, хонанда, бошловчию қўйингчи цирк артистиға ҳам бирдек тегишли. Негаки, саҳнага, кўп минг сонли томошабинлар ҳузурига чиқадиган ҳар бир ижодкор, ўз истеъдодини бўй-баста билан кўрсата билиши ҳам катта санъат. Катта саҳнани "ўзиники" қилиб олиш, барчанинг диққат эътиборини тортиш, унга ва томошабинга сингиб кетиш ҳам ҳамманинг кўлидан келавермайди. Саҳна ҳам ўз навбатида ҳаммани ҳам қабул қилавермайди. Саҳна билан ижрочи ва томошабин ўртасида биз билмаган ва кўз илғамайдиган илоҳийлик борга ўхшайди. Шунинг учун бўлса керак, саҳнанинг ҳаддини олган, устоз санъаткорлар "Саҳна - масжиддек жой. Унга пок ҳолда чиқиш керак" ёйинки "саҳнанинг ўз сеҳри бор" деган гапларни ҳам бежиз айтиб кетишмаган. Ҳақиқатан, ҳам баъзилар саҳнага шундай сингиб кетишади, баъзилар эса ҳар қанча ҳаракат қилмасин, хатти-ҳаракатларида носамимийлик, зўрма-зўракилик сезилади ва қилаётган ҳаракатлари ўзларига ярашмайди. Натижада бу нарса томошабинга ҳам кўчиб ўтади. "Бачканалашиб кетди" деган фикрлар аслида шундан келиб чиқади. Хонанда Ҳосила Раҳимова ҳар бир қўшиғини шунчаки ижро этмади, аксинча у ҳар бир қўшиғида "яшай билди".

Шукур Бурҳон айтганидек, "Артистда (обояние) яъни жозиба бўлиши керак". Хонанданинг ёқимтойлиги ва жозибаси буюк актёрнинг сўзларини ёдимга солди. Демак, санъаткорда келишган қадди-қомат, ҳар қандай ҳашам бўлмасин, унинг юрагида халқига айтадиган дарди бўлмаса, самимийлик, жозиба уфуриб турмаса, у томошабинларга ҳам сингмайди. Томошабин эса ҳамма вақт табиийликни ёқтиради. Ҳис-туйғусиз тарақа - туруқ мусиқа оҳангидан, энгилелпи саёз матнлардан асаблар таранглашиши турган гап.

Дастур давомида хонанда "Кечиргайму", "Ўзингиздан", "Муҳаббатимсиз", "Аёл" каби бир қатор қўшиқларини ижро этдики, томошабин бу қўшиқларнинг барчасини диққат билан тинглади. Дастурнинг бошидан то охиригача томошабин билан хонанда ўртасидаги аллақандай ришта боғлаб турганини сезасиз. Хонанда ҳар бир қўшиғининг мазмунидан келиб чиқиб, шунга лойиқ либос ва шунга лойиқ ҳаракат, қўйингчи бор истеъдодини кўрсата билишга эришди. Репертуаридан ўрин олган қўшиқлар бир-бирини тўлдириб бойитиб борди. Дастурнинг иккинчи қисмида хонанда мумтоз қўшиқлардан бир жуфт ижрода куйлади, "Самарқанд ушшоғи" ҳамда "Ёр истаб, мустаҳзод" ни жонли овозда ижро этди. Хонанданинг мақом қўшиқларига хос залворли либоси, бошидаги дурра унга янада кўрк бағишлади.

Дастурнинг учинчи қисмида эса томошабинлар уни тагин ўзгача қиёфада кўрдилар. У халқ оғзаки ижоди, яъни фольклор йўналишдаги "Сурхоним", "Була", "Кураш", "Куралай", "Ўтов", "Алпомиш", "Кўпқари" каби мавзулардаги қўшиқлари билан бутун зални рақсга чорлади. Ўзбекнинг полвон ва мард ўғлонларини мадҳ этувчи бу каби қўшиқлар ҳар бир томошабин кўнглида ички бир гурурни, шижоат ва мардликни уйғотиб юборди десак, муболаға бўлмайди. "Ўтов" қўшиғига мос равишда саҳнада ўтовнинг пайдо бўлиши, "Кўпқари"да эса хонанданинг ўзи полвонларга хос ҳаракат қилиб, рақибини узала тушириб йиқитиши барчани ҳайратга солди. Хонанда дастурнинг тўртинчи қисмида эстрада йўналишидаги қўшиқлар гулдастасини тақдим этди.

Эътироф этиш керакки, хонанданинг дастурга жиддий тайёргарлик кўргани яққол сезилиб турди. Негаки, дастурда кўз илғамас майда деталлардан тортиб ҳамма-ҳамма жиҳатларга эътибор қаратилган. Дастурга хонанданинг ўзи режиссёрлик қилганини дастур сўнгида англадик. Дастур концепцияси яъни қўшиқлар тизими шундай тартиб билан тизилганки, хонанда

режиссура санъатидан ҳам яхшигина хабардор эканини исботлади. Умуман, хонанда репертуар танлашда маҳоратга эга. Унинг репертуарида ўзбек ўғлонининг мардлиги, гурури, ор-номуси, ўзбек қизининг иффати, ҳаё ва ибоси, инсонларнинг ўзаро меҳр-муҳаббати, каби ғоялар бош мавзу этиб олинган ва булар илгари сурилган. Аёл хонандалар орасида полвонларни мадҳ этиб куйлаган ҳам хонанда Ҳосила Раҳимовадир. У ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган, теша тегмаган мавзуларни топиб куйлайди. Севги муҳаббат мавзусидаги қўшиқларида ҳам теран маъно яширинган. Бу эса унинг ўз услуби, ўз йўналиши, санъатда ўз ўрнига эга хонанда эканидан далолат беради. Дастурда Ҳосила Раҳимова қўшиқчилик санъатининг бир қатор жанрларида, жумладан, миллий мумтоз, миллий эстрада, фольклор, бахшичилик жанрида куйлаб, мухлислар олқишига сазовор бўлди. Кези келганда унинг бу даражага етишида устози Ўзбекистон халқ артисти Оролмирзо Сафаровнинг ҳам хизмати беқийёслигини айтиб ўтиш керак.

"Ҳар ўланда юрт мадҳи" деб номланган дастурда куйланган ҳар бир қўшиқ хонанданинги ўз она юртига, ватанига, мухлисларига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат изҳори бўлиб янгради.

*"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси,
2010 йил, 9 апрель*

МАҚСАД ЯХШИ, АММО... ФОНОГРАММАДАН КАМРОҚ ФЙДАЛАНИЛСА

Пойтахтимизнинг "Истиқлол" ва "Туркистон" саройларида таниқли ва ёш эстрада хонандалари ўзларининг якка-хон концерт дастурларини мухлисларига ҳавола этиши одат тусига кириб қолган.

Йилнинг ўтган ойларида қўшиқ шайдолари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдулла Шомағрупов, Озодбек Назарбеков, Сайёра Қозиева, Оғабек Собиров, истейдодли хонандалар Отабек Муҳаммадзоҳид, Алишер Файз, Ботир Қодиров, Мансурхон Нурматов, Алижон Исоқов, Файрат Усмонов сингари хонандаларнинг яккахон концерт дастуридан баҳраманд бўлишди.

Албатта, катта саҳнага чиқиб, мухлислар билан юзма-юз учрашиб, уларга ҳисобот бериш, ҳар бир хонанданинги зиммасига ҳам шарафли ҳам масъулиятли вазифа юклайди.

Аввало, ҳар бир концерт дастурининг шаклу шамойили санъаткорнинг интеллектуал салоҳияти билан боғлиқ. Хонанда катта саҳнага, минглаб мухлислари ҳузурига чиқар экан, энг аввало унинг томошабинларга айтадиган сўзи бўлиши керак. У ўз қўшиқлари орқали нима демоқчи? Репертуаридан жой олган қўшиқларнинг мавзуси, матнларнинг жўн ёки пухталиги, саҳна безаклари, қўшиқларга ишланган рақслар, концерт дастурининг режиссураси, унинг конференсье яъни бошловчиси... ҳамма-ҳаммаси дастурнинг бир бутун яхлитлигини таъминлайди. Шулардан бири ўз вазифасига жиддий ёндошмаса концерт савиясига путур етказиши табиий. Назаримизда саҳнага чиқаётган ҳар бир хонанда дастурини кўнгилдагидек ўтказишни истайди ва орзу қилади. Лекин бу орзу истак доим ҳам амалга ошавермайди.

Қуйида биз айрим хонандаларнинг концерт дастурлари ҳақида фикр- мулоҳазаларимизни келтириб ўтмоқчимиз. Бу фикрларни танқид эмас, балки мулоҳаза деб қабул қилишини хоҳлардик.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбековнинг концерт дастури томошабинлар томонидан ҳар гал илиқ кутиб олинади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ижодкор қўшиқларида маълум бир фикр айтади. Матнлар ва мусиқаларига алоҳида эътибор билан ёндошади. Бу йилги дастурда унинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оролмирзо Сафаров билан айтган дуэти назаримизда концерт дастурининг концепциясини белгилаб бергандек. Бироқ, дастурни халқимизнинг сеvimли санъаткорлари, қизиқчилари эмас, бадий сўз устаси бошқаргани маъқулмиди, деган фикр туғилди. Дастур ўртасида қизиқчиларга навбат берилиши бу бошқа гап. Дастур ҳар қанча жиддий, мазмундор қўшиқлардан тузилган бўлмасин, томошабин Обид Асомовни бадий сўз устаси деб эмас, қизиқчи деб қабул қилади. Қизиқчи бошқараётган чоғда концертнинг салмоғи пасаяди. Ўйлаймизки, хонанда кейинги дастурларида бунга эътибор қаратади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Қозиеванинг концерт дастурида босим пастлиги сезилди. Хонанданинг ҳаракати, меҳнати кўриниб турибди. Бироқ, саҳнада томошабинларни жалб қилиш, ўзига тортиш йўқдек. Хонанда хатто соч турмакларига ҳам эътибор қаратмаган. Катта ва кенг саҳнада жуссаси кичиккина хонандани томошабин баъзан илғамай ҳам қолади. Саҳнанинг салобатини ҳам ҳисобга олиш керакка

ўхшайди. "Истиқлол" санъат саройида ўз концерт дастурини тақдим этган Сайёра Қозиева репертуаридаги қўшиқлари мазмунан саёзлиги, хонанданинг сахнада ўзини "жуда эркин" ҳис қилиши, хонанда кийган либослари аввало, унинг концерт дастурига, қолаверса хонанданинг ёшига ҳам тўғри келмаслиги мухлислар эътиборидан четда қолмади.

Алижон Исоқовнинг илк яккахон концерт дастурида ҳам айрим муаммолар кўзга ташланди. Алижон Исоқов бугун эстрада оламида ўз йўли ва овозига эга ижодкорлардан. Қўшиқлар матни, мусиқаси, ижро маҳорати, хонанданинг сахнадаги либослари ҳақида ҳеч қандай эътироз йўқ. Аммо, сахна декорацияси концерт дастури мавзусидан келиб чиқиб танланмаган.

Ёш хонанда Алишер Файзининг концерт дастурида режиссуранинг жуда пухта ўйлангани (режиссёр Лутфулла Аллакулов) яққол кўзга ташланиб турди. Бу эса концерт дастурининг концепцияси, бир-бирига узвий боғлиқлигини белгилаб берди. Хонанда концертнинг бошидан то охиригача томошабинни бир маромда ушлаб тура олди. Қўшиқлар асосан шўх, қувноқ, муҳаббат мавзусида. Хонанданинг ёшига мос. Бошловчи ҳам дастурни бир маромда бошқарди.

Файрат Усмонов ҳам сахнага босиқ, вазминлик билан чиқади. Ундаги саломлашиш одоби, сўзнинг мухлислар кўнглига етказиб бериши назаримда барчага бирдек манзур бўлди. Қўшиқ матнлари ҳам яхши танланган. Бироқ...

Сахнага Ўзбекистон Халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Саъдуллаеваларнинг чиқиб келиши ва дастурда бошловчилик қилишлари дастурда уйғунлик пайдо қилолмади назаримизда. Бу билан биз катта санъаткорлар ижодини камситмоқчи эмасмиз. Дастур режиссураси пухта ишланмаган.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Барча хонандалар фаолиятида шу нарса кузатилдики, айтилган қўшиқларнинг тўртдан бир қисмигина жонли ижро этилди. Қолган қисмида мухлислар кўзи ва қулоғини чалғитиб фонограммадан фойдаланилди. Умуман концерт дастурлари ҳақидаги ушбу фикр-мулоҳазаларимизни санъатшунос мутахассис сифатида билдирдик. Зеро, бу мулоҳазалар хонандаларнинг кейинги ижодларида асқотади. Улар билдирилган истак ва таклифлардан тўғри хулоса чиқаришади, деб умид қиламиз.

"Моҳият" газетаси, 2009 йил, 12 июнь



САНХАДАМ
МАКДИПА

ЙЎҚОТГАНИМ ЭМАС, ТОПГАНИМ КЎПРОҚ

*(Ўзбекистон Халқ артисти
Рихси Иброҳимова билан суҳбат)*

Театр санъати тарихида оналар тимсолига айланган, минглаб томошабинларнинг меҳр-муҳаббатини қозонган ва халқ эъзозига сазовор бўлган актрисалар бор. Лутфихоним ая тимсолидаги она меҳрибон, жайдари, содда, Зайнаб Садриева тимсолидаги она қаттиққўл, чўрткесар, Манзура ая тимсолидаги она ўта ҳалим, кўнгилчан, куюнчак, самимий, Марям Ёқубова тимсолидаги она бироз кибрили, мақтанишни ёқтирадиган, Муҳаббат ая тимсолидаги она жасур, мағрур. Хуллас, нима бўлгандаям буларнинг барида ўзбек оналарининг характери, руҳияти, кечмишлари, орзу-армонлари ўз ифодасини топган. Улар бир-бирини такрорламайди. Бугун оналар тимсолини яратаётган эл ардоғидаги актрисалар Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова, Дилбар Икромова, Рихси Иброҳимоваларнинг ролини ҳам юқоридаги санъаткорлар қаторига қўшишга ҳақлимиз.

Севимли санъаткоримиз, Ўзбек Миллий академик драма театрининг онахонига айланган Ўзбекистон халқ артисти Рихсихоним Иброҳимова билан бўлган дилдан суҳбатимиз оналар тимсолини яратиш мавзусидан бошланди.

- *Рихси опа, ўзингизга маълумки, театр ва кино санъатида оналар тимсолини яратган кўпгина актрисалар ўтишган. Дейлик, Зайнаб Садриева, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова, Манзура ая. Айтинг-чи, улар яратган она образи ичида сизнинг руҳиятингизга яқини қайси, уларнинг қай жиҳатларидан ўрнатилган олса арзийди?*

- Саҳнада яратилган оналар қиёфаси, характери албатта, турфа хил рангларда намоён бўлган. Бирининг характери юмшоқ, бириники қаттиққўл, бири хаёлпараст, бири хушчақчақ. Менинг руҳиятимга яқини, оддий тил билан айтганда, жайдари, содда, меҳрибон ва ғамхўр, одамларга фақат яхшилик соғиниб яшайдиган оналар образидир. Лутфихоним ая, Манзура ая, қолаверса, ўзимнинг онамнинг характерлари жуда-жуда менга яқин. Саҳнада, экранда қанча-қанча роллар ўйнадим. Лекин менинг юрагимга энг яқини Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари"даги Она образи бўлди. Қаёққа борсам ҳамма шу ролимни гапиради. Балки

муаллифнинг шу образга катта қалб, катта меҳр билан ёндашиб, оналарнинг барча фазилатларини мужассам эта олгани учундир. Балки мен ҳам бу ролга бутун меҳрим билан ёндошганим учундир. Нега бу образ барчага бирдек ёқади?! Негаки, ундан ҳақиқий ўзбек онасининг фазилатлари, руҳияти, ибоси, меҳрибон ва мушфиқлиги, бағрикенглиги, изтироблари, қуюнчаклиги мужассамлашган. Шунинг учун бу образ барчага бирдек сингади, ҳеч бир ўзбек хонадонига ёт, бегона эмас. Оддий, жайдари ўзбек онаси образи яхлит ижобий қаҳрамон қиёфасида гавдаланар экан, тўла-тўқис ва мукамаллиги туфайли томошабин қалбини забт этган.

Бу ролни ўйнамасдан олдин, театр саҳнасида жуда кўплаб ролларни ижро этганман. Буни мухлислар яхши билишади. Бир қанча асарларда бош қаҳрамон образларида ўйнаганман. Масалан, Гули, Жамила, Феруза ва бошқалар. Ёшим улғайган сайин менга оналар ролини бера бошлашди. "Кеча ва кундуз"даги Қурбонбиби ҳам кейинги ижодимда дунёга келган ролимдир.

Одил Ёқубовнинг "Диёнат" асаридаги Фазилат образини ҳам ёрқин ролларимдан бири деб айта оламан. Сатанг, манман, хийлагар аёллар образини негадир сингдиrolмайман. Лекин ижодимда бундай роллар ҳам топилади. Яқинда бир кинога таклиф қилишди. Шу филмда иккита она образи бор экан. Бири содда, иккинчиси ғийбатчи, гап ташувчи аёл. Бир хил қиёфалар жонимга тегди, наригисини бера қолинглар, десам, унашмади. "Рихси опа, сизга бу рол тўғри келмайди", дейишди. Филмдаги бу кичкина, эпизодик роль, холос. Ролни ўйнашдан олдин бироз ҳаяжонландим. Балки, бошқа актрисалар мендан ўтказиб, қойил қилиб ўйнармиди, деган хаёлга ҳам бордим. Нима бўлганда ҳам мен буни эплашим керак, дедим-да, ўша ғийбатчи аёл характерини ўрганишга ҳаракат қилдим, ич-ичимдан руҳий тайёргарлик кўрдим. Бу ролга ўзимдан қўшиб бошқача ёндошдим.

- *Рихси опа, сиз буюк актёрлар Шукр Бурҳон, Олим Хўжаев, Сора Эшонтураева каби забардаст санъаткорлар билан бир саҳнада ёнма-ён ишлаш бахтига муяссар бўлгансиз. Айтингчи, шундай улуғ санъаткорлар билан бир саҳнада ўйнаш оғир кечмаганми? Демокчиманки, уларнинг салобати босиб, ўз ролингизни очиб беролмаган пайтингиз ҳам бўлганми?*

- Хоҳлайсизми, йўқми илк бора саҳнага чиққанингизда юракда ҳаяжон бўлади. Айниқса, ёнингизда буюк санъаткорлар турганда.

Уларнинг даражасига етказиб ўйнашнинг ўзи бўлмасди. Менга ўша пайтдаям бош қаҳрамон ролларини топширишганди. Биз ёшлар улар билан салом-алик қилганда ҳам жуда ҳаяжонланар эдик. Биз учун улар гўё осмондаги ой ва қуёш эди. Ютуғимиз шу эдики, улар бизни бошимизни силаб роль устида ишлатишар, йўл-йўриқ, маслаҳат беришар, ўша ролни пишириб олмағунимизча ишдан тўхтатишмасди. Роль устида ойлаб-йиллаб ишлар эдик. Елкамизда жуда катта юк, масъулият турарди. Улар ижрони қойил қилгандан кейин биз ҳам жилла бўлмаса берилган вазифани, яъни юкни торта билишимиз керак эди. Ҳозирги ёшларда андиша деймизми, чўчиш ё салобат босишми, сезилмайди. Ҳаммалари эмин-эркин ҳаракат қилишади.

- *Балки саҳнада эркинлик керакдир?*

- Саҳнада албатта эркинлик керак. Гапнинг очиғи, бугун юрагимизни ўйнатиб юборадиган тоши оғир роллар деярли йўқ. Балки шунинг учун ёшларимиз бироз эркинроқдир?! Аммо, мумтоз асарлар саҳнага қўйилаётган бўлса, ёшларимиз албатта биз катталардан маслаҳат сўрашади. У давр билан ҳозирги кунни таққослаб бўлмайди. Сора опа, Шукур ака, Зайнаб опа, Обид Жалилов, Мария Кузнецова, Амин Турдиевларнинг олдида тилимиз айланмай қоларди. Амин Турдиев ҳар битта сўзга ниҳоятда катта эътибор берардилар. Институтни рус тилида битирган актрисаларимиз уларни кўрганда ҳаяжонга тушишарди.

- *Сиз катта мактаб кўргансиз. Ҳозир ҳам шу мактаб ананаси давом этаяптими ё театр янги йўналиш ва янги услубда иш олиб боряптими?*

- Давр ўзгарди, актёрлар сафига янги авлод вакиллари келиб қўшилди. Истаймизми ё йўқми ҳар бир даврнинг ўз томошабини ва ўз талаблари бор. Қанчалик янги йўналиш ё янги услубда ижод қилинмасин, барибир ўтаган мактабнинг таъсири, олинган тажриба ва билимлардан воз кечиб бўлмайди. Чунки пойдевор қўйилган. Уни бузиб йўқотиш нонкўрлик бўлади. Масалан, бирон-бир роль устида иш олиб борилаётганда устозлар ижроси ҳақида Толибжон, Эркин, Турғун акангиз, Тешавой хотираларини айтиб беради. Ёшларнинг хато-камчиликларини тузатамиз. "Мана бу ерида бачканалашдинг, мана бу ерида сўзнинг салмоғига эътибор бер", - дея насиҳат қиламиз. Бизнинг академик театр мактабини кўрган актёрлар ижро маҳорати билан бошқа-

лардан ажралиб туради. Театримизда янги кўриниш, янги шаклларда спектакллар қўйиляпти. Барибир, актёрларнинг нутқ маҳоратида, хатти-ҳаракатида ўша мактаб қолдирган излар сезилади. Шукур ака ижро этган Фофир, Улуғбек, Брут, Шоҳ Эдип ролларини эсланг. Ҳар битта роль устида кечалари мижджа қоқмай ишланган. Ҳозир сенга тинчлик бермайдиган, тунларни тонгларга улаб, ўйлаб чиқадиغان роллар қани? "Қиёмат қарз"даги Сулаймон отани эсланг! Бу ролларнинг ҳар бири бетакрор.

- *Баъзи режиссёрлар актёрларни бир қолипга солиб қўйишади. Актёрлар фикри билан унчалик қизиқишмайди. Сизнинг ижодингизда ҳам шундай ҳоллар бўлганми?*

- Режиссёр Рустам Ҳамидов билан маза қилиб ишлаганман. Шундай пайтлар ҳам бўлганки, роль устида жанжаллашиб, таллашиб-тортишиб қолардик, баъзан ўша ролни ташлаб кетиб қолгим ҳам келарди. Режиссёр талаб қилган нарсани актёр тўғри қабул қилиб, ўша ролни янада бойитиш учун ўзидан бирон янгилик қўша олса нур устига аъло нур. Режиссёр билан актёр бир-бирининг юрагидагани ҳис қила билиши керак. Актёрга ҳам режиссёр имкон бериши керак. У кўрсатиб бермасин, аксинча, сахнада кечадиغان воқеани тушунтирсин.

- *Сизнинг наздингизда ролнинг катта-кичиги бўладими?*

- Ролнинг катта-кичиги бўлмайди. Катта ролни ўйнаган билан уни юракдан очиб беролмасанг, сахнанинг у ёғидан бу ёғига айланиб юришдан не фойда. Баъзан бутун бошли асарда кичиккина эпизодик роль бўладию маза қилиб яйраб ўйнайсан. Тўла-тўкис имкониятларингни очиб бера оласан. "Бухоро" спектаклини эсланг. Шу асарда Санам деган кичкина, аммо характерли образ бор эди. Мана шу ролни атайлаб сиз учун олиб қўйдим, аммо шарти шуки, бош ролдаги аёллар образидан ўтказиб, қойил қилиб ўйнамагунингизча сизни тинчитмайман", - деди режиссёр. Аввалига, бироз ранжигандек бўлдим, лекин эпизодик ролнинг характери менга ёқиб қолди.

Санам Амир Олимхон ҳарамидаги ифлос ишлардан нафратланадиган, исёнкор аёл образи эди. У кичик бир сахна кўринишида ҳам йиғлайди, ҳам кулади, ҳам рақсга тушади, ҳам доира чертади. У бутун аламу изтиробларини бир вақтнинг ўзида тўла очиб бериши керак эди.

Ҳарамхонада жимлик. Доира секин-секин "так-так" этади. Ва уни мен бир айлантираман, доира бутун саҳна бўйлаб айланади. Залда сукунат. Доира саҳнанинг бир четидан айланиб, иккинчи четида тўхтади. Мана шу жойини Ғофир Азимов билан нақ бир ой машқ қилганман. Секин бош кўтариб, "қани чапак" дейману, бухороча рақсга тушиб ҳаммани ҳайратда қолдираман. Ичимдаги бутун дард, алам, исён, хон ҳарамига лаънат ўқиш, ҳамма-ҳаммаси тўла-тўқис очиб берилган.

- *Бошқа ролларда ҳам ўзингизни тўла очолганмисиз?*

- Характеримга мос бўлмаган, қийинчилик билан дунёга келган, лекин ўзимники бўлиб кетган ролларим бор. Жуда катта меҳнат эвазига саҳнага чиққан салбий роллар ҳам бор. "Абу Райҳон Беруний"да Маҳмуд Ғазнавийнинг сингиси Малика Сайёра жуда айёр, доғули, маккора аёл. Мана шу ролни ҳам роҳатланиб ўйнадим. Негаки, Гули, Жамила булар бир-бирига яқин, бир-бирига ўхшаш роллар эди. Маликани ўйнаганимда томошабинлар мени роса қарғашганини ўз қулоғим билан эшитганман. Бундан ташқари "Ғариблар" асаридаям кичик бир ролни ўйнаганман. "Абу Райҳон Беруний", "Ғариблар" спектаклини режиссёр Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган.

- *Қайси драматург, қайси режиссёр билан ишлаш сиз учун мароқли?*

- Александр Гинзбург, Тўла ака, Рустам Ҳамидов, Баҳодир Йўлдошев каби забардаст режиссёрлар билан маза қилиб ишлаганман. Ҳозир Валижон Умаров, Турғун Азизов саҳналаштирган асарлар ўйлайманки, бугунги кун талабларига жавоб беради.

- *Томошабин сифатида ўзингиз қандай спектакллари томоша қилгингиз келади?*

- Тоши оғир, инсон юрагини ларзага, ҳаяжонга соладиган, спектакллардан сўнг ҳам ҳаёлингни чулғаб оладиган, руҳий психологик асарларни кўргим келади. Тақдири мураккаб қаҳрамонларни саҳнада ўйнасам дейман.

- *Бўш пайтларингизда севган машғулотиңгиз?*

- Кўпроқ шеърый китоблар ўқийман.

- *Мақтовни ёқтирмайдиган, танқидни яхши кўрадиган одамни топш қийин. Аммо танқид, жумладан, театр танқидчилиги ҳам муҳим вазифани бажаради: саракни - саракка, пучакни - пучакка ажратишга ёрдам беради. Маннон Уйғур номидаги Санъат институтида махсус театршунослик бўлими бор-*

лиги бежиз эмас. Театр учун фақат актёр, режиссёр, бастакоргина эмас, малакали танқидчи ҳам керак. Шахсан сизнинг танқидга муносабатингиз?

- Танқидчиларимиз йирик-йирик санъаткорларнинг ижросини кўришмаганми, аввалги санъаткорлар ижроси билан бугунги санъаткорларни таққослашади. Танқидчиларимиз бугунги ижро услубини, даврни ҳисобга олишлари зарур. Ахир кундан-кунга қанчадан-қанча янгиланишлар жараёнини бошдан кечиряпмиз-ку! Танқид албатта керак. Агар у ҳаққоний бўлса. Менимча танқидчилар театрга янада яқинлашишлари керак. Репетиция жараёнида биз билан ёнма-ён ўтириб, камчиликларимизни, хатоларимизни юзимизга айтсалар, кемтик жойларини тўлдирсак, асар янада пишиқ ва пухта бўлади. Бу борада драматургларга ҳам айрим эътирозларим бор. Нега улар асар ёзмай қўйишди?! Асарнинг дунёга келишидаги "сур-сур" лардан чўчийдиларми? "Юрак сирлари", "Келинлар кўзғалони", "Алишер Навоий" асарлари қанча тўполонлардан кейин чиқди-ку?

- *Бозор иқтисодиётида "талабга яраша таклиф" деган тushунча бор. Бу қоида савдо-сотиқда ўзини тўла оқлайди. Бироқ адабиёт ва санъат учун бегона ва ҳатто зарарлидир! Афсуски, кейинги пайтда ҳақиқий санъатдан узоқ, енгил-елпи "асарлар" пайдо бўлаётгани сир эмас. Сабабини сўрасангиз, бозор иқтисоди шуни нақозо қилаётгани, "кассабот" асар ҳам кераклиги, одамлар айнан шунақа томошани ёқтираётганини айтадилар. Бу гапда ҳақиқат бор. Балки шунақа томошалар ҳам керакдир. Аммо бундай "асар"лар кўпайиб кетаверса, қўполроқ қилиб айтганда, от аравани эмас, арава отни тортадиган бўлиб қолмасмикин? Бундай "арзон", "ҳазми осон" томошалар театр обрўсига путур етказмайдими? Қолаверса бу - томошабин маънавиятига салбий таъсир қилмайдими?*

- Тўғри, қўйилаётган асарларимиз бироз енгил, ҳазми осон. Биз ҳам катта асарларга даъво қилаётганимиз йўқ. Бироқ, кўпчилик асарларда ҳаёсиз, бепарда хатти-ҳаракатлар, сўзлар йўқ. Турмуш ташвишларидан хориган томошабинга нима керак? Озгина хазил-мутойиба, комедия жанридаги асарлар зарар қилмайди.

- *Инсондаги қайси фазилатни улуғлайсиз? Қайси қусурни ёмон кўрасиз?*

- Ҳаётда бефарқ, лоқайд одамлар энг кўрқинчли одамлардир. Шундайларни жуда ёмон кўраман.

- Санъаткор сифатида ижодий тамойилингизни бир оғиз сўз билан ифодаласангиз?

- Тиниб-тинчимаслик ва атрофдагиларга бефарқ бўлмаслик.

- Сўз масаласига қайтсак. Яхши драматург ўз сўзи учун ўзи жавоб беради. Ҳар бир сўзини ҳимоя қилади. Устоз адиб Саид Аҳмад ибораси билан айтганда, "чала тугилган" пьесасини "буёғини ўзларинг йўрғақлаб оларинг", деб театр оstonасига ташлаб кетадиган ёзувчи ёзувчи эмас. Лекин сахнанинг ўз талаблари ҳам бор. Ҳатто Абдулла Қаҳҳордек сўз устаси ҳам бир гал "бу жумлани қайси персонажнинг оғзига солсам, тупуриб ташлаяпти", деб ёзган эди... Бинобарин, сўз салмоғи сахнага чиққанда айниқса билинади. Муаллиф, режиссёр, актёр биргаликда ишлаётганда фақат сўз эмас, бутун бир сахна ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Сизнинг ижодий тажрибангизда шундай ҳоллар бўлганми?

- Сўз масаласи ниҳоятда мураккаб масала. Менимча, муаллиф ёзган асардаги сўзни ҳеч кимнинг ўзгартиришига ҳаққи йўқ. Чунки муаллиф сўз масъулиятини ҳис қилган ҳолда ҳар бир қаҳрамонининг характериға, ҳолатига, руҳиятиға қараб сўз қуради. У ҳар битта сўзни минг маротаба ўйлаб кейин қоғозға туширади. Бир сўз билан айтганда, ёзувчи, драматург - сўз устаси. Ҳозирги кунда айрим санъаткорлар тилида, талаффузида бузилиш сезилиб қоляпти. Айниқса, мумтоз асарларда бу нарса сезилиб қолади. Масалан, "бўлурму" сўзини "бўлурми", баъзан "ҳам" сўзини "ям" деб ишлатишади. Сўз талаффузида ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур.

- Репетиция пайтида, гоҳо томоша давом этаётганда ҳам сахнада турли қутилмаган ҳолатлар, кулгили вазиятлар бўлиб қолиши мумкин. Сизда ҳам шундай бўлганми?

- Қутилмаган ҳолатлар, кулгили вазиятлар кўп бўлади. Қай бирини айтай? "Йўлчи юлдуз" спектаклида Гуласал деган рол бор эди. Сахнада "ўлиб ётибман". Бир пайт бир талай аскарлар кириб келишади. Бири нон, яна бир ниманидир талашиб олади. Шунда бир аскар қўлимни шунақанги ғарчиллатиб босиб кетди-ки, "ўлиб ётган" одам бирдан "вой" деб бақириб юбордим. Мен иккинчи марта "қайтадан ўлдим". Залда шунақанги кулги кўтарилди-ки...

- Рихси она, санъаткор бўлиш учун инсон ҳаётида нималардандир воз кечишиға тўғри келади. Йўқотганингиз топганингиздан кўпми ё кам?

- Албатга йўқотишлар ҳам бўлади. Лекин топганим кўпроқ. Минглаб томошабинлар, мухлислар, халқ олқиши. Давлатимиз томонидан меҳнатининг қадр топгани (1979 йилда Ўзбекистон халқ артисти, 1997 йилда "Меҳнат шухрати" ордени). Буларнинг ҳаммаси ҳаётда топган-тутганларим. Мен ўзимни бахтли санъаткорлардан деб биламан.

«Театр» журнали, 2006 йил, 2-сон

САҲНА ХИЁНАТНИ КЕЧИРМАЙДИ

*(Ўзбекистон халқ артисти
Файзулла Аҳмедов билан суҳбат)*

Муқимий номидаги мусиқий театри деганда театрға тама мал тошини қўйган Ўзбекистон халқ артистлари Тўхтасин Жалилов, Раззоқ Ҳамроев, Маҳмуджон Ғафуров, Сойиб Хўжаев, Лутфихон ая Саримсоқова, Фароғат Раҳматова сингари атоқли санъаткорлар кўз олдимизга келади. Бу улуғ санъаткорларнинг мусиқий театрининг шаклланишида, ривож топиши, услуб ва йўналишини белгилашда беназир хизматлари бор. 1958 йилларда театрға бақувват ижодий жамоа изидан яна бир янги истеъдодли авлоднинг келиб қўшилгани хайрли бўлди. Хусан Шарипов, Гулсара Ёқубова, Марям Ихтиёрова, Бахтиёр Ихтиёров, Ҳаким Носиров, Файзулла Аҳмедов...

Бугун эса бу санъаткорлар театрнинг отахон ва онахонларға, ортларидан бир эмас икки-уч янги авлодни эргаштирган халқ ардоғидаги санъаткорларға айланган устозлар сирасига киришади.

Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов билан мусиқий театрнинг бугуни ҳақида фикрлашамиз.

- *Файзулла ака, Муқимий номидаги мусиқий театрда иш бошлаганингизға ҳам 50 йилдан ошибди. Сиз бу улуғ даргоҳда забардаст санъаткорлар билан бирға ишлагансиз, улардан ўргангансиз. Айтингчи, ўша даврдаги мусиқий театр билан бугунги кундаги театр фаолиятида қандай фарқ бор?*

- Йиллар учқур. Кечагина театрға келган ёш йигит эдик. Мана орадан шунча йил ўтибди. Лекин ўша кунлар, устоз санъаткорлар, саҳнада қўйилган спектакллар, томошабинларнинг қийқириқлари кечагидай кўз ўнгимдан ўтаверади.

Биласизми, устозларнинг ўз касбига садоқати, театр ишига биринчи даражали иш деб қараганликлари мени ҳалигача ҳайратга солади. Ҳар бир хатти-ҳаракатда, актёрларнинг касбига садоқатида, ишга, бир-бирига бўлган ўзаро муносабатларда, саҳналаштирилган асарлардан тортиб томошабинларгача сезиларли даражада тафовут бор. Бу табиий жараён, албатта.

Мисол учун репертуар масаласини олиб қарайдиган бўлсак, у пайтларда саҳнада йирик-йирик асарлар қўйиларди. "Ватан ишқи", "Ғазал фожиаси", "Мавлоно Муқимий", "Тоҳир ва Зуҳра" сингари асарлар икки антрактдан иборат бўлиб, спектакллар икки, уч соатга чўзиларди. Саҳнага декорациялар росмана қуриларди. Устоз санъаткорлар театрга спектакль бошланишидан 1-2 соат аввал келиб, кийиладиган либосларнинг тугмаларигача кўздан бир-бир кечиришарди. Саҳнага садоқат ва меҳрни ўша пайтда кўрганман. Қўйилаётган асарларнинг барчаси шунчаки "асар"лар эмасди. Ҳар бир спектакль томошабинларни тўлқинлантириб юборар, арияларни баралла куйлаб уй-уйларига қайтаётган мухлисларнинг ҳам гувоҳи бўлардик. Миллий боғ ичида "Яшил театр" деган жой бўларди. Ёзги спектаклларимиз ўша ерда кеч соат 9.30 да бошланарди. Бир куни "Кулги кечаси" бошланай деб турганда бир аёл кўзига ёш олиб, "ҳаётимда бир марта хўжайиним билан театрга келсам, чипта қолмабди", - деб йиғлаб турибди. Раҳбар олдига кириб дарҳол икки кишилик таклифнома ёздириб чиқдим. Бояги аёлнинг хурсандчилигини кўрсангиз эди! Театримизда Шерали Пўлатов деган истараси иссиқ, овоз диапазони кенг артист ишларди. "Мавлоно Муқимий"да шу актёр учун мусиқа ёзилган. Спектаклда "Эй, чеҳраси тобоним" ашуласини айтса томошабинлар спектаклни тўхтатиб шу ашулани қайта-қайта айттиришарди. Томошабинда талаб ва эҳтиёж кучли эдимиз, ҳар ҳолда спектаклларга муносабат бошқача эди.

Драматург билан бастакорларнинг ҳамжиҳатлилиги ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Бастакор Тўхтасин Жалилов билан Собир Абдулла "Тоҳир ва Зуҳра", "Алпомиш" мусиқали драмалари устида иш олиб борганлари ҳали ҳануз ёдимда. Барча ижодкорлар Собир Абдулланинг боғига тўпланишар, домла матнни ёзиб турсалар, Тўхтасин ака куйини басталаб ўша ернинг ўзида ижрочиларга айтириб кўрардилар. Ҳозир драматург ўзича ишлайди, бас-

такор ўзича. Натижада куй ва сўз бир-бирига сингиб, уй-гунлашиб кетмайди.

- *Тўхтасин акани Уста деб аташган экан-а?*

- Биласизми, нега уста дейишган, чунки ария ва дуэтларнинг мусиқаларида у киши миллий мақомларимиздан усталик билан фойдалана билганлар. Масалан, "Алпомиш"-да Алпомиш ариясининг оҳанги Суворадан олинган. Шунинг учун ҳам залда ўтирган томошабинлар бу арияни ёд олиб йўл-йўлакай куйлаб кетишарди.

- *Ўша пайтларда Маҳмуджон Ғофуровнинг овози бутун зални титратиб юборгани ҳақида кўп эшитганмиз. Бугун ҳам шундай овозлилар борми?*

- Театримизда овозлилар бор, йўқ эмас. Лекин ҳақиқатни айтиш керак, Маҳмуджон аканинг овозичалик баққуват ва ёрқин, жарангдор овозлилар жуда кам. У кишининг диапозони кенг, худди ичидан овоз қайнаб чиқаётганга ўхшарди. Истеъдодлилар ҳар куни туғилавермайди.

- *Бугунги кунда театрда кўплаб ёшлар ҳам келиб қўшилишди. Улар ичида эртанги куни порлоқ, истеъдодлилари борми?*

- Ёшларнинг келиб қўшилаётгани яхши. Бироқ буларнинг қанчалик тиришқоқ, истеъдодли, касбига садоқатлими ё йўқ эканини вақт кўрсатади. Ёшликнинг ҳам бир даври бўлади. Ана шу берилган вақт ва имкониятдан ҳар бир ёш унумли фойдалана билиши керак. Масалан, бизнинг пайтларда театрнинг иши биринчи галда бўлган. Радио, телевидение, дубляжга спектаклдан сўнг борардик. Ҳатто киноларда суратга тушишга кўпам вақтимиз етишмасди. Бугун эса ёшларга имкониятлар етарли.

- *Мусиқий театрда ишлаш осон бўлмаса керак?*

- Жуда қийин. Бир вақтнинг ўзида ҳам куйлай олиш, ҳам сахнада ҳаракат, ҳам роль ижро этиш, ҳам рақсга тушиш қийин иш. Кимнингдир яхши овози бор куйлай олади, лекин ролга киролмай сахнада қотиб қолади. Кимнингдир сахна ҳаракати зўр, овози йўқ, куйлай олмайди. Шунинг учун мусиқий драма театр актёри бўлиш жуда машаққатли.

- *Юқорида сизнинг авлодга мансуб санъаткорлар ҳақида сўз очдик. Ўша пайтда сизларнинг гуруҳингиз истеъдодли ёшлардан иборат бўлгани ҳақида айтдингиз. Сиздан кейинги авлодга мансуб санъаткорлар ҳақида нима дея оласиз?*

- Биз институтда Раззоқ Ҳамроев курсидан чиққан биринчи қалдирғочлардан эдик. Буям омадми ё бир бошқа сабабми театрға келиб саксон фоиз репертуарни эгаллаганмиз. Биздан кейинги авлод ҳам ёмон ишламади. Зулайҳо, Меҳри, Саша, Турсунбой..., буларнинг театрда ўз ўрни бор. Энди авлод алмашинуви ҳам ҳар хил кечаркан. Бугун умуман бошқача ёшлар келиб қўшилишяпти. Ҳозир баъзи ёшларда бир касаллик авж оляпти. Мен артистман деб ғурурланиб, ҳаммадан ажралиб туришни ёқтиришади. Биз сахна ишини ҳам қилиб кетаверар эдик. Биримиз декорция қуришга ёрдам берган, биримиз оғир-оғир сахна ускуналарини елкага ортиб кўтарган. "Сан-ман"га бормасдан ҳамжиҳат, аҳил ишлардик. Ёшлар орасида Дилмурод Узоқов, Муножат Алимбоеваларнинг ижоди ёмон эмас.

-Яқин кунларда ўзингиз маза қилиб ўйнаган ролни эслай оласизми?

- Очиғи, бугун қўйилаётган асарларда ўйнаётган ролимдан кўнглим тўлмайди. Бундан ўн йил аввал қўйилган "Муҳаббат навоси"да Муҳаммадхўжа Эшон ролимни маза қилиб ўйнаганман.

- Бугун сахналаримиз майда, бачкана асарларга тўлиб кетди. Бу томошабинларнинг диди, савиясини ўтмаслаштирмайдими?

- Афсус, шундай. Томошабинда айб йўқ. Унга нимани берсангиз, ўшани кўради. Уни сахнадан туриб нимага ўргатсанг, ўрганади. Шу нарсани режиссёрлар, драматурглар ёддан чиқармасликлари керак. Актёр эса ижрочи, холос.

- Қайси режиссёрлар билан ишлаш сизга ёқади?

- Аллоҳ раҳмат қилсин Раззоқ Ҳамроев, Тўла Хўжаев (бу киши бир пайтлар театрға таклиф қилинган эдилар), Мирвали Миртолипов, Альберт Ҳачатуров, Абдураим Раҳимовлар билан роҳатланиб ишлардим, бугун Аҳад Пармонов билан ишлаш ёқади.

- Дубляж ҳам нозик санъат. Дубляж сизнинг ижодингизда қандай ўрин тутади?

- 1960 йилда дубляж студиясига мени Ҳамза Умаров етаклаганлар. Ўша пайтда дубляж актёрларнинг вақтига қараб белгиланарди. Спектаклдан сўнг эрта тонггача овоз ёзиш студиясида ишлардик. Ўйлаб кўрсам, мингдан зиёд бадиий фильмларга овоз берибман. "Кўзларим йўлингда", "Акбарнинг саргузаштлари", "Ёлғиз ёдгорим", "Жаҳон отин Увайсий", "Кичкина одамлар" ва бошқа фильмларда суратга тушдим. "Кўнги кўчалари" видеофильмининг давоми бор, лекин бош-қош бўладиган одам йўқ. Ҳозирча турибди.

- *Бугун саҳна фахрийси, отахон санъаткор сифатида сизни нималар ўйлантиряпти?*

- Мени кўп ўйлатадиган муаммолардан бири, қани эди актёрларга атаб асарлар ёзилса. Масалан, "Тошболта ошиқ" Сойиб Хўжаевга, "Қиёмат қарз" Шукур Бурҳоновга ёзилганига ўхшаб. Иккинчидан мактаб ва коллеж, лицейларда драма тўгараги очилса. Қани эди мактаб дастурига "Театр санъати" фани киритилса. Агар мактабларда, ўқув юртларида шароит ва имконият туғилиб унга театр актёрлари танланиб, драма тўгарагига раҳбар этиб тайинланса, биласизми, бу қандай хайрли иш бўларди. Афсус бу ҳам унутилиб кетяпти.

- *Сизга "Бобур" видеофильмида унинг устози Хўжа Абдуллоҳ ролини топширишганда рад жавобини берибсиз? Нега шундай қилдингиз?*

- Кўпчиликка маълум, "Навоий" видеофильмида Навоийнинг бобоси ролини ўйнаганман. Ўшанда форсий шеърларни Кибриё опага ўқитиб олган эдим. Опа хатоларимизни тузатиб берган эдилар. "Бобур"даги Хўжа Абдуллоҳ ролим "Навоий"даги ролимга ўхшаб қолишидан чўчидим. Майли, битта қисмда кўринсам ҳам менга дарвеш ролини беринглар дедим.

- *Ҳаётда нимани кечириб бўлмайди, деб ўйлайсиз?*

- Аслида кечиримлилик яхши фазилат. Лекин инсон кўнглидек нозик хилқат йўқ. Ҳамма нарсани кечириш мумкин. Агар инсон бунга ўз кўнглини кўндиролса. Агар кўнгил кўнмаса ҳеч нимани кечириб бўлмайди. Менимча хиёнатни кечириб бўлмайди. Буни нафақат инсонларнинг бир-бирига бўлган хиёнати балки, саҳнага ҳам хиёнат деб тушунмоқ керак. Саҳна хиёнатни кечирмайди.

«Театр» журнали, 2008 йил, 4-сон

НИҲОЯСИГА ЕТМАГАН СУҲБАТ

Ёднома

(Ўзбекистон халқ артисти

Гавҳархоним Раҳимова ижодига назар)

Январь ойлари эди. Журналнинг кейинги сонларида бериладиган мақолаларни режалаштириш пайтида мен раҳматли Гавҳар опа Раҳимова билан суҳбат уюштиришни мақсад қилиб кўйгандим. Қишнинг совуқ кунлари. Гавҳар опанинг уйларига

қўнғироқ қилдим. Опа менга "қизим, мен кунимни режа асо-
сида ўтказаман. Эртага яна бир қўнғироқ қилингчи, қачон ке-
лишингизни айтарман", - дедилар. Эртаси кун яна сим қоқдим.
Гўшакдан опанинг вазмин, босиқ овозлари эшитилди. "Қизим,
пайшанба куни эрталабдан келинг, тушдан кейин вақтим йўқ",
- деб қолдилар. Пайшанба куни мен айtilган вақтга етиб бор-
дим. Совуқ жуда кучли эди. Эшик қоқдим. Гавҳар опа яна ўша
босиқ, вазмин оҳангда "ким?" - дедилар. Опа, бу мен "Театр"
журналиданман, - дегандим, опа дарҳол эшикни очдилар. Биз
опа ўтирган уйга кирдик. Суҳбатни ҳали бошламаган ҳам эдик-
ки, опа "юринг, мен сизга аввал уй музейимни кўрсатай," -
деб мени уй-музей томон бошладилар. Каттакон зал. У ердаги
ҳар бир суратни менга бирма-бир таништира бошлар экан-
лар, гуё ўша тарихий суратлар менга санъат тарихидан сўзла-
ётгандек эди. Мана бу Тамарахоним, мана бу Муҳиддин Қори-
ёкубов, мана бу машҳур доирачи Уста Олим Комилов, мана
бу Ғофир Азимов, мана бу... Опа ўша даврда яшаб ижод этган
санъаткорларнинг суратларига қараб яна мен билмаган ва
эшитмаган санъаткорларни таништира кетдилар. Музейда узоқ
қололмадик, сабаби у ер анча совуқ эди. Гавҳар опа менга
қараб, "қизим, кўряпсизми, мана, куҳ десангиз оғзингдан буг
чиқади, юринг, нариги хонага", - дея мени яна аввалги хона-
га бошладилар. Суҳбатни санъаткор ҳаётининг босиб ўтган
йўлларидан, узоқдан бошламоқчи эдим. Бироқ, Гавҳар опа
негадир кўп гапирмадилар, менга қараб: "Қизим, яхшиси,
сиз ётиб қоладиган бўлиб келинг, икки-уч соат вақт бизга
етмас экан", - деб қолдилар. Сездимки, опанинг кайфиятла-
ри гаплашадиган даражада эмас эди. Хуллас, суҳбатимиз ни-
ҳоясига етмади.

Орадан икки уч кун ўтиб яна қўнғироқ қилдим. Гавҳар
опа "Қизим, бетобман, гаплашишга мадорим йўқ", - деди-
лар. Бу сўзлар опанинг менга айтган охирги сўзлари эди.

Ҳа, мен ўзбек санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган
ҳам раққоса, ҳам балетмейстер, ҳам актриса, ҳам ташкилот-
чи раҳбар, жасур аёл, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним
Раҳимова ҳаёти ҳақида кўнгилдагидек мақола ёзмоқчийдим.
Бироқ... вақт, фурсат, қолаверса, яратганнинг хоҳишига ҳеч
бир банда қарши чиқолмас экан.

Гавҳар Раҳимова 1911 йилда Марғилонда туғилган. У ўз
ҳаёти давомида санъат учун, унинг гуллаб-яшнаши, барг
ёзиши учун тинимсиз меҳнат қилган. Ҳатто ҳаётининг энг

сўнги давларида ҳам опа тиниб-тинчимасди. Ҳарбий хизматни ўтаётган чегарачи йигитларга ҳарбий қўшиқлар ўргатди. Опа ҳақиқатан ҳам журъатли, бир сўзли, қатъиятли аёл эдилар. Бўлмаса 92 ёшида ҳам чегарачи йигитлар сафида юрмаган бўлар эди. Бу ёшга етишнинг ва бундай эзгу ишлар қилишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Гавҳар опанинг ўтган кунларига назар ташлар эканмиз, опа Қўқон (1927-28), Самарқанд (1928-30), Андижон (1930-33), Самарқанд Армия (1933-37) театрларида актриса, раққоса, балетмейстер бўлиб ишлаган. Бир қанча роллар ўйнаган. "Фарҳод ва Ширин" спектаклида Моҳинбону, "Ҳалима" спектаклида Холжон хола, "Аршин мол-олон"да Зебо ва бошқа ролларини алоҳида айтиш жоиз. Ўзбек давлат мусиқали театрида (1937-39) балет солисткаси, Ўзбек давлат филармониясида (1939-40) хотин-қизлар дуторчилар ансамблида фаолият кўрсатган. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразм гармончилар ансамблида, 1945 йилдан Ўзбек давлат хотин-қизлар fronti ансамблидаги жасорати, меҳнати, ватанга, санъатга содиқлигини биздан аввалги авлод жуда яхши билади. Опа 1945-68 йилларда Ўзбек давлат филармонияси ва эстрадасида раққоса, балетмейстер ва бадиий раҳбар сифатида иш юритган.

1968 йилда опа "Лазги" ашула ва рақс дастасини ташкил этиб, унга 1981 йилгача ўзи бадиий раҳбар бўлган. "Катта гул ўйин", "Уфори сохта", "Бухорча", "Уйғурча", "Озарбайжонча", "Андижон самоси" каби рақсларни катта маҳорат билан ижро этган. Ўзи ҳам бир қанча рақсларни саҳналаштирган. Булардан, Уста Олим Комилов билан ҳамкорликда саҳналаштирган "Катта ўйин", "Уфори сохта", "Ўзбекистон қизлари", "Жайхун мисоли лазги", "Кўзим қароғи", "Лазги салом" каби рақсларни келтириш мумкин. Гавҳар Раҳимова "Лазги" дастаси билан бирга Марокаш, Тунис, Бельгия каби мамлакатларда сафарларда бўлган.

Гавҳар опа суҳбатимиз бошида бир гап айтган эдилар. "Оғир уруш йилларида ҳам биз фронтдаги жангчилар ҳузурида концерт дастурларимизни намойиш этардик. Уларнинг руҳиятини, кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилардик. Қўшиқ, куй, жанговар ашулалар уларни янада жасоратга, мардликка чорларди. Санъатнинг кучи, қудрати аслида шундай бўлиши керак, қизим. Бу соҳада сен ўзингдан кечмасанг, бору йўфингни бахшида этмасанг, сен қандай қилиб "санъаткорман", деб кўкрак керасан". Бу сўзлар ҳеч қачон эскирмайдиган, келгу-

си авлод учун ҳам ибратли ва энг асосийси, хақ гаплар эди. Опа билан суҳбатимиз ниҳоясига етмай қолгани учун мен мақола номини шундай атадим. Йиллар ўтади. Инсон ҳам ўтади. Лекин қилинган ишлар тарихда абадий қолади. Зеро, тарихни ҳеч ким бузолмайди ва уни ҳеч ким ўзгартиролмайди.

Ҳукуматимиз томонидан Гавҳар Раҳимова 1999 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди.

Гавҳар Раҳимованинг ҳам қилган эзгуликлари, яхшиликлари унинг шогирдлари, издошлари, сафдошлари ва келгуси авлод хотирасида, ёдида сақланиб қолади. Ёшларнинг вазифаси ва бурчи эса ўтган, улуг ишлари, фидойиликлари билан халққа сидқидилдан хизмат қилган санъаткорларнинг ишларини давом эттириш, улардан ўрганиш ва доим ёдга олиб туришдир.

«Театр» журнали, 2003 йил, 2-сон

ПОРЛАЙВЕРСИН "ЧЎЛПОН" ЮЛДУЗИ

(Ўзбекистон халқ артисти

Муҳаммадали Абдуқундузов ижодига назар)

Юраксиз инсон бир сония ҳам яшолмайди. Буни яхши биламиз. Бироқ биз эътироф этмоқчи бўлган юрак қалб, кўнгил деган хилқат маъносида изоҳланади. Катта қалб эгалари ўз руҳий дунёсига, теран ақл-заковатига, инжа туйғуларига, дунёни қалб кўзлари билан англай олиш қобилиятига эга ижодкорлар, адабиёт ва санъат аҳли кишилари ташкил этади. Буюк қалбли, эзгу ниятли инсонлар улар. Шундайлардан бири Ўзбекистон халқ артисти, халқимизнинг Чўлпонию Бобурига айланган Муҳаммадали Абдуқундузовдир.

Муҳаммадали Абдуқундузов ижро этган турли-туман роллар ҳақида кўпгина мақолалар, тақризлар ёзилган ва йирик шахслар томонидан эътироф этилган. Бу санъаткорнинг истеъдод қирралари чексиз. Аллоҳ бу санъаткорни ширали овоз, келишган бўй-баст, теран ақл-идрок, чуқур тафаккур ва ички маданият, шу билан бирга бағрикенгликдан ҳам сиқмаган. Унинг қарашларида, нигоҳида теранлик мужассам. Шунинг учун ҳам у Мирзо Бобур, Чўлпон каби буюк сиймолар қиёфаларини саҳнада талқин эта олди. Бу ижро шунчаки, зўрма-зўракилик билан эмас, ҳақиқий ва ишончли, томошабинни ҳайратлантирувчи образ даражасигача кўтарилди. Томошабин саҳнада худди Чўлпон билан учрашиб тургандай ҳис қилади.

Унинг бугун изтиробларига шерик бўлади. Неча маротаба томоша қилмасин, Чўлпон тақдири ҳамда қисматига ачиниб, алам ва руҳий оғриқларга чидолмай йиғлайди.

"Кундузсиз кечалар" спектаклининг 100 намоёиши Миллий академик драма театри саҳнасида бўлиб ўтганига анча бўлди. Зал томошабинга лиқ тўла. Спектакл сўнгида Чўлпоннинг оғир кечган ҳаётига шерик бўлганлар, кўз ёшларини яширолмаган томошабинлар кўп эди. Шуларнинг орасида бир ёш йигитнинг шашқатор йиғлаши, дод солиб фарёд кўтариши менинг диққатимни тортди. У шундай алам ва изтироб билан фарёд кўтарардики, баъзилар унга ҳайрон қарашар, баъзи томошабинлар мийғида кулиб ҳам қўйишар, баъзилар умуман эътибор ҳам бермай ўтиб кетишарди. Лекин у йигит ўзи билан ўзи узоқ қолиб, ҳеч ким ва ҳеч нарсага аҳамият ҳам бермай, тўйиб-тўйиб юракдан йиғлар эди. Мен эса шу йигитнинг қалбида ҳиссиёт жўш урганидан, инсонийлик туйғулари бор эканидан жуда қувондим ва беихтиёр менинг ҳам кўзларимга ёш инди. Агар актёр томонидан ушбу образ тўлақонли ва ишончли очиб берилмаганда эди, йигитнинг юраги шу қадар ларзага келмаган, шу қадар ҳаяжонланмаган бўлар эди.

"Бобур" видеофилмини томоша қила туриб, санъаткор билан эмас, ҳақиқий Бобуршоҳ билан юзма-юз тургандай, сўзлашгандай бўласан. Негаки, Бобурни саҳнада кўрсатиш учун ҳам актёрда салобат, вазминлик, зиёилик, тафаккур зарур. Бироқ, бундай имконият ҳам кўпчилик санъаткорда йўқ. Бу билан бошқа санъаткорларни камситмоқчи эмасмиз. Бироқ, тан олиб айтиш керакки, Муҳаммадали Абдукундузовда Чўлпоннинг ғурури, мардонаворлиги, соғинчи бор. Ким билади, балки уларнинг руҳи санъаткорни узоқ-узоқлардан қўллаб-қувватлаб тургандир?! Ҳаётда ҳеч бир нарса тасодиф бўлмайди, ахир! Юқорида санъаткор ижоди ҳақида кўп ва хўп ёзилган деб айтдим. Ўзбекистон қахрамони Озод Шарафиддинов актёрнинг ички маданияти ҳақида шундай деган:

– Муҳаммадалини менга жуда маъқул бўлган томони шундаки, унда лиризм бор, латофат, ички майинлик бор ҳамда шу жиҳатлари билан Олим Хўжаевга ўхшаб кетади. Муҳаммадали ақл билан иш қиладиган, ақлий теранликка эга бўлган актёрдир. Актёрнинг ташқи кўриниши Чўлпонга жуда ўхшайди. Юмалоқ гардишли кўзойнак, кулча юз, айниқса, шоирнинг кўзларидаги нур, теранлик актёрнинг кўзларида ҳам бор".

Дарвоқе, кўпчилик мухлисларимиз санъаткорни Миллий академик драма театрининг актёри сифатида биладилар. Бироқ, у 1974 йилдан то 1986 йилгача Сурхондарё вилоят театрида ҳам фаолият кўрсатган. У ўша ерда ранг-баранг роллар ижро этди, изланди, тинимсиз меҳнат қилди, катта тажриба орттирди.

Бугунги кунда халқимиз орасида унинг катта обрў-этибори, ҳурмати баланд. Санъаткор ўнлаб роллар ижро этсаю, шулардан биттаси ҳам томошабин ёдида қолмаса, юраги ҳаяжондан жунбушга келмаса, бундан ортиқ фожиа бўлмаса керак, деб ўйлайман. Аммо ўйнаган ролларинг орасида томошабинни ҳар доим тўлқинлантириб турувчи, ёдида қолувчи биргина ролинг бўлса, бундан ортиқ бахт бормикин?! Мен санъатни шундай тушунаман ва халқимизнинг нозик қалбидан ўрин олган катта қалб эгаси Муҳаммадали Абдуқундузовни порлаб турган Чўлпон юлдузига қиёслагим, менгзагим келади.

"Тошкент ҳафтаномаси", 2005 йил, 30 июнь

АРМОНИМ ЙЎҚ МЕНИНГ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Райҳон Тўраева билан суҳбат)*

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг онахони, ёшларнинг меҳрибон устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, "Эл - юрт ҳурмати" ордени соҳибаси Райҳон Тўраева табаррук 75 ёшни қаршилаш арафасида турибди. Райҳон опа баъзи кексалар каби "Ҳаётда қилар ишимни қилиб бўлдим, энди умр гузаронлик қилиб қарилик гаштини суриб ўтирай, - дейдиган пайтда. Бироқ у бундай қилмайди, қилолмайди ҳам.

Юрагидаги ғайрат тиниб-тинчимаслик, санъатга бўлган фидойилик унинг қўл қовуштириб ўтиришига йўл бермайди. Ҳали Т. Содиқов номидаги халқ филармонияси қошида очилган «Нодирабегим» халқ этнографик фольклор дастасига йўл олса, ҳали "Оқшом эртаклари" кўрсатуви томон йўл олади. Райҳон опанинг шижоати, ҳаётга бўлган завқу шавқи, интилиши сўнмаганидан қувонасан, киши. Негаки бундай ёшда ғайратли бўлишнинг ўзи катта гап.

Райҳон опа "ҳаётда менинг сира ҳам армоним йўқ", - дейди қувонч билан. Армон деган туйғу опага бегона бўлгани рост бўлсин. Райҳон опанинг айтишича, у 1 ёшданоқ

санъат гулшанига қадам қўйган. Опа Бухорои шарифдаги мактабларнинг бирида ўқиб юрган кезларидан бошлаб Лаби ҳовуздаги кашшофлар саройига қатнар, момоларидан эшитган лапарларни хиргойи қилиб юрарди.

Ўзининг ширали, жарангдор овози билан олимпиадаларда ҳам иштирок этарди. Ўқувчилик пайтида ижро этган илк лапарни бундай бўлган экан:

*Мамлакатим чиройли,
Жоним берсамда майли.*

Райҳон опадаги исътедодни пайқаган устозлари Ансор Атоев ва Назокат Неъматовалар уни Бухородаги Ёш томошабинлар театрига таклиф этишади. "Ёрилтош" спектаклидаги Оймома роли унинг саҳнада ижро этган илк ролларидан эди. Ундан сўнг у "Фунчалар" спектаклида Нигора, "Зўраки табиб"да соқов қиз ролини ижро этади. 1943 йилларда Назокат Неъматова С.Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали театрига ишга кетади. Кўп ўтмай, театр жамоаси Райҳон опани ҳам ишга таклиф қилишади. Бунинг ўзига хос сабаби бор эди. Ўша пайтда иккинчи жаҳон урушига бағишлаб жанговар руҳдаги спектакллар саҳналаштирилаётган эди. Оилавий сабабларга кўра Назокат Неъматованинг ўрнига Райҳон опа Наташа ролини ижро этиш учун театрга чақиртирилган эди. Райҳон опа Наташа роли орқали (колоратурали, сопрано овозида куйлайди) ўз истеъдодини тўла намоеён қила олади. Наташа ролини бутун вужуди билан, сидқидилдан ижро этади. Бу роль худди ёш Райҳон Тўраева учун ёзилгандек эди. Наташанинг жасоратини, Ватан учун, юрт учун ҳар нарсага тайёр эканини аниқ ва ишончли очиб бера олади.

1943 йилдан сўнг Райҳон Тўраева С.Айний номидаги Бухоро вилоят театрида ишлай бошлайди. Бу театрда опа кўплаб роллар, жумладан "Лайли ва Мажнун"да Лайли ролини ижро этади. Ўша даврларда Усмон Юсупов йилда икки марта вилоятларга бориб спектакллар томоша қилиб қайтарди. У Райҳон Тўраева ижросидаги Лайли ролини кўргач, унга "Сени Тошкентга олиб борсам, ўқисанг, яхши актриса бўлардинг", - дейди. Ёшлигидан қатъиятли, бир сўзли Райҳон опа бу гапга ҳеч иккиланмай "Ҳа, бораман", - дея жавоб кайтаради. 1947 йилда Райҳон Тўраева Муқимий номидаги мусиқий драма театри даргоҳига катта орзу-умид, ишонч билан кириб келади. "Мени, - дейди санъаткор Етим Бобожонов қўлига топширишди. Бу

ерда Турсунхон Жаъфарова ва Абдуғофур Абдурахмоновлар театрнинг илк мусиқий асари бўлмиш "Тоҳир ва Зухра"даги Моҳим ролига тайёрлашди. Сўнг "Ватан ишқи"даги Зулфия, "Нурхон"даги Қумри каби ролларимни ҳалихануз мароқ билан эслайман.

Райҳон Тўраева Лутфихоним ая билан биргаликда лапарлар айтишади. Эътибор Жалилова ва Тўхтасин Жалиловлардан қўшиқ айтишнинг нозик томонлари, ижро услуби, нафас йўллари ишлаш, нола, қочирим ва лапарларни тинмай ўрганади. Опа ижро этган "Алпомиш", "Муқимий", Сурмахон", «Равшан ва Зулхумор» ва бошқа кўглаб спектакллардаги қўшиқ ва лапарлар жозибadorлиги, овознинг ширадорлиги билан ҳар бир спектаклнинг даражасини кўтариб турарди.

Ҳар бир нарсанинг ва ҳар бир санъаткорнинг ўз даври бўлади. Райҳон опа ҳам ўз даврининг истеъдодли санъаткорларидан бири бўлганига шубҳа йўқ.

Райҳон опанинг оқила, эътиқодли, аммо ҳар қандай нарсадан инсоний гурурини баланд тутадиган олижаноб қалб эгаси эканини сезган ажойиб бастакор Тўхтасин Жалилов ўғиллари Салоҳиддин акага сўрайдилар.

Санъаткорлар оиласига тақдири туташган Райҳон опа янада ўз устида ишлайди. Маҳмуджон Ғофуров, Эътибор Жалилова сингари актёрлар билан янада яқин бўлади. Хуллас...

Кейин санъат борасидаги махсус сабоқ, устози Назира Алиеванинг берган сабоқлари...

Муқимий театри ташкил бўлгандан бери то шу кунгача Райҳон опа театр жамоаси билан ҳамнафас. Ҳали ҳам роллар ижро этиб турибди.

Шогирдлар-чи? Улар ҳам талайгина.

"Қадрли бўлай десанг,- ўзингдан кейин шогирд қолдир" - дейди Райҳон опа. Мақсуда Юсупова, Мақсуда Отажонова, Одина Ғозиева, Меҳри Бекжонова, Насриддин Рустамов, Зулайҳо Бойхонова.... У Темур Маҳмудов билан биргаликда ташкил этган "Нодирабегим" этнографик фольклор дастасига ҳам 12 йил тўлди. Бу дастада фаолият кўрсатиб келаётган қизу жувонларнинг ҳам бари опанинг шогирдлари. Улар қўшиқчиликнинг ажойиб турларидан бўлган лапарчилик анъаналарини давом эттириб, халқимизнинг бой меросини тиклашга ва уни тарғиб қилишга бел боғлаганлар. Райҳон опанинг номи билан аталган "Райҳон" эстрада гу-

руҳи ҳам тузилганига нима дейсиз? Бу гуруҳда, - дейди, опа, Ўғилой, Соҳиба деган кўшиқчи қизларим бор. Дилноза, Азиза, Гулноза, Лазиза каби қизларим - булар раққосалар. Бу гуруҳига "Райҳон" деб ном берган Маданият уйи директори Нина Егорова бўлади.

Райҳон опа билан хайрлашмоқчи эдим, аммо опа менга яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. "Яна битта қиладиган эзгу ишим бор, қизим. Мусиқий театримизга ўзларининг беназир хизматларини қўшган марҳум санъаткорлар Зайнабхон Самиева, Сурмахон Алиева, Шаходат Раҳимова, Соат Толипов, Етим Бобононов, Адиба Мирзаева каби кўплаб фидойи санъаткорлар ҳақида хотиралар туркум мақолалар, ижодий портретлар яратсам, буни халқимизга етказсам, - дейман.

Санъатни умрининг мазмуни деб билган, унинг сурурли лаҳзаларидан барчани баҳраманд этишга маҳкам бел боғлаган, юрагида ғайрату шижоат сўнмаган Райҳон Тўраеванинг ҳамиша ижод завқи билан ёниб яшаб юришларини истаймиз.

«Театр» журнали, 2003 йил, 3-сон

ТАНҚИДНИ ЯХШИ КЎРАМАН

*(Ўзбекистон халқ артисти
Толиб Каримов билан суҳбат)*

Бундан анча йил аввал "ойнаи жаҳон"да намоиш этилган ва ҳозир ҳам кўрсатиб туриладиган "Инсон садоқати" телеспектаклининг қаҳрамони - олим Элёр касалхонада ўзи билан ҳамхона бўлиб қолган Қосим қассобнинг худбинлигидан безор бўлиб, "қаричингиз мунча калта?" деганида Қосимжон "қаричим калта бўлса ҳам қўлим узун, осмонингни тешигини қидирсанг-чи осмоншунос, нима қиласан биронинг ишига аралашиб?" деб хитоб қилади. Бу гапни шу қадар ишонч, ички ғазаб билан айтадики, томошабин хотирасига "дунёга ўт кетса кетсин, оловига менинг қозоним қайнаса бас", деган шиор билан яшовчи мараз кимса муҳрланиб қолади. Бу ролни Ўзбекистон халқ артисти Толиб Каримов маҳорат билан ижро этган. Санъаткор ижобийми, салбийми, қандай роль ўйнамасин, ўз қаҳрамонининг моҳиятини, феъл-атвори, ҳаётдан кўзлаган мақсадини теран англаб етади ва томошабин кўз ўнгида айнан шуни гавдалантиради.

- *Толиб ака, профессионал сахнага илк бор қачон чиққансиз?*

- 1961 йил ўқишни тугатгач, ишни Ҳамза номидаги Кўқон шаҳар мусиқали драма театридан бошлаганман. Илк қадамларимни шу театр сахнасида қўйганман. Халқда "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар" деган гап хўп топиб айтилган. Ҳар бир касб ё ҳунарни мукаммал эгаллаш, ўша соҳанинг билимдони бўлиш учун албатта устоз кўриш шарт деб биламан. Мен фахр билан таниқли режиссёр Тошхўжа Хўжаевни устозим, маслаҳатгўйим дея тилга оламан.

- *"Икки фоиз истеъдод, тўқсон саккиз фоиз меҳнат" деган фикрга қандай қарайсиз?*

- Икки фоиз истеъдод деган гапга мутлақо қўшилмайман. Агар истеъдод икки фоиз бўлсаю, тинимсиз меҳнат қилган билан мақсадга эришиб бўлмайди. Санъаткорда истеъдод кўпроқ бўлиши керак. Уни юзага чиқарадиган нарса эса меҳнат, изланиш деб биламан. Аллоҳ истеъдодни берган бўлсаю, инсон "Мен истеъдодлиман" деб меҳнат қилишдан қочса, бундай санъаткор ўртамиёна бўлиб қолаверади.

- *Саҳна ва экранда яратган образларингиз ичида ўзингизга яқини қайси? Дилингизга ўтиришмаса ҳам "хизмат тақозоси била" роллар ўйнаганмисиз?*

- Тўғри, ҳар доим ҳам ўзингиз ёқтирган, руҳиятингизга мос роллар учравермаслиги табиий. Саҳнада бир кун шох, эртасига гадо, бошқа куни милиционер, тагин бошқа куни ишчи қиёфасида чиқамиз. Қайси роль бизга насиб қилса ўша ролни ўйнашга мажбурмиз. Агар актёр ролни танлаб ўйнайдиган бўлса, умри роль кутиш билан ўтиб кетади. Ўзинг хоҳлаб ўйнайдиган роллар неча йилда бир келади. Юрагимга яқин ролларим Ғофир, Йўлчи, Улуғбек, Темур образлари, "Бир қадам йўл" спектаклидаги чол, "Беруний"даги шох Маъмун, "Инсон садоқати"да Қассоб.

- *Аброр Ҳидояттов "Саҳна - мачитдек жой" деган эди. Сиз бунга қандай шарҳлайсиз?*

- Устоз санъаткор Аброр ака саҳнани мачитга қиёслаганда унинг муқаддаслиги, поклигини назарда тутган. Саҳнанинг томошабин илғамайдиган, сезмайдиган "сеҳри" бор. Санъат аҳли орасида саҳнанинг "деви" бор деган гаплар ҳам юради. Саҳнага ҳар ким ҳам чиқавермайди. Унинг ўзига хос талаблари бор. Энг биринчи навбатда уни пок тутмоқлик, иккинчи галда уни қадрлаш жоиз. Агарда саҳнага вафо, са-

доқат ўрнига хиёнат қилинса, у бир кунмас бир кун ўша санъаткорни йиқитиб қўяди. Бу дегани у инсон ўсмайди, унмайди, кўкармайди деган гап.

- *Фарзандингиз сизнинг касбингизни танлашини хоҳларми-дингиз?*

- Фарзандларимнинг ҳеч бири менинг йўлимдан кетишмади. Агар санъаткор бўлишни исташганда ҳам мен буни хоҳламаган бўлардим. Тўғри, касбимиз эл эъзозлайдиган касб. Лекин ўта машаққатли.

- *Кўпинча театрлар "яхши пьеса йўқ", деб нолийди. Драматурглар эса театр "четдан келган" асарни "бегонасираб" қарши олишидан шикоят қилади. Драматург билан театр ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва орадаги тушунмовчиликни йўқотиш учун, сизнингча, нима қилиш керак?*

- Менимча драматургларни театрга кўпроқ жалб этиш керак. Драматург театр ичида яшаса, актёрларнинг нимага қодирлиги, қайси ролни эглай олиш ё олмаслигини билади. Балки шунга қараб бирон бир асар ҳам ёзилар. Мана масалан, ёзувчи Саид Аҳмад "Келинлар қўзғалони" асарини Зайнаб Садриевага, Иззат Султон "Имон" асарини Олим Хўжаевга, Эркин Воҳидов "Олтин девор"ни Фани Аъзамовга атаб ёзгани кўпчиликка сир эмас.

- *Бўш пайтингизда яхши кўрган машғулотингиз?*

- Бўш вақтимда дўстларим, улфатларим даврасида бўлишни ёқтираман.

- *Санъатда миллийлик ва умумбашарийлик деганда нимани тушунасиз? Ўзбек миллий театрида миллийлик билан умуминсонийликни мужассамлаштирган қайси асарни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?*

- Бугунги кунда театримиз саҳнасида намоиш этиб келинаётган "Адибнинг умри", "Кундузсиз кечалар" асарларини ўзида миллийлик билан умуминсонийликни мужассам этган асарлар дейиш мумкин.

- *Сиз яратган қатор образлар томошабинларнинг маънавий мулкига айланган. Яна қандай ролни ўйнашни орзу қилган бўлардингиз?*

- Ёшинг улғайган сари ёшингга мос роллар ижро этгинг келаверади. Тасаввур қилинг, кекса санъаткор қандай қилиб ёш навқирон йигит ролини ўйнаши мумкин? Кексайган инсонлар тақдиридан ҳикоя қилувчи асарларда роллар ўйнагим бор.

Кўп санъаткорлар бу ролни ўйнасам, у ролни ўйнасам дея орзу қилади. Бу яхши. Ҳамма гап ўша ролни қойил қилиб ижро эта билишда. Шукур Бурҳондек санъаткор ҳам Отелло ролини Аброр ака борлиги учун ўйнамаган экан. Бу роль Аб-рор аканики, мен ундан ўтказиб ўйнай оламанми, йўқми деган андишага борган экан. Бу соф маънода санъаткорнинг камтарлиги, олижаноблигидан.

- *Толиб ака, сиз кўпроқ ижобий қаҳрамонлар образидан кўра салбий қаҳрамонлар характери ни жуда ишончли тарзда очиб бера оласиз. Бу деганим ижобий қаҳрамонлар ролини яхши ўйнай олмайсиз деганим эмас, албатта. Ўзингиз қай бирида маза қилиб ўйнайсиз?*

- "Салбий ролни ўйнаш учун унинг ижобий томонини кўра билгин" дейишади. Негадир ижро этган салбий қаҳрамонларим ўзимга жуда ёқади. "Кўриқхонада" видеоспектаклидаги Амалдор роли ҳам салбий характерга эга бўлган образ эди. Бу ролимни ҳам маза қилиб ўйнаганман.

- *Афсуски, кейинги пайтда ҳақиқий санъатдан узоқ, енгил-елпи "асарлар" пайдо бўлаётгани сир эмас. Сабабини сўрасангиз, "бозор иқтисоди шуни тақозо қилаётгани, "кассабон" асар ҳам кераклиги, одамлар айнан шунақа томошани ёқтираётгани"ни айтадилар. Балки шунақа томошалар ҳам керакдир. Аммо бундай "асар"лар кўпайиб кетаверса, кўполроқ қилиб айтганда, от аравани эмас, арава отни тортадиган бўлиб қолмасмикин? Бундай "арзон", "ҳазми осон" томошалар театр обрўсига путур етказмайдимиз? Қолаверса бу - томошабин маънавиятига салбий таъсир қилмайдимиз?*

- Бозор иқтисодиёти шароити ҳаммамизга маълум. Бирон бир спектакль қўйиш учун албатта маблағ керак. Бу маънода мен театр жамоаларининг аҳволини тушуниш керак деб ҳисоблайман. Сув, чироқ, спектаклларга тикиладиган либосдан тортиб саҳна беазагию пардоз буюмигача маблағ керак. Репертуарларимизда савияси баланд, салмоғи кучли, тош босадиган асарлар йўқ эмас, бор. Бироқ бундай асарларга томошабинлар оқиб келавермайди. Томошабон асарлар эса асосан жамоанинг аҳволини яхшилаш учун намоёйиш этилади. Қани эди барча театрларнинг ўз хомийлари бўлса!

- *Ҳар бир асарнинг муваффақияти аввало режиссёрга боғлиқ. Шу билан бирга актёрнинг яратаётган образ талқини масаласида мустақил фикри бўлиши, бу фикр эса режиссёр*

нуқтаи назарига тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда режиссёр ва актёр ўртасидаги муносабат қай йўсинда ҳал этилгани маъқул?

- Режиссёр ўз фикрининг ҳақ эканини тўла исботлай олса, актёр ҳам уни тушунса бу масала ҳал бўлади, қўяди.

- *Аброр Ҳидоятловнинг яна бир ўғити бор. "Сен ижро этадиган рол аввало ўз юрагингда пишиб этилсин", дейди аллома санъаткор. Ролнинг юракда пишиб этилиш жараёни қандай кечади?*

- Саҳнада бирон бир роль тўғридан-тўғри ижро этилиб кетилавермайди. Сўзни шунчаки ёдлаб олиб ҳам саҳнага чиқиб кетилмайди. Асар ўқилгач, актёр ўзига топширилган образ яъни қаҳрамони дунёси, феъл-атвори билан танишар экан, ўзини ўзи шу ролга руҳан тайёрлай бошлайди. Айниқса "читка" даврида. Репетициялар жараёнида роль юракда пишиб этила бошлайди.

- *Сўз муқаддас нарса. Саҳнадан туриб айтилган сўз тўғридан-тўғри томошабин қалбига етиб бориши керак. Афсуски, сўнги пайтларда санъатнинг баъзи соҳаларида, масалан, кўшиқчиликда сўзга ҳурмат, юмшоқ қилиб айтганда, пасайиб кетди. Баъзи хонандалар (гоҳи истеъдодли хонандалар ҳам) ижро этаётган кўшиқда на қофия, на вазн бор. Ҳатто маъно ҳам йўқ. Ўзи нима деяётганини ўзи билмайди. Бундай иллат театр саҳнасига ҳам юқмаслиги учун нима қилиш керак? Умуман, Сўз маъсулияти ҳақида сизнинг фикрингиз?*

- Донолар "Сўз подшо кийган тожнинг устига қўйилган гавҳар" дейишган. Сўзнинг куч-қудрати, салмоғи саҳнада муҳим ўрин тутади. Бироқ ҳар бир сўзнинг ўз ишлатадиган ўрни бор. Сўз айтиш керак экан, деб саҳнадан туриб олиб бўлар бўлмас гапларни айтиш санъат эмас. Баъзан сўзсиз ҳам ҳаракатлар орқали томошабинга кўп гапларни айтиш мумкин.

- *Мақтовни ёқтирмайдиган, танқидни яхши кўрадиган одамни топиш қийин. Аммо танқид, жумладан, театр танқидчилиги ҳам муҳим вазифани бажаради: саракни - саракка, пучакни - пучакка ажратишга ёрдам беради. Маннон Уйғур номидаги Санъат институтида махсус театршунослик бўлими борлиги бежиз эмас. Театр учун фақат актёр, режиссёр, бастакоргина эмас, малакали танқидчи ҳам керак. Шахсан сизнинг танқидга муносабатингиз?*

- Танқидни жуда-жуда ёқтираман. Агар сени ҳеч ким танқид қилмаса, ҳамма қарсак чалиб кўкларга кўтаверса, кўзингни парда босиб мендан "зўри" йўқ экан деб ўйлайсан. Хато-

ларингни тузатиш ўрнига яна хато қилаверасан. Танқид яхши нарса. Агар холис ва ҳалол бўлса. Қолаверса, ўзим ҳам яхшигина танқидчиман. Фикрларимни касбдошларимга, ёшларга холис, самимий, юракдан ҳеч қандай андишасиз айтаман. Бетга айтганнинг захри йўқ.

- *Муаллиф, режиссёр, актёр биргаликда ишлаётганда фақат сўз эмас, бутун бир сахна ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Сизнинг ижодий тажрибангизда шундай ҳоллар бўлганми?*

- Театрга ҳар қандай мукамал бадиий асар келмасин, барибир сахна талабларига мослаштирилади. Масалан, Иззат Султоннинг "Имон" асарини тўрт соат ўқиганмиз. Бироқ спектакл бир соатга мўлжалланган. Асосий мағзи олиб қолинган, кўп жойлари қисқартирилган. Ахир бутун бошли бир китоб қандай қилиб спектаклга айлантирилиши мумкин? Мана яна бир мисол, Уйғуннинг "Абу Али Ибн Сино" асарини кўйиш жараёнида Обид Юнусов асарнинг кўп жойларига ўзи ўзгариши киритганди. Бундай ҳоллар бўлиши табиий.

- *Қайси драматург, қайси режиссёр билан ишлаш сиз учун айниқса мароқли?*

- Миллий театримизда ишлаётган режиссёр Валижон Умаров, театримизнинг адабий эмакдоши, шоир Усмон Азимлар билан ишлаш менга ёқади.

- *Кўп актёрлар фақат сахнада эмас, кино, телевидениеда ҳам ёрқин роллар яратади. Саҳна билан кино ва телеэкранда ижод қилишнинг фарқи нимада?*

- Кино, телевидение, сахна ҳар учовининг бир бирига ўхшамайдиган жиҳатлари бор, ҳар қайсисининг ўз талаблари бор. Бироқ мен сахнани ҳаммасидан устун кўйгим келади. Сабаби сахна ёлғонни кўтармайди. Ва ҳар гал актёрни пиштади, ўстиради.

- *Инсондаги қайси фазилатни улуғлайсиз?*

- Халқда бир гап бор. "Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча, эгилганга эгилгин бошинг ерга теккунча". Инсонлардаги камтарликни улуғлагим келади. Мақтанчоқликни ёқтирмайман. Ким ва қайси касб эгаси бўлишдан қатъий назар инсоний фазилатларга эга бўлиш керак.

- *Толиб ака, бугун ижод қилаётган ёшлар орасида қайсиларини алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?*

- Ёшлар орасида истеъдоддиллари йўқ эмас, бор. Тоҳир Саидов, Лола Элтоева, Шухрат Нуралиев. Ўз устида ишлайдиган талабчан ёшларни кўриб ҳавас қиламану, баъзан ай-

рим ёшларнинг битта рол ўйнамасдан туриб манман бўлиб кетаётганликларидан қаттиқ ранжийман. Бунинг оқибати яхшиликка олиб келмайди.

- *Санъаткор сифатида ижодий тамойилингизни бир оғиз сўз билан қандай ифодалаган бўлардингиз?*

- Тўла ака қўлида таҳсил олмаганмизми, "темир" интизомга қаттиқ амал қилиб яшашга ўрганганмиз.

- *Ҳар бир инсоннинг ҳаётида ғамгин ва қувончли кунлар бўлади. Ғамгин пайтларингизда сиз қандай йўл тутасиз?*

- Очигини айтсам ғамгин пайтларда қабристонга бориб зиёрат қилиб келаман. Ва ўз-ўзимга "Қара, мана шу ерларда қанчадан-қанча инсонлар ётибди. Сен тириклигинга шукр қил, ёмон кун ҳам, яхши кун ҳам ўтиб кетади", дея таскин бераман.

- *Ҳаётда Толиб Каримов қандай инсон?*

- Шартгаки, тўғри сўз, оқни оқ, қорани қора дейдиган одамман.

«Театр» журнали, 2006 йил, 1-сон

САҲНАДАГИ УМР

*(Ўзбекистон халқ артисти
Теша Мўминов билан суҳбат)*

- *Теша ака, инсон ҳаётининг энг ширин, энг гўзал ва беғубор лаҳзалари болаликда кечади, дейишади. Ҳеч бир даврни болалик даври билан менгзаб, қийслаб бўлмайди. Болалик хотираларингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.*

- Болалигим Бухорои шарифнинг Тоқизаргаронида, Дегрез маҳалласида кечган. Бобом Мирмўмин маҳалла оқсоқоли, Бухоро шаҳрининг бой-бадавлат, обрў-эътиборли кишиларидан эди. У киши қазо қилганларида отам жуда ёш бўлган.

Отам Мирхусайн якка ўғил фарзанд бўлиб, онам билан бобомдан қолган уйни ташлаб, ўзлари мустақил уй-жой қилишган. Отам ва онам жуда ҳалол, меҳнаткаш, оддий яшашни хуш кўрадиган содда одамлар бўлишган. Отам олти фарзанд кўрган. Бироқ Оллоҳнинг иродаси билан уларнинг ҳам-малари бирин-кетин қазо қилишган. 1941 йилда бошланган 2-жаҳон уруши оиламиз учун яна бир синов даври бўлди. 1943 йил отам урушга кетиб уйга соғ-саломат қайтиб келди. Бу пайтга келиб ота-онам 40 ёшдан ошиб қолишган, бироқ

ортларидан из қолдирувчи фарзанд йўқлигидан сиқилишарди. Яратганга эртаю кеч илтижолар қилиб фарзанд беришини сўрашган. Дуолари ижобат бўлиб, 1949 йили мен туғилган эканман. Айтишларича, ўшанда менинг киндигимни теша билан кесиб, исмимни Тешабой қўйишган экан.

Хуллас, Бухородаги 6-сонли мактабда ўқидим. Бир куни мактабда кичик синф ўқувчилари театр томошасини кўрсатишди. Уларни ҳамма қарсақлар билан олқишлади. Шунда юрагимда ички бир тугён жўш уриб кетди. "Нега шу болалар қилган ишни мен қилолмаслигим керак, ахир менинг ҳам қўлимдан келади-ку, дедим. Мен ҳам болаларга эргашиб драма тўғарагига бордим. Драма тўғарагида Азизжон Маҳмудов деган актёр устозлик қиларди. Бу киши Бухоро вилоят театрида ишлар эди. Мактаб саҳнасидаёқ Гофир, Йўлчи ролларини ўйнаганим эсимда. 1966 йил 17 ёшдаман. Санъат институтига Раҳмат Жумаев, Мурод Каримов, Файзулла Абдуллаевлар киришган пайт. Мен уларнинг олдига тез-тез бориб турардим. Отамга санъаткор бўламан деганимда, унчалик хоҳламадилар. Сабаби мен ёлғиз фарзанд, улар эса анча кексайиб қолишганди. Менинг қарорим эса қатъий эди. Хуллас, менга ҳам санъат институтининг драма ва кино факультетига ўқишга кириш насиб этди. Устозларим Нина Тимофеева, Иза Исаева, Шоҳида Маъзумова, саҳна нутқидан Назира Алиевалардан таҳсил олдим.

1969 йил 3-курсда ўқиётганимда А. Мухторнинг "Туғилиш" ёки "Тирилиш" (бу иккала ном билан аталарди) асарида ўнадик. Бу асар билан Ленинградда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ театр фестивалида қатнашдик. Мен Кимсан деган ёш йигит ролини ўйнаб, "Энг яхши эркак роли учун" номинацияси бўйича илк бор диплом билан тақдирландим. Барча олий ўқув юртлари ичида бизнинг олийгоҳнинг диплом билан тақдирланиши институтимизнинг нуфузи баландлигидан, билимдон домлаларнинг сабоқ беришидан дарак берарди.

Учинчи курсдалигимдаёқ устоз Тошхўжа Хўжаев оммавий саҳналарда иштирок этишимиз учун бизни театрларга юборардилар. Бир куни театрда "6 июль" спектакли қўйилаётган эди. Спектаклда Зикир Муҳаммаджонов, Ирода Алиева, Турғун Азизов ва бошқа санъаткорлар ўйнашарди. Спектаклнинг ҳомаки вариантыда, яъни "прогон"да Турғун Азизов бетоб бўлиб қолди. Устоз Наби Раҳимов биз ёшларга қарата

"Эй, болалар, қайси биринг Поповни кўриб юрибсан, саҳнага биттанг чиқиб ўйна", деди. Шунда иккиланмасдан мен ўйнайман, деб юборибман. Бундай ҳол яна такрорланди. Тошхўжа Хўжаев "Теша деган болага айтинглар, саҳнага чиқсин, мен унга ишонаман" деди. Спектаклни бир марта репетиция қилдим ва ўйнадим. Эртасигаёқ мени Ҳамза театрига (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрига) ишга қабул қилишди. Шу-шу саҳнадаман.

Йигирма бир ёшимда ота-онам мени уйлантиришди. Ота-онам кексайиб қолишган. Бухорога қайтиб кетиш мақсадида театрдан кетмоқчи бўлдим. Шунда устозларим Икром Болтаева, Турғун Азизовлар "сен шу ерда ишлашинг керак, ўсасан, кўкарасан" деб театрда олиб қолишди.

Худого шукур, шу ерда ундим, ўсдим. Устозлар суҳбатидан баҳраманд бўлдим. Энг асосийси устозларимдан дуо олдим.

Бир куни устозимиз Шукур Бурҳонов бетоб бўлиб шифохонага тушдилар. Мен олдиларига тез-тез бориб турардим. Шукур ака бир сафар менга узоқ тикилиб турдилар-да, қўллари билан бошимни маҳкам ушлаб "Илоҳим мендан ҳам зўр артист бўлгин", деб дуо қилдилар.

Орадан кўп ўтмай, устоз бандаликни бажо келтирдилар. У кишини сўнгги манзилга кузатган куним кўзим илинибди. Тушимда Шукур ака бош кийими билан тобутда ётибди. Ёнларига борсам, ётган одам ўрниларидан туриб бош кийимларини менга кийдириб, яна қайта тобутга ётдилар. Нохуш кайфиятда уйғондим. Бу не сир экан, дея кўп ўйланиб юрдим. Юрагимдагини устозлардан бирига ёрсам, "Шукур ака сенга ўз тожини кийдириб кетибди, илоё уларнинг йўлини берсин", деди. Буни қарангки, драма театримиз саҳнасида "Соҳибқирон" спектакли қўйиладиган бўлди. Бош роль, яъни Буюк Амир Темур сиймосини саҳнада жонлантириш менга насиб этди. Худди мана шу ролни устозларимиз Олим Хўжаев, Шукур Бурҳоновлар орзу қилишган эди.

- Теша ака, репертуарингиздан анча-мунча роллар гоҳ салбий, гоҳ ижобий қахрамонлар образлари ўрин олган. Албатта, ҳар бир ролни "ўзиники" қилиб олиш анча қийин бўлса керак?

- Нимасини айтасиз? Баъзан ўйнаётган ролингиздан кўнглингиз ҳеч тўлмайдди, баъзан эса ўша роль юрагингизга ўрнашмайди. Ҳар бирининг ортида машаққатли меҳнат, ижод изтиробини, яъни ширин изтироб, изланиш ётади. Роль устида

ишлашни бошлаган кунданоқ бутун хаёл, фикр ўйинг ўшанда бўлади. То хаёлда пишиб етилмагунча, ичингдан руҳан тайёрланмагунингча ролинг "ўзингники" бўлиб кетиши қийин. Ҳар битта роль битта фарзанднинг дунёга келиши, дегандек гап. Шукур аканинг бир ўғитлари бизга ва биздан кейинги авлодларга ҳам катта ибрат бўлади. Улар "саҳнага шунчаки чиқма, бирон-бир воқеани очиб беролсанггина, ўша воқеа ичида яшасанггина, томошабинни сеҳрлай олсанггина саҳнага чиқ, сўз ўғриси бўлма", дердилар.

- *Сиз буюк санъаткорлар билан саҳнада елкама-елка ижод қилгансиз. Улардан нималарни ўргандингиз?*

- Олим Хўжаев дунё андозаларига мос келган ўта маданиятли санъаткор эди. У кишидан ички ибони, муомала маданиятини, юриш-туришни, Шукур акадан тўғрисиўзлик, соддалик, саҳнага фидойиликни, Наби акадан тантиликни, Сора опадан садоқатни ўрганганмиз. Улар бизга ҳар томонлама ибрат эдилар.

- *Бугун театр саҳнасида қўйилаётган аксарият асарларнинг савияси анча бўш, сизнингча драматургларни театрга жалб қилиш учун нималар қилиш керак?*

- Драматург театрда туғилади, деган гап ҳақ гап. Менимча, драматургларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш керак. Ана ўшанда театр билан драматург ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш мумкин. Авваллари театр даргоҳи лаборатория бўлган. Драматурглар театр жамоаси билан фикрлашиб, тез-тез учрашиб туришган. Шунинг учун ҳам асарлар савияси анча пишиқ бўлган. Саҳналаштирилаётган асарлар масаласига келсак, аввало асарни саҳнага олиб чиқишдан бирон-бир мақсад бўлади. Замон, давр, томошабин масаласи худди режиссёр, актёр, драматург масаласи деганга ўхшаб кетади. Ҳар қандай асарда инсон тақдири, қисмати биринчи ўринда туради. Дейлик, бундан бир неча йил аввал ёзилган, давр нуқтаи назаридан бугунги кун руҳига унча мос келмайдиган асарни ҳозир саҳнага олиб чиқиш мумкин эмасми? Агар ўша асар марказида аввало инсон тақдири, изтироблари, руҳий кечинмалари акс этган бўлса?! Асардаги воқеалар, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари, ҳаракатлар бугуннинг нафаси билан уйғунлашса, омухта бўлса томошабин албатта томоша қилади. Умуминсоний мавзу ҳеч қачон эскирмайди.

- Саҳнага кириб келаётган ёшларга нима деган бўлардингиз?
- Энг муҳими саҳнага садоқат, унга пок ҳолда чиқиш, шон-шухрат кетидан қувмаслик, шошилмаслик. Халқда "нима эксанг, шуни ўрасан", деган ҳикматли гап бор. Саҳнани севсанг, ардоқласанг, бир кунмас бир кун у ҳам сени азизу муқаррам қилади. Агар хиёнат қилсанг, у сени икки дунёда кўкартирмайди.

Теша Мўминов "уста кўрган" санъаткор. Шунинг учун бўлса керак, у яратган образлар Амир Темур бўладими, Гофирми, Йўлчими, Шайтонми, Қор одамми, Пири Зиндонийми, Турдивойми, Кориоланми, Демонми, Шерзод Самандаровми, ҳар бири томошабинларни бефарқ қолдирмайди, балки ҳар сафар янги ижро этилган роль ми-соли таассурот уйғотади.

Санъаткор бугун ҳам изланишда. "Ўтган замон ҳангомалари", "Бир қадам йўл", "Донишманд Натан", "Соҳибқирон", "Қор одам" каби бир қатор спектаклларда роллар ижро эта-япти. Теша ака билан суҳбатимиз яна узоқ давом этиши мумкин эди. Аммо у киши вақти қисқалигини айтиб узр сўради. Санъаткорнинг ҳаётда ҳам саҳнада ҳам армони йўқ. Негаки, турмуш ўртоғи Матлубахон опа билан тўрт фарзандни тарбиялаб улғайтирган бўлса, иккинчи тарафдан ўғли Толиб-жон ота касбини давом эттиряпти.

«Театр» журнали, 2006 йил, 3-сон

АЙТМАСАМ МАЙЛИМИ

*(Шоир, драматург ва таржимон
Машраб Бобоев билан суҳбат)*

Таниқли шоир, таржимон ва драматург Машраб Бобоев бу йил 60 ёшга тўлди. У 1941 йилда Самарқан вилоятининг Челақ туманида туғилган. 1958-60 йилларда маданий оқартув билим юртида таҳсил олган. 1965 йилда Тошкент Давлат санъат институтининг актёрлик факультетини тамомлаган. Унинг "Онамга хат", "Олисдаги чироқ", "Сўз", "Мен билган сир", "Баҳор кайфияти", "Бағишлов" шеърӣ тўпламлари, "Пахта менинг - бахтим менинг" шеърӣ мажмуаси чоп этилган. Машраб Бобоев ўндан ортиқ саҳна асарларини яратган. "Ўттиз ёшлар", "Гурунг", "Сиртмоқ", "Ер томири", "Онаизор", "Яшасин афанди", "Мушкул савдо" каби пьесаларнинг муаллифи. "Ирода" номли телеспектакль, "Кўнгил кўчалари" телесериали, "Севги

нидоси", "Сабъаи сайёр" телебалети ҳам унинг ижоди маҳсулидир. Таржимон сифатида В. Катаевнинг "Хаёл чечаклари", О. Чиладзенинг "Рангин дунё", М. Бсисунинг "Таширф қоғози" каби асарларини ўзбек тилига ўгирган. Беш фарзанднинг отаси.

Қуйидаги драматург билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

- *Машраб ака, Сиз илгари шоир, носир сифатида таниқли эдингиз. Драматургияга қачон, қандай келиб қолгансиз?*

- (Жилмайиб) Сизлар ниҳоятда бахтлисизлар. Овозсиз кино Чарли Чаплинда бўлган, деб ўйлайсизлар. Мен чекка бир қишлоқда туғилиб, катта бўлганман. Кино деган нарса тушимизга ҳам кирмас эди. Ана шунақа ҳар замонда идоранинг олдига кино келарди. Катта-ю кичик - ҳамма тўпланарди. Полвон йигитлардан уч-тўрттаси электр пайдо қилиш учун моторни айлантирар, "киночи", яъни механик кино тасмаси турган аппаратни кичикроқ калит билан "юргизиб", ижрочиларнинг гапини "тушунтириб" турар эди.

Кунлардан бир кун бир оғайним "Самарқандда кино бор экан", - деб қолди.

Ҳайрон бўлдим. Тирик кино ҳам бўларканми? Ақл бовар қилмайди! У тушунтирди. Жонли одамлар юрармиш, ўтирар-турармиш, уриш, ўйин қилармиш, қўшиқ айтиб, рақс тушармиш. Самарқанд бир кунлик йўл. Тирик киносини кўришга не азобда бордим. У - театр деган олам экан. Фаройиб, сирларга тўла бир олам! Актёр, актрисалар худди кинодагидай, лекин жони, овози бор, ўзини ушлаб олсангиз бўлади.

Драматургияга ишқим ўшанда тушган. Самарқандагига ўхшатиб мусиқий пьеса ёза бошладим. Қишлоғимизда Тошбой ака деган кишида радио бўларди. Кеч бўлдими, бас, уникага ёшу қари йиғиларди. Радиодан Тошкентда Ҳамза номидаги театр борлигини, лекин ундаги спектаклларда қўшиқ, куй йўқ, фақат гапдан иборат эканини билиб олдим. Энди ҳақиқий драма ёзишга киришдим. Аммо ўйлаб қарасам, бўлмас экан: спектакль премьерасига Тошкентга боришим керак, лекин жуда ёшман. Шунинг учун самарқандликларга "раҳм қилиб", мусиқий драма ёза бошладим.

Саҳнага чиқиб, томошабинларга таъзим қилиб, уларнинг олқишини оламан, деганман шекилли-да. Шўҳратпарастлик неча ёшдан пайдо бўларкин асли?

Билмадим...

Ҳа, биладиган одам кам бўлса керак... Эҳтимол, туғилган-даёқ пайдо бўлар бу одат?

Ким билсин...

Чақалоқ эмади, хархаша қилади, онасига бир зум тинчлик бермасам дейди. Шу шуҳратпарастлик эмасми?

Эҳтимол...

Демак, ҳар қандай одамни, у шоир ёки ёзувчи бўладими, режиссёр ёки актёр бўладими, бастакор бўладими, рассом, олим бўладими, барибир - шуҳратпарастликда айбланишга шошилмайлик. Инсон йиллабми, ойлабми, қилган ишини кишилар диққатига ҳавола қиляпти. Меҳнати самарасининг эътирофини кўргиси келиши табиий. Ишонинг, инсоф билан қарайдиган бўлсак, шуҳратпарастлик ўта жўн, табиий ҳолат эканига амин бўламиз. Шундай эмасми?

– *Машраб ака, эшитишимча, Сизнинг драматург бўлишингизга таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев сабабчи бўлган эканлар, шу ростми?*

– Афсуски, бундай эмас. Асарларимни Баҳодир Йўлдошевга журъат қилиб олиб боришга кўрққанманда, орада олти пьеса ёзиб қўйганман. Бир кун пьесаларнинг ҳаммасини олиб, қадрдоним Нишон Файбуллаевнинг дадаси билан ҳузурига бордим. Баҳодир жуда яхши қаршилади. Жўнгина йигит экан. Анча гаплашдик. Пьесаларни олиб қолди. Ҳаммасини! Ўқиб бўлиб, кўнғироқ қилишни айтди. "Сизга сабр-тоқат берсин", - дедим. Бу кечга томон эди. Режиссёр доим банд, шунинг учун бемалол, бир-икки ой ичида ўқир, деб ўйладим. Чунки шундай бўлган. Мутасаддилар, манфаатдор шахслар ойлаб ўқимаган. Эртасига эрталаб кўнғироқ бўлди. Баҳодир! "Машраб, тез етиб келинг", - дейди. Бордим. Биттасини ўқигандир, десам тунга бўйи ҳаммасини ўқиб қўйган экан. Ақл бовар қилмайди. Хуллас бу гал Нишон Файбуллаевсиз гаплашдик. Баҳодир пьесаларни маъқуллади. Ҳамза театрида қўйишга учтасини ажратиб олди. "Тошкентдан келган меҳмон"дан бошлайман, деди. Спектаклга "Гурунг" деб ном берган ҳам Баҳодир бўлади. Шундан кейин қадрдонлашиб кетдик. Ҳамфикр эдик, ҳамкорлик қилиб турдик. Ҳаётимга Баҳодир Йўлдошевдек инсон, санъаткор кириб келганидан бахтиёрман.

– *Биринчи ёзган пьесангизнинг номи?*

"Сиртмоқ".

– *Биронта пьесангизни "бўлмайди" деб қайтариб беришган вақтлар бўлганми?*

– Ҳа. Айниқса "Тошкентдан келган меҳмон"ни қайтариб беришган. Баҳодирнинг фикрича у мукамал пьеса эди. Кўпгина режиссёрларга ёқмаган.

– *Бугунги кунда драматургиямиз биров оқсаётгандай. Сизнингча, драматургларимиз учун имконият йўқми ёки улар мавзу топа олишмаяптими?*

Драматургия ҳар доим оқсаган. Лекин Мақсуд Шайхзода 50 йилларда "Мирзо Улуғбек"ни, "Жалолиддин Манғуберди"ни ёзган. Театрда ёш ёзувчи Одил Ёқубовнинг учта пьеса-си кетма-кет кетган... Драматургларга имкониятлар эмас, истеъдод керак. Истеъдод бўлса бас, мавзу топилади. Жуда кўп одам пьеса ёзади. Драматургия ҳам бедарвоза-да! Драматургияга якка шахс сифатида кириб келган маъқул. Шароф Бошбековга ўхшаб.

– *Замонамиз қаҳрамони деб кўп гапираямиз. Сиз қандай инсонларни замонамиз қаҳрамони деб атаган бўлар эдингиз?*

– "Ўзимиз", дейин десам бўлмас. Замон ёшларники. Улар келажакка интилган, дадил, ақлли, уддабурон, ҳалол бўлиб, иқтисодиётни маънавият билан уйғунлаштириб юбориши зарур. Инсоннинг олами жуда бой. Доимо ўйлайди. Мустақилликка эришгунимизча ўйларимиз қоронғида кечарди. Чунки замон қоронғи эди. Мана энди тонг отди. Ёруғликда кечган ўйлар бошқача бўлади-да. Нурли - нурли! Ана шундай драматурглар пайдо бўлишига ишонаман. Замонамизнинг мукамал қаҳрамони сиймосини ҳам ана шу ёшлар рўёбга чиқаради.

– *Яқин кунларда янги пьеса ёздингизми?*

– Йўқ.

– *Ижодкор кўнгил равшан бўлгандагина яхши асар ёза олади, дейишади. Баъзан бунинг акси бўлиши мумкин. Сиз қандай ҳолатда яхши асар ёза оласиз?*

– Тўғри. Мен ёзгандаги ҳолатимга эътибор бермаган эканман. Мен ҳамма нарсани унутиб, узлуксиз ўтирардим-да, пиширганларимни қоғозга туширардим. Ёзиш - азоб. Ана шу азоб мен учун роҳат ҳам эди. Тўғри, равшанлик билан зимистон алмашилиб туриши мумкин. Муҳими, асарларнинг туғилиши. Қолган ҳамма нарса иккинчи даражада. Бир-икки йил бурун "Бой ила хизматчи" деган пьеса ёзган эдим. Ўтган йили Сирдарё вилоят театрида қўйилди. Маҳкам Муҳамедов қўйди. Ўзим бориб кўрдим. Ёмон эмас эди. Лекин "Ўзбектеатр" спектаклни қабул қилмади.

– *Нега?*

– Билмадим. Пьесани олиб бориб бердим. Мутахассислар йиғилиб ўқиган шекилли. Асосий эътироз асардан бошланган. Ҳар ҳолда тажрибам йўқ эмасди. Ҳакамлар шуни ҳисобга олмади.

– *Инсон ҳар доим ҳам тўла маънода ўз қиёфасида яшай олмайди. Қандайдир дақиқалар, лаҳзалар, сониялардагина яшай олса керак. Яна билмадим. Сиз асл қиёфамда яшай олдим, дея оласизми?*

– Шундайми? (жилмайиб). Буни ўйлаб кўрмаган эканман. Галати. Лекин мен асл қиёфамда яшаб келдим, десам ишонарсиз?

– Ҳа, бўлмасам-чи.

– *Кўнгилдагидек инсон, кўнгилдагидек асар, кўнгилдагидек режиссёр топа олдингизми?*

– Ҳа, топганман. Лекин айтмасам майлими?

– *Майли. Ҳозир нималарни ўйлаяпсиз?*

– Ҳозирми(ўйланиб) Хаёлимга бошқа нарса келди. Ҳақиқий санъаткор жуда кам туғилади. Каттақўрғон кичкина шаҳарча бўлса ҳам, адабий муҳити яхшилигидан ташқари театри ҳам бор. Бу театрда Ўзбекистон халқ артисти Сора Мелиева, Турсунбой Йўлдошевлар ишлаган. Ана шу санъаткорларнинг фарзанди Баҳодир Йўлдошев Каттақўрғондан Тошкентга келиб, ўзбек режиссурасининг қиёфасини белгилаб турибди. Санъат оламидаги йирик, ёрқин ҳодиса бу! Биз ана шундай мўъжизаларни кутиб яшайлик.

– *Ижодкор аҳлининг кайфияти тез-тез ўзгариб туради. Ўзингизга сиғмай кетган пайтларингиз Сизга нима таскин беради?*

– Мен ҳам тунни турли кайфиятда кечираман. Ўз-ўзимга сиғмай кетган пайтларим, ўзимни зўрлаб ишга ўтираман. Фақат ишгина менга таскин беради.

– *Адабиёт ва санъат ўлмайди, деган гап бор. Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз?*

– Албатта! Адабиёт билан санъати ўлган халқ - халқ аталишига лойиқ эмас. Ҳозирги кунда ҳам китоб ўқиб, спектакль кўришга вақт топаётганлар бор. Ўшаларга ҳавас қиламан.

– *Танқидга муносабатингиз ҳам қизиқтиради.*

– Танқидга муносабатим... Расул Ҳамзатовнинг бир гапи бор. Адабиёт институтига йигирма беш киши кирган экан. Ҳаммаси шоир сифатида. Биринчи курс тугганида бир шоир қамайиб, бир танқидчи пайдо бўлибди. Ҳар йили аҳвол шун-

дай давом этавериб, охирги курсни бир шоир, бир носир, бир драматург, йигирма иккита танқидчи битириб чиққан экан. Уларни ҳам айблаб бўлмайди. Ёзгиси келиб, ўқишга борган, ёзолмагандан кейин нима қилсин? Танқид қилади-да! Ҳар бир ишдан айб топиш мумкин. Бу иш унинг тирикчилиги, ҳатто ҳаётининг мазмунига айланади. Муаллиф, режиссёр, актёр ҳам эмас-да. Хуллас, танқидчи - қулоқнинг тагидаги пашшадай гап.

Лекин кейинги пайтда асарни ақл билангина эмас, юрак билан баҳолайдиган танқидчилар авлоди етишиб чиқди. Элдор Мухторов, Муҳаббат Тўлахўжаева, Марфуа Ҳамидова, Тоҳир Йўлдошев, Олтиной Акбарова шу авлодга мансуб. Улар қилган таҳлилнинг ўзи жуда қизиқарли бўлади. Маза қиласиз. Қаёққа борардингиз! Айрим фикрлари билан ҳисоблашасиз ҳам. Мен ана шундай танқидчиларни ҳурмат қиламан, улар олдида бошимни эгиб, таъзим қилишга ҳар доим тайёрман.

– *Машраб ака, сиз аслида актёрликни тугатган экансиз. Актёр бўлсам бўлар экан, деган ўй хаёлингиздан ўтадимми?*

– Йўқ. Чунки актёрнинг тақдиридай оғир тақдир йўқ. У ҳимоясиз. Омади асарга, режиссёрнинг унга нисбатан бўлган муносабатига боғлиқ. Актёр, актрисаларимиз ниҳоятда зўр, лекин уларнинг кўпчилиги сояда қолиб кетган. 30-40 йиллаб ишлаган, лекин театрдан кетмаган. Агар қайси тоифа, шундай фидойи деб савол берсангиз, актёрларни кўрсатган бўлар эдим. Ҳақиқий фидойи ўшалар! Омон бўлишеин!

– *Машраб ака, узр, Сизни ҳам безовта қилиб қўйдим. Қутлуғ 60 ёшингиз муборак бўлсин. Аввало умрингиз узоқ, танингиз соғ бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз. Ўзингиз айтгандек, қолгани иккинчи даража!*

Сизга раҳмат. Омон бўлинг!

«Театр» журнали, 2001 йил, 4-сон

КЎНГИЛ ВА РУҲ ТАРБИЯСИ

(Шоир Усмон Азим билан суҳбат)

Халқимизнинг сеvimли шоири ва драматурги Усмон Азимнинг "Инсонни тушуниш", "Ҳолат", "Оқибат", "Дарё", "Сурат парчалари", "Иккинчи апрель", "Уйғониш азоби" ва бошқа бир қатор шеърӣ китоблари, сайланмалари, драмалари мухлислари қалбидан ўрин олган десак, хато қилмаган бўламиз. Адиб "Алтомишнинг

қайтиши" номли пьесаси учун 1999 йил "Йилнинг энг яхши драматурги" мукофотиغا сазовор бўлди. Хурсандчилик келса баробар келади, дейишади. Бу йил Усмон Азимов ўзининг қутлуғ 50 ёшини қаршилайди. Биз эса адибимизга энг аввало тани-сиҳатлик, хотиржамлик тилаб, халқимизга янги-янги асарлар инъомини кутиб қоламиз. Қуйида шоир билан бўлган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

- Усмон ака, қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин, ижодингизга барака. Келинг, драматургия соҳасига илк қўйган қадамингиз, яъни биринчи саҳнага қўйилган драмангиз хусусида тўхталсангиз.

- Театрга ихлос менда доим бўлган. Болалиқда ҳам, ёшлигимда ҳам... Биринчи драматик асаримни етмиш саккизинчи йилда ёзганман. Ўша пайтларда Маданият ишлари вазири бўлиб ишлаган, марҳум ёзувчимиз Ўлмас Умарбеков бу ишдан хабари бор бир дўстимиз туфайли, уни ўқиб қолганлар. Эртасигаёқ мени топтирганлар ва ўзларига хос хуш кўнгиллик билан бироз ортиқча мақтовлар айтганлар. У кишининг саъйи ҳаракатлари билан бу асар кейинчалик Сурхондарё ва Жиззах театрларида қўйилган. Аммо ўшанда саҳна асари ёзиш учун жуда катта тажриба ва дунёни чуқурроқ англаш лозимлигини ҳис қилганман. Шу сабабданми театр билан навбатдаги учрашувим йигирма йилдан кейин юз берди.

- Аввалги драматургия билан ҳозирги драматургия орасидаги фарқ нимада кўринади?

- Мен учун "аввалги" ва "ҳозирги" драматургия йўқ. Истеъдод билан ёзилган ёки истеъдоддан маҳрум драматургия бор. Истеъдод ҳамиша янги ва замонавийдир. Чунки дард эскирмайди.

- Актёрлар билан суҳбатлашган чоғингизда "драматургларамиз яхши асарлар ёзмай қўйишган", деб нолиб қоладилар. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

- Яхши асар ҳамиша кам бўлади. Аммо мени бошқа бир нарса ҳайрон қолдиради: асарнинг яхши, ёмонини тушунадиган одамлар театрларда тобора камайиб кетаяпти. Замонанинг зайли билан пайдо бўлаётган коммерсиябоп енгилелпи нарсаларни чин санъат асари деб эълон қилишдан ҳеч ким уялмапти. Савиямиз пасаймоқда. Томошабинларни орқасидан эргашиб юрадиган, кўчанинг даражасига тушиб қолган спектаклларнинг сони кўпаймоқда. Истеъдодсиз ким-

салар бу савиясизлик оқибатида театрларда "катта драматург" бўлиб яйраб юришибди. Натижада, яхши драматик асарлар ёзиши мумкин бўлган адиблар ўзларини театрдан четга олмоқдалар. Бу муаммо аслида фақат театрларнинг эмас, балки бугунги санъат ва адабиётнинг ҳам жиддий муаммосидир. Бу соҳада ҳеч қандай дарвоза қолмагандай.

- *"Алпомишнинг қайтиши", "Кундузсиз кечалар" каби асарларингиз саҳналаштирилди. Актёрлар қаҳрамонларингиз характери айнан сиз ўйлаганчалик очиб бера олганмилар? Кўнглингиз тўлганми?*

- Ҳар бир истеъдодли муаллифнинг барча асарида ўзига хос бир умумоҳанг бор. Бундан ташқари, ҳар бир асар ҳам маълум бир оҳангда ёзилади. Бунинг устига, қаҳрамонларнинг гап-сўзида ҳам алоҳида-алоҳида мусиқа бор. Буни англаган актёр қаҳрамоннинг феъл-атворини ва унга монанд хатти-ҳаракатни тўғри бажаради. Менинг асарларим асосида қўйилган спектаклларда бундай актёрлар кўп. Бунда, албатта, режиссёрларнинг ҳам хизмати беқиёс.

- *Бугунги томошабинларга қандай спектакллар жуда зарур деб ўйлайсиз?*

- Ҳозирги кунда санъатда бир қадам орқага кетиш ҳолати юз бермоқда. "Очиқ эшиклар" Американинг кўнгилочар, енгил-елпи асарларига кенг йўл очиб берди. Ойнаи жаҳонда кенг ва мутгасил тарғибот қилинаётган бу енгил-елпиликнинг ёппа таъсири остида юксак санъатга ҳеч алоқаси бўлмаган эрмак томошалар бизда ҳам уруғлади. Фарбона биқиқликдан, торликдан ва юзакиликдан келиб чиққан эрмаксерриаллар, бемаъно спектакллар бизда ҳам жорий қилиниб, дидсизликнинг орқасидан эргашиб кетганига анча бўлди. Азал-аввалдан халқимизнинг дардини айтган, мудраган юракларни уйғотган, унга теранлик ва юксаклик бахш этишга хизмат қилган санъатнинг бугуни жуда ночор аҳволда. У Муаллимлик ва Юраклик вазифасини бажаришдан ўз ихтиёри билан воз кечмоқда. Тўғрироғи, санъатнинг вазифасини нотўғри англаганимиз ва савиямиз пастлиги туфайли бу хол содир бўлмоқда. Мен ўзбек халқини фақат бачқана ҳаракатларга ҳиринглаб ўтирадиган оломон сифатида эмас, балки баланд интеллектуал ва олий дардлар қоришган спектаклларни ҳам кўра оладиган халқ сифатида тасаввур қиламан. Биз халқнинг юрагини саёзлаштириш йўлидан эмас, балки те-

ранлаштирмоқ йўлидан бормоғимиз зарур. Бунинг учун санъатдан маънавий ва моддий кўмағимизни аямаслигимиз, энг муҳими истеъдодларни чинакам қадрлашни ўрганмоғимиз лозим. Чунки, истеъдод миллатнинг келажакка айтадиган чин сўзидир. Ўша ўткинчи асарлар ёнида чинакам санъат намуналарини яратмоқни уdda қилмоғимиз керак.

- *Муқимий театрида қўйилган "Суперқайнона", Ҳамза театрида сахналаштирилган "Чимилдиқ" каби енгил-елли спектаклларга гўё эҳтиёж кучлидай... Бундай асарлар халқни маънавий олами, демоқчиманки, савиясини тушириб юбормайди-ми? Сизнинг фикрингиз?*

- Афсуски, бу спектаклларни кўролмадим... Агар сиз айтгандай бўлса, юқорида бу саволга жавоб берганга ўхшайман.

- *Бундай асарлар нафақат халқ, балки актёрларнинг ҳам савиясига таъсир ўтказмайдими?*

- Ўтказади. Умуман, театрни ҳам масхарабозхонага айлантиради. Театр тўйхонанинг бир шаклига айланади. Ишонинг, ҳозирданоқ бу нохуш кўринишнинг белгилари пайдо бўлган. Сиз ёшсиз, билмасангиз ҳам керак, илгари театрларга уст кийим ечиб кириларди. Қишки пойафзалда келган аёллар енгил туфлилар кийиб олишарди. Театр эшигиданоқ томошабин ўзини юксак маданият билан юзма-юз келатганини аллақандай тантанаворликдан ҳис қилар эди. Кўнгилга ором берадиган бу тантанаворлик олдида ўзини ҳам бир қадар йиғиштириб оларди. Театрни тўлдирган баланд руҳ ҳаводан юракда қолган лаззатни томошабин ўзи билан олиб кетар эди. У бирдан ўзини ўзгарганини ҳис қилар ва... яна театрга бир кириш орзуси билан яшар эди. Энди-чи? Ким нимада келган бўлса бемалол тўрга чиқиб ўтириб олади. Бақир-чақир... Театр эмас, кўпроқ чойхонагами, тўйхонагами ўхшаб кетади... қарсак ўрнига, хуштакбозлик!... Саҳнада эса - эрмак!.. Актёр нима қилсин! У шу томошабиннинг, шу спектаклнинг, шу муаллифнинг, қолаверса, шу театрнинг чизган чизиғидан чиқиб қаерга боради! У актёрлик деган мартабадан йиқилиб, масхарабоз деган бир жайдарилкка келиб тушганини ҳали англаб етмаган. Аммо масхарабоз!.. Актёр деган буюк касбнинг бундай емирилиши кўз олдимизда кечаяпти. Албатта, бунинг бошқа маънавий ва моддий томонлари ҳам бор.

- *Адабиёт, санъат ҳамшиша ёнма-ён, бир-бирига узвий боғлиқ. Бугунги кунда уларнинг халққа таъсири нечоғли?*

- Адабиёт санъатнинг бир қисми. Шу сабабдан юқорида айтган муаммолар қисман адабиётга ҳам тегишли. Халқ таъсирига келсак, бозор ва қорин тўйдириш ташвиши, умуман билимли ва истеъдодли одамлар турмушининг маълум сабабларга кўра сезиларли пасайиши, энди пайдо бўлган баъзи савдо-сотиқ одамларининг ва "ишбилармон"ларнинг маърифатга бепарволиги, унга истеъзо билан қараши ("ўқиб нима бўлардинг!" қабилидаги) - санъатнинг ва илмнинг қадрини пасайтирди. Буни тузатиш йўллари бор. Назаримда, мамлакатимиз бойиган сайин бу соҳада қилинадиган ишлар йўлга қўйиб борилса керак.

- *Журнал ўқувчилари учун ўзингиз ҳақингизда маълумотлар бериб ўтсангиз?*

- Элликка кирдим. Эсимни таниганимдан буён адабиёт билан шуғулланаман.

- *Ҳозирги кунда актёрлар ҳам, режиссёрлар ҳам, драматурглар ҳам етарли дейлик. Аммо нега томошабин аввалгидай театрга келмайди?*

- Бунинг жуда кўп ижтимоий ва иқтисодий сабаблари бор. Аммо ўзбекни қуёш ботиши билан ўз ҳовлисига бекиниб олиши одамни чўчитади. Бозор, телевизор ва маъракалардан бошқа ҳам олам борлигини одамлар эсдан чиқаряптилар. Бу ҳолнинг салбий зарарларини элга тушунтириш лозим. Телевидение ва матбуот орқали ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бормоғимиз зарур. Театр ва адабиётнинг рекламасини йўлга қўйиш керак. "Тасвирий ойна" ташкилоти кўча-кўйдаги бу рекламаларга бош-қош бўлмоғи зарур. Буларнинг ҳаммаси бепул амалга оширилмоғи керак. Ўзбекнинг маънавияти ҳақида гап кетганда нега хасислик қилишимиз керак экан! Катта амалдорларимиз эса халқда, маҳалла-кўйга, идорасидагиларга ўрناق бўлиб, келинойилар билан театрга туриб туришса, нур устига аъло нур бўларди! Театр ва адабиётда вужудга келган иқтисодий муаммолар ечими ҳам кўп зўриқишни талаб қилмайди. Ундан олинадиган фойда - халқнинг юксак маданияти ҳамма чиқимни ювиб кетади. Умуман биздаги маънавият ташкилотлари аллақандай мавҳум маънавият ҳақида узоқ гапирдилар ва ҳозир деярли жим бўлиб қолдилар. Яхши китобни нашр этиш, тарғибот қилиш ва уларни узоқ қишлоқларгача етказиш, театрларимиз саҳналарини баркамол спектаклларга тўлдириш ва юксак дидли ўзбек томошабинини тарбиялаш, кутубхоналарнинг аҳволини яхши-

лаш, кинотеатрларнинг ишини йўлга қўйиш... Биз бу "эски" ишларни қўнғилдагидек йўлга қўя олсак, ёшларимиз аллақандай диндорлар қўлида ўйинчоқ бўлиб юрмайди. Маънавият қуруқ гап билан эмас, балки юксак ижодий меҳнат ва катта ташкилотчилик орқали бунёд бўлади.

- *Жамиятдаги ўзгаришларнинг санъатга, адабиётга таъсири борми?*

- Дунёдаги ҳамма ўзгаришларнинг санъат ва адабиётга таъсири бор.

- *Бундан 10-20 йилдан сўнг ўзбек театри, драматургиясини қандай тасаввур киласиз?*

- Бу жуда жиддий савол. Жавоб беролмайман.

- *Сизни кўпроқ ташвишлантираётган нарса нима?*

- Одамлармизни ҳақиқий санъат - театр, китоб, мусиқа ва ҳоказолардан узоқлашиб кетаётгани.

- *Сизнинг шиорингиз.*

- *Ўзингни ўзинг ҳам ярат.*

«Театр» журнали, 2001 йил, 2-сон

САҲНА ИСТЕЪДОДЛИЛАР ЖОЙИ

(Ўзбекистон халқ артисти

Саидкомил Умаров билан суҳбат)

Суҳбатдошимиз Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбек Миллий академик театрининг истеъдодли актёри Саидкомил Умаров.

- *Илк бор қачон саҳнага чиққансиз? Биринчи устозингиз ким?*

- Менинг илк бор профессионал саҳнага чиқишим кинодан бошланган. 1965 йилда "Ўзбекфильм" қошида очилган 3 йиллик "киноактёрлик" курсини битирганман. Менимча бу муҳлислар учун янгилик бўлса керак. Сўнг 1969 йилда П.Файзиев режиссёрлигида "Ой бориб, омон қайт" фильмида суратга тушганман. Драма тўғарагида Учқун Раҳмон қўлида ўқиган бўлсам, кейинчалик Назира Алиева, Сора Эшонтўраева, Кожевников, Куртов деган домлалардан сабоқ олганман. Тўғри, устозлардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Масалан, актёрлик маҳорати, нутқ устида ишлаш, хатти-ҳаракат ва ҳоказо. Бироқ саҳнада актёр ўз "мен"ини кўшиб ижро этади. Эътибор беринг-а. Бир курсдан 5-6 та ўқувчи баравар битириб чиқиб кетади. Бир устоздан таълим олади. Лекин, буларнинг ҳаммаси бир хил эмас, бир-бировига на ижроси, на хатти-ҳаракати ўхшайди.

- *Истеъдод туғма бўладими ёки "пролетар адиби" Максим Горький айтганидек, "Икки фоиз талант, тўқсон саккиз фоиз меҳнат"ми?*

- Туғма бўлиши шарт. Менимча талантнинг фоизи бўлмайди, у чексиз. Лекин барибир бор талантни руёбга чиқариш учун 90 фоиз меҳнат талаб қилинади. Талантли кишилар яхши маънодаги "касал" инсонлар бўлади. Актёрлар орасида ҳам саҳнага ярашадиган ё ярашмайдигани бор. Ҳақиқий талант эгаси, саҳнага ярашиб, қовушиб туради. Талантли одамни дарров сезасиз.

- *Саҳна ва экранларда яратган образларингиз ичида ўзингизга яқини қайси? Дилинғизга ўтиришмаса ҳам "хизмат тақозоси билан" рол ўйнаганмисиз?*

- Театр саҳнасида ўйнаган ролларимнинг сони анчагина. Санаб беролмайман. Кинода эса "Қор қўнида Лола", "Янги ой чиққан кеча" фильмларида, "Кундузсиз кечалар", "Дунёнинг ишлари", "Бобур" видеофильмларида, "Гули ва Навоий" достони асосида яратилган телеспектаклда Навоийнинг ёшлигини ўйнаганман. Буларнинг бариси дилимга яқин, мен учун қадрли роллар. Кўнглимга ўтиришмаса ҳам роллар ўйнаганман. Бундай ҳолат ҳар бир актёрда бўлади. С.Имомовнинг "Шайтон ва фаришта" асаридаги Қобил ролим жуда катта меҳнат эвазига дунёга келди. Ўзимга жуда ёқади.

- *Буюк Аброр Ҳидоятлов "Саҳна - мачитдек жой" деган эди. Сиз буни қандай шарҳлайсиз?*

- Менимча саҳна жуда пок ва тоза жой. Унга ҳаром-ҳариш, таниш билишликлар аралашмаслиги керак. Кўпол қилиб айтганда "отнинг ишини эшакка" юкламаслик керак. Саҳнани истеъдодли инсоннинг жойи деб биламан, фақат ўша инсон пок бўлмоғи даркор.

- *Фарзандингиз сизнинг касбингизни танлашини хоҳлармидингиз?*

- Бунинг учун фарзандларимнинг ўзларида хоҳиш ва истеъдод бўлиши керак.

- *Кўпинча театрлар яхши пьеса йўқ, деб нолийди. Драматурглар эса театр "четдан келган" асарни "беғонасираб" қарши олишидан шикоят қилади. Драматург билан театр ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва орадаги тушунмовчиликни йўқотиш учун, сизнингча, нима қилиш керак?*

- Ҳақиқатан, яхши пьесалар кам. Агарда драматург ажойиб асар ёзса, театр нега қабул қилмас экан. Жон-жон деб қабул қилади.

Драматург билан театр ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг бирдан-бир йўли икки томон ҳамкорлигида деб биламан. Ҳамма асарлар ҳам сахнада пишади, масалан, Саид Аҳмад домла актёрлар билан бирга ишлашдан эринмаганлар. Асарда "илинадиган" жойи бўлса, албатта ишланади, пишитилади. Актёрнинг олий мақсади - ҳаракат ва шу ҳаракатнинг изидан бориш. (Саҳнанинг у ёғидан бу ёғига югуриб юришни назарда тутаётганим йўқ).

- *Бўш пайтингизда яхши кўрган машғулотингиз?*

- Бўш қолдим дегунча фалсафий китобларни мутолаа қиламан. Ҳозир Ж. Румийнинг "Ичингдаги ичиндадир" фалсафий асарини ўқияпман.

- *Санъатда миллийлик ва умумбашарийлик деганда нимани тушунасиз? Ўзбек миллий театрида миллийлик билан умуминсонийликни мужжасамлаштирган қайси асарни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?*

- Буюкларнинг афоризмларини ўқиган ҳар бир инсон бир нарсага амин бўлади. Улар ҳар хил миллат вакили, ҳар хил динга сиғинади. Лекин ғоя ва мақсад битта. Мен шуни умумбашарий қадриятлар, деб тушунаман. "Алишер Навоий" ва "Мирзо Улуғбек" спектакларида илгари сурилган ғояларни ҳам умумбашарий ғоялар деса бўлади.

- *Сиз яратган қатор образлар томошабиннинг маънавий мулкига айланган. Яна қандай ролни ўйнашни орзу қилган бўлардингиз?*

- Инсоннинг, айниқса санъаткор орзусининг чеки-чегараси бўлмайди. Ёшингиз улғайган сари, ҳаётдан фикр, мазмун қидира бошлар экансиз. Мазмунан теран фикрга бой асарларда ўйнашни жуда-жуда орзу қиламан.

- *Бозор иқтисодиётида "талабга яраша таклиф" деган тушунча бор. Бу қоида савдо-сотиқда ўзини тўла оқлайди. Бироқ адабиёт ва санъат учун бегона ва ҳатто зарарлидир! Афсуски, кейинги пайтда ҳақиқий санъатдан узоқ, енгил-елти "асарлар" пайдо бўлаётгани сир эмас. Сабабини сўрасангиз, "бозор иқтисоди шуни тақозо қилаётгани, "кассабоп" асар ҳам кераклиги, одамлар айнан шунақа томошани ёқтираётгани"ни айтадилар. Бу гапда ҳақиқат бор. Балки шунақа томошалар ҳам керакдир. Аммо бундан "асар"лар кўпайиб кетаверса, кўполроқ*

қилиб айтганда, от аравани эмас, арава отни тортадиган бўлиб қолмасмикан? Бундай "арзон", "ҳазми осон" томошалар театр обрўсига нутур етказмайдимиз? Қолаверса бу - томошабин маънавиятига салбий таъсир қилмайдимиз?

- Очиги, енгил-елпи асарлардан қочиш керак. Бундай асарлар томошабинга ҳам, актёрга ҳам, театрнинг мавқеига ҳам албатта салбий таъсир қилади. Комедия жанри орқали ҳам саҳнага катта-катта дардни олиб чиқиш мумкин-ку!

- *Маълумки, режиссёр театрда етакчи шахс ҳисобланади. Ҳар бир асарнинг муваффақияти аввало режиссёрга боғлиқ. Шу билан бирга актёр ҳам ижодкор. Ўзи яратаётган образ талқини масаласида актёрнинг мустақил фикри бўлиши, бу фикр эса режиссёр нўқтаи назарига тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда режиссёр ва актёр ўртасидаги муносабат қай йўсинда ҳал этилгани маъқул?*

- Асарнинг муваффақиятли чиқиши ҳар доим ҳам режиссёрга боғлиқ бўлавермайди. Агарда режиссёр ўзининг фикри билан актёрни ишонтира олса, актёр ўша фикрни қабул қилади. Интеллектуал актёр ўзи ҳақ эканини билса ролни қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Умуман олганда режиссёр руҳшунос бўлиши керак. Қайси актёрнинг нимага қобилияти бор, имконияти қанақа, куч-қуввати етиш-етмаслигини яхши билиши керак. Иккаласи бир-бирини тушунса, ўшандагина роль ҳақиқий ва жонли чиқади.

- *Аброр Ҳидоятонинг яна бир ўғити бор. "Сен ижро этадиган рол аввало ўз юрагинда пишиб этилсин", дейди аллома санъаткор. Ролнинг юракда пишиб этилиш жараёни қандай кечади?*

- Ҳар кимда бу жараён ҳар хил кечиши мумкин. Мен ҳар бир ролим ижросида янгитдан гапиришга, янгича қараш билан ёндашишга интиламан. Энг муҳими, роль юракда пишиши, сизнинг руҳиятингизга сингиши ва "ўзингизникига" айланиши керак.

- *Адабиётда ёзилмаган қонун бор. Иккита энг холис ва бешафқат ҳакам - китобхон ва вақт синовидан ўтадиган асаргина ҳақиқий асар саналади. Бу қонидани санъат тилига кўчирадиган бўлсак, икки энг холис ва бешафқат ҳакам - томошабин ва вақт синовидан ўтадиган асаргина ҳақиқий асардир. Сизнингча, бугун намойиш этилаётган миллий саҳна асарлари орасида шундайлари борми?*

- Умуман олганда, театр санъати ва актёрлик санъатини мен даврийлик санъати, деб тушунаман. Бу санъат ҳар ўн-ўн

беш йилда ўзгаради. Давр ўзгариши билан томошабин ҳам ўзгаради, актёрлик ижро санъати ҳам ўзгаради. Бу жараён табиий. Масалан, бундан 30 йил илгари актёрлик ижросини ё театр тилини бугунги томошабин қабул қиладими? Йўқ, албатта. Давр ва томошабин деган масала доимий, узлуксиз ўзгаришда бўлади.

- *Сўз муқаддас нарса. Айниқса, сахнадан туриб айтилган сўз тўғридан-тўғри томошабин қалбига етиб бориши керак. Афсуски, сўнги пайтларда санъатнинг баъзи соҳаларида, масалан, қўшиқчиликда сўзга ҳурмат пасайиб кетди. Баъзи хонандалар (гоҳи истеъдодли хонандалар ҳам) ижро этаётган қўшиқда на қофия, на вазн бор. Ҳатто маъно ҳам йўқ. Ўзи нима деяётганини ўзи билмайди. Бундай иллат театр сахнаси-га ҳам юқмаслиги учун нима қилиш керак? Умуман, Сўз масъулияти ҳақида сизнинг фикрингиз?*

- Менимча, ҳамма даврдаям, ҳамма вақт ҳам сўз биринчи ўринда туриши керак.

Томошабин юрагига етиб борадиган бирдан-бир нарса сўз. Шейрий асарларни мен негадир қабул қилолмайман. Сабаби, қачонки ҳис-туйғуларингни қаерда изоҳлай олмасанг, назмга кўчади. Қаерда назмга талаб бўлса, бу зўрма-зўракиликдан йироқ бўлса бу бошқа масала. Энг гўзал, энг юксак, энг нозик ҳис-туйғуларни фақат шейриятдагина айтиш, изҳор қилиш мумкин. "Алишер Навоий" спектаклини олинг. Наср ва назм бир-бирига уйғун.

- *Мақтовни ёқтирмайдиган, танқидни яхши кўрадиган одамни топиш қийин. Аммо танқид, жумладан, театр тақидчилиги ҳам муҳим вазифани бажаради: саракни - саракка, пучакни - пучакка ажратишга ёрдам беради. Маннон Уйғур номидаги Санъат институтида махсус театршунослик бўлими борлиги бежиз эмас. Театр учун фақат актёр, режиссёр, бастакоргина эмас, малакали танқидчи ҳам керак. Шахсан сизнинг танқидга муносабатингиз?*

- Танқидчиларга катта эътирозим бор. Ойлаб асар устида ишласанг, 30-40 йиллик тажрибанг бўлсаю, ҳурматли танқидчилар спектаклни бир кўришда кулини кўкка совуриб йўққа чиқаришлари инсофданми? Аввало, агар танқидчи театрнинг дўсти бўлса, асарни ўқиши керак. Асарни ўқиди, ҳам дейлик. Репитиция жараёнида ўтирсин, кўрсин. Қайси рол актёрга тўғри берилган ё нотўғри берилган, "читка"

(асарни ўқиш дейилади)да қатнашсин ва шу жараёнда фикр ва мулоҳазаларни билдирсин. Актёрга, режиссёрга, саҳна безакларига, либосларига ва бошқа деталларга ҳам аҳамият берсин. Юқорида айтганимдек, даврийлик деган масалани ҳам назардан қочирмасин. Бундай танқидчиларни театрнинг ҳақиқий дўсти дейиш мумкин. Кейин бадиий кенгашда бемалол, исбот билан фикрларни баён этсин. Бу исбот ва таҳлил эса фақатгина ўрганиш жараёнида бўлади. Айрим танқидчилар асарнинг сюжетини гапириб берадилар, холос. Буни таҳлил деб бўладими? Мақсад ва ғоя ҳақида умуман тўхталишмайди. Менимча малакали танқидчилар керак.

- Яна сўз масаласига келсак. Яхши драматург ўз сўзи учун ўзи жавоб беради. Ҳар бир сўзини ҳимоя қилади. Устоз адиб Саид Аҳмад ибораси билан айтганда, "Чала туғилган" пьесасини "Бу ёғини ўзларинг йўргаклаб олаверинг", деб театр остонасига ташлаб кетадиган ёзувчи, ёзувчи эмас. Лекин саҳнанинг ўз талаблари ҳам бор. Ҳатто Абдулла Қаҳҳордек сўз устаси ҳам бир гал "Бу жумлани қайси персонажнинг оғзига солсам, тупуриб ташлаяпти", деб ёзган эди... Бинобарин, сўз салмоғи саҳнага чиқанда айниқса билинади. Муаллиф, режиссёр, актёр биргаликда ишлаётганда фақат сўз эмас, бутун бир саҳна ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Сизнинг ижодий тажрибангизда шундай ҳоллар бўлганми?

- Саҳнанинг ўз қонун-қоидалари, талаблари бор, албатта. Дейлик, асарда бешта персонаж бор. Буларнинг ҳам бирининг ўз айтадиган гапи, ҳаракати, мақсади бўлиши керак. Бирига айтган гапни иккинчисига худди шундай тарзда айта олмайсан. Қайсики персонажнинг айтадиган гапи ҳаракати бўлмаса у саҳнани айланиб юраверади. Демак, бу персонаж ортиқча. Саҳна учун ҳам ортиқчалик қилади. Ижод саҳнада туғилади. Шундай драматурглар борки, асардаги бирон бир сўзга ўзгартириш киритолмайсан. Мисол учун А.Қаҳҳор, В.Шекспир... Балки ҳозирги кунда бироз қисқартириб бериш мумкиндир. Бунинг ҳам сабаби бор. Бугунги томошабиннинг тўрт-беш соатлик спектаклни кўришга сабри чидмайди.

- Қайси драматург, қайси режиссёр билан ишлаш сиз учун мароқли? Сабаби?

- Асари драматургия қонун қоидаларига тўла жавоб бера оладиган, драматург билан ишлаш менга жуда ёқади. Режиссёр масаласига келсак, у мени, мен уни тушунсам, фикрла-

римиз бир жойдан чиқса, шундай режиссёрлар билан ишлаган сари ишлагим келади.

- *Кўп актёрлар фақат сахнада эмас, кино, телевидениеда ҳам ёрқин роллар яратади. Саҳна билан кино ва телеэкранда ижод қилишнинг фарқи нимада?*

- Иккаласи алоҳида алоҳида санъат. Театр сахнасида ролни бир неча маротаба ўйнасанг, ҳар гал янги-янги қирраларни очиш мумкин. Кинода эса битта суратга тушгандан кейин такрорлашга иложинг йўқ. Нима бўлгандаям ҳар иккисининг ўз ҳузури бор.

- *Инсондаги қайси фазилатни улуғлайсиз, қайси қусурни ёмон кўрасиз?*

- Иймони бутун одамларни қадрлайман. Афсуски яхши нарса ҳар доимдагидек камёб бўлади. Умумий қусурлар ҳаммамизда ҳам бор. Мукамал инсоннинг ўзи йўқ. Бироқ инсондаги пасткашлик ва разилликни жуда жуда ёмон кўраман.

- *Репетиция пайтида гоҳ томоша давом этаётганда ҳам сахнада турли қутилмаган ҳолатлар кулгили вазиятлар бўлиб қолиши мумкин. Сизда ҳам шундай бўлганми?*

- Бундай ҳолатлар сахнада бўлиб туради. Сайфи қори Олимов деган актёр бўларди. У пайтларда соқол, мўйлаб елим билан ёпиштирилмас, резинка билан тақиларди. Бир пайт сахнага Сайфи ака соқолини пешонасига илинтириб қўйган ҳолда чиқиб кетибдилар. Ҳамкасблари "Ие, Сайфи ака, соқолингиз пешонангизга чиқиб кетибдию" дейишса, улар сенлар билан юрсам пешонамга эмас, бошқа жойимга ҳам чиқиб кетади деган эканлар. Яна бир воқеа "Келинлар қўзғалони" спектакли билан Ёркент шаҳрига бордик. Спектакль тугай деб қолганда Салоҳиддин Зиямуҳамедов деган актёримиз спектаклнинг бошидан яна қайтадан бошлаб юборди. Шунда биз ҳамкасблари "Нималар деяпсиз, ўзи" деб импровизация (ҳолатдан чиқиш, бадиҳагўйлик) қилганмиз. Томошабин буни мутлақо сезмаган.

- *Санъаткор сифатида ижодий тамойилингни бир оғиз сўз билан қандай ифодалаган бўлардингиз?*

- Санъаткор сифатидаги тамойилим ўзгаларга эзгулик улашиш, сахна орқали маърифатга чорлаш.

«Театр» журнали, 2005 йил, 4-сон

ГЎЗАЛ ИЖРО СОҲИБАСИ

*(Ўзбекистон Халқ артисти
Муяссар Раззоқова ижодига назар)*

Муяссар Раззоқова — 1964 йилда Эллиққалъа тумани, Қилчиноқ кишлоғида туғилган.

1981–1988 йилларда (Тошкент давлат консерватория) ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси профессорлари Розалинда Лаут ва Саодат Қобулова синфларида таҳсил олган.

Ўқишни тугатгач, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрига ишга қабул қилинади.

1989 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган ёш опера ижрочиларининг республика танловида биринчи мукофотга сазовор бўлган.

1990 йил Латвия халқаро танлови лауреати; 1992 йил Венгрия халқаро танлови лауреати; 1997 йил Италия халқаро танлови лауреати.

Хорижий мамлакатлардаги ижодий сафарлари;

АҚШ, Германия, Франция, Венгрия, Туркия, Жанубий Корея, Миср, Россия.

Унвонлари: 1993 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

1998 йилда Ўзбекистон халқ артисти; 1999 йилда Қорақалпоғистон халқ артисти.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқованинг номини санъат шинавандалари яхши билишади. У ўзининг ёрқин тембрли лирик колоратура овози, кенг диапозони, бельканто - яъни италянча услубидага гўзал ижро маҳоратига эгаллиги билан фақатгина Ўзбекистонда эмас, хорижда ҳам танилган ва эътроф этилган истеъдод эгасидир.

2005 йил январь ойида Москвада бўлиб ўтган "Рус лирасининг юлдузлар туркуми" санъат фестивалида Навоий номидаги опера ва балет катта театрининг хонандаси Муяссар Раззоқованинг ҳам иштирок этгани муҳим воқеалардан бири бўлди. Бу фестивалда хонанда Россия санъатининг юлдузлари Елена Образцова, Владимир Спиваков, Дмитрий Хворостовский, Игорь Бутман, Ефим Шифринлар билан бир қаторда санъатини намойиш этиш бахтига мушарраф бўлди. Бу эса фақатгина санъаткорнинг санъатдаги ютуғигина эмас, юртимиз шарафини, довуғини яна бир поғонага юксалганининг далили эди. Елена Образцова рус опера санъатининг етакчи кўшиқчиларидан деб

тан олинган бўлса, юртимизда Муяссар Раззоқова ўзбек опера санъатининг етакчи хонандаси сифатида тан олинган.

Елена Образцова Муяссарнинг қобилиятига қойил қолиб, тасаннолар ўқиб шундай деди:

"Муяссарнинг овози инсонда кучли ҳаяжон, кучли эҳтирос уйғотадиган овоздир. Бу овозни бутун дунё тингласа арзийди". Фестиваль: таассуротлари ҳақида Муяссар Раззоқованинг ўзи шундай дейди:

"Мен учун Елена Образцова билан бир саҳнада куйлаш ҳам фахр, ҳам улкан бахтдир. Концертда мен Образцовадан кейин куйладим. Аввалига мени кучли ҳаяжон босди, лекин ўзимни қўлга олиб, бутун қалбим, катта эҳтирос билан куйлай бошладим. Томошабинлар жуда илиқ, самимий, олқишлар билан кутиб олишди. Моцарт, Вердининг машҳур операларидан ариялар ижро этдим. Айниқса, менга Марфа ариясини ижро этишда бироз ҳаяжонландим (Римский-Корсаков, "Подшоҳ келини"), чунки рус мумтоз асаридagi Марфа ариясининг рус диёрида ижро этиш анча мураккаб эди.

Москва сафарига кетишдан аввал устозим Андрей Слоним билан пухта тайёргарлик кўрдик. "Ўзбек бастакори Мухтор Ашрафийнинг "Кашмир қўшиғини" ҳам олиб боргандик. Бу қўшиқни ижро этиб бўлгач, мухлисларнинг узоқ олқишларидан кўзларимда севинч ёшлари қалқиди. Қалбим соҳир туйғуларга тўлиб кетди. Бу борада моҳир дирижёр Қорақалпоғистон халқ артисти Аида Абдуллаеванинг менга кўрсатган ёрдамини алоҳида таъкидлаб ўтишни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан. Бунинг учун беҳад миннатдорман. Яна шуни, мамнуният билан айтиб ўтмоқчиманки, менга яқиндан ёрдам берган, репетициялар жараёнида мен билан баббаробар тер тўккан "Эрмитаж" ансамбилига, Игорь Уткин ва ўз созининг усталари скрипкачи, виолончел, клавишин ва контрабас асбобларининг созандаларига минг раҳматлар айтаман. Улар билан ишлаш менга завқ-шавқ бағишлайди.

Ҳақиқатан ҳам Муяссар Раззоқова гўзал ва кучли овоз соҳибаси. Унинг ҳамкасблари "халқаро опера саҳналари Муяссар учун кенг очиқ ва у бу саҳналар учун-яратилгандир", - дея эътироф этадилар. Санъаткорнинг ижодидаги энг характерли томони шундаки, у ўзбек санъати анъаналари қатор жаҳон қўшиқчилилик мактабини ҳам мукамал эгаллаган.

Унинг ана шу ижро хусусиятлари яратган образларида ўз аксини топган десак хато қилмаган бўламиз. Буни До-

ницеттинг (Лючия ди Ламермур) М. Ашрафийнинг гўзал Дилором образларида кўришимиз мумкин. Жаҳон опера партиялари Вердиннинг "Травиата"сида қалби ҳис туйғуга лиммо-лим Виолетта "Риголетто" сида севги бобида ўзини қурбон қилишга тайёр Джильда, Россинининг Сивилия сартароши" ила мафтункор ва ҳийлагар Розина, Вердиннинг "Бал маскарад" идаги ҳаракатчан, эпчил бола Оскар ва бошқа бир-биридан ажойиб, бир-бирини такрорламайдиган образларини таъкидлаш жоиз.

Муяссар Раззоқова ўз устида тинмай изланадиган санъаткор. Анор Назаров, Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Ҳабибулла Раҳимов, Алишер Расуловлар билан доимий ҳамкорликда. У бугунги кунда нафақат Ўзбекистонни, балки хорижий мамлакатларни ҳам ўз санъати билан забт этмоқда. У ўзбек опера санъатининг усталари Розалинда Лаут ва Саодат Қобуловаларнинг муносиб издоши.

Санъаткорнинг келгусидаги режалари, орзулари жуда кўп. У апрель ойида Санкт - Петербург филармониясида яккахон концерт дастурини ўтказди.

Яқинда эса севимли театрида Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда Гаэтано Доницеттининг "Севги шароби" операсида асосий партияни ижро этди. Хуллас, Муяссар Раззоқованинг ижоди барқ уриб гуллайверишини, ўзбек санъати довуғини жаҳонга ёяверишини, унинг мухлислари тобора кўпаяверишини чин дилдан истаймиз ва уни ҳамиша "Операмиз юлдузи" бўлиб порлаб туришига тилакдошмиз!

«Театр» журнали, 2005 йил, 1-2-сон

ИЖОДНИНГ ҲУЗУРБАХШ АЗОБИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Сайёра Юнусова билан суҳбат)*

Дунёда ҳамма нарса нисбий. Бахт ҳам, бахтсизлик ҳам, қувонч ва қайғу-изтироб ҳам, барчаси вақтинчалик, ўткинчи холос. Бу ўткинчи умрда эса ҳар биримизнинг ўз вазифамиз бор. Санъаткорнинг вазифаси анча оғир ва машаққатли.

Сир эмаски, аввалдан тўй-ҳашамлар ҳофизу созандаларсиз ўтмаган. Театр санъаткорларини эса тўйларда онда-сонда учратар эдик. Бугун эса бошқачароқ манзарага дуч кела-

миз. Тўй ҳашамлар актрисаларимизсиз ўтмаяпти. Балки уларга талаб кучлидир. Бироқ, ҳар қандай шароитда ҳам бу санъаткорларнинг ўзига боғлиқ.

Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида кўп йиллардан бери ижод қилиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Юнусова билан суҳбатимиз шу мавзудан бошланди.

- Сайёра опа, аччиқ бўлса-да, бир ҳақиқатни тан олишимиз керак. Бугун спектаклнинг ўртасида ҳам "бирров"-гагина тўйга бориб келишдан тап тортмайдиган санъаткорлар бор. Сизнинг эса бирон марта тўйга борганингизни эшитмаганмиз. Сабаби нима? Тўйда хизмат қилиш қўлингиздан келмайдими, ё санъатингизни "пуллаш"га ориятингиз йўл қўймайдими?

- Театрга қадам қўйган кезларим, тўйларга битта-иккита санъаткорлар чиқишар эди. Тўйни асосан, ҳофизлар ўтказишарди. Актёр-актрисалар эса асосан, саҳнада, театрда ижод билан машғул бўлишган. Бугун замон ўзгарди. Умримда тўйга бориб кўрмаганман. Балки бу ҳам санъаткор учун қандайдир бир босқич, ўтиш жараёни бўлса керак. Шу жараёни бошимдан кечирмаганим учун бу ҳақда гапиришдан ожизман. Қўлингиздан келмайдими, деган саволингизга келсак, ҳарқалай актрисаман, қўлимдан келса керак. Бироқ бу ишни ўзимга раво кўрмайман. Айрим ҳамкасбларим "халқ хизмати"га боряпмиз, дейишади. Албатта бу ҳам меҳнат. Аммо бу иборани саҳнадаги ижодга нисбатан қўлласак, янаям тўғри бўлар. Тўйма-тўй юришни ўзимга раво кўрмайман, деб айтдим. Бунинг ҳам сабаби бор. Спектаклда томошабинга сиз ҳукмрон бўласиз. У сизни излаб, истаб, спектакль томоша қилиш учун келади. Тўйда эса, сиз кимларгадир тобесиз. Пул учун ўзингизни "керакли" оҳангга солишга, ўша ердаги шароитга, муҳитга мослашишга мажбурсиз. Мен бундай қилолмайман! Баъзида яхши кийиб, яхши еб "шоҳона" қасрларда яшаб юрган санъаткорларни кўриб "нега биз бундай яшолмаймиз", деб хўрсиниб ҳам қўяман. Тўғри-да, пул ҳаммага керак. Лекин барибир, ички бир ибо, туйғу, ғурур десаммикан, устун келади ва ҳар қандай вазиятда ҳам ўз "мен"имга содиқ қолиш, "қўшимча" ўз манфаатлардан воз кеча билиш зарур деб ўйлайман.

- *Тўй санъаткорни бузади, дейишади, шу тўғрими?*

- Эҳтимол бу анча кескин айтилгандир. Тўйга борадиган санъаткорлар билан бормайдиганларининг орасида ҳарқалай фарқ сезилади. Чунки санъаткор ўз устида ишлаши учун изланиши, мутгасил китоб мутоала қилиши керак. Китоб ўқишга, изланишга вақт бўлмагандан кейин ўз-ўзидан фикрсизлик пайдо бўлади.

- *Сиз устоз санъаткорлар мактабини кўрган актрисасиз, устозларингизни эслайсизми?*

- Ҳақиқатан актриса сифатида бахтлиман дея оламан. Кўпгина буюк санъаткорлар билан ёнма-ён ишлаш бахтига эришганман. Машҳур актёр Шукур Бурҳонга ҳар тарафлама ҳавас қилардим ва у кишидек санъатга содиқ инсон бўлишга интилардим. Ижодларидан доимо таъсирланардим. Саҳнадаги салобат, овозларининг қудрати, ролларнинг ҳаққонийлиги, инсон сифатида ҳақгўй ва бағрикенглик, соддалик мени ҳайратлантирарди. Балки ана шу таассуротлар ва ҳайратлар хою-ҳаваслардан тийилишимга сабаб бўлаётгандир?!

- *Театрда устозлар қолдирган мактаб, анъаналар қай даражада давом этаяпти? Нега бугунги кунда томошабинларга жиддий асарлардан кўра ҳазми осон асарлар кўпроқ маъқул келаяпти, деб ўйлайсиз?*

- Театримизда бугун устозлар қолдирган мактаб маълум даражада давом этаяпти, шу билан бирга бозор иқтисодиёти тушунчасининг ўзига хос таъсири бўлиши ҳам табиий ҳол. Вақти билан ҳамма нарса ўз изига тушади. Ишонаманки, театр аввал ҳам муқаддас даргоҳ бўлган. Бугун ҳам шундай, кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Репертуар масаласига келсак, турли хил жанрлардаги асарлар репертуардан ўрин олиши ёмон эмас. Бугун ҳазми осон асарларга томошабинда эҳтиёж бор. Эртага албатта у бошқа асарга эҳтиёж сезиши аниқ. Ўйлашимча, одамлар бир кунмас бир кун мол-дунёга ҳам, қўша-қўша машиналарга ҳам, шохона иморатларга ҳам тўяди. Охир-оқибат ўз юрагига, қалбига қулоқ соладиган пайтлар келади. Ҳамма нарсдан чарчаган, зериккан томошабин ақлини чархлаш учун, кўнгилдаги бўшлиқни тўлдириш учун жиддий, мазмуни теран, фалсафий асарларга эҳтиёж сезади. Бунинг учун вақт керак.

- Сиз ижро этган қаҳрамонлар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Сизни деярли маиший спектаклларда учратмаймиз. Сиз ижро этган ролни бошқа актриса талқинида, бошқа актриса ижро этган ролни сизнинг талқинингизда кўрмаймиз. Бунинг сабаби нима? Ролни танлаб ўйнайсизми?

- "Қайси рол берилса, актёр ўйнаши шарт, бу бизнинг вазифамиз" деган фикрга мутлақо қўшилмайман. Ҳар бир санъаткорнинг ўз ампуласи бўлиши керак. Масалан, Шукур ака ижросидаги Эдипни Ғани Аъзамов ижросида тасаввур қилиб кўринг-чи? ёки Ғани аканинг мулла Мўминини Аб-рор Ҳидоятлов ижросида тасаввур қилиб кўрингчи? Ваҳоланки, уларнинг ҳар бири ўзига хос, буюк санъаткорлар бўлишган. Ўзимга келсак, ижодимда кўнглимга ўтиришмайдиган ролларни ижро этган пайтларим ҳам бўлган. Кўпроқ лирик қаҳрамонлардан кўра характерли, бир-бирига ўхшамайдиган ролларда ўйнаш ёқади. Масалан, "Зебуннисо" спектаклида шоира ролини ўйнадим. Режиссёр Марат Азимов талқинида Зебуннисо лирик, назокатли, мулойим, нафис шоира қиёфасида намоён бўлиши керак эди. Баҳодир Йўлдошев талқинида эса у бошқачароқ, давлат арбоби, қатъиятли, журъатли шоира сифатида гавдаланди. Мана шу рол мен учун ижодимдаги энг сара рол бўлиб қолди. Ҳали ундан кучлироқ, юқори савиядаги рол ижро эта олмадим. Спектаклнинг постановкаси жуда маҳорат билан қўйилган.

- Бугун нега шундай асарлар йўқ?

- Драматургларимизга асар ёзиш осон кечмаяпти, қайси мавзуда ёзишни билишмаяпти чоғи. Бизга келадиган асарларнинг кўпи драматургия қонун-қоидаларига жавоб бермайди. Бадиий тил жиҳатидан ҳам, мазмун-моҳияти жиҳатидан ҳам у қадар пишиқ эмас. Натижада яна энгил асарларга мурожаат қилинапти. Шундай бўлса-да, арзигулик асарларимиз йўқ эмас. Масалан, "Донишманд натан", "Дарахтлар тик туриб жон беради", "Бир қадам йўл", "Етти фарёд", "Гамлет" спектакллари айтишим мумкин.

- Бундай спектаклларга томошабинлар, афсуски кам келаяпти?

- Инсоннинг қай даражада фикрлаши унинг ўқиётган китобидан, томоша қиладиган спектаклидан маълум бўлади. Ҳар бир спектаклнинг ўз томошабини бор. Томошабинлар ҳар хил, шунга кўра фикрлар ва дунёқарашлар ҳам ҳар хил бўлиши

турган гап. Менимча, спектаклга мажбуран олиб келинган юзта томошабиндан кўра, ўз хоҳиши билан келган, асарнинг мағзини чақиб, моҳиятига тушунган битта томошабин афзал.

Зал тўлди, дегани, бу асарнинг ютуғи дегани эмас, ёки аксинча томошабин кам дегани, асар ёмон дегани ҳам эмас. Бундан бир неча йил аввал "Парвона" спектакли намойиш этилиши керак эди. Нимадир сабаб бўлдию, ўрнига "Рўйхатларда йўқ" спектакли қўйилди. Унда уруш, Брест қалъаси воқеалари тасвирланарди. Спектаклда ўйнаётган эдим. Тўғридан-тўғри ёнимга бир чол келиб "қизим, мен ўзим уруш кўрганман, узр, бу спектаклни кўргим келмаяпти", деса борми? Роль ўйнаб турган жойимда қотиб қолганман. Аслида ўша чол "Парвона"ни томоша қилиш учун келган. Бунинг учун уни айблаб бўлмайди.

- *Саҳна сиз учун қандай маскан?*

- Болалигимда театрларда қанақа одамлар ўйнаркин, мен ҳам саҳнага чиқсам, ўйнай олармикинман, деб хаёл сурадим. Ўша ҳайрат ҳалигача мени тарк этгани йўқ. Ҳар гал саҳнага чиққанимда ўша ҳаяжон, ўша ҳайратда бўлавераман. Ҳаётда сен бировнинг ҳаётида яшолмайсан, саҳнада эса аслингни унутиб гоҳ шоҳсан, гоҳ гадо! Роллар дунёсида оқасан. Ижод азобининг ўзи ҳузурбахш роҳат. Саҳнанинг сеҳри шунда бўлса керак. Бу сеҳр ҳар доим сени ҳайратлар дунёсига етаклайди.

- *Кўпинча сиз ўз хаёлларингиз билан юрасиз. Саҳнада ҳам бундай ҳолга тушганмисиз?*

- Ҳақиқатда, жуда кўп хаёл сураман. Баъзан ёнимдаги кишини ҳам кўрмай қоламан. Ҳаётда энг гўзал ва ширин лаҳза биласизми нима? Ўз хаёлларингиз билан яшай билиш. Саҳнада ҳам маълум бир дақиқа хаёлим кетиб қолади. Шундай пайтда бирдан кимдир ва нимадир мени қўллаб юборади. Дарров ўзимни ўнглаб оламан. Ёнимда кимдир кузатиб тургандек бўлаверади.

- *Албер Камюнинг "Ҳар қандай одамнинг ҳаётида буюк туйғулар кам, майда ҳислар кўп бўлади", деган жумласи бор. Сиз буни қандай изоҳлаган бўлардингиз?*

- Майда ҳислар - бу бировга ҳасад қилиш, гийбат, миш-мишлар билан овора бўлиш. Инсонда бу туйғу қанчалик авж олса, ўзи ҳам шунча майдалашади. Буюк ҳислар эса - бу юксак орзу қилиш.

- *Сайёра опа, нималарни соғинасиз?*

- Болалигимда ўқиган китобларни ўқигим келаверади. Лекин китобни жуда секин ўқийман. Сабаби атрофни бутунлай унутиб, ўша китоб қаҳрамонлари билан яшайман.
- *Ожизлигингиз нимада?*
- Бу ожизликми, ё бошқа нарсами билмадим. Кўнглимда кечган гапни ташқарига ошкор этолмайман. Бировни ҳафа қилиб қўйишдан кўрқаман.
- *Саҳнада қайси санъаткорлар билан роль ўйнаш ёқади?*
- Муҳаммадали Абдуқундузов, Тоҳир Саидов. Булар сизни ҳолатингизни, кечираётган ҳис-туйғуларингизни сезишади.
- *Саҳнада бирон-бир тўсиққа учраганмисиз?*
- Ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам тўсиққа учрамаганман. Ҳали шу пайтгача ҳаётда ёмон одамни учратмадим. Ёмон одамнинг ўзи бўлмайди. Феъл-атвор деган нарса бор, холос.
- *Ёқтирмайдиган нарсангиз?*
- Спектаклдан сўнг саҳнага чиқиб эгилиб салом беришни ёқтирмайман. Қандайдир нотабийдек туюлади менга.
- *Ўйнаган ролларингиздан кўнглингиз тўладими?*
- Ҳар доим эмас. Қачонки томошабин билан уйғунлашиб кетган пайтимда ўзимни тамомила бошқача сезаман. Бундай ҳол кам бўлади.
- *Қайси санъаткорларнинг ижодидан завқланасиз?*
- Яйра Абдуллаева, Римма Аҳмедова, ёшларимиздан Лола Элтоеванинг санъатини ҳурмат қиламан.
- *Айрим санъаткорлар кўча-кўйларда "мана, кўриб қўйинглар, биз келаямиз" дегандек мағрур юришади...*
- Менимча бу шарт эмас. Санъаткор ҳам ҳамма қатори оддий инсон. Вазифаси саҳнада роль ижро этиш. Бунинг нимасига кибрланиш керак, тушунмайман.
- *Шогирдларингиз борми?*
- Шогирдларим йўқ.
- *Дўстингизчи?*
- Танишларим кўпу, негадир дўстим йўқ. Ҳар доим мен ўзимни ёлғиз сезаман.
- *Тушкун кайфиятга тушганингизда сизни нима қутқаради?*
- Ақлим қутқаради, деб ўйлайман.
- *Нимадан кўрқасиз?*
- Бошимга тўсатдан кулфат тушишидан, табиий офатдан кўрқаман.

- 1977 йилдан бери шу сахнадасиз. Қаҳрамонларингиз маълум даражада феъл-атворингизга таъсир қиладими?

- Бироз тажрибам ошгандиру, лекин табиатим ўзгармади. Ўзимни ҳалигача моҳир санъаткорман деёлмайман.

- Кўп аёл санъаткорлар "сахна - ҳаётим" деб сахнага умрини бахшида этишади. Ҳатто кўпчилиги, оила ҳам қуришмайди. Сизга сахнани танла, турмуш иккинчи даражада дейишса, нима қилардингиз?

- Турмуш ўртоғим кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов билан учта фарзандни тарбиялаяпмиз. Бир-биримизни тушунишга ҳаракат қиламиз. Оилам ва фарзандларим учун ҳеч иккиланмай сахнани тарк этган бўлардим! Чунки дунёда фарзанддай улуғ неъмат ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Суҳбатдошим билан иккимиз узоқ суҳбатлашдик. Актриса гоҳ она ("Гамлет"), гоҳ Марта ("Дарахтлар тик туриб жон беради"), гоҳ Нина ("Етти фарёд"), гоҳ Зебуннисо ("Зебуннисо"), гоҳ Дилора ("Бир кошона сирлари") бўлиб кўз ўнгимда гавдаланарди. Оддийгина актрисанинг сахнада шу қадар салобатли кўриниши ҳам сахна сеҳридан бўлса керак. "Аёллар машмашаси" сериалига овоз бериш учун дубляжга шошиб турган экан. Шунинг учун суҳбатимизни шу ерда тўхтатишга тўғри келди. Суҳбатимиз ҳали давом этади...

«Театр» журналы, 2006 йил, 5-сон

БАХТ ДЕГАНИ ШУ ЭМАСМИКИН

(Ўзбекистон халқ артисти

Турғун Хонтўраев ижодига бир назар)

Одам зоти аслида қарздор туғилган. Юрагингизни севинч ёки ўкинчга тўлдириб томирларингизда оқайтган қон ҳам, дилингни илоҳий ё илҳодий этувчи шуур ҳам тилингни анис ёки аниф, қаддингни тик ёки дол этувчи қувват ҳам қарзга берилган.

Нима ўзингизники-ю, нима ўзганики - англаёлмайсиз. Ақли зойиллар бу тилсимот ҳақида ўйламайди - бу уларнинг закийлиги, ақли қобиллар эса замирига етолмайди, бу - уларнинг заифлиги. Аммо икки тоифа ҳам тавба деб тан олади, умрнинг ўзи қарзга берилган.

Ушбу мисралар менинг ён дафтарчамда сақланади. Донолар айтиб кетган бу мисраларни ҳар гал ўқиганимда ўйга чўмаман.

Ҳақиқатан ҳам дунё - мезбон. Биз инсонлар меҳмонлармиз. У ўз меҳмонларини бирма-бир кутиб олаверади ва сўнгра манзилга кузатиб ҳам қўяверади. Қарзга берилган умрини эса ҳар ким ҳар хил яшаб ўтади. Кимдир ўзидан ҳеч нима қолдирмайди, кимдир ўзининг эзгу ишлари билан халқ қалбида ўчмас бўлиб қолади. Инсонни ҳаётлигида, кўзи тириклигида эъозлаш, қадрлаш менимча инсонийликнинг энг олий кўринишидир. Кўпинча биз инсонлар ҳаётийлик чоғимизда бир-биримизнинг қадримизга етмаймиз. Дунёдан ўтгач эса, "у бундай эди, бу бундай эди, - деб жар соламиз. Менимча, икки оғиз бўлса-да, кишининг ҳаётийлик чоғида сўзларимизни айтиб қолганимиз маъқул.

Мактабда ўқиб юрган кезларимда Э. Воҳидовнинг "Олтин девор" спектаклини кўп маротаба кўрганман. Бу спектакль менинг энг сеvimли спектаклимга айланганди. Ўшанда вақти келиб, Абдусалом ролини ижро этган Турғун Хонтўраев ҳақида ёзаман, деб сира ўйламаганман.

Бугун эса актёр ижоди ҳақида мақола ёзишга қўл урдим. Бироқ, Турғун аканинг айни ижоди гуллаган паллаларда мен ҳали дунёга ҳам келмагандим. Бирор инсон ҳақида ёзиш учун эса у билан ёнма-ён яшаш, спектаклларда ўйнаган ролларини кўриш, имкон бўлса суҳбатлашиш ҳам яхши натижа беради.

Мен Ўзбекистон халқ артисти Турғун Хонтўраев хонадонларида бўлиб, у киши билан бемалол суҳбатлашиш бахтига муяссар бўла олмадим. Сабаби ўзингизга маълум, қаричилик, танадан мадор кетган. Шу сабабли ҳам мен бундан бир неча йиллар илгари актёр ижоди ҳақида матбуотда чоп этилган айрим мақолалардан фойдаландим.

"1950 йиллар эди. Собиқ Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри Андижон вилоятига гастролга боради. Театрнинг спектаклларини бошқалар қатори Асака қишлоғидаги ўрта мактабнинг 7- синф ўқувчиси Турғун ҳам кўради. Кўради-ю унинг санъатга ишқи тушиб қолади. Кўнглида "мен ҳам артист бўламан", деган эзгу ният туғилади. 1957 йил театр Одил Ёқубовнинг "Юрак ёнмоғи керак" номли асарини саҳналаштирди. Спектакль муҳокама-

сида Обид Жалилов, Ҳикмат Латипов каби кекса санъаткорлар Турғун Хонтўраев ижро этган Сайёр образи ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Бу Турғуннинг маънавий ўсишда туртки бўлди". ("Ўзбекистон маданияти газетаси, 1968 йил 7 июнь, муаллиф М. Ҳазратқулов).

Яна тўпланган маълумотларга мурожаат қиламиз. Драматург Фарҳод Мусажоновнинг "Оқ кабутар" пьесаси асосида саҳналаштирилган спектаклдаги Сайфиқори образи Турғун Хонтўраев томонидан талқин этилган. "Сайфиқори роли шуни кўрсатиб турибдики, актёр ҳаётини кузатишни, ундан ўзига керакли далиллар, характерлар, ҳолатларни танлаб, ижод хотирасида сақлаш, лозим бўлган жойда ишлатишни яхши билади. Театр анъаналарига таниш авлоддан, биринчи галда атоқли актёрлар Саъдихон Табибуллаев ва Фани Аъзамовдан ўрганганга ўхшайди. Сайфиқори ролини томоша қилар эканмиз, уни бамисоли зўр маҳорат билан бежирим йўналган ҳайкалга ўхшатамиз, уни яхши танигандай, ҳар кун кўриб тургандай бўламиз". (Ўзбекистон маданияти газетаси, 1966 й. 14 декабрь, муаллиф М. Қодиров).

"Миллий театр саҳнасида (собик Ҳамза театри) у илк бор "Бой ила хизматчи" драмасидаги қози ролини ижро этди. Бу ролни театрда жуда кўп актёрлар ўйнашган. Турғун Хонтўраев ижросидаги қози образи аввалгилардан оз бўлсада фарқ қилиши керак эди. У Ҳамза асарини қунт билан ўқиди. Ҳамза тасвирлаган руҳонийлар образини ўзича таҳлил этди. Қози образи Т. Хонтўраев яратган биринчи йирик образ, биринчи ютуқ эди ("Тошкент оқшоми", 1974 йил 23 декабрь, муаллиф А. Сарихўжаев).

Яна шу газетадан айрим мисолларни келтирамиз. "Актёр яратган салбий образлар ичида Уйғуннинг "Беруний" асаридаги вазир Маймандий образи ҳам диққатга сазовордир. Маймандий - Жаҳонгир Султон Маҳмуд Ҳазнавийнинг вазири. Актёр Маймандийнинг нақадар маккор, ҳийлагар, ичидан пишган шахс эканлигини очиб беради. У Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" фожиасидаги Бобо Кайфий образини ҳам яратди. Бу образни Ўзбекистон халқ артисти Наби Раҳимов яратган улкан актёрнинг ижросидан сўнг бу ролга қўл уриш ёш актёр учун анчагина оғир эди. Аммо Т. Хонтўраев устозларининг бири бўлмиш Наби Раҳимовдан нусха кўчирмади. Балки у ўзининг "Бобо Кайфий" сини яратди.

У яратган яна эътиборга сазовор образларидан бири Софоколнинг "Шоҳ Эдип" фожиасидаги авлиё Тиресий образидир. Қўлида асо, кўзи ожиз, дунёнинг оғир-енгилини, жабр-ситамини, заҳматини кўрган мўйсафид пайдо бўлганда залда бир дам сукут чўкади".

1967 йилда чоп этилган "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Туркистон") газетасида Э. Мусаевнинг "Қийқим роль устаси" деб номланган мақоласи бўлиб, унда шундай сатрларни ўқиймиз: «Турғун Хонтўраев Тошкент театр ва расомчилик санъати институти) ҳозирги Санъат институтининг актёрлик факультетини муваффақиятли тугатгандан сўнг 1957 йилда Миллий театр (собиқ Ҳамза театрига) йўлланма олди. Ўша йили театр жамоаси немис драматурги Шеллернинг "Макр ва муҳаббат" пьесасини саҳналаштираётганди. Роль тақсимоотида ёш артист Турғун Хонтўраевга Миллер образи топширилди. У репетициядан бўш вақтларида асар даврига хос кўпгина китобларни ўқир, расмлар билан танишар, доимо устозлар маслаҳатидан баҳраманд бўлар эди. Ниҳоят, "Макр ва муҳаббат" премьераси муваффақиятли ўтди».

Биз юқорида келтирилган далилардан кўринадики, актёр ижро этган ҳар бир роль ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қилади. Ва ҳар бир ролни Турғун Хонтўраев ишонarli ва самимий очиб бера олганини ушбу даллилар исботлаб турибди. Актёр умри давомида жуда кўплаб асарларда каттаю кичик бўлса-да образлар яратди. Бу дегани бедор кечалар, тинимсиз меҳнатлар, изланишлар руҳий ҳолатлар, изтироблар, ижод завқи, қўйинг-чи, бир инсоннинг умри... Албатта биз ҳамма ролларни бирма-бир санаб ўтолмаймиз. "Юрак ёнмоғи керак"да (О. Ёқубов) Сайёр, К. Яшиннинг "Ҳамза" сида исириқчи, "Йўлчи юлдуз" да Саидий, Уйғуннинг "Шубҳа" сида Тоға, Р. Бобожоннинг "Тоға-жиянлар" ида Боқижон, О. Ёқубовнинг "Олма гуллаганда"сида Салим, Горькийнинг "Душманлар"ида Левшин, Островскийнинг "Сўнги қурбон"ида хабарчи... Менинг қўлимдаги рўйхатда эса актёрнинг 70 дан зиёд спектаклларда роль ижро этгани, 100 га яқин кинофильмлар дубляжида иштирок этгани ҳақида маълумотлар бор. Мақола сўнгида Турғун Хонтўраевнинг ўз қўли билан ёзган ушбу мисраларини ҳам айнан келтириб ўтишни лозим топдим:

- "Мен ўзимни бахтли санъаткорлар қаторига қўшгим келади. Негаки мен марҳум Обид Жалилов, Лутфулла Назруллаев, Шокир Нажмиддинов, Сайфиқори Олимов ва бошқа буюк санъаткорлар билан бир саҳнада ижод қилишга ва улар ижро этган ролларни ўйнашга муяссар бўлганман". Бахт дегани шу эмасмикан?!

«Театр» журнали, 2002 йил, 3-сон

ГЎЗАЛЛИК ИЗЛАБ ЯШАЙМАН

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бадиий сўз устаси
Ўткир Сиддиқов ижодига назар)*

Дунёда абадий нарсанинг ўзи йўқ. Бироқ исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат мавжудки, бу сўзнинг боқийлигидир. Адабиётнинг бош мезони ҳам Сўз, унинг куч-қудрати. Сўзни ифодалай билиш, инсонлар юрагига етказиб бериш, чиройли ва тўғри талаффуз ҳам алоҳида санъат ҳисобланади. Биргина "Ассалому алайкум" сўзини ҳар ким ҳар хил талаффуз қилади. Сўзнинг маъно моҳиятига, ифодасига ҳар ким ҳам эътибор беравермайди. Бунинг учун шеърятни, адабиётни ҳис қилиш, қалбдан туйиш, севиш, англай билиш керак. "Сўз устаси" деганда биз қизиқчилар, аскиячилар, кулги усталарини кўз олдимишга келтирамиз. Бадиий сўз устаси деганда-чи? Саҳнада фақатгина концерт томошаларига бошловчилик қилиб кетаверадиган ҳар қандай одамниям бадиий сўз устаси дейиш тўғримикин? Менимча йўқ. Бадиий сўз устаси билан оддий бошловчининг осмон билан ерчалик фарқи бор. Бадиий сўз устаси юқорида келтирганимиз "Ассалому алайкум" деган сўзни бошқача ифодалайди, ўзгача талқин этади. Бугунги кунда саҳнадан қуруқ, ҳиссиётсиз, шунчаки хитоб орқали ўз-ўзини реклама қилаётган айрим бошловчилар бу санъатни кундалик юмушга айлантириб юбораяптилар. Аслида бу юмуш эмас, алоҳида касб.

Қаҳрамонимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўткир Сиддиқов эса бу соҳанинг яъни бу касбнинг моҳир устаси саналади. Унда санъаткорона моҳирлик, сўзнинг мазмунини тушуниб етишлик, жозиба, саҳна маданияти талабларига риоя, нозиктаъб гўзал ижро, ҳатто рақсадаги каби энгил қадамлару нафисликнинг барча барчаси унда мужас-

сам. Бунга эришмоқлик эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ҳалқда "Зуваласи ортиқ" деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам табиат Ўткир акани зуваласини ортиқ қилиб яратган бўлса не ажаб?. Биргина мисол, "Ўзбекистон" ашула ва рақс дастасида "коферансье" штати бор. Бу республикада ягона штат. Ўткир ака 1963 йилда Тошкент давлат Санъат институтининг "актёрлик" факултетига ўқишга кирган давридан бошлабоқ уни ана шу ерга "конферансье" штатига қабул қилишган. Шу-шу, Ўткир ака бадиий сўз устаси сифатида шу филармонияда хизмат қилади. "Халқлар дўстлиги" саройи очилгандан буён, унинг соҳир овози бу қошонада янграб келади. Не-не санъаткорларнинг концерт дастурлари у кишининг бошловчилигисиз ўтмаган. Элимизнинг суюкли санъаткорлари Ҳалима Носирова, Галия Измайлова, Тамарахоним, Кундуз Миркаримова, Жўрабек Муродов, Шоиста Муллажонова, Ҳанифа Мавлонова, Ботир Зокиров, Юнус Тўраев, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров, Ортиқ Отажонов, Комилжон Баратов, Отажон Худойшукуров, Шерали Жўраев, Муножот Йўлчиева, Фуломжон Ёқубов, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафруз Жабборова ва яна бугунги кунда ижод қилиб келаётган истеъдодли санъаткорлар Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Муяссар Раззоқовалар қаторида ёш ижодкорларнинг ҳам концерт дастурларини мисол қилишимиз мумкин. Санъаткорнинг биз билган бир қирраси бу. Билмаганларимиз-чи? Унинг дунё саҳналарини забт этгани-чи?

У Ўзбекистонлик турли бадиий жамоалар билан биргаликда собиқ Иттифоқнинг деярли барча жумҳуриятлари ва хорижий мамлакатларда ижодий сафарларда қатнашди ва дастурларни ўша давлатнинг тилида олиб борди.

1986-1987 йиллар. Ўзбек санъаткорлари Венгрияда ижодий сафарда бўлишди. Ўткир Сиддиқовнинг венгер тилида бошловчилик қилишию унинг ўқиган шеърлари залда ўтирган барча томошабинларни ҳайратга солди.

"Ижодий фаолиятимни бошлаганимга, - дейди у, энди тўрт йил бўлган эди. Москвада, Катта санъат саройидаги катта концертда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим. Машҳур кўшиқчи Людмила Зикина, Литваннинг "Летуа" ва бизнинг "Шодлик" дастаси иштирокида ўтган концерт ҳалихануз кўз ўнгимдан кетмайди. Ҳаяжонли лаҳзалар, кўнги

орзиқадиган ҳис туйғулар, масъулиятли дақиқалар. Икки, икки ярим ойлаб Россия, Украина, Қозоғистон, Кавказ, Қрим, Болтиқбўйи, Карпат орти ўлкалари бўйлаб ижодий сафарларда бўлганимни эсласам юрагим орқага тортади, ишонгим келмайди. Худди эртакка ўхшайди."

Бундан ташқари у Туркманистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қирғизистон, Тожикистон, Белорусия ҳамда Германия, Польша, Болгария, Афғонистон, Венгрия, Руминия, Куба, Хитой, Канада, Исландия ва бошқа ҳорижий давлатларда ҳам ижодий сафарларда бўлганки, бу каби жаҳонгашталиқ ҳали ҳеч бир бошловчига насиб қилган эмас. Уч бора Молдавияда ўтказилган анъанавий "Мерцишёр", Қирғизистоннинг "Алатоу" фестивалларида фаол иштирок этган, Қозоғистонда, Қирғизистонда, Тожикистонда, Озарбайжонда, Украинада, Иркутскда, Тюменда бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларида, Москвада 1975 йилдан 1986 йилгача ҳар йили ташкил этилган ўзбек маданияти байрамларида, Германиянинг Галли шаҳрида бўлиб ўтган "Дўстлик" фестивалида ватанимиз санъати довуғини оламга танитган бахтли ижодкордир.

Сухбатимиз асносида Ўткир ака, ёшлиқ, ўқувчилик дамларини ўзгача ҳаяжон билан хотирлайди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ мактаб саҳналарида юраги завқ-шавққа тўлиб бошловчилик қилгани, тадбирларни, анжуманларни бошқаргани кечагидай кўз ўнгида. У ўзидаги санъатга бўлган иштиёқни сезгач, актёр бўламан деган қарорга келади. Ёшлигидан шеърятга, адабиётга қаттиқ қизиққани боис, кўплаб шеърларни ёд биларди. Эҳтимол, онажонисининг дуторни сайратиб чалишидан юраклари завқланган, тўлқинлангандир? Ўткир ака институтда моҳир педагог Назира Алиева кўлида таҳсил олгач, нутқ маҳорати, бадиий сўзни ифодалаш, саҳна маданияти сирларини пухта эгаллади.

- Ўқиб юрган кезларимда мени филармонияга ишга таклиф қилишганди, - деб эслайди Ўткир Сиддиқов, - Ҳабиб Абдуллаевич менга қараб, Ўткир, сен филармонияга борма, театрға бор, - дегандилар. Мен эса ҳеч иккиланмай театрға эмас, филармонияга ишга кирдим. Менинг ҳаётда катта ютуқларга эришганим, дунё кезиб, юрт кўрганим устозим Назира Алиева туфайлидир. Бу йўлни танлаганимга афсусланмайман".

Кейинчалик у санъат дарғалари, катта-катта санъаткорлар даврасида бўлди. Санъатнинг нозик ва нафислигини, гўзалликни илғай билиш учун кишида юксак дид, қолаверса туғма истеъдод бўлиши шарт эканини англади ва ўз устида тинимсиз изланди.

Унинг ижро бисотида Алишер Навоий, Хоразмий, Лутфий, Нодири ғазаллари, замондош шоирларимиздан Асқад Мухтор, Зулфия, Туроб Тўла, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Нормурод Нарзуллаев, Ўтибор Охунова каби бир қатор хассос шоирларнинг шеърлари, ғазаллари бор. У қайси бир санъаткорнинг дастурига бошловчилик қилмасин, аввал ижро этилажак қўшиқлар мавзуси билан танишади, қўшиқларни тинглайди ва шунга қараб қонцерт дастурининг руҳига, мазмунига мос шеърлар, эпилонг, монолог ва сўзлар дурдонасидан маржон тизади. Юракдан чиққан нарса юракларга етиб боради дейишади. Ўткир ака ҳар бир ғазал ё шеърни юракдан ўтказиб ижро этади ва у юракларга етиб боради.

- *Саҳнада шеър ижро эта туриб, йиғлаб юборган пайтларингиз бўлганми? - дея саволга тутаман Ўткир акани.*

- Бундай ҳоллар жуда кўп бўлади. Айниқса, Абдулла Ориповнинг "Онажон" шеърини ўқиган пайтларимда кўзимга ёш келади, - дейди санъаткор.

- *Икки юздан ортиқ давлатларда бўлгансиз, сизнинг овозингиз кирмаган хонадон йўқ. Ахир бундай бахтга унча бунча одам эришолмайди. Армонингиз бўлмаса керак-а, - деб сўрайман.*

Санъаткор ўйланиб жавоб беради. "Ўзимни дунёда энг бахтли инсонлардан деб биламан. Ҳаётдан, одамлардан гўзаллик, муҳаббат, садоқат излаб яшайман. Бироқ, дунёнинг ўзи бир кам. Чунки у ҳеч бир нарсани мукамал, тўла тўқис қилиб бермайди. Менга армон, фарзандим Ҳилолаҳоннинг ҳаётдан жуда эрта кетгани." Ўткир ака унсиз йиғлайди. Мавзунини бошқа томонга буришга ҳаракат қиламан.

- *Жуда кўнгишчан, камтар, меҳрибонсиз. Келинларингизга маза бўлса керак? - дейман яна.*

- Ҳа албатта, менинг бахтим, шириндан ширин набираларим, келинларим, ўғилларимнинг борлиги. Катта ўғлим Санжар қаратэ спорти бўйича қора белбоғ соҳиби. Кичкиниси Сангин давлат корхонасида хизмат қилади. Турмуш

ўртоғим Дилбархон боғчада ишлайдилар. Худога шукр, оилам билан фахрланаман. Қолаверса қанчадан-қанча дўстлар, мухлислар орттирдим. Тадбирларга, тўй-томошаларга таклиф қилишади. Яқинда "Меҳрибонгинам" деб номланган бадиий фильмда суратга тушдим. Бу фильмда Ота ролини ижро этдим. Ёшлигимда тўй-ҳашамларга чақиришса, дадам "йўқ, бормайсан, сен пулни кетидан қувма, меҳнат қил, излан, пул ўзи сени топади", дердилар. Қарангки, яхшиям шошқалоқлик қилмаган эканман. Мана, ҳалигача мухлислар ўрта-сида талашман. Ҳозирги ёшлар эса негадир жуда шошишади. Тезда машҳур бўлсам, дейди.

- *Шогирдларингиз кўп бўлса керак?*

- Шогирдларим йўқ эмас, бор. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам шеърият ва адабиётни ҳис қилиш, тушуниш, билим камроқ. Умуман саҳнани, ўз ишингни астойдил севмасанг, фидойи бўлмасанг бу даражага эришиш мушкул. Саҳнага чиқиб қуруқ хитоб қилган билан одам машҳур бўлиб қолмайди.

Ўтқир Сиддиқов ҳаётда садоқатли дўст, камтар, кўнгилчан, эстетик диди баланд, қалбан гўзал инсон. Ҳаёт гўзалликларидан завқлана билишлик, ҳаётдан нур қидириб яшашликнинг ўзи катта бахт эмасмикин? Шу ўринда ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг ушбу сўзларини келтириб ўтишни жоиз деб биламиз.

"Гўзаллик - бамисоли дарахт. Япроғи - ахлоқ, илдизи - ички дунё, меваси яхши фазилат. Хуллас, одам боласида гўзаллик - табиат ато қилган хусн жамолдан ташқари, яна энг яхши хулқ атворни, инсондаги энг яхши фазилатларни ўз ичига олган одамийликдан иборат".

«Театр» журнали, 2005 йил, 6-сон

ҚАЛБИМ БУЮРГАНИНИ ҚИЛДИМ

*(Санъатшунос олим, профессор
Муҳсин Қодиров билан суҳбат)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маънавият ва маърифат, санъат, оммавий ахборот воситалари ва

ижтимоий соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига биноан кўпгина юртдошларимиз ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирландилар. Шулар орасида "Эл-юрт ҳурмати" орденини олишга сазовор бўлган ҳурматли домламиз атоқли санъатшунос олим, профессор Муҳсин Қодировнинг номлари ҳам бор.

- *Домла, юксак мукофот муборак бўлсин...*

- Қуллуқ, қуллуқ. Бу мукофот мен учун кутилмаган бахт бўлди. Умримда биринчи марта орден олишим ҳам истиқлол туфайли бўлди. Умуман, Шўро даврида халқ ижодиётини ўрганиш, маросимлар, удумлар, миллий қадриятларни тадқиқ этиш иккинчи даражали иш деб тушунилар эди. Санъатнинг партиявийлиги, интернационализм, синфийлик, соцреализм ҳақида кимда-ким тадқиқот олиб борса, ўша зўр олим ҳисобланарди. Шундай бир даврда мен халқ ижодиёти, миллий қадриятларни ўрганишга, тадқиқ этишга астойдил бел боғладим. 1958-1965 йиллар ичида халқ ижодиётини чуқур ўрганиш мақсадида экспедициялар ва илмий сафарлар уюштириб, бутун Ўзбекистонни қишлоқма қишлоқ, туманма туман, вилоятма вилоят кезиб чиқдим. Халқнинг ичида юриб, томоша санъатлари (анъанавий театр, рақс санъати, халқ цирки)нинг уч юздан зиёд намояндаси билан учрашиб, суҳбатлашиб, улар ижросида 150 га яқин томошаларни ёзиб олдим. Суратларга олинди. Магнит ва киноленталарига туширилди. 1965 йилдан кейин ҳам халқ ижодини муттасил кузатиб, амалий жараёнга араллашиб, тарғиб қилиб келдим. Мана шу материалларим бир қатор илмий асарларимнинг майдонга келишига асос бўлди.

- *Сизнинг фалсафа, тарихшунослик, иқтисод фанларини эмас, айнан санъатшуносликни танлашингизнинг боиси нимада?*

- Гап шундаки, болалигимдан санъатга жуда қизиққанман. Яхшигина овозим ҳам бор эди. Тахминан, 14 ёшимда ашула айтганман. "Лайли ва Мажнун" спектаклидаги ашулаларни ёд билардим ва йиғлаб куйлардим. Шеърлар ҳам ёзганман. Машқларим матбуотда ҳам чоп этилган. Шаҳрисабздаги Амир Темур номидаги 1-ўрта мактабни тугатиб, муҳбир бўлиш орзусида таваккал деб Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет) ариза бердим.

Имтиҳонлар бошланди. Ўтдим. Бир куни қарасам, Нажибулла Ҳабибуллаев деган киши университетга келиб, атрофига ёшларни тўплаб олиб, алланималар ҳақида сўзлаётибди. Мен ҳам қизиқиб қулоқ тутдим. "Санъат институти бор, унда режиссёр, актёр, танқидчилар тарбиялаб етиштирилади, кенг билим берилади, шароитлар яхши, кўп нарсаларга эришиш мумкин", деб оғзидан бол томиб тарғиб қилди. Хуллас, ташвиқотларга учиб, ҳужжатларимизни қайтариб олдиғу, мен ва Мирзакарим Бобоев у киши айтган жойга бордик. Бизни шунақанги кутиб олишдики, асти қўяверасиз. Имтиҳонсиз қабул қилишди. Бироқ мен 1-2-курсларда иккиланиброқ ўқидим. Сабаби, атрофдагилар бизга менсимайроқ, камситгандек муносабатда бўлишарди. Лекин кўнгил хоҳиши, қалб майли, қизиқишларим устун келиб, 3-курсдан дадил бўлишга, ҳалол ўқишга киришиб кетдим. Дарсларимиз рус тилида олиб бориларди. Рус тилини тез орада мукамал ўргандим.

- *Илмий даража учун диссертацияларни ёқлаш жараёнлари қандай кечган?*

- Ўша пайтларда илмий ишларнинг деярли барчаси рус тилида ёзиларди. Мен фақатгина диплом ишимни рус тилида ёзганман. Чунки институтдаги домлалар ўзбек тилини билмасди. Аммо номзодлик ва докторлик диссертацияларимни кўнглимдаги миллий туйғу, фахр туйғуси билан ўзбек тилида ёзганман. Чунки халқ ижодиётини миллий тилда тадқиқ этиш зарур деб ҳисоблаганман. Аммо авторефератлар рус тилида ёзилган. Чунки диссертацияларни охир-оқибатда Москва тасдиқларди.

- *Тўсиқларга учраганмисиз?*

- Тўсиқлар бўлганда қандоқ. Тошкентда санъатшунослик бўйича ҳимоя қиладиган кенгаш бўлмаган. Ҳамма юртлардан диссертацияларини кўтариб Москва ва Ленинградга таъзим қилиб боришарди. Мен номзодлик диссертациямни Тошкентда Ўзбекистон ФАсининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича кенгашида ҳимоя қилганман. Бироқ докторлик ишимни дастлаб Озарбайжонга олиб борганман. У ерда кенгаш ўз ишини тўхтатгани сабабли ишим бир ярим йил қолиб кетган. Кейин ишни, бир жомадон китобларимни Арманистонга олиб ўтганман. Арманистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтида мени яхши қабул қилиш-

ган. Арманлар ўзбек тилини билмайди, шу сабабдан ишни бироз қисқартириб рус тилига таржима қилганман. Яъни, авторефератнинг ўзи 8,5 босма табақни ташкил этган. Ҳар эҳтимолга қарши деб тўртта оппонент белгиланган: булар Тожикистондан Низом Нуржонов, Арманистондан Собир Ризаев, Ўзбекистондан Лазиз Қаюмов билан Файзулла Кароматов эди. Докторлик ҳимоям силлиқ ўтгани йўқ, албатта. Айниқса, Низом Нуржонов бир қатор танқидий фикр-мулоҳазалар билдирган. Аммо мен ҳаммасига комил ишонч билан, дадил жавоб қайтарганман. Хуллас, мен Мамажон Раҳмонов қаторига кириб диссертацияларим, китобларим, мақолаларим билан ўзбек халқи театр санъатига октябр инқилобидан кейин эришди, - деган нотўғри қарашларга зарба бердим. Биз ўтмишда ҳам халқимиз минг йилларни ўз ичига олган театр санъати тарихига эга бўлганини исботладик ва буни бутун жаҳон, илм аҳли тан олди.

- *Босиб ўтган йўлларингизга назар ташлаганингизда нимадан кўнглингиз тўлиб, нималардан афсус-надомат чекасиз?*

- Умуман олганда, мен тақдиримдан нолимайман. Чунки фанда севимли мавзуларни тадқиқ этиш билан машғул бўлдим. Мана, масалан, "кулки" атамасини олайлик. Буни кулги деб ўзгартириб ишлатишади. Ҳолбуки, кулки комедия маъносини беради. Кулки-ҳикоя комедия-ҳикоя демакдир. Ҳар бир атаманинг келиб чиқиши, ривожланиш жараёни бор. Ўйин, томоша, масхара, қизиқ, корфармон, маврака, байрам, сайил каби юзлаб атамаларнинг келиб чиқиши, маъноларини англаш билан шуғулландим. Бир сўз билан айтганда, ўзбек театршунослиги илмий тилини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшдим десам, хато бўлмайди. 1963 йилда "Фан" нашриётида энг биринчи китобим "Ўзбек халқ оғзаки драмаси" чоп этилган эди. Шундан бошлаб анъанавий санъат бўйича ўнлаб китоб, юзлаб мақолаларим эълон қилинди. Бундан ташқари, театр танқидчиси сифатида замонавий театр муаммолари билан мунтазам шуғулланиб келаман, ижодий жараёнга аралашиб, ўз муносабатимни билдириб тураман.

- *Домла, санъатушунос олим сифатида бирон-бир спектакль хусусида ўз фикр-мулоҳазаларингизни ҳаммиша очиқ-ойдин, рўй-роҳ айта оласизми ё муросасозлик нуқтаи назаридан баҳо бериб кетган пайтларингиз ҳам бўлганми?*

- Табиатан кўнгилчанман. Бировнинг кўнглини оғри-тиб қўймасликка ҳаракат қиламан. Фикр билдираётган чоғда жамоанинг меҳнатини инобатга олиб, холисанилло баҳо бераман, лекин ижрода, ечимдаги маълум камчиликларни жамоанинг нафсониятига тегмасдан, йўлини топиб барибир айтаман. Дейлик, аксарият одамлар асарни маъқуллаб туришибди, шундай пайтларда яхшиси индамай кўя қоламан.

- *Нега энди индамай кўя қоласиз?*

- Бунинг сабаби, бир кунмас бир кунмас бир кун ҳақиқат енгиб чиқишига ишонаман. Дейлик, ўн киши бир фикрда туришибди-ю, бир-икки киши бошқа фикрда, шундай вазиятларда одатда кўпчиликнинг фикри ҳисобга олинади. Муқимий номидаги мусиқий театри саҳнасида "Суперқайнона" спектаклини икки марта кўрдим. Очиғи, менга ёқмади. Нега? Асарда мантиқ йўқ. Онанинг тазйиғи остида ўғилнинг қаторасига учта хотинга уйланиши сохта топилма. Шунинг учун фикр билдирмадим. Миллий театр саҳнасида "Чимилдиқ", "Қаллиқ ўйин" спектаклари ҳам шов-шувларга сабаб бўлди. Кимлардир танқидий фикр билдирди, кимларгадир умуман ёқмади. Мен эса қабул қилдим. Нега? Асарда мантиқ бор. Фикримча, ўзбек театрига ана шундай йўналишдаги асарлар ҳам керак. Нима учун халқда бор баъзи театрлашган маросимларни саҳнага олиб чиқиб бўлмайди? Миллий театр ўз номи билан миллийку, қадриятларимизни, урф-одатларимизни, анъаналаримизни саҳнага олиб чиқиши керакку, ахир. Албатта, фольклор этнографик тоифадаги спектакллар театрда бир йўналиш бўлиши мумкин, холос. Шу билан бирга театрда бошқа йўналишдаги асарлар ҳам бўлиши табиий. Яъни спектакллар ҳар хил услубда, ҳар хил йўналишда, ҳар хил жанрда бўлиши керак.

- *Маълумки, театршунос олим ва педагогларнинг аксарияти сизнинг шогирдларингиз. Шогирд танлашда нималарга эътибор берасиз?*

- Шогирдларимнинг деярли кўпчилигини талабалик давридан бошлаб билганман, синовдан ўтказиб, кейин уни илм-фан томон йўналтирганман. Шогирдларимнинг икки жиҳатига эътибор бераман: биринчиси - истеъдод бўлса, иккинчиси, инсоний фазилатларидир. Зеро,

ҳақиқий олим бўлиш учун аввало ҳалол, танги, меҳнаткаш инсон бўлиши керак. Иккиюзламачи, фирромларни ёмон кўраман. Агар шогирдим мендан бошқани устоз деса, демак, у менга содиқ эмас. Ҳар бирининг тақдирига бепарқ қараб туролмаيمان. Илмда қаттиққўл, талабчан бўлмаса бирон бир натижага эришиш мушкул. Шогирд ҳам ўз навбатида сабрли, матонатли, чидамли бўлиши керак. Шогирдларимнинг ўз режаларини қатъият билан амалга оширишларини кузатиб бораман.

- Домла, ўзингизнинг устозингиз ҳам қаттиққўл бўлганмилар?

- Ҳаётда ҳар бир инсоннинг атрофида ёрдам берадиган кишилари бўлади. Масалан, Михаил Григорьев, Яков Фельдман, Мамажон Раҳмонов каби инсонлар менга ҳам кўп ёрдам беришган. Лекин менинг устозим битта - у ҳам бўлса Ходи Зариф бўлган. Ходи аканинг меҳрини унчамунча одам қозона олмас эди. Домланинг ажойиб услублари бор эди. Агар бирор иш ёқмаса, уни ўқимай ташлаб қўядилар. На бўлади, на бўлмади деб бирон-бир фикр айтмасдилар. Охири ўша одамнинг ўзи изланиб, қидириб, камчиликларини топиб тузатмагунча иш ётаверарди. Энди билсам, домла бу билан шогирдни меҳнатга, изланишга ўргатар экан. Диссертациями домлага қўлёзма шаклида берганим эсимда. Кейин ёзув машинкасида кўчириб қўлларига бердим. Домла олти ой ўқиб, маъқуллаб берганлар. Ҳамма мени табриклаган. Домла ҳар қандай шароит бўлмасин, ўз фикрини қаттиқ ҳимоя қилар, талабчан эдилар. Домланинг камтарлик, ўйлаб сўзлаш, одамгарчилик каби фазилатларини ўзимга сингдиришга ҳаракат қилганман.

- Мустақиллик илмий ижод учун ҳам катта имконият ва шарт-шароит яратди. Сиз катта олим сифатида 12 йил ичида қандай ишларни амалга оширдингиз? Сиз ишингиздан қониқасизми?

- Шўролар даврида баъзи масалаларда очиқ-ойдин фикр билдириш жуда қийин эди. Маълум ҳолларда йўлини топиб тўғри гапни аранг айтардик. Энг ёмони - масалаларга партизавийлик, синфийлик нуқтаи назардан қараларди. Кутилмаганда, бирдан мустақиллик бўлди. Миллий ғурур уйғона бошлади. Ватан, мамлакат, халқ, жамият тушунчалари аниқ шаклга эга бўла борди. Виждон эркинлиги, фикр эркинлиги,

ижод эркинлиги ҳаётимизга гуркираб кириб келди. Эркинликка кўникиш биров қийинчилик туғдирди. Ҳазм қилиш қийинроқ кечди. Лекин, шахсан мен 80-йиллар ўрталаридан ўзимда ўзгаришларни сеза бошлагандим. Мусиқали драма бағишланган илмий конференцияда миллийлик ҳақида сўзга чиққанам эсимда. У пайтларда миллийлик ҳақида ошкора гапириб бўлмасди. Миллий театрда саҳналаштирилган В. Розовнинг "Оқшомдан тушгача" асари ҳақидаги тақризим "Совет Ўзбекистони"да босилдию, бошим балого қолди. Тақризда асар нотўғри танлангани, ўзбек томошабинига тушунарсиз талқин этилгани хусусида ёзилган эди. Хуллас, муҳокама қилишмоқчи бўлишди. Аммо... Мустақиллик даврида театрлар учун ҳам, театршунослар учун ҳам шароитлар тубдан ўзгарди. Ёзиш ва саҳналаштириш у ёқда турсин, ҳатто ўйлаш мумкин бўлмаган мавзуларда асарлар яратилди. Камина "Темур ва темурийлар даврида томоша санъатлари" рисоламни чоп эттирдим. Турт тилда босилган "Амир Темур жаҳон тарихида" тадқиқот альбомининг томоша ва байрамларга бағишланган бўлимларини ёздим. Кўйингчи, бу даврда томоша санъатлари тизимини ялпи ва яхлит ўрганиш йўлидан бордим. Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари юбилейлари муносабатлари билан 4-5 тилда чоп этилган китобларнинг барчасида менинг ҳам ҳиссам борлигидан фаҳрланаман. Айниқса, "Навоий ва саҳна санъати" номли китобимда Навоий ижоди билан боғлиқ бўлган санъатга оид барча қирраларни жамлаганман. Навоий ижодига томоша санъатининг манбаи ва замонавий театр санъати талқини сифатида қараганман. Қатор халқаро илмий конференцияларда маърузалар билан қатнашдим.

"Ўзбектеатр" ИИЧБ томонидан чоп этилган "Истиқлол ва миллий театр" китобини нашрга тайёрлаб, муҳаррирлик қилдим. Ушбу китобни замонавий театрнинг янги даври бўйича муҳим тадқиқот деб ҳисоблайман. Яқинда эса маданият, санъат коллежлари ва олий ўқув юртлири талабалари учун "Ўзбек театри тарихи" дарслигим нашрдан чиқди.

- Домла, бир қанча пьесаларингиз театр саҳналарида қўйилган. Драматургия ижодингизда қандай ўрин эгаллайди?

- Мен бадиий ижодни дил хушлиги деб ҳисоблайман. Илмий ижоддан чарчаган пайтларимда бадиий ижод билан шуғулланаман. "Бахт қуши" пьесам Сурхондарё, Қашқадарё, Му-

қимий номидаги мусиқий театри сахналарида қўйилган. Республика қўғирчоқ театрида "Кенжа қиз", "Сирли най", Хоразм вилояти қўғирчоқ театрида "Сусамбил" пьесаларим сахналаштирилди. Ўзбекистон Ёшлар театри сахнасида "Сехрли узук" асарим рус тилида қўйилди. Бадиий ижод соҳасида изланиб, 16 пьеса ёзишга, иккита асарни таржима қилишга улгурдим. Энди ўйлаб қарасам, бадиий ижодим ҳам халқ ижодиёти замирида вужудга келган экан.

- *Келгусида яна қандай тадқиқот ишларини амалга оширишни режалаштириб қўйгансиз?*

- Юқорида айтиб ўтганимдек, истиқлол ижод эркинлигини берди. Бу яхши. Аммо бир нарса кўнглимни сал оғритади. Китоб нашр қилдириш масаласи... Китоб чиқариш кимлар учундир осон бўлиб қолди. Мени маъзур тутасиз, ижоддан беҳабару, аммо пули борлар бўлар-бўлмас китобларни ҳам чоп эттиришяпти. Газета ва журналларда босилган материалларни тўплаб, муаллиф сифатида ўз номлари билан чиқараётганларни ҳам кўраяпмиз. Қани бу ерда муаллифлик ҳуқуқи? Қани бу ерда том маънодаги ижодкорлик? Кошки эди бирон-бир валломат ҳомий топилсаю, ёзган, мисқоллаб йиғган, тўлаган асарларимни 5 жилдлик китоб ҳолида нашр эттирсам. Ахир, илм игна билан қудуқ қазишдек гап-ку?! Китобларимнинг номларини "Томоша санъатлари ўтмишига саёҳат", "Ўзбек анъанавий театри", "Анъанавий театр драматургияси", "Замонавий театр", "Бадиий ижод" деб атаган бўлар эдим. Яна бошқа орзу ниятларим ҳам бор... Хуллас, қалбим буюрганини қилдим. Иншооллоҳ, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Саломатликни берса бўлгани.

Юксак мукофот, албатта, янада астойдил илмий излаНИШларни давом эттиришимга қанотлантиради. Меҳнатимнинг қадрлангани мени илҳомлантиргани шубҳасиз.

«Театр» журнали, 2003 йил, 5-сон

ПАРДОЗЧИ БЎЛАМАН ДЕБ ЎЙЛАМАГАНМАН

Актёрни элга танитадиган, унинг истеъдодини, ижодини, имкониятларини юзага чиқарадиган режиссёр бўлади, дейишади. Бу гапни инкор этмоқчи, бирон-бир эътироз билдирмоқчи эмасман, асло. Қўшимча сифатида бир нарсани таъкидламоқчиман. Бир одамдан тамомила бошқа одам қиёфа-

сини ярата олиш санъати бу ўта мураккаб ва айни пайтда нозикликни талаб қилади. Бу санъатнинг нозик томонлари, мураккабликлари, томошабинлар илғай олмайдиган жиҳатлари борки, унинг сиру-синоатларини фақатгина шу касбнинг усталари билади, холос. Шу ўринда пардозлов (гримчи) чиларнинг актёрларни саҳнага тайёрлашдаги беқиёс хизматлари борлигини унутмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Суръат Жалилов - уста пардозловчи. У кишини билмайдиганлар, исму шарифини эшитмаганлар кам топилади. Негаки, 52 йил давомида саҳналаштирилган спектакллар борми, телевидение орқали намойиш этилган қатор-қатор видеофильмларми, кинофильмларми, қўйинг-чи, ҳамма-ҳаммасидан Суръат аканинг сеҳрли қўли, катта хизмати, машаққатли меҳнати бор. Албатта уларни санаб адоғига етиш қийин. Улардан "Сен етим эмассан", "Севги қиссаси", "Ганг дарёсининг қизи", "Май тўкилганда", "Макр ва муҳаббат", "Эзоп" сингари классик ва замонавий асарларни келтириб ўтиш мумкин.

- *Суръат ака, ҳамонки грим ҳақида сўз борар экан, унинг тарихи ва бизга қачон кириб келгани хусусида сўзлаб бергансиз?*

- Грим сўзи аслида французча сўздан олинган бўлиб, кишилар юзида ажин яшаш деган маънони билдиради. Грим санъати Европада шаклланган, ривожланган ва бизгача етиб келган. Авваллари грек театрларида ниқоблардан фойдаланишган. Бора-бора бу ниқоблар халқнинг меъдасига теккач, инсон танасига халақит бера бошлагач, турли хил бўёқларга ўтилган. Бизда эса театр пайдо бўлган даврдан то шу кунгача грим санъати ривожланиб келмоқда. Театр пайдо бўлмасдан аввал эса бизда масхарабозлар турли хил рангли бўёқлардан фойдаланишган.

- *Масалан, бир спектаклни саҳналаштириш арафасида пардозчи энг биринчи навбатда ишни нимадан бошлайди?*

- Энг биринчи вазифа - асар билан яхши танишиш. Уни ўқиб, ўрганиб чиққач, қаҳрамонларнинг ташқи ва ички қиёфаларига, характерларига қараб пастиж ишлари олиб борилади. Гримнинг 3 турини мукамал эгаллаган одам ишни нимадан бошлаб, нима билан яқунлашни яхши билади. Гримнинг биринчи тури, пардозлаш - мошата деб аталади. Иккинчиси, юқорида айтганимдек, пастиж дейилади. Ва ниҳоят, учинчи тури эса бу причёскадир. Пастиж ишларига

локон, киприк яшаш, парик яшаш, соқол, мўйлаб ва бошқалар киради. Албатта, булар асардаги образнинг характери-га мослаб ишланади. Чунки салбий ё ижобий характердами, образнинг феъл-атвори, ички дунёси ташқи кўринишидан сезилиб, бўртиб туриши керак. Масалан, ўта жаҳлдор киши қиёфасини яратиш лозим бўлса, шунга мос равишда соқол, мўйлаб тўқиш керак бўлади. Юмшоқ характерлилар қиёфасини яратиш учун эса бошқа мўйна туридан соқол тўқилади.

- *Бундан чиқди, бир хил мўйнадан ҳам салбий, ҳам ижобий қаҳрамонлар учун соқол, мўйлаб тўқилмас экан-да?*

- Йўқ. Мўйналарнинг бир-биридан фарқи бор. Одам соч толасидан, ангор жунидан, буйвола (хайвон мўйнаси)дан, туя мўйнасидан фойдаланилади. Буларнинг бари асар қаҳрамонлари характерларига қараб ишлатилади ва махсус тўқилади. Масалан, эътибор берган бўлсангиз, аввал қўйилган спектакллардаги қозиларнинг соқоли Майин, сийрак, юмшоқ, шамолда учиб-учиб туради. Бу соқоли улар характери-га жуда мос келган ва қаҳрамон феъл-атворини, характери-ни бирмунча очиб беришга хизмат қилган. Бундай соқоллар эса ангор жунидан тўқилади. Яна бир мисол, Ҳусайн Бойқаронинг характери жиддий, жаҳлдор, юз ифодаси, қарашлари ўткир бўлгани учун соқол ва мўйлаби ҳам тик, қаттиқ. Бундай соқол, мўйлаблар эса туя мўйнасидан тўқилади. Хуллас, ҳар бир спектаклда бир-бирига ўхшамаган характерли қаҳрамонлар бўлгани учун қиёфалари ҳам умуман ўзгача, бир-биридан ажралиб туриши керак. Бу қиёфалар томошабинларнинг ёдида бир умр сақланиб қолиши табиий. Актёрнинг қиёфасини аслида пардозчи (гримчи) яратади. Уни саҳнага тайёрлаб берувчи ҳам пардозчи саналади. Ролни қанчалик ижро этиш, қаҳрамонларнинг ички дунёсини тўлақонли очиб бериш, характери-ни кўрсата олиш эса актёр маҳоратига боғлиқ.

- *Замонавий ёки классик, асарларнинг қайси бирида ишлаш жараёни, сизнингча, мураккаброқ?*

- Замонавий асарлардаги қаҳрамон қиёфаси классик асарлардаги қаҳрамон қиёфасидан тубдан фарқ қилади. Масалан, замонавий бир спектаклда чол образи бор дейлик. Дўппи, чопон, макси, оддий кўйлак, юзига озгина грим ки-

фоя. Бу ерда мураккаблик йўқ. Буни эса мумтоз асарлардаги образлар билан қиёслаб, таққослаб бўлмайди. Масалан, "Қирол Лир", "Гамлет", "Отелло", "Қароқчилар", "Айбсиз айбдорлар", "Сепсиз қиз" каби спектакллардаги қахрамонлар қиёфасини яратиш - бу мураккаб иш. Мен эса ана шундай спектаклларда ишласам, ўзим яйраб кетаман.

- *Эшитишимча, мутахассислигиниз бўйича филолог экансиз. Қандай қилиб бу касбга қизиқиб қолгансиз? Ёки отангиз машҳур санъаткор Обид ака Жалиловнинг хизматлари бўлганми?*

- Пардозловчи бўламан, деб сира ўйламаганман. Дадам раҳматли ҳам қўлимдан етаклаб "сен шу касбни танла" демаганлар. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳаёт қийинчиликлари туфайли театрға ишға келганман. Оила, рўзғор тебратиш, тирикчилик ташвишлари дегандай. Шу аснода ўзим қандай қилиб бу касбга қизиқиб қолганимни билмайман. Ҳаётда инсоннинг мўлжаллагани ҳамма вақт ҳам бўлавермас экан. Мен буни тақдир деб атайман. Мана ҳозир кўрган-кечирган қийинчиликларим ортда қолди, 5 фарзанднинг ҳаммасини уйли-жойли қилдим. Шу касбнинг этагидан маҳкам тутиб профессионал пардозловчи даражасига кўтарилдим. Ҳозирда Санъат институтида грим санъатидан ёшларга сабоқ беряпман.

- *Бугунги кунда ёшларнинг қизиқиши, интилиши сизни қониқтирадими?*

- Грим санъатининг ўзига хос қийин томонлари кўп. Буни бирма-бир айтган бошқа, амалиётда қўллаш бошқа. Ҳозирги кунда Зоя Приходько, Мавжуда Рашидхўжаева, Насиба Ҳожиева сингари яхши пардозчилар бор. Бироқ юқорида айтганимдай, соқол, мўйлаб, киприк тўқиш деган нозик ва мураккаб иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу ишға қанча ёшлар қўл уриб кўришди, бироқ сабр-тоқатлари етмай охиригача етказишолмади.

- *Суръат ака, устозларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?*

- Виктор Поликарпович Лучшихин, Ерём Гаспорян, Давид Андреевич Кель каби ажойиб, моҳир пардозчилар қўлида тарбия кўрганман, грим санъатининг энг нозик сирларини ўрганганман.

- *Сизнингча грим санъатини янада ривожлантириш учун нималарга кўпроқ аҳамият бериш керак?*

- Саҳналаримизга фақат ва фақат мумтоз, фалсафий асарларни яна қайтадан олиб чиқиш керак.

«Театр» журнали, 2001 йил, 3-сон

«АЁЛ – Ў ЎҚИЛИШИ ҚИЙИН БИР КИТОБ...»

*(Ўзбекистон халқ артисти
Гулчеҳра Жамилова билан суҳбат)*

Атоқли адибимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романини ўқимаган китобхон, унинг кино талқинини томоша қилмаган хонадон топилмаса керак. Асарни ўқиган ҳар бир китобхон ўзини бош қаҳрамонларга - Кумушбиби ва Отабекка ўхшатгиси келади. Ўша пайтларда кўплаб хонадонларда туғилган чақалоқларга Отабек ва Кумуш деб исм қўйилганлиги ушбу асарнинг халқ томонидан муносиб кутиб олинганлигининг далилидир.

Олдинда минглаб инсонлар қалбини ром этган асарни экранга олиб чиқиш вазифаси турар, бу эса ижодкорлар елкасига катта масъулият юкларди. Адиб қаҳрамонлари асарда қандай таърифланган бўлса, экранда ҳам худди шундай жонланиши керак эди. Танловда қанчадан - қанча Кумушбибилар синовдан ўтмади, дейсиз. Ва ниҳоят...

Халқимизнинг севимли актрисаси, назокатли, жозибали санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, кўп йиллар давомида Ўзбек Миллий академик драма театрида фаолият кўрсатган Гулчеҳра Жамилова талқинидаги Кумушбиби китобхон кўз ўнгида намоеън бўлган қаҳрамон сиймосида гавдаланди ва томошабин уни тан олди, эътироф этди. Бу роль ўзбек киноси тарихида ўчмас ном қолдирди. Бугун мухлислар Гулчеҳра Жамиловани театр саҳнасида учратмаётган бўлсалар-да, унинг овозини ҳар кун эшитадилар, унинг қаҳрамонлари билан учрашадилар. Унинг киши қалбини жунбушга келтирувчи ширали ва майин овози баъзан ёш қизалоқ бўлиб, баъзан ҳукмрон қиролича бўлиб, баъзан эса хокисор, мушфиқ она бўлиб жаранглайди.

Гулчеҳра Жамилова!

– Гулчеҳра опа, саҳнага чиқмаётганингизга ҳам анча бўлди. Театрни, саҳнани соғинасизми?

Нима ҳақида сўраётганингизни англаб турибман. Саҳна, унда роль ижро этиш, ҳамкасблар, устозлар билан ёнма-ён ишлаш... буларни соғинмай бўладими? Ҳар гал театр биносининг олдидан ўтганимда юрагим алланечук бўлиб, жизиллаб кетади. Аввал ўйнаган ролларим - Бибихоним, Зебунни-

со, Нодирабегимлар кўз олдимга келади. Театрдан кетишимнинг эса ўзига хос сабаблари бор. Булар ҳақида гапирмаганим маъқул.

– *Келинг, мухлисларингизга "Ўткан кунлар" бадиий фильми ва уни суратга олиш жараёни қандай кечганлиги ҳақида гапириб беринг.*

Ўша кунлари собиқ Ҳамза номидаги (ҳозирги Ўзбек Миллий академик) драма театрида "Бой ила хизмачи" асари қайта сахналаштириляётган эди. Янги турмуш қурган кезларим. Фарзанд кутаётгандик. Режиссёримиз Йўлдош Аъзамов ва иккинчи режиссёр Борий Хўжаевлар "ҳомиланинг белгиси юзидан билиниб қолади, томошабин эса буни дарров пайқайди", деб қаттиқ туриб олишди. Аслида бу ролга менинг номзодимни Шухрат Аббосов кўрсатганлар. Хуллас... Йўлдош ака "менга марғилонлик, ўзбекона қиз керак, Гулчеҳра ўта замонавий", деб қаттиқ туриб олдилар. Уларнинг бу гапларидан кейин бу ролдан умидимни узган эдим. Лекин орадан кўп ўтмай, кутилмаганда мени студияга чақириб қолишди. Мени Отабек ролини ўйнайдиган Ўлмас Алихўжаев билан таништиришди. Ўшанда ич-ичимдан роса қувонганману лекин Раззоқов Ҳамроев, Марям Ёқубова, Наби Раҳимов каби устоз санъаткорларни кўриб, қаттиқ ҳаяжонланганман. Уларнинг салобати босиб, бир оз чўчиганман. Фильмнинг муваффақиятида, қахрамонимнинг ички қиёфасини, характерини, ҳам ташқи, ҳам ички ҳиссиётларини очиб беришимда айнан шу санъаткорларнинг беназир хизматлари бор.

– *Эшитишимча, фильмда суратга тушаётганингизда сизни пардозлашмаган экан-а?*

Ҳаётда қандай бўлсам, шундайлигимча суратга олишган.

– *Фильмда Отабек билан ҳовуз бўйидаги учрашув, арғимчоқ учадиган лавҳаларнинг кўпи олиб ташланган экан, шу тўғрими?*

Арғимчоқ лавҳасигача Отабек билан теракзордаги сайримиз ҳам бор эди. Фильмнинг қораламасини кўрсак, бир теракка "Э+Қ=С" деган ёзув ўйиб ёзилган экан. Шу ёзув ҳам кадрга тушиб қолибди. Ёзув сабаб ўша кадр олиб ташланган. Йўлдош аканинг кўзларида ёш билан фильмни қисқартирганлари ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди...

– *Фарзанд кутаётган бўлсангиз, от минадиган лавҳалар қандай суратга олинган?*

Йўқ, бу фильмда мен от минмаганман. Лекин от мина оламан. Масалан, "Шиддат" фильмида ўзим минганман.

— *Гулчеҳра она, санъат йўли машаққатли йўл. Бу борада аёл санъаткорларга яна ҳам оғир. Ҳам оила, ҳам ижодга улгуриш, оқила она, бека ва интизомли санъаткор бўлиш осон бўлма-са керак?*

Инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳаётда қандай инсон бўлиб етишиши фақат унинг ўзига, оилада олган тарбиясига, касбига нечоғли садоқатли эканлигига боғлиқ.

Ёшлигимдан жуда тиришқоқ, тиниб-тинчимайдиган бўлганман. Дам олиш кунлари ота-онам мени Навоий театрига, киноларга олиб боришарди. Ўша пайтлардаёқ менда санъатга муҳаббат уйғонган. Бир қанча тўғарақларларга қатнашардим. Рақс тўғарагига ҳам қатнаганман. Хореография билим юртида оз муддат ўқиб, кейин мусиқа билим юртига ўтиб кетганман. Драма тўғарагида менга Ўзбекистон халқ артисти Зинаида Александровна устозлик қилганлар. Кейинчалик институтда (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат институти) Ўзбекистон Санъат арбоби Нина Ивановна Тимофеева кўлида таҳсил олдим.

— *Илк бор саҳнага қачон чиққансиз?*

Биринчи марта саҳнага олтинчи синфда ўқиётганимда чиқанман. Ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Унутилмас дамлар...

— *Сизнингча истеъдод туғма бўладими ёки рус адиби айтганидек "икки фоиз талант, тўқсон саккиз фоиз меҳнат"ми?*

Аввало, истеъдод ҳар кимга ҳам берилавермайди. Лекин "мен истеъдодлиман" деб, меҳнат қилмаган одам ҳеч нимага эриша олмайди. Ҳар қандай нарсанинг замирида меҳнат, пешона тери, изланиш ётади. Бу ҳам инсоннинг ўзига боғлиқ.

— *Буюк Аброр Ҳидоятлов «Саҳна — масжиддек жой» деган экан. Сиз бу фикрни қандай изоҳлаган бўлардингиз.*

Саҳнанинг муқаддаслигини тилда эмас, амалда кўрсата билиш керак. Агар тилда "саҳнага пок ҳолда чиқиш керак" деб бонг урсагу, ўзимиз қалбан ва жисмонан нопок бўлсак, кимни алдаган бўламиз? Фақат ўзимизни. Инсон ўз касбига, ўз виждонига, ҳамкасбларига ҳиёнат қилмадими, шунинг ўзи унинг фидойи инсон эканлигини кўрсатади.

— *Бугун айрим фильмларда сўзларнинг талаффузи бузиб ишлатилипти. Сўз масбулияти ҳақида фикрингиз...*

Менинг фикримча, нотиклик санъатини кучайтириш, соф адабий тил қоидаларига риоя қилиш ҳар бир актёр ва актрисанинг бурчига айланиши керак. Баъзан шеър, ғазал ўқилишида ҳам хатоликлар учрайдики, ҳайрон қоласан киши.

Шевачиликка йўл қўйиш, соф бадий тил меъёрларига амал қилмасдан, она тилимизни бузиб талқин этиш санъатнинг қадрини ҳеч қачон юксалтирмайди.

– *Танқидни қандай қабул қиласиз?*

Агар мени ўринли танқид қилишса, албатта инобатга оламан. Тўғри танқиддан фақат хурсанд бўлиш керак.

– *Дубляж санъати ижодингизда катта ўрин тўтганлиги сир эмас. Дубляж соҳасида ҳам ижод қилиб келаётганингизга анча йил бўлди?*

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, 1965 йили режиссёр Шухрат Аббосовнинг "Қалбимда қуёш" фильмида Гулчеҳра ролини ўйнаганман. Ўшанда ўзимга-ўзим овоз беришим кераклигини айтиб қолишди. Илк марта бўлгани учунми, роса қийналганман. Кейин Дилбар Исмоилова менинг ўрнимга овоз берганлар. Секин-аста, бирин-кетин фильмларга таклиф қила бошлашди. Мана ҳалигача ижодий изланиш, иштиёқ, илҳом сўнгани йўқ. Шукрки, қайноқ ижод қўйнидаман.

– *Сизнинг табиатингизда қайсарлик йўқ. Мулойим, меҳрибон, кўнгилчанлигингиз сезилиб туради. Табиатингизга ёқмайдиган роль беришган пайтларда рад жавобини берганмисиз?*

Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳар хил вазият бўлади. Дейлик менга фаррош аёл роли топширилди. Агар мана шу қаҳрамоннинг дарди, ички кечинмалари, характери томошабинга айтадиган гапи бўлса, жон деб ўйнагим келади. Лекин малика роли берилсаю, бу ролнинг маъно-моҳияти бўлмаса, бунинг мен учун қизиги йўқ.

– *Гулчеҳра опа, аёл кишининг кўнглидек нозик хилқат бўлмайди. Аёл кўнглини олиш учун унга нима илиниш керак?*

"Мирзо Улугбек" спектаклида шундай жумла бор: "Аёл ўқилиши қийин бир китоб..." Аёл зоти жуда соддаю лекин жасоратли, иродали зот. Баъзан тажанг, жаҳлдор, лекин кўнгилчан ва меҳрибон. Унга бир чимдим меҳрва мурувват кўрсатсанг борми, бор-йўғини йўлингга сочади. Фақат унинг кўнглини топа билиш керак. Уни хафа қилиш ҳам хурсанд қилиш ҳам осон. Ҳар бир аёл сирли ва бетакрор, шундай бўлиб қолаверади.

– *Аёлни сирли дедингиз. Ўзингиз сирингизни бировга айтасизми? Ёки сир сақлайсизми?*

Одам ичидаги сирини ҳар кимга ҳам айтавермайди. Агар самимий, кўнгли тоза, беғараз инсон бўлса, сирингизни

сақлай олади. Ўзимга келсак, ҳеч қачон бировдан синчиклаб сир сўрамайман. Яқин олиб сирини айтса, сир тутаман. Чунки сир сақлаш ҳам омонатга хиёнат қилмаслик дегани. Бировнинг кўнглини оғритиб қўйишдан қўрқаман.

– *Ҳаётда ҳақиқий дўст топшиш мумкинми, нима деб ўйлайсиз?*

Ёшлигимда дўстларим кўп эди. Бора-бора ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб кетаверар экан. Ҳаёт қонуни шу бўлса керак.

– *Ҳаётда ва ижодда муваффақиятларга эришишингиз осон бўлмагандир?*

Авалло, мени шу даражага етишишимда отам, онам оиламдан бир умр миннатдорман. Турмуш ўртоғим Сатира театрининг директори Мавлон Хўжаев мени ҳар томонлама тушундирган, қадрлайдиган инсон.

– *Инсон кайфияти ўзгарувчан бўлади. Тушкунликка тушган пайтингизда нима қиласиз?*

Дарров қўшиқ хиргойи қиламан (кулади). Бир куни чарчаган, кайфиятим йўқ пайтда хонага кириб ўтирсам, тўсатдан Рихси опамлар (Иброҳимова) кириб келдилар ва "Ҳа, ашула айтаяпсанми?", - дедилар. "Чарчаган ёки тушкунлика тушган пайтларимда ашула айтиш менинг одатим десам, "Вой, зўр одатинг бор экан-ку!" деб кулдилар. Баъзан тушкунлика тушган пайтларимда ёлғизликни кўмсайман.

– *Гулчехра опа, баъзи актрисаларда кибр, манманлик кучли. Маъзур туттишини, айримлари хали халқ учун ҳеч нарса қилишмаган, лекин осмонда юришади. Сиз эса ҳар доим бир хил - оддий, камтарин, жозибали Гулчехра Жамилovasиз...*

Қизиқ, актриса бўлсак, нима бўпти? Биз ҳам худди бошқалардек ўз вазифамизни бажаряпмиз, холос. Манманлик эса ёлғиз Аллоҳга хос. Биз барчамиз Аллоҳнинг бандаларимиз, борар еримиз ҳам битта. Кимнидир камситиш, турткилаш, ўзини бошқалардан юқори тутиб, кибрга берилишни энг катта нуқсонлардан деб биламан. Ҳамиша оддий ва камтарин бўлиб қолишни истайман.

– *«Кумушбиби»нинг армонлари борми?*

Бадий асардаги Кумушбибининг армонлари ёзувчи Абдулла Қодирийга кўпроқ аён бўлгандир. Актриса Гулчехра Жамилованинг армони - яна бошқа бирор соҳани, иккинчи мутахассисликни эгаллай олмаганида бўлса керак. Умуман, мен ўзимни энг бахтли аёллардан, орзуси ушалган актрисалардан деб биламан...

«Cinema Magazine» журнали, 2008 йил, 2-сон

САҲНАДАГИ СОХТАЛИК

Кейинги пайтларда театрларимизга мухлисларнинг қайтиши театрнинг дўсти, ашаддий мухлиси, қолаверса мутахассис сифатида мени беҳад қувонтирди. Бунинг сабабини, албатта, театр жамоаларининг тинимсиз изланишларида, драматургларимизнинг томошабинга янги-янги асарлар туҳфа этаётганлиларида деб биламан. Отахон, театримиз Ўзбек Миллий академик драма театри бу борада ҳамishaдагидек ибрат кўрсатиб келмоқда. Театр саҳнасидан бир қатор салмоқли, бадиий жиҳатдан пухта асарлар ҳам ўрин олган. Масалан, "Дарахтлар тик туриб жон беради", "Гамлет", "Тун албатта ўтади", "Донишманд Натан", "Аёлғу"... Назаримда жаҳоннинг донгдор драматурглари қаламига мансуб ушбу асарлар бугунги кун томошабини учун бироз зерикарли туюлиши мумин. Бироқ, бу спектаклларда инсон тақдири, қисмати, унинг руҳий ҳолатлари, ички изтироблари ва қувончлари моҳирона акс эттирилган. Улар ҳар бир томошабинни руҳан тозаришга, бир қадар юксалтиришга, маънан қувватлантиришга қаратилган. Афсуски, театр саҳнасидан шундай асарлар ҳам ўрин олмоқда, улар томошабинга хўрозқандчалк ҳузур беришдан нарига ўтмайди. Нима учун бугунги кун томошабинига бундай залворли асарлар эмас, энгил-елпи, бачкана асарлар маъқул келаяпти. Бунга театр сабабми ё томошабин.

"Антиқа қудалар", "Бевалар", "Энг сулув келинчак", "Ўзбекча рақс", "Қаллин ўйин.... Бу рўйхатнинг давомига яқинда намойиши бўлиб ўтган "Танҳо юлдуз" спектакли ҳам қўшилди. Асар муаллифи Н.Аббосхон, саҳналаштирувчи режиссёр Валижон Умаров. Бу режиссёр саҳналаштирган кўпгина асарларни кўрганман ва улар менда яхши таассурот қолдирган. Шу сабаб унинг навбатдаги спектаклини ҳам зўриштиёқ билан томоша қилгани театрга отландим.

Парда очилди. Қоп-қоронғу саҳнада уч нафар аёл к ўринди. Аввалига уларнинг қаерда ўтиришганини пайқамадим. Бироз ўтиб маълум бўлдики, улар эрларининг қабрини зиёрат қилгани қабристонга келган персонажлар экан. Мазкур ҳолатни кўрибоқ, жуда жиддий асар бўлса керак, деб ўйлагандим. Бироқ... воқеалар ривожи ўйлаганларимнинг бутунлай акси бўлиб чиқди. Учала бева аёл мазорда эрларининг қабри тепасида эмас, худди бозорда олди-сотди

қилишаётганга ўхшайди. Аёллар қабристонда ҳасратлашиб ўтиришса, бирдан нотаниш эркак пайдо бўлади. Аёлларнинг бирида актриса (Гавҳар Зокирова) бу эркакнинг аҳволига ачиниш туйғуси пайдо бўлади ва дабдурустдан уни севиб қолади. Спектакл давом этаверадию лекин унинг тагмағзи, кўтарилган мавзудан мақсад нима экани жумбоқ бўлиб қолаверади. Эҳтимол, муаллиф ва режиссёр спектаклда уч бева аёл образи орқали ўзбек аёлларининг ҳаётини очиб бермоқчи бўлишгандир. Бироқ улар спектаклнинг коппозицион нуқтасини топа билишмаган. Натижада, асар бачкана ва енгил елпи, маиший мавзудаги олди-қоғди асарга айланиб қолган. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ёши бир жойга бориб қолган, бола чақасидан қутулган бир умр қийинчиликка дош берган қайси ўзбек аёли "ҳадеб ёлғизман" деб жар солади. Аёлнинг биринчи бор учратиб қолган эркакни (яна қабристонда?) бир кўришда севиб қолиши ҳам кулгили, ҳамда мантиққа тўғри келмайди. Нима ўзбек аёллари шу қадар енгилтабиатми, деган фикрга борасиз. . Иккинчи аёл образи (актриса М.Холиқова) ўта қўпол, шаллақи, бозорчи ва ҳеч нарсадан қайтмайди. У бировнинг эрини тортиб олганидан уялмайди, аксинча фахрланади. Унинг саҳнадан туриб кундошига: "сенинг "женский" касалинг бор, шунинг учун эринг сени ташлаб кетган", дугонасиникига кран тузатиб бериш учун ёрдамга келган эркакка (актёр Жамшид Зокиров) қараб: "Ошхонадаги краннинг сувини тузатибсизу ўзини (дугонасини назарда тутмоқда) сувини оқизиб кетибсиз-да" дейиши ҳеч бир қуюшқонга сифмайди. Кундошларнинг жанжал саҳнасини кўриб, б ерда ростмана бозорчи аёлларнинг уруши бўлаяпти, деган ҳаёлга боради, киши. Бир қарашда муаллиф фикрида жон борга ўхшайди. Лекин асардаги воқеаларни ифодалашда бошқачароқ ёндошиш керак эди назаримда. Муаллиф ва режиссёр бу асари орқали ёшларга нимани тарғиб қилмоқчи. Сизлар ҳам хоҳлаган эркакнинг бошини айлантириб, беш кунлик дунёда ўзингиз учун яшанг, демоқчимиз.

Ўз вақтида миллий театр санъатимизнинг отаси М.Беҳбудий "театр ибратхонадир" деган эдилар. Бугунги кунда эса айрим спектаклларни кўриб, театрларимиз мазҳарабозлик ва бачканаликдан нарига ўтмаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Томошабин ҳар бир спектаклдан сўнг театрдан ўзи билан нимадир олиб чиқиши керак. Агар муаллиф кўнглидагини чиқаролмаган бўлса, бунда томошабиннинг айби йўқ. Томошабин кўрганига ишонади ва у шу билан тарбияланади. Афсуски, театр томошабини эргаштириши, маълум маънода тарбиялаши ўрнига, унинг ортидан ўзи қувиб кетмаяптими. Саҳна сохталикни кўтармайди. Шунинг унутмасак бўлгани.

"Муштум" журнали, 2009 йил, 8-9 сон

ҚАНДАЙ БЎЛСАНГ ШУНДАЙ КЎРИН

(Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрининг актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳабибулла Абдуллаев билан дилдан суҳбат)

Ҳабибулла Абдуллаев - 1953 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1970 йилдан 1974 йилгача (Театр ва рассомчилик институти) ҳозирги М. Уйғур номидаги Ўзбекистон давлат Санъат институтининг драма ва киноактёрлик бўлимида тахсил олган. Беш фарзанднинг отаси. 4 набиранинг меҳрибон буvasи. Табиатан қувноқ, ҳазил-мутойибага ўч. Фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхоннинг китобларини севиб мутоала қилади. Ҳаётда жуда очиқ кўнгли, болаларсиз яшолмайди. Йўлдош Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри саҳнасида жуда кўп роллар ўйнаган. "Қайнар хумча", "Алпомиш", «Минг бир кеча» ва яна кўп роллар спектаклларни келтириш мумкин. Телевизион миниатюралар театрида ҳам мунтазам иштирок этиб келади. "Учиш майдони", "Энг муҳим кун", «Ҳазил чироқ» бадий фильмларида суратга тушган. Шиори: "Ҳаётда қандай бўлсанг, шундайлигингча кўрин. Саҳнадаги роль, саҳнада қолгани маъқул", - дейди.

Ҳабибулла ака ҳаётда жуда оддий, камсуқум инсон. Аиниқса ундаги болаларга хос самимийликни кўриб хайрон қоласан, киши. Ўйлаб қоламан ҳаёт инсонни ўзгартиради, дейишади. Маълум маънода мен бу фикрга қўшилмайман. Негаки, инсон ёши, фикрлаши, ташқи қиёфаси жиҳатидангина ўзгариши мумкин. Аммо унинг феъл-атвори, табиати асли қандай бўлса шундайлигича қолаверади. Ҳабибулла ака салкам 50 ёшни қаршилаётган бўлсалар ҳам ҳануз уларни болаларга хос беғуборлик тарқатмаган. Актёр ижодига назар ташлар эканман, у ижро этган ролларда сунъийлик, зўрма-зўракиликни сезмайман. Боқивойни бир кўз олдингизга келтиринг-чи? Уни кўрга-

нингиз ҳамоно кулгидан ўзингизни тўхтата олмаслигингизга сабаб ҳам ўша ролнинг нотабий эмаслигида бўлса керак. Хўш, унда актёрлик маҳорати қаёқда қолади, деб сўрасиз? Бироқ ясама хатти-ҳаракатлардан ҳоли ижро орасида катта фарқ борлигини сезгир томошабин дарров илғайди. Айтгандай, бу йил актёр хонадонида кетма-кет қувончли воқеалар рўй берди. У бир эмас, икки набиралик, шунингдек Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига эга бўлди.

- *Ҳабибулла ака, болалар театрида ишлаш, тўғрироғи болалар актёри бўлиш ҳар қандай актёрнинг ҳам қўлидан келаверадими, нима деб ўйлайсиз?*

- Менимча, болалар актёри бўлиш учун болаларни севишнинг ўзи камлик қилади. Бола психологиясини ўрганиш, қолаверса ўзинг ҳам худди боладек бўлишиг керак. Болаларнинг кўнглини кўтариш ҳам, синдириш ҳам бир паслик. Аммо бунга ҳаммамиз ҳам эътибор беравермаймиз. Болага болаларча муносабатда бўла оладиган, унинг нозик кўнглига йўл топа оладиган одамгина болалар актёри бўлиши мумкин, деб ўйлайман. Тўй-ҳашамларда болалар санъаткорларни ўраб олишади, ҳавас билан қарашади. Бироқ бунга ҳамма санъаткорлар ҳам унчалик эътибор бермай, гурур ва кибр билан ўтиб кетадилар. Санъаткорларнинг ўзини тутишлари болалар хотирасида бир умр мухрланиб қолади.

Болаларга эътиборсиз бўлмаслик керак.

- *Бундан 10-15 йил аввалги болалар билан ҳозирги болалар ўртасида анчагина фарқ сезилади. Ҳозирги болаларни ишонтириш ҳам осон бўлмаса керак?*

- Бу масала ҳақида жуда кўп ўйлайман. Нега болаларимиз болалик даврини бошидан кечиришмаяпти? Нега болаларимизда катта одамларнинг нутқи бор? Нега нигоҳларидаги соддалик ўрнини қувлик эгаллаяпти?, - деб ўз-ўзимга саволлар беравераман. Бир куни циркда томоша кўрсатаётган эдик. Томошага Бухородан болаларни олиб келишган. "Қизил шапкача" спектаклида мен бўри ролини ўйнаяпман. Спектаклнинг бир кўринишида бўри, яъни мен қизил шапкачанинг бувисини еб бўлиб, қизил шапкачани кутиб ётибман. Бир пайт саҳнага 7 яшар қизалоқ шашқатор йиғлаб чиқиб, менга зорлана кетди. "Жон бўрижон, бўрижон, уни емагин, сенга кўксултонимдан бераман", - деса борми, ўзим ҳам унга қўшилиб йиғлаб юборганимни билмай қолибман. Бу воқеага анча йил бўлди, албатта. Ҳозирги томошабинлар орасида бундайларнинг топилиши қийин.

- *Бўри ролини ишонарли қилиб ижро қилишга қандай эришгансиз?*

- Осонликча эришган эмасман. Тарихи узок, 1974 йил театрга ўқишни янги тугатиб келган кезкарим. Эртасигаёқ Абдулла Набиев ролини топширишди. Кейин "Қизил шапкача" спектаклидаги бўри ролини беришди. Мен актёр Ҳамид Тошпўлатов билан дублёр бўлдим. Рости, ҳали тажрибам йўқ, устига устак ҳайвонлар ролида биринчи чиқишим эди. Дублёрим саҳнага чиқиши билан ҳамма болалар уни зўр кутиб олишади, мен чиқсам негадир ҳамма жим бўлиб қолади. Режиссёр Галя опа менга ишора қилди шекилли, "театрга ким келса олишаверар экан-да", - деди. Ўшанда жаҳлим унақа-бунақа чиқмаганди. Эрталаб турдим, тўғри ҳайвонот боғига йўл олдим. Тирик бўрини соатлаб кузатдим. Уям денг, инига кириб кетганча ҳа деганда чиқа қолмай тоза хунобимни оширган. Йўлда хафсалам пир бўлиб кетаётсам, дўстим Рустамни учратиб қолдим. Унга бўрининг хатги-ҳаракатларини ўрганишим кераклигини айтдим. У менга бир мультфильм кўрсатаман, бўрининг ҳаракатларини бемалол ўрганиб оласан, - деди. Ўша мультфильм менга ёрдам берди.

- *Демак роль жонли чиқиши учун актёрга истеъдоднинг ўзи етмас эканда?*

- Ие, бўлмасам-чи? Тажриба, билим, кузатувчанлик, буларнинг бари бир-бирини тўлдиради. Истеъдоднинг қирралари эса шулар ёрдамида очилади.

Сиз булардан ташқари яна нималарга эътиборингизни қаратасиз?

- Агар машхур санъаткорлар, устозларим Эргаш ака, Хасан ака, Абдураҳмон ака, Садир акаларнинг ижодини кузатган бўлсангиз, уларнинг ижодида ҳаётийлик уфуриб туради. Ҳеч қандай сунъийликни сезмайсиз. Шунинг учун ҳам улар ижро қилган телевизион миниатюралар театри неча марта қўйилмасин, томошабин уни ҳар гал янгидай қабул қилшади, соғиниб томоша қилади, кўнгилга тегмайди. Ҳаракатлар оддий, сўзлар оддий, халқнинг ўзидан олиб, ўзига қайтара билиш ҳам санъат. Хасан аканинг "техника"лари ўзига хос эди. Ўзларидан қўшиб, мимикалари билан ролни янада бойитиб юборардилар. Устозларимдан ҳозиргача ўрганаяпман, десам хато бўлмайди. Одамларни кўп кузатаман, автобус, трамвай, метрода дегандай.

– Устозларимдан ҳозиргача ўрганаянман, дедингиз. Бугунги кунда устоз-шогирд анъаналари давом этаёпти, деб ўйлайсизми? Давом этаётган бўлса у қай даражада?

– Худди ичимдаги гапни айтдингиз. Бугунги кунда бу анъана бироз оқсаётгандай кўринади, менга. Айниқса, устозларга нисбатан бўлган ҳурмат иззат тўй-хашамларда яққол сезилади. Баъзи ёш санъаткорлар туйларда эшикдан кириб келмаслариданоқ вақтим йўқ тезроқ навбат беринг", - деб қистайдилар. Атрофда ёши улуг, халққа анча йил хизмат қилиб қўйган устозлар борми, йўқми бу билан ҳисоблашмайдилар. Шунақа ҳолатларнинг устидан чиқиб қолсам жуда ранжийман. Санъатни қайси турида ижод қилмайлик, устозларни эъзозлаш бурчимиз деб биламан.

Устозлар буюк хазина. Улардан билиб қолганимиз ғанимат. Устоз фақат саҳна сирини ўргатмайди, одоб-ахлоқ, одамийлик... Аввал бу анъана бошқача бўлган. Шогирд устоздан олдин саҳнага чиқмаган. Устоз мактабини, таълимини олишда гап кўп.

- Эшитишимча, аввал ўтгин санъаткорлар ҳофизми, актёрми улар ўзларига нарх қўйишмаган экан. Ҳозиргилар бемалол юзингизга "нарх"лирини айтишаяпти? Сиз бунга қандай қарайсиз?

- Ҳамма нарсага замонни рўкач қилаверсак уят бўлади. Аввалги санъаткорлар осон яшашганми? Аммо улар ўз манфаатларидан одамийликни устун қўйишган, ўзларини, санъатларини, одамларни қадрлашган. Устозим Эргаш ака биз шогирдларига бир гапни кўп айтадилар: "Сени ҳурматингни сўраб келган инсондан шунча берасан, деб сўрама. Агар нарх қўйганларингни билиб қолсам, сендай шогирдларим йўқ", - дейдилар. Устознинг гаплари биз учун қонун.

- Ҳабибулла ака юқорида ҳар бир бола болалик даврини яшаб ўтиши керак, - дедингиз. Болалигингизда ўзингиз қандай бўлгансиз?

- Жуда шўх ва қизиқ бола бўлганман. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Онам бир куни мени магазинга нонга чиқарганлар. Қайтаётсам йўлда қариндошимиз Фахриддин ака учраб қолганлар. Жуда салобатли эдилар у киши. Шошганимдан бирдан "Бисмиллоху раҳмону раҳим" деб юборибман. Фахриддин ака онамга "Ўғлинг сал ғалати-я, нима бўлган ўзи", - дебдилар. Онам менга дакки бердилар. Эртасига уларни узоқдан келаётганларини кўриб қолдим у ичимда "Ассалому алайкум"ни роса такрорлаб келавердим. Энди яқинлашишлари

билан "Здрастуй" деб юборибман. Шунда Фахриддин ака "Ўғлинг, артист бўлса керак", - деган эканлар. Ҳаётимда доим кўп қизиқ, воқеалар бўлиб туради.

- Ҳабибулла ака, сиз амал қиладиган ва ҳаётда қўллайдиган нарса нима?

- Ҳаётда қандай бўлсам, одамларга шундайлигича кўриниш.
«Театр» журнали, 2002 йил, 6-сон

БЕОРОМ ҚАЛБ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
режиссёр Анвар Ёқубхўжаев портретиغا чизилар)*

Анвар Ёқубхўжаев ўзбек театр санъатига ўтган асрнинг олтинчи йилларида қадам қўйди. Ўша йилларга келиб Эркин Воҳидов, Ўлмас Умарбеков сингари шоир ва адиблар адабиётга кириб келган бўлсалар, Маҳжам Муҳамедов, Равил Ботиров, Али Ҳамроев. Учқун Назаров, Турди Нодиров сингари режиссёрлар театр ва кино оламига қадам қўйдилар. Улар орасида Анвар Ёқубхўжаев ҳам бор эди.

- Болалигим, уруш даврига тўғри келган,- деб хотирлайди Анвар Ёқубхўжаев. - Ҳеч эсимдан чиқмайди. Тонг қоронғусидан нонга навбат кутиб ўтирардик. Қаттиқчилик, йўқчилик пайтлар. Уруш тугагач, тинчлик, осойишталик, ёруғ кунларга етганимиз учунми ҳар холда ҳаётга бошқача кўз билан боқар, яшашга иштиёқимиз ҳам ўзгача эди. Маҳалламиз болалари билан "театр — театр" ўйнардик. "Алишер Навоий", "Отелло", "Бой ила хизматчи" каби спектакллари ўзимизча саҳналаштирдик. Бу ҳавас, қизиқиш бизни Республика ўқувчилар саройига етаклади. Ўша пайтларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирсоат Усмонов драма тўғарагимиз раҳбари эди. Бу инсон менинг биринчи устозларимдан саналади. Тўғарагамизда Эргаш Каримов, Тўғон Режаметов, Анвар Ёқубов ва бошқалар бор эди. "Қор маликаси" спектаклидаги Кей у ердаги менинг илк ролим бўлганди. Биз болалар ҳар куни драма тўғарагига шошилардик. Спектакллариимиз профессионал саҳнада Ёш томошабинлар саҳнасида ўйналар, либослардан, саҳна безакларидан бемалол фойдаланиб, ҳақиқий, росмана асарларда қатнашардик. Шушу кўнглим тетар санъати билан чамбарчас боғланди-қолди.

Русийзабон мактабга ўқишга кирган Анвар Ёқубхўжаев театр санъатига доир дастлабки маълумотларни, сабоқларни ўзбек

драма тўгарагидан бошлаб, кейинчалик рус драма тўгарагида давом эттиради. Бу тўгаракка таниқли актриса Ўзбекистон халқ артисти Галина Николаевна Загурская, Анатолий Қобулов, Али Ҳамроев, Лариса Поздняк, Элда Дмитриева каби устозлар раҳбарлик қилишарди.

1956 йилда Анвар Ёқубхўжаев Островский номидаги тетар ва рассомлик санъати (ҳозирги Ўзбекистон давлат Санъат Институту) нинг режиссёрлик факультетига ўқишга киради. У ерда машҳур режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбек миллий академик драма театрининг (у пайтда Ҳамза номи билан аталган) бош режиссёри Александр Гинзбург қўлида таҳсил олди. Ва шундан сўнг Қўқон театрида ижодини бошлади. Маълумки Қўқон театри ўз вақтида Ҳалимаҳоним, Тамараҳоним, Лутфиҳоним, Наби Раҳимов, Хожисиддиқ Исломов, Мария Кузнецова, Миршоҳид Мироқилов сингари санъаткорларни элга етказиб берган. Театрда 1931 йилдан Занжирали Мирзатов, Нўмон Азимов, Неъмат Йўлчиев, Дадахон Бегматов, Назир Хўжаев, бош режиссёр Қурбон Назаров ва башқа санъаткорлар иш бошладилар. Кейинчалик бу даврага ёш режиссёр Анвар Ёқубхўжаев ҳам келиб қўшилади. Унинг Қўқон театрида саҳналаштирган илк спектакллари "Олтин қидирувчилар" ва Одил Ёқубовнинг «Олма гуллаганда» асари асосидаги спектакллар эди.

1962 йилда Анвар Ёқубхўжаев устоз адиб Абдулла Қаҳҳорнинг "Тобутдан товуш" асарини саҳналаштиришга журъат этади. Спектакль воқеалари капитан Наврўзов томонидан айтиладиган монолог тарзида талқин этилади. Асарнинг шу ери адибга жуда маъқул келади. Адиб жазирама иссиққа қарамай, пойтахтдан Қўқонга спектаклни томоша қилиш учун Кибриё опа билан бирга келади. Абдулла Қаҳҳордек адибнинг назарига тушиш, унинг ёш режиссёр ижодига берган баҳоси ижодкор учун ниҳоятда катта бахт эди.

Режиссёр Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон каби ижодкорлар, режиссёрлар ва рассомлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйди. Ҳар бир асар устида қизғин баҳс мунозаралар режиссёр ижодига ўзгача таъсир кўрсатар, илҳомланар, яна янги-янги асарларга қўл уришга замин яратарди. Бундай учрашувлар унинг ҳаёти ва ижодида ўчмас из қолдирди. У бу театр саҳнасида ўнлаб асарлар саҳналаштирди. Бирин кетин "Нурхон", "Холисхон", "Номаълум киши", "Юрак сирлари", "Оғриқ тишлар", "Дуэл", "Қилмиш қидирмиш" каби қатор асарлар саҳна юзини кўрди, олқишларга сазовор бўлди.

- Қўқон театри Ўлмас Умарбеков, Ўткир Рашид сингари адибларни драматург сифатида кашф этди,- дейди у. Ўлмас Умарбековнинг "Ўликлар кечирмайди", Ўткир Рашиднинг "Салтанат" сингари асарлари уларнинг драматургиядаги илк асарлари эди.

- Ҳар бир ижодкорнинг ҳаётида бўлгани каби Анвар аканинг ҳам ҳаёти осон кечмади. Айрим сабабларга кўра Қўқон театридан пойтахтга қайтишига тўғри келди. Ўша пайтда Республика театр жамиятига Раҳим Қориев раҳбарлик қилаётган кезлар эди. Анвар акани шу жамиятга масъул қотиб вазифасига тайинлашади. У бу ерда ишлаш билан бирга Самарқанд театрида "Миттивой", Ёш гвардия театрида "Ташвишланманг онажон" каби асарларни саҳналаштирди. 1977 йили уни Республика Кинематографиячилар уюшмасига ишга таклиф қилишди. Ва ижодкор мамлакат бўйлаб ўтказилган турли кинофестиваллар, тадбирлар, учрашувларда фаол иштирок этди. Кино санъати учун кадрлар тайёрлашда озми кўпми ўз ҳиссасини қўшди.

- Аниқ йили эсимда йўқ,- деб эслайди Анвар Ёқубхўжаев,- Халқаро кинофестивал бўлганди. Таниқли ҳинд актёри Раж Капур билан учрашдик. Биз ўзбекистонлик йирик кинорежиссёрлардан бирини унга "фалон-фалон" унвонлар соҳиби деб тоза кўпиргириб таништирдик. У бўлса кўлини узатди-да, оддийгина қилиб "Раж Капур" деб қўя қолди. Шунда ҳаммамиз қотиб қолдик. Раж Капурнинг оддийлигида буюклиги намоён эди.

- Суҳбатдошим кўлимга катта альбом билан турли газета ва журналларда босилган мақолалар тўпламини тутқазди. Фотосуратларни кўздан кечира бошлаيمان. Ҳар битта сурат тарихдан сўзлаётгандек...

Мана Шукур Бурҳон, Олим Хўжаев, Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраева, Иззат Султон, Чархий домла,- Саид Аҳмад, Ўктам Усмонов, Ўлмас Умарбеков, Раҳим Қориев, таниқли рус актёри Владимир Этуш, рус драматурглари Алексей Арбузов, Виктор Розов, немис режиссёри Франк Байер, Эргаш Каримов, Чингиз Айтматов, Товстоногов, Мар Байжиев ва яна бир қатор машҳур санъаткорларнинг суратлари. Юрт кезган, машҳур кишилар билан учрашиб, суҳбатидан бахраманд бўлган, кинофестиваллар, турли тадбирлар, ижодий учрашувларда иштирок этиб театр ва кино санъатига улуш қўшган ижодкорнинг армони бўлмаса керак, деб ўйлайман.

- Қўқон театр саҳнасида Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" асарини саҳнага қўёлмаганимдан армондаман,- дейди суҳбатдошим,- чунки ўша пайтда театрда Улуғбек ролини

ижро эта оладиган актёр топилмаганди. Орзуим Самарқанднинг Регистонидаги очиқ сахнада шу спектаклни қўйсам. Бугун биз катта ёшлилилар бир нарсани унутиб қўйяпмиз. Ёшларни театр санъатига кўпроқ ошно қилиш, жажжи қалбларида театр санъатига меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш керак. Бир пайтлар Шукур Бурҳон, Қудрат Хўжаевлар олий ўқув юртларида драма тўғарақларига раҳбарлик қилишарди. Мактабларда, коллеж ва лицейларда драма тўғараги очилса ва бу тўғарақларга халқимизнинг кўзга кўринган санъаткорлари бош-қош бўлсалар, ёшлар орасидан қанчадан-қанча истеъдод эгалари етишиб чиқишига ишонаман. Афуски ҳозир бундай фидойи инсонлар камайиб кетган.

- Бугунги кунда драматургия, режиссура, актёрлар ижро маҳоратию сахна нутқи борасида нималар дея оласиз, - деб саволга тутаман қаҳрамонимни. Анвар ака ўйланиб давом этади. "Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни айтиш керак. Бугунги кунда драматургия анча оқсаган. Енгил-елпи бачкана асарлар сахнани забт этиб бораётгани ачинарли. Баҳодир Йўлдошев, Наби Абдураҳмонов, Олимжон Салимов, Марк Вайл, Владимир Шапиро, Александр Гумиров, Авлиёқули Хўжақулиевларнинг режиссёрлик маҳоратига тан бериш керак. Ёшлар орасида эса ярқ этиб кўзга ташланадиган иқтидорли режиссёрлар жуда кам. Айрим режиссёрлар асарларнинг моҳиятини тўлақонли тушуниб етишмаяпти. Бу айниқса, мумтоз асарларда сезилиб қолади. Актёрларнинг ижро маҳорати ҳақида шуни айтиш мумкинки, улар ўз санъатларини жуда майдалаштириб юборяптилар. Тўйлар, турли тадбирлар актёрларнинг ижодий ўсишига ўз таъсирини ўтказилади. Эртаю кеч тўйма тўй юргандан кейин актёр қай пайт ўз нутқи устида жиддий ишлайди. Энди томошабин масаласига келсак, бир пайтлар Муқимий, Ҳамза (ҳозирги Миллий театр) ларига турли вилоятлардан томошабинлар оқиб келарди. Чипталар топилмасди. Бугун-чи. Томошабин келмаётган экан, театр айбни ўзидан изласин. Театрнинг вазифаси томошабиннинг ортидан эргашиш эмас, эргаштириш. Афуски, аравани от эмас, арава отни тортиб кетяпти. Мана шу масалалар мени доим ўйлатади.

Анвар Ёқубхўжаев бугун Маданият коллежида ёшларга режиссура фанидан сабоқ бериш билан бирга театр сахналарида қўйилаётган ҳар бир спектаклнинг премьерасидан қолмайди. Талаба ёшларни ҳам жалб қилади. У табиатан оққўнгил ва тиниб-тинчимас инсон. Барчага бирдек ёрдам қўлини чўзади. Тўғрисуз. Аммо табиатида шоирларга хос дарвешлик ҳам йўқ эмас. Таржимонлик ҳам қилган. Ундаги бу фазилат амакиси

Хислат домладан ўтган бўлса ажаб эмас. У америка ёзувчиси У. Сарояннинг бир неча ҳикояларини таржима қилган. "Ўзум-зорда", "Мак-грегор қалби", "Филиппинлик ва маст" каби ҳикояларини ўзбек китобхонлари севиб мутолаа қилганлар. Шаҳобиддин Зиёвуддиновнинг "Шайх Зайниддин бобо шажарасига оид" рисоласида келтирилишича Анвар ака шайх Зайниддин буванинг 46 авлодига мансуб экан. Ундаги оддийлик ва камтаринлик авлодлардан мерос бўлиб қолганига шубҳа йўқ.

"Театр" журнали, 2007 йил, 3-4 сон

МЕНИ ЙИҒЛАТГАН ҚАЙС

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Меҳмонали Салимов билан суҳбат)*

Маълумки ҳар йилдагидек бу йил ҳам мустакилликимизнинг 11 йиллиги арафасида бир гуруҳ санъат ва адабиёт аҳли давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий драма театрининг актёри Меҳмонали Салимов ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олишга муяссар бўлди. Шодлик келса қўша-қўша келади, дейишади. Дарвоқе, Меҳмонали Салимов бу йил 50 ёшга тўлади. Кутлуғ ёшни қоралаб турган санъаткорга бундай унвон айтини муддао. Актёр Меҳмонали Салимов мана 24 йилдирки шу театрда камтарона меҳнат қилиб келмоқда. Камтарона дейишимнинг боиси, у кишида баъзилар каби тезроқ унвонга эга бўлиш, ўзини кўз-кўз қилиш каби шошқалоқлик йўқ.

Ҳар бир санъаткорнинг энг гуллаган ижодий даври бўлганидек, Меҳмонали ака ҳам бир пайтлар ўзининг ширали овози билан Қайс роли орқали ижод завқини суриб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган эди. Шундан кейин қанчадан қанча образлар яратди. У ҳозир айтини баркамол паллада турибди. Эътиборингизга актёр билан бўлган самимий суҳбатимизни ҳавола этмоқчимиз.

- *Меҳмонали ака, ўйлаб қарасак, 24 йил анчагина муддат. Келинг, бир ортга қайтиб, ўсмирлик йилларингизга назар ташласак, нима дейсиз?*

- *Ҳақиқатан ҳам умр жуда тез.*

Фақат бу бизга билинмайди. Кўз очиб юмгунингча ёшинг улғайиб қолганини ҳам сезмай қоларкансан.

Яқиндагина ёш йигит эдим. Артист бўламан, деган хаёл қаёқда дейсиз, фақат шифокор бўламан, деган мақсад бор

эди. Чунки мактабда ўқиб юрган кезларим химия ва физика фанларидан аъло баҳога ўқир, олимпиадаларда 1-ўринни эгаллардим.

Аммо икки йил ҳаракат қилиб ТошМИга кира олмадим. Кейин хизмат сафарига кетдим. Ўшанда менинг дўстларим Рустам Ҳамидов, Бахтиёр Холхўжаев, Мирзаҳошим Кенжаевлар санъат институтида 3 курсда ўқишарди.

Хизмат сафаридан келиб, тўғри дўстларимни кўргани санъат институтига борганман. Улар билан бирга дарсга кирганман. Хуллас, Санъат институтига киришимга дўстларим сабабчи бўлишган. Ўзимда ҳам борган сари санъатга қизиқиш уйғонаверган. Ўша пайтда Ҳамид Абдуллаев деган домла ректор эдилар. Имтиҳонда иккита ашула - "Кўзларинг" ва "Шайдо этиб кет"ни айтиб берганман, холос. Кейин битта имтиҳон билан ўқишга кириб кетганман. Ўқишга кирганимни уйдагилар кейинроқ билишган. Дадам эса "артистликка кирдингми, болам", - деб роса норози бўлганлар.

Шундай бўлса ҳам, Сиз барибир шу йўлни танладингиз...

- Нима ҳам қилардим, ўқишга қабул қилинган бўлсам?!

- *Кейинчи?*

- Ўқишни тугатдим. Муқимий театрига йўлланма олдим. Театрга борган йилим Ўзбекистон халқ артисти Абдурауф Болтаев вафот этгандилар. Марҳум санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроев режиссёрлик қилардилар. Эҳ, ўша дамларда Абдурашид Раҳимов, Ҳамза Умаров ва бошқа устозлар ишлашарди, биз устозлар олдига боришга журъат ҳам қилолмасдик. Уларнинг салобатидан қизариб кетардик. Бир йил ўтиб Раззоқ ака менга роллар бера бошладилар. Тўлқин асари "Олтин камар"да Олтмишвой, Минуллин асари "Дилафрузга тўрт ошиқ"да Жамил, "Мавлоно Муқимий"да Фурқат ролларини ижро этганман.

80-йилларда театрга устозим Бахтиёр Ихтиёров режиссёр бўлиб ишлай бошладилар. "Гулсара" спектаклида Қодир ролини уйнадим. "Лайли ва Мажнун" да бош қаҳрамон Қайс роли тегди менга. 90-йилларга келиб, "Мангулик"да Маъсуд, "Аршин мол-олон"да Асқар, "Тоҳир ва Зуҳра"да Ҳофиз, "Узилган торлар"да Ҳасан, "Юсуф ва Зулайҳо"да Юсуф ролларини ижро этган бўлсам, яқин йилларда саҳналаштирилган "Тақдир"да Бўрон, "Ўлдинг, азиз бўлдинг"да Достон, "Топталган туйғу"да Артур ролларини ижро этиб келяпман.

- *Аввалги саҳналаштирилган саҳна асарлари билан ҳозирги кунда саҳналаштирилаётган асарлар орасида фарқ борми?*

- Ҳа, фарқ бўлгандай сезиларли даражада. Аввал қўйилган спектаклларда сўз ва қўшиқ бир-биридан узилмасди. Сўз ва қўшиқ бир-бирига шундай нозиклик билан боғланиб кетар эдики, ҳатто томошабин бир дақиқа ҳам диққатини узолмасди. Томошабин бутун вужуди билан энди нима бўлар экан, деб, асарга маҳлиё бўлиб қоларди. Ҳозир эса сўз якунланиб, орада узилиш пайдо бўлади-да, кейин қўшиқ ижроси бошланади.

- *Бунга сабаб нимада деб ўйлайсиз?*

- Сабаб, режиссёр, бастакор, шоир - ҳаммалари бирга ўтириб, маслаҳат билан иш қўришмайди.

- Асарга зўрма-зўраки шеър киритиш, мусиқа басталаш оқибатида шундай ҳол юзага келиб қоляпти. Бу ишларни «читка»дан аввал бошлаш керак. Чунки саҳнага шунчаки муносабатда бўлмаслик керак. Бахтиёр Ихтиёров саҳнага жуда катта аҳамият берардилар. Парда очилиши билан томошабин саҳнадаги гўзалликдан ҳайратлансин, санъат - бу гўзаллик, дер эдилар. Масалан, хонтахта устига чойнак, пиёла қўйилиши зарур бўлса, энг чиройли, зарли чойнак-пиёла, духоба кўрпача, чўғдек гиламларни ишлатар эдилар. Айниқса, "Лайли ва Мажнун"даги ашулани кўйлаётганимда (машғулот пайтида) Бахтиёр ака йиғлаб юборардилар. Қўшиқнинг ярми бўғзимда қолиб, мен ҳам йиғлаб юборардим. "Лайли ва Мажнун"да, "Гулсара"да томошабинларни кўрсангиз эди?!

- *Ҳозир ҳам "Лайли ва Мажнун" ёки "Гулсара" саҳнада қайтадан қўйилса бўлмайдими?*

- Юрагимдаги гапни айтдингизку.

- Қани эди қўйилса, бу бизнинг орзуимиз. Замона руҳига мослаб ишланса, томошабин жон-жон деб томоша қиларди. Ундаги қўшиқларнинг ўзи бир дунё.

- *Меҳмонали ака, Сизни йиғлатган роль?*

- Мени йиғлатган роль Қайс роли бўлади.

- *Сизнинг-ча, нега санъаткор санъаткорни тан олмайди?*

- (Кулиб.) Ҳаммаси ҳам эмас. Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаев, Омина Фаёзова, Турсунбой Жаъфарова, Фароғат Раҳматова, Бахтиёр Ихтиёров, Равшан Солиҳовларни тан олмасдан иложимиз йўқ. Бугунги кунда Насриддин Рустамов, Зулайхо Бойхонова, Меҳри Бекжоновалар ижодини ҳурмат қиламан.

- *Ўзингининг кучингиз нимада деб ўйлайсиз?*
- Менимча, тўғрилигимда бўлса керак. Сўзимда қаттиқ тураман, кескинроқман.
- *Руҳан тушқунликка тушган пайт, Сизни нима ёки ким қутқаради?*
- Оилам қутқаради, фарзандларим, уч набирам, турмуш ўртоғим.

«Театр» журнали, 2002 йил, 5-сон

МАЖНУНИНГМАН ТЕАТР

("Оқ бино оқшомлари" фильмидаги Авазбек, "Олов қаъридаги фаришта"даги Нурали, "Нокдаун"даги Даир, "Лайли ва Мажнун"даги Мажнуннинг худди ўзи бўлган актёр Бехзод Муҳаммадкаримов билан бўлган суҳбат)

Бехзод Муҳаммадкаримов - 1964 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Глизэр номидаги Республика мусиқа мактабида ўқиган. 1984 йилда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатган. Шундан буён Ўзбек миллий академик драма театри (собиқ Ҳамза)да хизмат қилиб келмоқда.

- *Бехзод ака, ёшлигингизда ким бўлишни орзу қилар эдингиз?*

- Ё мусиқачи, ё актёр бўламан деб доим бошим қотарди. Менда қай бирига бўлган интилиш, иқтидор кучлироқ эканини кўп бор синадим. Ва ниҳоят актёр тўғрироғи киноюлдуз бўламан, деб қатъий аҳд қилдим.

- *Ўқишга кирганингиздан сўнг афсусланмадингизми?*

- Асло. Танлаган йўлим тўғри йўл эканидан қувондим, саҳна оламига кирган, унинг сир-асрорларига ошно бўлган киши саҳнани тарк этолмас экан. Саҳнада туриб одамларнинг диққат-эътибори ва нигоҳлари бизга қадалиб турганини дилдан ҳис этаман. Ҳар гал залда қарсак овозларини эшитсам, юрагим алланечук бўлиб кетади.

- *Кейинги пайтларда бир қанча фильмларда ҳам суратга тушдингиз. Театрда ўйнаган маъқулми, кинодами?*

- Саҳнанинг афзал томони шундаки, сиз бевосита халқ билан, томошабинлар билан юзма-юз учрашасиз. Тўғри, кинода ўйнаган рол тасмаларда сақланиб қолади. Уни актёрнинг ўзи ҳам томошабин сифатида истаганча кўриши мумкин. Театр эса қайтарилмас лаҳзалардан иборат. Бироқ мен

актёрнинг маҳорати синаладиган, бор истеъдоди намоён бўладиган майдон - театр сахнаси деб ўйлайман. Саҳна актёрга кўп нарса ўргатади, уни пиштади. Майли у тасмаларда сақланиб қолмасин. Лекин актёр шунга интилсинки, шундай бир рол яратсинки, токи бир умр томошабин хотирасида мухрланиб қолсин. Менимча энг муҳими -шу.

- *Ўйнаган ролларингиздан кўнглингиз тўладими?*

- Илк суратга тушган "Оқ бино оқшомлари" фильмидаги Авазбек ролини айтмаганда бошқа ролларимдан кўнглим тўлмайди.

- *"Лайли ва Мажнун"даги Мажнун ролидан ҳамми?*

- Биласизми, Мажнун ролидан кўнглим тўлмайди, деёлмайман. Лекин Мажнуннинг тили жуда оғир эканини, уни томошабинлар тушунишмаётганини билиб турардим. Чунки биз актёрларнинг ўзи ҳам тилни таржимонлар, адабиётшунослар ёрдамида, қолаверса луғатлардан фойдаланиб аранг тушундик.

- *Сиз орзу қилган рол?*

- Рол шундай бўлиши керакки, актёр "дод" деб ўйнасин, унинг иқтидори, санъати шу образ орқали очилсин. "Гирдоб" видеофильмини эсланг. Азиз Қосимовнинг (актёр Эркин Комилов) охириги монолоғидаги "Сизларга нима керак, олинглар, фақат мени тинч қўйинглар", -деган сўзи бутун видеофильмни ушлаб турибди. Мана роль. Актёр ўзи ҳам йиғлайди, томошабинни ҳам йиғлатади. Шунай роль ўйнагим келади. Ҳозирча топмадим. Сабаби зўр асарлар йўқ. Балки ёзувчиларимиз ҳам ўзларини тижоратга ураётгандирлар. Балки вақти келиб яна яхши асарлар яратилар.

- *Ўзингиз ҳам тижорат билан шуғулландингизми?*

- Ойлик маошимиз оила боқошга, рўзғор тебратишга етмайди. Шунинг учун оз-моз шуғулландим. Лекин айна кунларда шуғулланаётганим йўқ.

- *Аваллари одамлар фалончи артист чиқармиш деб тетарга чопишарди. Ҳозир ундай эмас. Сабаби?*

- Театрга одамларнинг аввалгидай чопмасликлари тўғридир. Лекин бу одамлар театрга келмай қўйди дегани эмас. Телевидениенинг хилма хил кўрсатувлари, видеофильмлар кишиларни ўзига ром этиб қўйди. Лекин бир нарсага ҳайронман. Давр ўзгарди, ҳамма нарса бору одамларда аввалгидек хотиржамлик етишмаётгандек. Қаерга қарама чоп-чоп. Яқин яқингача ҳам ўзим оилам билан киноларга тушиб турардик. Энди ҳатто қариндош уруғникига ҳам боришга ҳам вақт йўқ.

- Камчиликларингиз?
- Жуда эринчоқман, доим ухлаб қоламан.
- Одамлардаги қайси қусурларни ёмон кўрасиз?
- Ҳасадгўйларни. Ўзини дўст тутиб, ортингдан ғийбат та-
рқатадиган худбин одамларни юзига ҳам қарагим келмайди.
- Актёр учун энг муҳим хусусият?
- Оллоҳ берган туғма истеъдод. Унда кучли овоз, равон
тил, нутқ, ўзига тортадиган истара бўлиши керак. Маънони
ифодалайдиган кўз қараш, хатти-ҳаракат, теран нигоҳ, бу-
ларнинг ҳаммаси тажриба асосида юзага келаверади деб
ўйлайман.
- Ниятларингиз?
- Насиб этса ўзим гоё топиб яхши асар яратсам.
- Орзуингиз ушалсин.

"Ёш куч" журнали, 1996 йил, 4-сон

АКТЁРНИНГ ҚАЛБ КЕЧИНМАЛАРИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Тоҳир Саидов ижодига назар)*

*Саҳнанинг илоҳийлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Тасаввур қилинг. Бироздан сўнг спектакль бошланади. Хонамга пардозчи ки-
риб келади, мени пардозлайди. Либоосчи либос кийдиради. Ва мен
тамомила бошқа одам, яъни асардаги қаҳрамон (у ким бўлишидан
қатъий назар) қиёфасига кираман. Бу менинг ташқи қиёфамдаги
ўзгариш, албатта. Саҳнага чиққунга қадар мени ўз номим билан
"фалончи" деб чақиришарди. Ўзим ҳам то саҳнага қадам қўймагу-
нимча "ўз"лигимни ҳис қилиб тураман. Бироқ саҳнага етиб кели-
шимга бир сония қолганида вужудимга бошқа бир руҳ - асар қаҳра-
монининг руҳи кириб келади ва менинг руҳим маълум бир муддат
(балки спектакль тугагунча) танамни тарк этади. Ана ўша вақт-
да ҳам мени "бу фалончи" деб атасалар, демак, мен артист эмас-
ман. Агарки, "фалончи" эканим саҳна ортида қолиб, мен ўша қаҳра-
мон тимсолида кўрина олсам ва мени ўша қаҳрамон номи билан
атасалар - бу менинг ютуғимдир. Саҳнанинг илоҳийлигини мен шун-
дай тушунаман".*

Бу сўзларни мен бўрттириб, қўшиб-чатиб айтаётганим йўқ.
Бу барчага таниш бўлган актёр Тоҳир Саидовнинг қалб ке-
чинмалари. Ушбу сўзлар менга Абу Наср Форобийнинг "Ву-
жудларинг ҳолати ўзгариши билан руҳлар ҳам ўзгариши та-
бийидир", - деган ибораларини эслатади.

Актёрни мен илк бор "Уфқ" спектаклидаги Турсунбой образи орқали таниганман. Бу образ менинг ҳаёлимдан анча вақтгача нари кетмаганди, ўшанда. Одатда биз салбий қахрамонлар, яъни мунофиқ, разил, нияти нопок шахслардан нафратланамиз. Турсунбойдан-чи? У қандай шахс эди? У қочоқ, ота-онасининг бошига не кунларни солмаган шахс. Шундай бўлишига қарамай, томошабин унинг тақдири ҳақида ўйлай бошлайди, аҳволига ачинади, ундан бутунлай нафратлана олмайди. Актёр эса ёмонни яхши қилиб кўрсата олгани учун ҳам томошабинга шу даражада таъсир қилган бўлса ажаб эмас. "Кўнгил кўчалари"даги Гадоё роли-чи? "Бугун чоршанба, энамизнинг кунлари" Гадоё ҳам аслида ижобий қахрамон эмас. Бироқ томошабин Гадоёдан ҳам нафратланолмайди. Тоҳир Саидовни ўша-ўша "ана гадоё, биби чоршанба" деб айтишадиган бўлишди. Ойнаи жаҳонда намоёиш этилган "Қотил" видеофильмидаги Чўтир образи ҳам актёрнинг маълум маънода қирраларини, истеъдодини намоён эта олишига имкон яратди, дейиш мумкин.

Тўғри, ҳар бир санъаткорнинг ўнлаб ўйнаган роллари бўлади. Бироқ, томошабин уларнинг ҳаммасини ҳам ёдда сақлаб қололмаслиги мумкин. Аммо шундай бир образ бўладики, актёрни "ярқ" этиб кўзга ташланишига, халқ назарига тушишига сабаб бўлади. Ва томошабин уни биргина ўша роли учун тан олади ва "ана шум бола", "ана Мўмин", "ана Сотти" ва яна бошқа кўплаб асар қахрамонларининг номи билан атай бошлайди. Демак, у роль томошабинга сингган. Балки ишонарлиги, балки самимийлиги учундир, нима бўлганда ҳам томошабин кўнглидан жой олган.

Мен актёрнинг Ўзбек Миллий академик драма театри сахналарида ўйнаган ролларини бирма-бир санаб ўтмоқчи эмасман. Актёр ҳали ўз ролини тополмагандир, эҳтимол?! Бироқ унинг имкониятларидан, истеъдодидан унумли фойдаланиб қолиш керакмикан, деб ўйлаб қоламан. Сабаби, Тоҳир Саидов айни кучга тўлган паллада. Файрати, шижоати жўш ураётган айни дамларда у ўз кўнглидагидай образлар яратмоқдами, маҳоратини тўла намоён эта олаётими? Саҳналаримизда "халқники" бўлиб қоладиган асарлар оздай кўринади. Вақт бизни кутиб турмайди. Зеро, ҳар бир актёр, санъаткор умрининг зое кетишига ачинмоқлиги лозим.

"Нега бошқа давлат санъаткорлари ўртасида ижодий ҳамкорлик, мулоқотлар ўрнатмаймиз? Бугун Туркменистонда

ижод қилаётган, янги бир асар ёзган бирон-бир ижодкорни танийсизми? Шароф Бошбеков, Машраб Бобоев, Эркин Хушвақтовга ўхшаган ижодкорлар йўқми? Нега Қозоғистонда "Чимилдиқ" қўйилмайди? Нега биз ижодкорлар бир-биримиздан жуда узоқдамиз? Мана, Нажиматдин Ансатбоевнинг "Ҳаётдан тўйган тун" спектакли қанчалар яхши натижа берди. Биз айбни бир кишидан ахтармаслигимиз, "бу сенинг вазифанг" демаслигимиз керак. Бу вазифа сизники, меники, уларники, барча-барчамизники! Давлатлар ижодкорлари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш, истеъдодли драматургларни излаб топиш, қолаверса, уларнинг асарларини журналда чоп этиш, актёрлар фаолиятидан унумли фойдалана билиш бугунги долзарб масала".

Муҳтарам ўқувчи! Бу сўзлар ҳам менинг сўзларим эмас. Актёрнинг куюнчаклик билан айтган сўзлари.

"Мен ҳали ўз ролимни топганимча йўқ. "Ой тўтилган тунда" асаридаги Девона ролини жуда-жуда ўйнагим келади", - дейди санъаткор.

Ноумид шайтон, дейдилар. Биз инсон фарзандлари доимо умид билан, яхши ниятлар билан яшагимиз келади.

Актёр Тоҳир Саидовнинг ҳали имкониятлари, биз кашф қилмаган қирралари кўп. Томошабинларга у кутилмаган янги образларни туҳфа этажагига ишончим комил!

"Театр" журнали, 2001 йил, 6-сон

БОЛАЛАРНИ ҲАЙРАТЛАНТИРГАН САНЪАТКОР

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Ақром Исломов ижодига бир назар)*

Баъзан ўйлаб қоласан, киши. Одамзодга кўп нарса керакми бу дунё-да? Санъаткоргачи? Ҳали ҳеч бир санъаткорнинг "Менга шон-шухрат керак", - деган сўзларини эшитмадим. Томошабинларнинг олқишлари қарсақлари менга кифоя, дейишади. Эҳтимол шундайдир?! Лекин барибир инсон боласи бутун умри давомида қилган меҳнатларининг қадрланишини, кимдир икки оғиз ширин сўз билан уни тилга олишини дил-дилидан ис-тайди. Қадрланишини кутиб яшайди. Қадрланганида эса, кўнглининг бир қадар таскин топганини ҳис этади.

Актёр Ақром Исломовни кўпчилик яхши билади. Айниқса, ёш, томошабинларимиз кўз ўнгида "Балли улоқча" спек-

таклидаги Бўри ролида намоён бўлган бу актёрни ёддан чиқариш жуда қийин. Ақром ака суҳбат чоғида менинг қўлимга сарғайиб кетган кундалик дафтарчасини тутқазар экан, унда 1974 йилдан то шу кунгача Й.Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театри саҳнасида намоёиш этилган спектаклларнинг номларию, муаллифлари, актёр ўйнаган ролларию, ҳатто премьераси кунгача ёзиб борганларини кўриб қувондим. Юздан ортиқ роллар...

Буларнинг ҳар бири Ақром Исломов учун қадрли, албатта. Биргина "Балли улоқча"даги Бўри ролини эса актёр минг маротабадан зиёд саҳнада гавдалантирган экан. Бўри, тулки каби ҳайвонлар ёш болажонлар тасаввурида ҳаммиша шафқатсиз, маккор ва зўравон. Ҳақиқатан ҳам кўп спектаклларда бу ҳайвонлар шундай талқин этилади. Болалар зўравон ва шафқатсиз бўридан доим нафратланишади ва кўрқашади. "Балли улоқча" спектаклидаги бўри эса болаларда тамомила бошқача таассурот уйғотади. У жуда гўл, содда, ҳаммага бирдек ишонувчан бўлгани боис, уни бошқа ҳайвонлар осонгина алдаб кета оладилар. Спектаклни томоша қилган болажонлар кўнглида бўрига нисбатан нафрат эмас, меҳр-шафқат, раҳмдиллик туйғулари, ачиниш ҳисси пайдо бўла бошлайди. Бу ролни актёр ўзига хос тарзда ижро этиб, бўрининг салбий эмас, ижобий қиёфасини ярата олгани учун ҳам жажжи томошабинлар қалбидан жой топа олди.

Ақром аканинг болалиги Чуқурсой дала боғларида ўтган. Отаси деҳқончилик ишлари билан шуғулланган. Оиладаги болалар ҳам оталарига дала ишларида қарашар, ҳосилни йиғиб-тергач эса яна шаҳарга қайтишарди. Ёшлиқда ким нимага қизиқмайди, дейсиз. Ақром ака 4-5 ёшларида маккажўхорининг попутидан соқол-мўйлаб ёпиштириб, ўзича ҳаракатлар қилар, ўзини гўё бирон бир роль ижро этаётгандек ҳис этарди.

1957 йилда И. Охунбобоев номидаги маданият уйида сайлов бўлади. Ёш Ақром ота-онасига эргашиб сайловга боради. Ўшанда бир томонда карнай-сурнай, ноғора чалаётган созандалар, иккинчи томонда масҳарабозларнинг чиқишларини кўриб, маҳлиё бўлиб қолади. У кейинчалик бу бинога тез-тез кириб-чиқиб турадиган бўлади. Бир куни кексароқ бир киши унинг ёнига келиб, уни халқ театрига таклиф қилади. Борса "Бой ила хизматчи" спектаклининг репетицияси кетаётган экан. У томошани охиригача ўтириб кўради. Орадан бир неча кун ўтар-ўтмай, "Ўзбекфильм" киностудиясида ишлайдиган амакиси уни ўзи билан бирга

ишга олиб боради. У ерда катта-катта артистларни кўриб, яна ҳайратда қолади. Икки томонлама таъсирланган Ақром ёшлигидан бошлаб халқ театрида иштирок эта бошлайди.

8-синфни тугатиш арафасида мактабга билим юртлари, техникумлардан ўқитувчилар кела бошлашади. Бир домла ўқувчиларни йиғиб, эстетика фанидан роса маъруза қилади. У Гофир, Ҳамлет монологларини чунонам қойиллатиб ўқиб берадики, бу Ақромнинг ички туйғуларини янада уйғотиб юборади.

Маърузадан сўнг, у домланинг қўлидан маҳкам ушлаб "мени техникумга олиб кетинг", дейди.

Маданий-оқартув техникумига муваффақият билан ўқишга кирган Ақром Исломов актёрлик маҳоратидан Эркин Нурмухамедовдан, режиссура бўйича Маҳкам Муҳамедовдан, саҳна нутқидан эса Азиз Дадаевдан таҳсил олади. Ўқишни тугатгач, уни Мулла Туйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрига ишга юборадилар. Актёр театрда ишлаш билан бирга Тошкент Давлат санъат институтининг сиртқи бўлимида таҳсил олади. Театрда ёш Ақром Ўзбекистон халқ артистлари Муҳтарама Носирова, Хайитали Мустафоқулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Жалил Ашуров, Одилжон Исмоилов, театрнинг бош режиссёри Аликул Тўраев ва бошқа санъаткорлар билан бирга ишлай бошлайди.

Қашқадарё театрида 3 йил ишлаган актёр хужжатларини олиб Тошкентга қайтгач, Ақром ака ўзи илк бор қатнаган халқ театрига бадиий раҳбар этиб тайинланади. 1974 йили халқ театрларининг кўриги бўлиб ўтади. Ўшанда халқ театри Ҳ. Нўмоннинг "Ота" романи асосида (Ш. Умаров инсценировка қилган) "Йўлдош Охунбобоев" спектакли билан қатнашиб, спектаклдаги бош роль - Йўлдош Охунбобоев сиймосини Ақром Исломов гавдалантиради. Ушбу спектакль Республикада биринчи ўринга сазовор бўлади.

Спектаклни Ёш томошабинлар театрининг раҳбарлари Мирзакарим Бобоев, Ўзбекистон халқ артисти Карим Хонкелдиев ва бошқалар яхши қабул қилишиб, "Охунбобоев бу ерда эканку, биз аллақерлардан қидириб юрибмиз", - дейишади. Эртаси куниеқ Ақром Исломовни Республика Ёш томошабинлар театрига ишга қабул қилишади.

1974 йил. Бу даргоҳда уни Ўзбекистон халқ артистлари Карим Хонкелдиев, Манзура Ҳамидова, Бадал Нурмухамедов, Муҳаббат Йўлдошева, Воҳид Қодиров, Обид Толипов-

лар самимий кутиб оладилар, У илк бор Ж. Абдуллахоновнинг "Олов қалблар" спектаклида Самад қори ролини, кейинчалик Лазиз Қаюмовнинг "Қалдирғоч"ида Шариф бобо, Иззат Султоннинг "Донишманднинг ёшлиги"да Шайхулисом, Гоголнинг "Ревизор"ида Осип, Фафур Фуломнинг "Шум бола"сида Ҳожи бобо, Раҳмат Файзийнинг "Ўз уйингдасан"-ида Ориф ота, Пўлат Мўминнинг "Суқатой Конфетвой"ида Нафсвой, Ҳожиакбар Шайховнинг "Коинот қароқчилари"-да Азизов, Шароф Бошбековнинг "Эски шаҳар гаврошлари"да Мўмин, Абдулла Ориповнинг "Ранжком"ида 2-Аъзо сингари турли мавзулардаги спектаклларда ранг-баранг образлар яратади. Саҳнани саждагоҳ билиб, муқаддас санаб, фақат театр деб яшагани боис, у кўп нарсалардан воз кечди. На бирон кинофильмда суратга тушишга улгурди, на бирон телесериалда иштирок этди. Режиссёрлар ҳам уни чақира-чақира чарчашди. Умрининг кўпи театрда ўтди.

- Болалар театрида ишлаш бошқа театрларда ишлашдан анча осонроқ бўлса керак, - деб сўрайман актёрдан.

- "Йўқ болалар театрида ишлаш сиз ўйлаганчалик осон иш эмас. Уларни ишонтира билиш, ҳайратлантира олиш керак. Бунинг учун сиз ижро этган ҳар бир ролда сохталик эмас, соддалик, зўрма-зўракилик эмас, ҳаққонийлик акс этиб туриши керак. Саҳнага чиққанимда ўзимнинг хатти-ҳаракатларим билан худди ёш болага ўхшаб қолганимни сезаман. Ва бундай пайтларда ҳам ғурурланаман, ҳам ўз касбимдан фахрланаман. Қолган умримни беғубор, кўнгли сувдай тоза болажонлар хизматига бахшида этаётганимга сира-сира ачинмайман",- дейди актёр.

«Театр» журнали, 2003 йил, 1-сон

МЕН "ТИЛЛАВОЙГА" ЎХШАМАЙМАН

Биз актёрлар билан суҳбатлашганимизда уларга санъаткор бўлиш учун овоз муҳимми, сўзни теран ифодалай билишими каби қатор саволлар берамиз. Ва табиийки, улардан турлича жавоб оламиз. Бири актёр учун теран нигоҳ зарур деса, иккинчиси овоз катта аҳамиятга эга, дейди. Тагин бирови сўз талаффузининг таъсири катта, деб айтади. Актёр учун энг зарури - истеъдод, иқтидор. Аммо... Ҳеч қандай гап-сўзсиз, ҳеч қандай овозсиз ҳам образ яратиб бўладими? Ҳа, образ яратса бўлар экан. "Кундузсиз кечалар" даги Фарҳод Абдуллаев яратган гунг образини кўргач, бунга амин

бўлдим. Спектаклнинг Чўлпонни ҳибсга олиб кетиш сахна-сида, шоирнинг этақларига унсиз ёпишган (Фарҳод ака) гунгнинг ҳолатидан, унинг бир оғиз сўз айтишга ожизлигидан, инграшидан қалбингиз ўртанади. Гунг тинимсиз инграйди, шашқатор йиғлайди ва сиз ҳам беихтиёр унга қўшилиб унсиз йиғлайсиз, унинг дардига шерик бўласиз. Актёрга энг биринчи берган саволим ҳам менда таассурот уйғотган гунг образи ҳақида бўлди.

- *Фарҳод ака, "Кундузсиз кечалар" даги гунг образи таъсирчанлиги билан бошқалардан фарқ қилади. Очиғи, сизни фақат комедия жанридаги образларнинг ижрочиси сифатида билардимиз бундай ролни ўйнай олишингизни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Бу ролни ўйнаётганингизда ўзингизни шу одам ичида ҳис қилдингизми ёки актёрлик маҳорати устунлик қилдингизми?*

- Биласизми, мен табиатан йиғлоқироқман, кўнглим жуда бўш, таъсирчанман. Ўзимдаги шу жиҳатларим шу ролни жонли ва ишонарли чиқишида қўл келди. Ва албатта актёрлик маҳоратини ишга солмасдан туриб роль ижро этиб бўлмаса керак. Нима бўлгандаям, юракдан ҳис қилгандагина ролнинг ичига кира олиш ва "мириқиб" ўйнаш мумкин.

- *Сиз ўзингизни комик актёр деб ҳисоблайсизми ё трагик?*

- Мақтанишга йўймангу, ҳар иккаласида ҳам ўзимни профессионал санайман. Бу ролни эплолмайман, ўйнолмайман дейиш ҳар қандай актёр учун уят. Актёрлик касбим, томошабин олдидаги бурчим ва мажбуриятим деб санайман.

- *Баъзи актёрлар бирон образни шу қадар маҳорат билан ижро этадиларки, шу яратган образ орқали "ярқ" этиб кўзга кўринадилар ва шу роль бир умр ўзлариники бўлиб қолади. Масалан, Обид Юнусовни Ўтқурий, Абдурайим Абдуваҳобовни Шум бола, Гулчеҳра Жамиловани Кумуш, Зайнаб Садриевани Фармонбиби, Ғани Аъзамовни Мўмин деб чақирришади. Ўзингизники бўлиб қоладиган ролингизни топдингизми? Топмаган бўлсангиз уни қандай тасаввур қиласиз?*

- Агар актёр ўзиники бўлиб қоладиган ролни эртароқ топса, яъни унга бу тўхфа вақтли келиб қолса бу ёмон. Сабаби, актёр изланишдан тўхтаб қолиши мумкин. "Ўз ролимни топдим" деган тушунча актёрни анча хотиржам қилиб қўяди. Ўзимга келсам, мен ҳали ўз ролимни топганим йўқ. Менга аталгани ҳали олдинда бўлса керак.

- Кейинги йиллар ичида миллий театр сахнасида қўйилган спектаклларнинг қай бири сизнингча муваффақиятсиз чиққан?

- Кейинги йиллар ичида миллий театримиз сахнасида мақтаса арзигулик, юксак савиядаги асарлар намойиш этилди деб айта оламан. Булардан "Ўтган замон хангомалари", "Дарахтлар тик туриб жон беради", "Адибнинг умри", "Аёлғу" ва бошқа асарларни мисол қилишим мумкин. Ҳар бир спектаклнинг ўз томошабини бор. Шуни эътиборга олган ҳолда асарларимизнинг барчасида ўзига хос муваффақиятлар бор, дея оламан.

- *Машраб Бобоевнинг "Кўнгли кўчалари" видеофильмидаги Тиллавоё билан Фарҳод Абдуллаевнинг ички қиёфасида мутаносиблик борми?*

- Тиллавоё билан характеримизда баъзи ўхшашликлар йўқ эмас. Масалан, унинг тиниб-тинчимаслиги, елиб-югуриши... Бироқ онасининг ҳолидан хабар олмаслиги менга бегона.

- *Кинода ўйнашни афзал деб биласизми ё театрдая?*

- Албатта, театрда-да. Саҳна актёрни пиштади, шакллантиради, тажриба орттирасан. Айниқса, томошабинлар билан жонли мулоқотда бўлиш, ҳис-туйғуларингни, ўзингни тўла намоеън этиш имкони бор бўлгани учун ҳам "мириқиб" ўйнайсан. Томошабинларнинг нигоҳи саҳнага қадалганини сезишнинг ўзи актёрга катта куч ва илҳом беради. Кинода эса бошқачароқ. Жонсиз экран.

- *Кинода ижро этган ролларингизнинг қай бирдан кўнглингиз тўлган?*

- "Бомба" фильмида ижро этган ролимдан, "Даллол" фильмида Людмила Касаткина билан бирга ўйнаган ролимдан, италия киноижодқорлари билан яратилган "Бо ба бу" фильмида француз актрисаси Ариэль Дамбаль билан бирга ижро этган ролларимдан қониққанман.

- *Касбдошларингиздан ажралиб турадиган томонингиз нимада?*

- Баъзилар ҳаётда ҳам атайлаб овозларини ўзгартириб гапиришга уринадилар (салбий маънода "артистлик" қилдилар") тўғриси, ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам бирдайман.

- *Сизнингча саҳнада энг муҳим нарса нима?*

- Эркинлик. Ўзимни саҳнада эркин тутишни устозим Пўлат Саидқосимовдан ўрганганман.

- *Ҳаётдаги ожиз томонингиз нимадаю саҳнадаги ожиз томонингиз нимада?*

- Ҳаётда ўзимни ожизман деб айтолмайман. Саҳнадаги ожизлик... Режиссёрга тобелигимда.

- *Шартаки бўлсангиз керак-а?*

- Бетга айтганнинг заҳри йўқ. Орқасидан ғийбат қилгандан кўра юзига шартта айтган маъқул.

- *Нималарни хоҳлардингиз?*

- Қанийди томошабинлар билан фақат саҳнада кўришсак, трамвай, автобусларда юрмасак. Қадримиз баландроқ бўлса...

«Театр» журнали, 2005 йил, 3-сон

РОЛЬ СЎРАБ ЎЙНАМАГАНМАН

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Гулчеҳра Иброҳимбекова ижодига чизги)*

Санъаткор бўлиш, халқнинг кўнглидан жой олиш осонми? Унинг нонини ейиш-чи? Битта қўшиқ ё битта рол ижро этиш билан ҳамма ҳам санъаткор бўлиб қолаверадими? Модомики шундай бўлса, бугун ҳамма санъаткорман дея даъво қилади. Бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда қўшиқ куйлаш ҳам, актёр бўлиш ҳам жуда осондай кўринади. Энг қизиғи, осмонимиздаги "юлдуз"ларнинг барчаси ерга тушиб қолгандек. Айрим "юлдузча"ларнинг калондимиглигию манманлигини ҳеч қандай сўз билан таърифлаб бўлмайди. Аслида, санъатнинг юки оғир, нони қаттиқ бўлади. Бу йўл ҳам изтиробли, ҳам шарафли. Баъзан ўйланиб қоласан, киши. Бу йўллардан, бу катта даргоҳлардан не-не буюк истеъдодлар ўтмади. Улар улкан ишларни қилиб ҳам, бетакрор роллари билан томошабинларни қойил қолдириб ҳам бўйларини кўкка чўзмаганлар. Уларни шу қадар олижанобликлари, камтаринликларининг боиси не? Балки улар ўзларини эмас, санъат деб аталмиш сирли, мўъжизавий оламни кўпроқ севгандирлар. Шу ўринда улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг сўзлари ёдга тушади. "Истеъдодлиларга ёрдам беринг. Истеъдодсизлар ўз йўлларини топиб кетишади".

Бугунги кунда театр санъати ривожига ҳисса қўшиб келаятган санъаткорлар орасида Гулчеҳра Иброҳимбекованинг ҳам ўз ўрни бор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбек Миллий академик драма театрининг актрисаси, кўплаб ёшларга устозлик қилаётган Гулчеҳра Иброҳимбекова назаримда

Ўзини эмас, санъатни севган санъаткорлар сирасига киради.

- Кўплаб буюк санъаткорлар билан саҳнада ёнма-ён ижод қилиш бахтига муяссар бўлганимдан фахрланаман, - деб гап бошлайди актриса. Бетга айтганнинг захри йўқ, дейишади. Очиғини айтиш керак. Аввалги санъаткорлар билан бугунгилар ўртасида сезиларли даражада фарқ бор. Бу фарқ қачон сезилади? Қачонки улар билан бирга ишлаган бўлсанг, суҳбатларидан, панду насиҳатларидан баҳраманд бўлган бўлсанг. Аслида мана шунинг ўзи мактаб дейилади. Бизнинг ўрта авлод вакиллари ана шу мактабни кўрганимиз боис санъатга, касбимизга бошқачароқ ёндошганмиз ва ҳозиргача амал қилиб яшаймиз. Менимча касбга садоқат шу бўлса керак. Янада аниқроқ қилиб айтсам, театр санъатига юзаки, енгил-елпи қараш бизнинг авлод санъаткорларига ёт, бегона. Шукур акалар, Наби акалар давридаги масъулият, юк бизни ҳамиша босиб туради. Ўзимизга нисбатан талабчанмиз. Бир-биримизнинг хатою камчиликларимизни юзимизга бемалол айта оламиз. Шахсан бир санъаткор сифатида ўз кузатувларимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, аввалги санъаткорлар ҳеч қачон "мен" дейишмаган. Асарни ишлаш жараёнида битта роль учун ҳамма бараварига жон куйдирган. Бирлашиш, ҳамжиҳатлилик, танқидни тўғри қабул қилиб уни дарров тўғирлашга интилиш, ўзаро дўстона муносабат кучли эди. Афсуски, ҳозир ман-манлик кучайиб кетди. Ҳамма ўзбилармон, ҳамма ролини қойил қилиб ташлайди. Фақат мақтасанг бўлгани. Мабодо камчиликларини, хатоларини тўғирлайман десанг, димоғи тошни ёради. Буни қандай тушуниш мумкин?!

Асар устидаги иш жараёниники гапирмай кўя қолай. Кўпгина санъаткорлар ўзига тегишли ролни ёдлаш билан кифояланиб қолишади. Хаёл бошқа ёқда, тезроқ тўйга бориб пул ишлаш. Авваллари театрга ишга кириш ҳам осон эмасди. Минг чигириқдан ўтказиб бадий кенгаш орқали, танлаб-танлаб ишга қабул қилишарди. Саҳна ўйингоҳ эмас-ку?

1966 йил. Театр жамоаси (собиқ Ҳамза театри) Тожикистонга хизмат сафарига боришган. Менда актриса бўламан, деган фикр умуман бўлмаганди. Тўғри, ёшлигимдан раққоса бўламан дер эдим. Рақс тўгаракларига қатнардим. Ўша пайтларда "Лола", "Зебо" рақс дасталари бўлар эди. Раққоса

Малика Қаландарова билан мени "Лола" дастасига олиб кетамиз дейишган. Ўқишим керак, деб бормагандим. Мени театр санъатига етаклаган холам - Ўзбекистон халқ артисти Икрома Болтаева бўладилар. 1973 йилда театрда "Комиссия" асарида Наби акам Раҳимов билан бир саҳнада ўйнадим.

Мана шу спектаклдаги Гулчеҳра роли билан катта саҳнада илк бор чиққаним эсимда. 1980 йилда оилавий шароит туфайли Тожикистонга кетдим. У ерда уч йил яшашга тўғри келди. 1983 йил театрга келдим. Синов муддати билан ишга оламан, дейишди... Санъат ҳам, санъаткорнинг ҳам юки енгиллашиб, "майдаллашиб" бораётганга ўхшайди. Бу жуда хатарли. Саҳнага жуда осон қадам билан кириб келиш, икки кунда бош қаҳрамон ролини ўйнаб ташлаш мумкин эмас. Танбеҳга тоқати йўқ ёшларнинг хатоси саҳнада яққол кўзга ташланади. Эртага у яна шу хатони такрорлайди.

Устозим Иза Исаева яқин-яқингача ҳам менга хато-камчиликларим хусусида фикр билдирардилар. Бу кишидан тўғриликни, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз "мен"имга содиқ қола олишликни ўрганганман. Тўғри, ўйнаган барча ролларим кўнгилдагидек чиқмаган бўлиши мумкин. Бироқ менга ишониб топширилган ҳар бир ролга жиддий ёндошганман. Биз саҳнага осонгина чиқиб кетмаганмиз. Меҳнат, машаққат, кўп заҳматлар эвазига битта роль туғиларди. "Тўмарис" спектаклида она ролини ўн беш минут ижро этишим керак эди. Биласизми, мана шу ўн беш минутлик роль учун ҳар куни тинмай изланганман. Негаки бу осонлик билан ижро этиладиган роль эмасди. Актёр қачон пишийди? Қачонки, ҳар битта роли учун изтироб чекса, ўйласа, тинмай меҳнат қилса, баъзан ролини чиқара олмаса. Роллар маиший, енгил-елпи, мени кечирасизу бақир-чақир, фақатгина қуруқ хитобдан иборат бўлса актёр ҳам шунга мослаша боради ва шунақа "образлар"нинг ҳамроҳига айланади.

- Битта даргоҳда ҳар хил йўналиш ва ҳар хил мактаб бўлиши мумкин. Масалан, Сора Эшонтўраева лирик актриса монолог устаси, Лутфихоним ая ҳиссиёт актрисаси, Икрома Болтаева комик актриса ва ҳоказо. Сиз қайси услуб ё йўналиш, қайси мактаб вакиласига мансубсиз?

- Табиатимда лирикага мойиллик йўқ. Ёшлигимдан шеър ўқишни унчалик ёқтирмасдим. Талаффузимда ҳам бу оз-моз сезилади. Назм, шеърини йўналишдаги асарларда ўйнашни

ёқтирмаганим учун саҳнада шоираларнинг тимсолларини олиб чиқишга қизиқмаганман. Ўзимни Шукур ака, Наби ака, Икрома опаларнинг мактабига мансуб бўлсам керак, деб ўйлайман. Кўпроқ характерли ролларни ўйнашни ёқтираман. Бир куни "Олтин девор" спектаклининг сўнгида барча қаҳрамонлар икки мисрадан шеър ўқиб яқунлашимиз керак эди. Миямда шеърни такрорляяпман. Энди навбатим келганда, шеърнинг бирон-бир сўзи тилимга келмайди-да. Ўзим билмаган ҳолда тилимга нима келса айтиб юбораверибман. Бир маҳал Ёдгор Саъдиев секин қулоғимга "Чакра, нималар дединг" - десалар борми?

Гулчеҳра Иброҳимбекова кўпроқ салбий қаҳрамонлар қиёфасида кўринади. Унинг ижросидаги ҳар бир рол гарчи салбий бўлса-да бири бирини такрорламаслиги керак. Салбий қаҳрамондан ҳам ижобийлик, бирон бир фазилат излайди. Ахир бир яхшининг бир ёмони, бир ёмоннинг бир яхши тарафи ҳам борку. У буни излайди, топади.

- Кейинги пайтларда Шавкат Жунайдуллаев мени видеофилмларга тез-тез таклиф қилиб турибди - дейди у. "Чархпалак"да битта эпизодни 20 марта олишга тўғри келди. Ҳар сафар бор кучим билан ўйнайман. Охири режиссёр "Гулчеҳра опа сал оддийроқ ҳаракат қилинг", - деди. Мен ролга оддийроқ ёндошолмайман, - дедим. "Эшик ортидаги ҳаёт", "Хуршида", "Қайтар дунё", "Хотинлар гапидан чиққан хангома" каби видеофильмларда суратга тушдим. Буларнинг ҳаммасига режиссёрларнинг таклифи билан тушганман. Ҳаётимда бирон марта рол сўраб ўйнамаганман. Театрда Баҳодир Йўлдошев, Марат Азимов каби режиссёрлар билан ишладим, ишляяпман. Актрисалар орасида Ойдин Норбоева, Рихси Иброҳимоваларга ҳурматим баланд. Ойдин Норбоева саҳнага чиққанда тамомила ўзгача қиёфага эга бўларди. У саҳнага сингиб, саҳна унга сингиб кетарди. Ҳаётда оддий, саҳнада буюк эди.

- *Садоқат ҳақида кўп гапирамиз. Қадр ҳақида кўп гапирамиз. У ўзи нима?*

- Бир неча йиллар аввал Саъдихон Табибуллаев, Шукур Бурҳонов ва бошқа санъаткорлар гуруҳи билан қирқ кун Бухорода сафарда бўлганмиз. Ҳар куни бўлиниб-бўлиниб вилоятлар бўйлаб хизматга борамиз. Ва бир ерга тўпланамиз. Ҳамма чарчаган, биров жойида бор, биров йўқ. Лекин Саъдихон ака қирқ кун ҳар куни тиқ этмай, кийинган, грим ҳолатида жойларида

бўладилар. Менимча санъаткор энг аввал ўзини ҳурмат қила билса санъатга, касбига садоқати шунда намоён бўлади. Яна қайтариб айтаман, санъаткор ўзини севиши эмас, ҳурмат қила билиши керак. Қадр эса билмадим. Бизнинг касбимизда ишлаб турсанггина кераксан. Саҳнадан тушган замон унутиласан.

Санъатда инсон ҳеч қачон ўзига тўла ишониши керакмас. Ўша куни у ўзини йўқотади. Айниқса, аёл санъаткорларга бу борада анча қийин. Ҳар нарсада меъёрни тута билиш, кийиниш, юриш-туриш, хатти-ҳаракат ички маданият, гурур (кибр маъносида эмас), аёллик шаъни ҳамма-ҳаммаси эл назарида бўлишини унутмаслик керак.

- Ҳар бир инсон, айниқса ижодкор ҳаётимда кўп нарсаларга эришолмадим деб изтироб чекади. Сизни кўпроқ нималар қийнайди?

- Санъаткорнинг умри жуда тез ўтиб кетар экан. У йиллар мобайнида ўзини топаркан. Энди-энди тажриба ортиб, энди-энди етилдим деганингда ўзингга, руҳиятингга мос роллар топилавермас экан.

Ҳаётда кўп йўқотишлар бўлди. Яқинларимнинг вафоти мени анча тушкунликка тушириб қўйди. Шу сабаб ижодимда бироз узилиш бўлди. Инсон ҳамма нарсага кўникар экан. Мана, секин-аста яна ижод қўйнидаман. Театрдаги ишимдан бўш пайтим маданият коллежида актёрлик маҳоратидан сабоқ бераман. Педагогликни турмуш ўртоғим Турғунбек Иброҳимбековдан ўрганияпман. У киши шу даргоҳда кўп йиллардан бери режжисурадан даре берадилар. Фарзандлар, набиралар қуршовидамиз. Менимча театр санъатига томошабинларни жалб қилиш йўлларида бири рекламани кучайтириш, театр санъати ҳақидаги кўрсатувларни кўпайтириш керак, деб ўйлайман. Саҳналаримиздан "Кундузсиз кечалар", "Адибнинг умри", "Тун албатта ўтади", "Дарахтлар тик туриб жон беради" спектаклларидек асарлар кўпайса. Санъаткорлар ўз касбларига "шунчаки" ёндошмасалар. Ҳар қандай шароитда ҳам ўз гуруримиз, ор-номусимизни сақлаб қола билсак. Ички маданият, ички ибодат, интеллектуал салоҳият жиҳатидан бир қадар юксакроқ бўлсак. Зеро, санъаткор халқни ҳаммиша элнинг, одамларнинг назарида. Одамлар эса эшитганига эмас, кўрганига ишонади. Менимча санъаткорнинг бахтсизлиги халқнинг, мухлисларнинг назаридан қолишида бўлса керак. Шундан барчамизни асрасин.

Сухбатдошимнинг сўзларини жим ўтириб эшитаман. Жай-дарилик сезилса-да, лекин қатъийлилик, гурур ва вазминлик уни янада жозибали қилиб кўрсатади. Буни назокат дейинми, ёхуд Шукур Бурҳон айтмоқчи ёқимтойлик деб атайми, ҳар ҳолда сўз билан ифодалаш қийин.

«Театр» журнали, 2008 йил, 1-сон

ЯЛАНГҲЎШНИНГ АДЬЮТАНТИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Пўлат Носиров ижодига чизги)*

Ҳар бир инсон бир тарих. Унинг юрагига йўл топа билсангиз бас. У сиз билан тиллашади, сирлашади, бору йўғини тўкиб солади ва у "тарих"дан сиз воқиф бўласиз. Ташқаридан ҳаммамиз оддий бир инсон бўлиб кўринсак-да, ўзимизга яраша юрак дардларимиз, тақдирларимиз, қисматимиз бор.

*Бу дунёда борми ўзи адашмаган бир кимса,
Инсон хато қилмоғу тuzатмоққа яралган.
Ҳаёт узун, муҳаббатнинг, мардликнинг умри қисқа,
Жафого тўла дунё, синов бизга аталган.*

Ижодкор ҳақ гапни айтган. Бу дунё бир синов, имтиҳонлар дунёси. Ундан қай йўсинда ўтиш эса биз бандаларнинг иродамизга боғлиқ.

Тақдир экан, 2 ёшида унинг отаси урушга кетади. Отасиз қолган гўдакни ҳаёт яна сийламади. У онасидан, меҳрибон волидасидан ҳам ажраб қолди. У ҳар гал шоир Фафур Гуломнинг "Сен етим эмассан" шеърини ўқиганида беихтиёр кўзларидан ёш оқарди. Худди унинг учун ёзилгандай эди бу шеър. Хуллас, у бувисининг қўлида ўсиб улғаяди, тарбия топади. Аввалига алоқачилик - монтёрлик касби билан шуғулланади. Шундай бўлса-да, у мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ адабиётга, шеърятга ихлос қўяди. Туман газетаси саҳифаларида унинг шеърлари тез-тез босилиб туради.

Қиш пайти. Хизмат чоғида у одамларни қутқараман деб узилиб тушаётган электр симларини қўли билан ушлаб қолади. Натижада уни кучли ток уриб, хушидан кетади. Тўрт кун деганда аранг ўзига келган йигитчага бувиси: "Болам, узоқ умр кўрай десанг, касбингни ўзгартир", - деб зорланади. У 18 ёшга қадам қўяётганида актёр бўламан, деган қатъий қарорга келади. Ундаги

бу қатъият янгитдан яшашга, эртанги кунга бўлган ишонч ва умидларини туғдиради. Бу инсон халқимизнинг севимли актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Пўлат Носир эди. Пўлат ака ўзининг бир шеърида "Худо қайтиб берган одамман" деб ёзганида болалигида рўй берган ўша ҳодисани хотирлаган бўлса керак. Қахрамонимни истеъдодли, ўз услубига эга актёр сифатида билар эканману, у кишининг фалсафий шеърлар ёза оладиган яхшигина қалам соҳиби, тўй-ҳашамларда давранинг кифтини келтириб бошқарадиган бадиҳагўй эканидан бе-хабар эканман. Кўп ўтмай, мен бунга гувоҳ бўлдим. Пўлат ака даврага тушишлари билан бутун даврадагиларнинг диққат-эътибори у кишига қаратилади. Ҳар қандай ҳолатдан усталик билан чиқиб кета оладиган қобилиятга ҳам эга экан. Пўлат ака каби ҳар қандай ҳолатдан усталик билан чиқа билиш, бадиҳагўйлик қилиш, қолаверса, бутун даврани ўзига жалб қила олиш ҳар қандай актёрнинг ҳам кўлидан келавермаса керак? Бунинг сири нимада, деб сўрайман. "Энг аввало, хаётни, одамларни ўргнишда. Уларнинг савиясини, дунёқарашини билиш, кўп китоб мутоала қилиш, қолаверса, ўз хаётимдаги тажриба, машаққатли кунларим, ҳамма-ҳаммасининг умумлашмасидан келиб чиқадиган жараён деб биламан. Устозим Шукур ака Бурҳонов "Саҳнага чиқиши биланоқ сўзлаётган сўзингнинг маъносига эътибор бер ва ўша сўзни томошабин юрагига етказа билсанг, бас", - деган эдилар. Бошқа сири йўқ синглим, - дейди актёр. Ҳаёт тажрибаси ва машаққатли кунлар... Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ, - деган халқда ибратомуз гап бор. Болалигида кўп оғир кунларни бошидан кечирган Пўлат аканинг ёруғ кунлари Ҳамза театрига келган даврларидан бошланди. Унинг ижодига бир эътибор беринг. "Жалолиддин Мангуберди" тарихий драмада Элборс паҳлавон, "Мирзо Улугбек"да Бердиёр, "Машраб"да Оппоқхўжа, "Пири коинот"да Мухтасиб, "Ёрқиной"да Нишабсанбеги, "Меҳробдан чаён"да Худоёрхон, "Етти фарёд"да капитан, "Қирол Лир"-да Граф Кент ва бошқа кўпгина роллар мухлисларга яхши таниш. Пўлат ака умрининг 35 йилини саҳна ижодига бағишлади. Унинг ажойиб феъл-атвори, ўзига хос табиати бор. Ҳаётда, ён-атрофида рўй бераётган воқеа-ходисаларга бефарқ қараб туролмади. У ҳайрат билан яшашни севувчи инсон. Ҳар қандай қийинчиликларни букилмас иродаси би-

лан енга олади. Ўз руҳий олами бор унинг. У шу оламда яшайди, ижод қилади, баъзан узоқ хаёл суради. Баъзан кимнингдир ижодидан ҳайратланганидан шеърлар ёзади. Кўнглида ҳаётга завқ, одамларга меҳр лиммо-лим. Мана, бир шеърига кулоқ беринг.

*Асакани Чўнтагини, чархпалагини
Ғирчиллаган садосидан куй басталаган,
Шўх чўпонлар, пиллакорлар тилагини
Жамбил қилиб, райҳон қилиб дасталаган.
Андижондан парвоз қилган моҳир шунқорсан,
Жаҳон халқи эъозлаган чин санъаткорсан.*

Ушбу шеърни у бир дўстига бағишлаган. Шеърда унинг ҳис-туйғулари, кўнгли бор. Юқорида таъкидлаганимиздек, унинг ижросидаги ролларнинг деярли кўпи тарихий шахслардан иборат. Замонавий қаҳрамонлар образини очиб беришдан кўра тарихий сиймолар образини очиб бериш анча мушкул бўлса керак. Сабаби маълум. Актёр у даврда яшамаган, кўрмаган. Шундай бўлсада, у ўзини ўша замонда яшагандай ҳис қилиб роль ўйнашга ҳаракат қилади.

- *Шайбонийхон ролини ўйнаш қийин кечмаганми? - деб яна саволга тутаман.*

- Ким ҳаётда қийинчиликсиз бир нарсага эришибдики, мен осон эришдим, десам. Бадиий образ деганда кўпроқ ташқи қиёфани тушунамиз. Дейлик, тарихий шахсларнинг ташқи қиёфасини ўзидай кўрсата олиш у қадар қийин эмас. Кийим-кечаклар дегандай. Аммо ўша шахснинг ички дунёси, характерни очиб бериш осон эмас. Тарихни билиш, ўша давр кишилари ҳаётини ўрганиш, яшаш шароити, олий мақсадларини имкон қадар билиш, тасаввурга эга бўлиш актёрга бир оз енгиллик яратади. Бунинг учун тарихий шахсларнинг зоҳиридан кўра ботиний туйғулари, руҳий оламлари қандай бўлгани ҳақида билимга эга бўлмоқ энг биринчи ўринда туради.

- *Пўлат ака, сахнада ҳам, ҳаётда ҳам кўнглим буюрганча яшадим, деб айта оласизми?*

- Ҳаётни берган Оллоҳга беадад шукр. Кўнглим буюрганча яшай олдим, деб айта оламан. Энг биринчи галда мен отамнинг васиятларини бажардим. Отам (Аллоҳ раҳ-

мат қилсин) Тошпўлат Носир санъаткор бўлишни жуда орзу қилганлар. Аммо орзуларига етолмаганлар. Сабаби, ўша пайтда иккинчи жаҳон уруши бошланган, отам раҳбарлик лавозимида ишлар, ҳар гапларида "халқимизнинг қорнини тўйдиришим керак", - дер эдилар. Умрларининг сўнгида менга "сенинг ризқ-насибанг халқ билан", - дегандилар.

- *Юқорида Шукур акани устозим дея тилга олдингиз. Шукур ака билан боғлиқ бўлган бирон воқеа ёдингизда қолганми?*

- Санъаткорлар ҳаётида жуда кўп қизиқ, ёдда қоларли воқеалар бўлади. Сизга бир воқеани айтиб берай. Бир куни Қўқонга хизмат сафарига бордик. Таниқли санъаткор марҳум Муроджон Аҳмедов бизни меҳмонга таклиф қилди. Шукур Бурҳон, Рустам Ҳамидов, Жўра Қўлдошев ва бошқа меҳмонлар бор эди. Даврадагилар Шукур акага сўз беришди. Шукур ака кўпам гапириб ўтирмадилар-да, мени кўрсатиб "фикримнинг давомини сўзга чечан адъютантим давом эттиради", - дедилар. Ўша учрашув ҳеч ёдимдан чиқмайди.

- *Сизнингча, нимани кечириб бўлади-ю, нимани кечириб бўлмайди?*

- Ҳаётда қуруқ тухматни кечириб бўлмайди, деб ҳисоблардим. Бироқ муборақ ҳадиси шарифларда "бир-бирингизга кечиримли бўлинглар", - дейилган. Инсон барибир кечиримли бўлиб яшаши керак.

- *Энг севиб ўқийдиган шеърингиз ёки монологингиз бўлса айтиб беринг.*

- *Инсон! Инсон!
Эй фоний авлод.
Маъносиз ва бебақо дунё,
Бағри бутун борми оламда:
Толеим бор дея улгурмай
Толеидан маҳрум бандаси.
Бахтиқаро Эдил, о Эдил!,
Менга сабоқ бўлди қисматинг.
Сенинг хунук қиссангдан ҳисса:
Бу дунёда бахтли инсон йўқ.!*

«Театр» журнали, 2000 йил, 3-сон

ЯССАВИЙГА БЎЛГАН МУҲАББАТ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Файбулла Ҳожиев билан суҳбат)*

Файбулла Ҳожиев - 1956 йилда Бухоройи шарифда туғилган. 1973-77 йилларда Тошкент давлат Санъат институтида таҳсил олган. 1976 йилда Аброр Ҳидоятлов ("Ёш гвардия") театрида иш бошлаган. 1987 йилдан то шу кунларгача Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида фаолият кўрсатиб келмоқда. У нафақат театр саҳнасида, балки радио ва телевидение дубляжиди ҳам сермахсул ижод қилмоқда. Актёр Азим Суюннинг "Сарбадорлар" асарида Абу Бақир Калавий, Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" асарида Ҳожа Аҳмад Яссавий, Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" спектаклида Солиҳ маҳдум, Иброҳим Содиқовнинг "Афандининг беш хотини" спектаклида Афанди, Ҳайитмат Расулнинг "Пири коинот" спектаклида Аҳмадал - Фарғоний, Шекспирнинг "Қирол Лир" асарида Граф Глостер, Александро Косанонинг "Етти фарёд" спектаклида Сабало каби ўнлаб ранг-баранг роллар ижро этган. Жалолиддин Румий, Хилолий, Муқимий, Шамс Табризий, Туғрал Самарқандий, Васлий, Навоий, Саҳбо, Бедил каби ижодкорларнинг ўзбек ва форс тилларидаги асарларини севиб ўқийди. Форс тилини бобоси Сафо Махсум Бухорийдан ўрганган. Икки фарзанднинг отаси.

- Файбулла ака, ҳамма нарсанинг "биринчиси" инсоннинг ҳеч ёдидан чиқмайди. Биринчи театрга меҳр ўйғотган инсон ҳақида сўрамоқчийдим.

- Мактабда ўқиб юрган кезларим драма тўғарагига қатнашардим. Тўғаракка Садриддин Айний номидаги Бухоро театри актёри Азимжон ака Маҳмудов раҳбарлик қилардилар. Мана шу инсон менинг биринчи устозим бўладилар. Кейинчалик Тошкентга ўқишга келгач, институтда ва театрда устозларим Назира Алиева, Арсен Исмоилов, Владимир Володченколардан сабоқ олдим.

- Аброр Ҳидоятлов ("Ёш гвардия") театрида ўн йилдан ошиқроқ вақт хизмат қилибсиз. "Ҳамза"га ўтишингизга нима сабаб бўлган?

- Ҳар икки даргоҳнинг ҳам бирисидан бирисини кам санамайман. "Ҳамза"га ўтишимга келсак, бу театрнинг нафаси димоғимга ёшлигимдан кирган десам адашмайман. Негаки, мен эл

ардоқлаган устоз санъаткор Олим Хўжаев билан бир сахнада 1975-76 йилларда "Антигона" спектаклида ўйнашга муяссар бўлганман ва у кишининг назарларига тушганман. Олим ака мени кўрсатиб: "Шу болани кўрсам, ўзимнинг ёшлигим эсимга тушадим", деган эканлар. Бу даргоҳга бўлган меҳр-муҳаббатим, балки у кишининг менга бўлган эътиборларидан бўлса керак.

- *Профессионал сахнада илк бор қайси асарда ўйнагансиз?*

- Мар Бойжиевнинг "Тўй муборак, қари қиз" асарида ўйнаганман.

- *Авваллари актёрларнинг қадри деймизми ё уларга бўлган эътиборми бошқача бўлган. Ҳозир ҳам аввалгидай деб ўйлайсизми?*

- Қадрсизландик деёлмайману, аммо хотиржамлигимиз бир оз йўқолган. Баъзан сахнага минг ташвиш, ўй билан чиқишга тўғри келади. Ваҳоланки, биз актёрлар сахнадан туриб томошабинларга ҳамма томонлама ўрнак бўлишимиз керак. Минг шукр, мустақилликка эришдик, шароитимиз яхшила-нишига ишонаман.

- *Файбулла ака, кейинги пайтларда буюк сиймоларнинг образлари яратилди. Амир Темури, Хожя Аҳмад Яссавий... Сиз Аҳмад Яссавий образини яратишга журъат қилибсиз-а? Ахир Яссавийни ҳам ўйнаб бўладими?*

- Ҳақиқатан, бу образни яратиш, сахнага олиб чиқиш учун катта журъат керак эди. Бу вазифа менга топширил-гач, ўша кундан бошлаб бутун халоватимни йўқотдим. Кўрқдим, ҳаяжонландим. Аммо юрагимда фахр, ифтихор туйғуси пайдо бўлди. Яхши тушлар кўра бошладим. Агар бу образни рад этсам шаккоклик, рад этмасам ҳам яна шаккоклик бўлади, деб роса ўйладим. Образнинг мушкуллигини ич-ичимдан ҳис қилиб турардим. Чунки мен ушбу образни ҳеч қайси санъаткор талқинида кўрмаганман. Ўзимнинг Яссавийга бўлган чексиз муҳаббатимни, ихлосимни кўрсатишим ва халққа "бизнинг бобомиз мана шундай бўлган", деб айтишим керак эди. Азиз авлиёлар-нинг руҳлари менга йўл беришди, шекилли...

- *Бошқа образларингиздан бу образнинг фарқини сездингизми?*

- Юздан ортиқ ролларда ўйнаган бўлсам, ролларим-нинг ҳаққоний, жонли чиқиши учун барча услуб, имкони-

ятларимни ишга солганман. Аммо Яссавийни ўйнаётганимда услублардан фойдаланиш тугул, образ яратишдан ҳам воз кечдим. Ҳатто саҳнада ўзим нима бўлишини билмасдим. Шунинг учун ҳар гал саҳнага чиқишдан олдин уларнинг ҳақиқа дуои фотиҳа қилардим. Очиги, шундан кейин менга омад кела бошлади.

- *Бундан ташқари ўзингиз яхши кўрган образларингиз хусусида ҳам тўхталсангиз?*

- Энг ёққан образларимдан "Меҳробдан чаён"даги Солиҳ Маҳдум образи. Маҳдумнинг ҳар бир нарсанинг қадрига етишини ёқтираман. Яна "Соҳибқирон Темур"даги Йилдиримнинг мардлигини, "Кундузсиз кечалар"да Фитратнинг ватанпарварлигини яхши кўраман. "Афандининг беш хотини"-да Афандининг биргина "хотин, камбағалчилик айб эмас", - деган гапи борлиги учун ўйнаганман. Умуман фожиали, драмами, комедиями, асарнинг айтадиган гапи, дарди бўлсин.

- *Ҳаётда энг ёмон кўрган нарсангиз?*

- Хўжақўрсинлик. Баҳоуддин Нақшбанд:

"Оллоҳга ичингда ошно бўл, ташқарига ошкор қилма", - дейди.

- *Актёр сафатида, умуман инсон сифатида ўзингизми бахтлиман деб айта оласизми?*

- Тақдирга шукр. Оилам тинч. Фарзандларимдан бири режиссёрлик факультетида ўқияпти. Иккинчиси театр журналисти бўлиш орзусида. Ҳаётда мен ўзимни жуда бахтли инсон деб ҳисоблайман. Сабаби, мен Аҳмад ал-Фарғонийдек, Аҳмад Яссавийдек буюк алломаларнинг образларини саҳнага олиб чиқишга эришдим. Ким билсин, менга яна кўплаб тарихий шахсларнинг, улуғ зотларнинг образларини очиб бериш насиб қилиб қолар... насиб...

- *Ўз мухласларингизга айтадиган гапларингиз бўлса...*

- Маҳдуми Аъзам: "Эй мардум, хушёр бўлинг, унутмангки, кишининг ҳар бир нафас олиши умр биносидан битта гиштнинг кўчишидай гапдир. Шу боисдан вақт ғаниматида яхши ишларни пеша қилинг. Кам энг, кам ичинг, кам уланг. Уйку бамисоли маргдур. Бедорлик эса юракка вафо қилишдур. Юракка вафо қилмоқ Аллоҳга вафо қилишдур", - дейди. Ушбу сўзларни барчамиз қалбларимизга жо қилсак, амал қилсак, ҳаётимиз янада гўзал бўлади.

«Театр» журнали, 2002 йил, 4-сон

СПЕКТАКЛНИНГ ТИЛИ БЎЛМАЙДИ

*(Фарғона вилоят рус драма театри директори, актёр
Хусан Саидов билан суҳбат)*

Хусан Саидов - 1963 йил Фарғона шаҳрида туғилган. 1984 - 88 йилларда Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг актёрлик факультетини тугатган. 1992 йилгача шу институтда фаолият кўрсатган. 1992 йилдан Фарғона шаҳар маданият уйида директор, халқ оғзаки ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят маркази раҳбари лавозимларида ишлаган. 1994 йилдан то шу кунгача Фарғона рус драма театрининг директори вазифасида ишлаб келмоқда.

У Фарғона рус драма театрида саҳналаштирилган В. Баграмовнинг "Игра сумерки" пьесасида терговчи Анвар Рисқиев, И. Сулаймоновнинг "Фарғона фарзанди"да Ал-Фарғоний, "Диплом" спектаклида Хусайн Шамс, "Норбуви" спектаклида обком секретари, "Гамлет"да эса Қирол образларини маҳорат билан ижро этган.

- Хусан ака, келажакимиз, миллатимиз равнақи ҳамонки ёшлар қўлида экан, ҳар бир соҳада уларнинг ўз ўрни, ўз овози бўлиши керак, деб ўйлайман. Қолаверса, бу йил Юртбошимиз томонидан "Соғлом авлод" йили деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимиз ёшларига бўлган эътибордан далолат. Фарғона театрининг ёшлари ҳақида гапириб берсангиз?

- Театримиз қошида "Истеъдодли ёшлар" студиясини ташкил қилганмиз. Бу студияга иқтидорли, талантли ёшлар қабул қилинади ва улар озми-кўпми билим, тажрибага эга бўлгач, институтларга йўлланма билан ўқишга борадилар. Имтиҳонлардан деярли барча ёшлар муваффақиятли ўтадилар. Энг яхши томони шундаки, ёшларга театр бир мактаб бўлиб, улар амалий жиҳатдан тажрибага эга бўлмоқдалар. Институтда актёрлик ўргатилмайди, йўналиш берилди, холос. Шунинг назарда тутган ҳолда, биз бу студияни ташкил қилдик. Тошкентдан устоз санъаткорлар тажрибали режиссёрларни тез-тез таклиф қилиб турамиз. Мана режиссёр Валижон Умаров бизнинг театрда уч йил ишлади. Менимча бу ҳам ёшларга катта мактаб, сабоқ бўлди. Конкурсларда қатнашиб, ижодий сафарларда эришаётган ютуқларимиз бунга мисол бўлади десам адашмайман.

- *Театр - бу мактаб дедингиз. Шу мактабни ким яратади?*

- Менинг назаримда мактабни ё актёр, ё режиссёр, ё репертуар яратади. Бу даргоҳда ишлаб кетганларнинг барчаси театрга тамал тошини қўйган, ўзига хос мактаб яратган кишилар бўлган. Театр асосчиларидан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Равил Абдулов, режиссёр Хачатуров, режиссёр Гасин (у ҳозирги кунда Исроилда), Леопольд Милченко (ҳозирги кунда Москвада), Вячеслав Букин (бу инсон ҳам актёр, ҳам директор вазифасида ишлаган, ҳозирги кунда Ярославль театрида хизмат қилмоқда) бу каби жонкуяр санъаткорлардан катта мактаб қолди. Улар ўз дунёсига, ўз қарашларига, фикрига эга бўлган инсонлар эди.

- *"Бир актёр театри",.. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда "бир актёр театри"ни олиб бора оладиган актёр топиладими?*

- Ленинград театрининг актрисаси Ализа Фрейндлих "бир актёр театри"ни жуда маҳорат билан бажарарди. Бизда эса Мирза Холмедов олиб бора олади, деб ўйлайман.

- *Ўзбек йигитининг рус драма театрида раҳбарлик қилиши қийин эмасми?*

- Менга қийин эмас. Икки тилда ҳам ўзбек, ҳам рус тилларида спектакллар саҳналаштира оламан.

- *Актёрлик учун директорликни ташла дейишса, нима қилардингиз?*

- Ҳеч иккиланмай "ҳа" деган бўлардим.

- *Нима учун?*

- Мен актёрман, роллар ижро этишим керак. Бундан ташқари ўз олдимга қўйган талаб ва мақсадларим ҳам йўқ эмас.

- *Сиз орзу қилган ижодий жамоа - у қандай жамоа?*

- Қисқача айтадиган бўлсам, уюшган ижодий жамоа тузиш ниятидаман.

Бу жамоада фаолият кўрсатадиган ҳар бир актёр универсал бўлмоғи, яъни соз чалишу қўшиқ, куйлаш, рақсга тушишу, шунинг баробарида овози, гавдаси, ҳаракатлари, ҳамма-ҳаммаси бир-бирига монанд бўлиши керак. Актёрлар спектаклдан ташқари бадий-хореографик композициялар туза оладиган даражада шаклланишлари, ҳар бир актёрнинг ўз репертуари бўлиши лозим. Мен шундай ижодий жамоани тасаввур қиламан.

- *Ўзингиз ҳам композиция туза оласизми?*
- Менинг ўзимми... замонавий, классик ва эстрада йўналишларида рақслар саҳналаштира оламан.
- *Сизнингча, томошабинни ким театрга етаклаши керак?*
- Фикримча, томошабин театрга энг аввало актёр учун кириши керак. Масалан, ("Қиёмат қарз"да Шукур Бурҳон учун). Бугунги кун шароитидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, спектаклларга томошабиннинг ўзи келади, деб кутиб ўтириш ҳам нотўғри. Сир эмаски, видеолар жонга тегиб, шоу дастурлар, клиплар тайёрлашга ружу қўйилди. Театрда ҳам мененджерлар, продюссерлар бўлиши, реклама ишларига катта эътибор берилиши айна муддао.
- *Ҳозирги пьесалардан кўнглингиз тўладими?*
- Драматургиямиз бору, кўнгилдагидай эмас.
- *Театрингизга асосан кимлар келади. Умуман томошабинларнинг театрга келиши сизни қониқтирадими?*
- Аввало театрга одамлар келмай қўйди, десам ёлғон гапирган бўламан. Иккинчидан, рус театрида қўйиладиган спектакллар учун рус томошабини бўлиши шарт эмас. Спектаклнинг тили бўлмайди.
- *Хусан ака, қайси театр ва қайси режиссёр ижодини қадрлайсиз?*
- "Илҳом" театр студиясида қўйилаётган спектакллар менга жуда маъқул. Истеъдодли режиссёр Наби Абдураҳмоновнинг ташаббускорлиги, унинг ҳеч кимга ўхшамайдиган жиҳатларини, ижодкорлигини, яна янгилик яратувчанлигини ҳурмат қиламан.

«Театр» журнали, 2000 йил, 3-сон

ЁРУФ КУНЛАР УМИДИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,
телережиссёр Ҳайбатилла Алиев ижодига чизги)*

Кўпни кўрган инсонлар орасида бўлсанг, улар суҳбатидан баҳра олсанг шуурингда аллақандай тозариш ҳиссини туясан. Уларнинг ясамаликлардан холи, жайдари, содда гап-сўзларини тинглаб тўймайсан.

Ҳақиқий ижодкорлар аслида камгап, ўз-ўзини кўз-кўз қилавермайдиган инсонлар бўлишади. Назаримда, менинг қаҳра-

моним Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайбатилла Алиев шундай инсонлардан бири десам хато қилмаган бўламан. Хуллас, Ҳайбатилла Алиев билан биз "Ўзбектеатр" ИИЧБ лойиҳалари асосида замонавий мавзуларда саҳналаштирилган спектаклларнинг 1 -Республика кўрик-фестивали давомида учрашдик, суҳбатлашдик. Наманган, Андижон шаҳарларида бирга сафарда бўлдик. Очиғи, сафарда хизмат ташвишлари билан бўлиб, бафуржа гаплашишга имкон топмадик. Спектаклларнинг муҳокамасидан сўнг эса у кишини безовта қилгим келмади. Тошкентга қайтгач, суҳбатимиз Ҳайбатилла аканинг оддийгина хонасида кечди. Бу хонада негадир ўзимни эмин-эркин сеза бошладим. Ҳайбатилла ака кўлимга иккита рўйхати узун бўлган папка тутқаздилар.

Унда "Режиссёр Ҳ. Алиев саҳналаштирган асарлар" деган ёзув бўлиб, рўйхатга кўз югуртира бошладим. Учта лавҳа, тўртта мусиқали драма, битта опера, 30 та телевизион театр томошаси, иккита видеофильм ва кўп йиллар мобайнида намойиш этилган "Бўстон", "Илҳом" тележурналлари, 1986-87 йилларда эфирга чиққан "Умид" ёш ижодкорлар клубиyo "Бир асар тарихи" кўрсатувларига режиссёрлик қилганликлари ёзилган эди.

Буларни санаш осон, лекин ҳар бир телевизион театр ортида қанча-қанча ижодий изланишлар, машаққатли меҳнатлар ётганикин, деб ўйлаб қоламан. Ва суҳбатдошимнинг 45 йил бир даргоҳда, яна унча-бунчага чалғимасдан театр санъати учун заҳмат чеккан фидойи инсон сифатида кашф эта бошладим. Актёрликни тугатган Ҳайбатилла аканинг режиссёрликка қандай қизиқиб қолганини билгим келаварди. Суҳбатдошим юрагини очиб, мактаб хотираларини бирма-бир эслай кетдилар.

- Ўша кезлари, - деб эслайди Ҳайбатилла ака, Тошкентдаги Шайхонтохур туманига қарашли 75-мактабда ўқувчиларга нисбатан талабчан, қаттиққўл педагоглар дарс беришарди. Адабиёт ва санъатга қизиқишни адабиёт фанидан сабоқ берган Саъдулла Кароматов уйғотган. У пайтларда биз "Алпомиш", "Гўрўғли", "Равшан ва Зулҳумор" дostonларини, "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Қутлуғ қон", "Қўшчинор чироқлари" каби романларни ҳайрат билан такрор-такрор ўқирдик. Жуда хаёлпараст эдик".

- Ҳа, адабиёт, хаёлот дунёси Ҳайбатилла акани журналист бўлишга чорлаган, матбуотда хабарлари, лавҳалари босилиб ҳам турган. Бироқ У пайтда журналистика ихтисоси филология факультети таркибида бўлганлиги учун Ҳайбатилла аканинг орзуси ушалмайдигандек туюлади ва ўз кўнглига яқинроқ йўлни танлайди. Яқинлари унга актёрликка кириб ўқишни маслаҳат беришади. Институтда Гутманович қўлида таҳсил олган Ҳайбатилла ака ўқишни тугатгач, йўлланма билан Кўқон театрига ишга юборилади. Орадан оз фурсат ўтар-ўтмай (Кўқондан қайтган бўлсалар керак), Ҳайбатилла ака дўсти Садир Зиёмухамедов билан йўлда кетаётиса курс раҳбари Гутмановични учратиб қолишади.

- Гутмановичнинг "Нима қилиб юрибсан, мен сенга айтсам, сен актёр бўлолмайсан, сендан яхши режиссёр чиқади, студияга ишга кирсанг қандай бўларкин? - деган сўзлари туртки бўлдию, Ҳайбатилла Алиев ўз тақдир йўлини телевизион театр режиссураси билан боғлади. Студиянинг биринчи раҳбари Мирсолиҳ Мираъзамов уни ишга қабул қилганида Ҳайбатилла аканинг қувонганини сўз билан ифодалаш қийин. Шу ўринда устози Гутмановичнинг уни ҳаётда ўз ўрнини топишда ёрдам берганини, Ҳайбатилла акадаги режиссёрлик қобилиятини англай билганини эътироф этиш керак.

Студияда иш бошланди. Ҳайбатилла акани телевизион театр кўпроқ қизиқтира бошлади. У пайтларда телевизион театрлар жонли, студиянинг ўзида ижро этиларди.

Телевизион театрга асос солган режиссёрлар Армуғон Муҳамедов, Маҳкам Муҳамедов, Ойсар Ибрагимов, Мақсуд Юнусовлар қаторида Ҳайбатилла Алиевнинг ҳам ўз ўрни бор.

- Режиссёр, сизнингча ким, - дея саволга тутаман Ҳайбатилла акани. У киши ўйланиб: "Режиссёр ўз халқининг илғор зиёлиси. У ҳар томонлама тарбияланган тарбиячи. Ҳасад балосидан йироқ, жафокаш, фидойи инсон", - дейдилару, яна давом эттирайми? - дегандай менга қараб кўядилар. Мен ҳам индамай, қўлимга тутқазилган иккинчи папкани ва-рақлайман.

Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасидан ёзиб олинган "Зебуннисо", "Мирзо Улуғбек", "Кориолан", "Тақ-

дир эшиги", "Меҳробдан чаён", "Ҳар тўқисда бир айб", "Қиёмат қарз", "Ғариблар", "Кузнинг биринчи куни", "Парвона"ю "Олтин девор"лар дейсизми, э-хе, Муқимий номидаги мусиқий драма театри саҳнасида ёзиб олинган "Нодирабегим", "Девона", "Фотима ва Зухра", "Диёнатга ҳиёнат", "Оқибат", "Бир кам дунё", Аброр Ҳидоятлов номидаги драма театрининг "Искандар", "Чеча", "Қирол Лир", "Отелло" ва бошқа спектакллари, вилоят театрларининг "Тошкентга саёҳат" (Фарғона), "Иккинчи тумор" (Хоразм), "Авлодларга васият" (Жиззах), "Амир Темур" (Сирдарё), Ўзбекистон Ёшлар театри ва Й. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг спектакллари, хуллас, санаб саноғига, атаб адоғига етолмайдиган 150 дан зиёд телевизион театрлар ойнаи жаҳон олтин хазинасида сақланиб келинаётган экан. Ахир, бундан ортиқ мактаб, бундан ортиқ маънавий бойлик бўладими? Наҳотки шунча телевизион спектакллари миз бўлсаю, бизга хориждан келтирилган, халқимизга сингмайдиган турли сериалларни таржима қилиб, кўрсатишса? - деб савол бераман суҳбатдошимга.

Ҳайбатилла ака бироз хўрсиниб - бир бошдан айта қолай, - дея сўз бошладилар. "Аввало театрда қўйилаётган спектакллари ёзиб олиш осон иш эмас. Ёзиб олишдан аввал спектаклни қайта-қайта томоша қилишим, театр раҳбариятининг розилигини олишим, спектаклнинг қайси нуқтасига урғу беришни билишим керак. Бу менинг вазифам, бурчим.

Саволингизга келсам, бир воқеа ёдимга тушиб кетди. "Ҳаётдан тўйган тун" спетақлини ёзиб олиб, дастурга киритдик. Спектаклнинг охириги, яъни финал қисми айрим мутасадди раҳбарларга маъқул келмагани учун олиб ташланди. Ахир бу асар мустақил, бадий асар-ку? Ҳаётимиздаги оғриқли нуқталарни театр айтмаса, бадий асар айтмаса, радио, телевидение айтмаса, ким айтади? Етук бадий асарда замонасозлик бўлмайди. У авлодлардан авлодларга ўтиб хизмат қилиши керак. Ҳар бир асарда дард, кечинма, инсон қисмати, изтироб, орзулари куйланмас экан, уни бадий асар дейиш нотўғри. Ёлгон бор жойда барака бўлмайди. Мана, қаранг. "Уфқ" асарини яхши биласиз. Бу асар ўзбек адабиёти тарихида катта бурилиш бўлди. Асарда инсон, унинг қисмати турибди. А. Қаххор бу асарга юксак

баҳо бериб "Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи тенгдошларнинг ичида мана ман деб ялт этиб турибди", - деган эди.

Мана бу ҳақиқий ижод, адабиёт. Мени кечирасиз, саволингиздан узоқлашиб кетдим. Турли хил видеосериалларнинг намоиш этилиши кимлар учундир керакдир?! Телевизион спектаклларнинг кечқурунлари эфирга ўзатилишини мен ҳам жуда-жуда истайман. Афсуски, кундузлари гоҳ-гоҳида бериб турибмиз. Оила даврасида барча жамулжам бўлиб, телевизион спектаклларни томоша қилишга не етсин?! Балки, замон талаби бугун бошқачароқдир?! Лекин нима бўлганда ҳам олтин фондимида сақланаётган театр спектаклларини ҳар ойда икки марта бериб борилса, бугунги ёшлар кўриб томоша қилса... қани эди...

Ҳайбатилла аканинг айтмоқчи бўлган гаплари кўп эди. Гарчи қай бирини адо қиламан, -деган кайфият сезилиб турсада, ўз қилган ишларидан мамнунлик, "Абадият қонуни", "Сўнги ўқ" каби олтин фондда сақланиб келаётган қанчадан-қанча телеспектаклларнинг борлиги юракларга таскин бераётгандек туюлди. Ўз тиллари билан айтганда, Ҳайбатилла Алиев ўз ҳаётини савоб иш қилиш билан ўтказган ва бугунги кунда ҳам ана шу ишини яқдиллик билан, виждонан бажариб келаётган кўпни кўрган ижодкор!

- Ҳеч қачон, - дейди у киши, - бировга ҳасад қилган эмасман. Ҳавас қилган, орзу қилган кунларим кўп бўлган. Аслида режиссёрлик касбини тутганларнинг ҳаёти ҳавас қилгулик даражада кечмаса-да, ҳаётда умид билан яшайман. Рўшнолик умиди, хотиржамлик умиди..."

«Театр» журнали, 2004 йил, 3-сон

САОДАТ АЯНИНГ АРМОНЛАРИ

Хизмат юзасидан водий бўйлаб сафарга отландик. Фарғона, Марғилон, Қўқон, Наманган вилоят театрларида бўлдик. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳақиқатан ҳам вилоят театрларида аҳвол мақтагулик даражада эмас, ижодкорлар учун шарт-шароитлар, томошабин масаласи ҳам ҳаминқадар. Шунга қарамай, санъаткорлар астойдил меҳнат қилишяпти, янги-янги асарлар устида изланишяпти. Хусусан, Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театрининг директори Турғунали Орифжонов билан суҳбатда бунга ишонч ҳосил

қилдик. Турғунали ака "Театримизда анча йил ижод қилган, истеъдодли актрисамиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Очилдиева Саодат ая билан сизларни таништирсам, бир суҳбат қилсангизлар ёмон бўлмасди", деб қолдилар. Ая биздан ниманидир яширгандай ҳадеганда гапиравермасдилар. Қўлимизга сарғайиб кетган эски бир дафтарчани узатдилар. Уни варақлар эканмиз, бу дафтарда Аянинг театр сахнасида ижро этган икки юздан зиёд ролларининг руйхати, куни ва йилигача ёзилганига гувоҳ бўлдик.

– *Саодат ая, театрга қачон ишга келгандингиз? - дея савол бераман.*

– 1944 йилда Қурбон Назаров деган режиссёр мени Ёшлар театрига ишга олиб келган эди. Бу театр кейинчалик мусиқали драма театри билан бирлаштирилди. Биз ишлаган даврлар бошқача эди. Солижон Аҳмедов, Надежда Павловна, Занжирали Мирзатов деган режиссёрларимиз бўларди. Театримизга Жўра Қўлдошев раҳбарлик қилган кезлар эсимда. Бу инсонлар ниҳоятда камтар, санъат учун жонини берадиган, тўғрисиўз, ҳалол бўлишган. Бизга топширилган ҳар қандай рол устида то ҳаққоний, жонли, кўнгилдагидек чиқмагунча ишлайверардик.

Беихтиёр рўйхатга кўз югуртираман. "Омонат" спектаклида Марина Ивановна, "Ёрилтош"да Бегойим, "Уйланиш"да Арена, "Аршин-мол-олон"да Зебо, "Фарҳод ва Ширин"да Ёсуман кампир, "Лайли ва Мажнун"да Канизак, "Майсаранинг иши"да Сарви ва Ойхон, "Сурмахон"да Хосият, "Гулсара"да Файзи, "Алпомиш"да Тозагул ва Бекаш.

– *Саодат ая, артист бўламан деб бирор ўқув даргоҳига ўқишга кирганмисиз?,- деб сўрайман яна.*

– Йў-ўқ, дейдилар бош чайқаб. - Артист бўламан деб бирон ерда ўқимаганман. Умримнинг 55 йили шу даргоҳда ўтган бўлса, мана шу сахна мени тарбиялади, пишитди, санъаткор даражасига олиб чиқди. Устозларим менга ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан бор билимларини беришди. Юракда завқ, туғма истеъдод, сахнага муҳаббат, санъатни ҳис қила билиш ва завқлана олиш бўлса қолгани меҳнат туфайли юзага чиқавераркан.

– *Ая ўзингиз маза қилиб ўйнайдиган ролларингизни эслай оласизми?*

– Кўпроқ шўх - шаддод, характерли ролларни ўйнаш менга ёқарди. Ўзим ёш бўлишимга қарамай, негадир кек-

са кампирлар ролларини беришарди. "Холисхон" спектаклида Гулжон, "Қор Маликаси" спектаклида Қароқчи қиз, "Ганг дарёсининг қизи" спектаклида Умеш, Саид Аҳмаднинг "Ҳасан - Ҳусан" асарига Ойша, айниқса "Фарход ва Ширин" да Ёсуман ролларини маза қилиб ўйнардим. Менга ҳатто эркаклар ролларини ҳам ишониб топширарди. Асар устида ишлаш жараёни бошқача бўларди. Театримизга Чархий домла, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Саид Аҳмад каби ижодкорлар тез-тез келиб туришар ижодий мулоқотлар, баҳс-мунозаралар кизгин кечарди. У вақтларда халқнинг театрга эътибори, меҳри бўлакча эдими, билмадим, ҳар ҳолда томоша залимиз доим тўла бўларди. Турмуш ўртоғим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳаётхон Маҳмудов билан бир саҳнада ижод қилдик. Мен у киши билан кечирган турмушимдан розиман. У киши жуда меҳрибон, талабчан, тажрибали актёр эди. Мен ўзимни унинг ўнлаб шогирдларидан бири деб ҳисоблардим. Устозларимиз кўп эди. Театримиз вилоятларга, Тошкентга гастрол сафарларига бориб турарди. Биз Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов сингари машҳур санъаткорларни биринчи марта ўшанда кўргандик. Тамарахоним, Лутфихоним ая, Мукаррама Турғунбоевалар эса водийга келишса, албатта бизнинг Қўқон театрига кириб ўтишарди. Биз уларга ҳавас билан қарардик. Уларга ўхшагимиз келарди.

Ўша йиллари Қўқон театрида режиссёр бўлиб ишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Анвар Ёқубхўжаев Саодат ая Очилдиева ҳақида шундай дейди:

— Мен Саодат опа билан деярли ўн йил бирга ижодий ҳамкорлик қилганман. У киши мен саҳналаштирган спектаклларда асосан оналар ролини моҳирона, ишонарли тарзда ижро этарди. Айниқса, "Нурхон" спектаклида яратган Она образи бетакрорлиги, самимийлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, Ўткир Рашиднинг "Салтанат", Саид Аҳмаднинг "Уфқ", Ўлмас Умарбековнинг "Одам туғилди" каби асарлари асосида яратилган спектаклларда ижро этган оналар сиймоси томошабинлар ва республика театр жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланган эди. Ая ҳар бир рол устида тинимсиз изланар, бири бирини такрорламасликка ҳаракат қилар, янги талқин йўллари излар, ролнинг ички

дунёси, ҳатто кийим-кечагигача эътибор берар, бир сўз билан айтганда масъулиятни чуқур ҳис этарди. У киши ҳам-касблари ижодига ҳам бефарқ эмасди. Саодат ая Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраевалар изидан боришга, уларга эргашишга ҳаракат қиларди. Томошабинлар уни "бизнинг Лутфихон ая", "бизнинг Сора опа", "Аяча" деб эркалаб ҳурмат билан тилга олардилар. Менинг режиссёр сифатида шаклланишимда у кишининг ҳам хизматлари кўп бўлган. Доим мени "ўғлим, Анваржон" деб эркалаб қўярдилар. Саодат ая ҳақиқатан фидойи инсон.

– Саодат ая яқинда Юсуф Розиков бир филмига Сизни сўраб Тошкентдан уч марта келибди. Сиз фильмга суратга тушмайман, –дебсиз. Нега хоҳламадингиз? деб саволга тутаман мен. Ая бош чайқаб кулиб қўядилар ва давом этадилар.

– Тошкентдан Юсуф келди, Фотиҳ келди. "Сиздан бошқаси бу ролга мос келмайди", деб туриб олишди. Негадир ҳафсалам бўлмади-да.

– Ая ҳар қандай инсоннинг дилида бир армони бўлади. Сизнинг армонингиз борми?

– Шу даргоҳда кўп йил меҳнат қилдим, – дейди ая хўрсиниб, – Қараб туриб саксон ёшни ҳам қоралаб қўйибман. Театр саҳнасида турли-туман роллар ижро этдим. Халққа хизмат қилганимдан, мухлислар орттирганимдан жуда бахтлиман. Айниқса, ҳар гал спектаклдан кейин томошабинларнинг мени ташқарида кучоқ-кучоқ гуллар билан бағирларига босиб кутиб олишларини ҳеч унутиб бўлмайди. Бундан ортиқ бахт, бундан ортиқ саодат бормикин?

Шу тобда Аянинг кўзларига ёш келди. Ким билсин, бу лаҳзаларда унинг дилидан нималар кечмадийкин? Балки у саҳна соғинчидир, балки ўйнолмай қолган роллар армонидир? Балки, ижоднинг биз билмаган минг бир машаққатлари-ю, умрнинг оқар дарёлиги, вақтнинг бешафқатлигидир.

Саодат ая бизни кузатиб қўяр эканлар, юзларини юваётган кўз ёшларини артиб хайрлашдилар. Негадир ая билан сира хайрлашгимиз келмасди. Шунда ҳар кун, ҳар дақиқа, ҳар бир фурсат ғанимат эканини ҳис қилдик. Эзгулик сари шошилиш кераклигини юрак-юракдан туйгандек бўлдик.

«Театр» журнали, 2006 йил, 6-сон

ЭРТАНГИ КҮН УМИДИ

*(Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театри актрисаси
Ёқутхон Жўраева ижодига назар)*

Таниқли шоир Рауф Парфи "Санъат - кўнгилни майда кир-чирлардан тозалайди", деган эди. Бу ибора ҳақиқий санъат асарига нисбатан ишлатилган. Ҳақиқий санъат асари эса ижодкорнинг юрагида туғилади. Ижодкор эса уни бошқалар билан баҳам кўради. Баъзан истеъдод бўлсаю, уни юзага чиқарувчи шарт-шароит бўлмаса санъаткор ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам ҳеч нима қилолмаслиги аниқ. Бироқ у ҳаёт сари, ижод сари одимлайверади. Зотан, саҳнанинг ҳам, ижоднинг ҳам биз билмаган ички қонун-қоидалари бор. Ижодимдан ҳеч қониқмайман, - ҳаётда кўп нарсаларга эришолмадим, - деб куюнади суҳбатдошим Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театрининг актрисаси Ёқутхон Жўраева. Бу куюнчаклик замирида ўз-ўзини танқид қилиш, ижодга нисбатан масъулият, томошабин олдидаги бурч каби ички бир туйғу бор. Ўз ишидан қониқмаслик санъаткор учун муҳим фазилат. Гоҳо "Мен фалонча рол ўйнадим, пистончаси мана бундай", деб кўкрак кериб юрган санъаткорларни ҳам учратамиз. Ёки битта роли орқали "машҳурлик"ни даъво қилувчи актёр ва актрисалар орамизда йўқ дейсизми? Пойтахт театрларида ижод қилаётган санъаткорларнинг имкониятлари вилоят театрларидаги санъаткорлардан фарқ қилиши бор гап. Бу билан вилоят театрларида ижод қилаётган санъаткорлар меҳнатини камситишдан мутлақо йироқмиз. Ўз касбини жонидан ортиқ кўрадиган, заҳматкаш, лекин ҳар доим ҳам ўзини кўз-кўз қилавермайдиган актриса Ёқутхон Жўраева шундай санъаткорлардан биридир.

Кимнингдир "гурткиси" ёки муҳит сабаб болаликдан инсон қалбида санъатга меҳр уйғонади. Ёқутхон Жўраеванинг болалиги ҳам санъатсевар кишилар орасида ўтди. Дадаси Маъмуржон Бегматовнинг катта ашулаларни тинглашга иштиёқи баланд эди. Тоғаси Эргашали Исмоилов эса ўша даврда Қўқон театрида найчи бўлиб ишларди. Уйдаги муҳит қолаверса, мактабдаги ўқитувчиси созанда Муборакхон Со்தволдиеванинг таъсири Ёқутхоннинг санъатга муҳаббати-

ни янада оширди. У мактабда ўтказиладиган турли тадбир ва концертларда қўшиқлар ижро этиб, рақс тушиб қатнашиб турарди. Бир куни "Ўзбекистон овози" (аввалги "Совет Ўзбекистони") газетасида хореография билим юртига ўқишга таклиф тўғрисидаги эълонга кўзи тушади. Эндигина олтинчи синфни тамомлаган Ёқутхон дадаси билан Тошкентга йўл олади. У ўзбек миллий рақсларини Қундуз Миркаримова, Дилбар Абдуллаевалардан, мумтоз рақсларни Иван Прошниченкодан, қардош халқлар рақсларини Имицкийдан ўрганади. Ўқишни тугатиш арафасида устози Гулшан Ҳакимова унга театр ва рассомлик санъати институтига киргин, - деб маслаҳат беради. Ёқутхонга бу маслаҳат жуда ёқади. Сабаби, у ўзида актриса бўлишга қобилияти борлигини сезар, адабиёт фанини жону дилидан севар, ғазал ва шеърларни ёд олар, баъзида ўзича роллар ҳам ижро этиб турарди.

Шундай қилиб, Ёқутхон М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг драма ва кино бўлимига ўқишга кириб, Фатхулла Маъсудов, Ботир Муҳаммадхўжаев, Фотих Жалолов, Мадина Мухторова, Абдураим Абдуваҳобов, Беҳзод Муҳаммадкаримов сингари бўлажак актёрлар билан бирга таҳсил ола бошлайди. У факультетнинг битирув малакавий иши спектаклларида, жумладан, Ч.Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" асарида Уқубола, В.Биковнинг "Алп қиссаси"да Жулия (пантомима усули) Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг "Тухматчилар жазоси"да Фотима сингари ролларни ижро этади. Институтни тугатгач, уни йўлланма билан О.Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрига ишга юборишади. Орадан кўп ўтмай, Ёқутхон Қўқонга қайтади ва уни "Ёш ижодкорлар уйи" қошида очилган рақс тўғарагининг раҳбари этиб тайинлашади. Кейинчалик, шаҳардаги Муқимий номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги "Сарвиғул" ашула ва рақс ансамблига балетмейстер қилиб тайинлашади. Ёқутхон шу билан бирга мусиқали драма театри саҳнасида қўйилаётган ҳар бир спектакллارни кунт билан томоша қилар, саҳна сирларини янада чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиларди. Театр раҳбариятининг таклифига кўра уни театрга ҳам ишга қабул қилишади. Дастлаб ёш томошабинларга атаб қўйилган спектаклларда, кейинчалик эса драматик асарларда бош ролларни ижро эта бошлайди.

– Актёр учун "ролнинг ката-кичиги" бўлмайди, Санъаткор рол ижро этишдан аввал ўша асарни тўлалигича ўқиши, қаҳрамонларнинг ички дунёсини, руҳиятини, феъл-атворини яхши билиши керак, - дейди у. Ўта талабчан актриса рол устида изланар экан, фақат режиссёр нуқтаи назари эмас, ўзининг ҳам қарашлари, фикрларини илгари суради. Ёшлигидан Ўзбекистон халқ артистлари Сора Эшонтўраева, Яйра Абдуллаевалар каби улур санъаткорларнинг маҳоратига ҳамиша ҳурмат билан қараган актриса Қўқон театрининг етук актёрлари Хурсаной Умарова, Эркин Муродов, Алихон Умаров сингари сахна фидойиларининг этагидан маҳкам тутди. Билмаганларини ўрганишга ҳаракат қилди.

Режиссёр Мадамин Жўраев сахналаштирган "Увайсий" спектаклида Дилшод Барно, "Отанга қўл кўтардингми"да бош қаҳрамон Саодат, Ў.Ёдгоров ва М.Баракаевларнинг "Ҳисобли дунё" асарида Чаросхон, "Мунажжим"да Умида, К.Йўлдошев сахналаштирган "Боғ" спектаклида Меҳринисо, Ф.Тошхўжаевнинг "Берк кўча"ида савдогар аёл ва бошқа кўплаб ранг-баранг ролларни ижро қилди.

"Боғ" спектаклида унинг актёрлик актёрнинг маҳорати, актрисанинг ижроси, тўлақонли намоён бўлди. Актриса тажрибали санъаткорлар Шафоат Раҳматуллаева ва Хурсаной Умаровалардан сахна сирларини ўрганиб келяпти. Агар яхши, халқчил асарлар қўйилса, томошабиннинг ўзи театрга оқиб келади. Ҳамма гап томошабиннинг юрагига йўл топа билишда. Негаки вақт кутиб турмайди. Санъаткорлар куч-қувватга тўлиб туришибди, дейди суҳбатдошимиз. Актриса сахнага чиқар экан, вужудини, фикру хаёлини ўша қаҳрамонига қаратади ва ўз қаҳрамон ҳаёти билан яшай олади. Спектакль тутагач эса яна мусиқа мактаби, оила ва бола-чақа ташвиши томон шўнғийди. Нима бўлганда ҳам актрисанинг омади чопган санъаткорлар сирасига киритса бўлади. У бир қанча филмларда, жумладан, "Кўргулик"да Ёлқиной, "Орзулар ортида"да Ҳафизахон, "Меҳробдан чаён"да Осиё опа, "Даҳшатли Мешполвон"да Лўли хотин, "Тақдир йўллари"да Малоҳат каби ролларни маҳорат билан ижро этди. Режиссёр Карим Йўлдошев бу актрисани кучли, имкониёти кенг ва анчагина инжиқ санъаткор деб таърифлайди.

Ёқутхон, - дейди режиссёр - катта потенциал кучга эга актриса. Унга ўз ролини топиб бериш керак. Масалан, Гамлет-

нинг онаси, "Қирол Лир"да Карделия, миллий асарларда Нурхоннинг онасини ўйнаса бемалол кучи, имконияти етади. У фалсафий, драматик, психологик асарларга жуда мос актриса. Режиссёрнинг ижодий ниятини тез илғайди. Сезгир, изланувчан санъаткор. Очиғини айтганда, унинг яхши маънода ўзбошимчалиғи менга ёқади. Яхшигина ташкилотчилиғи ҳам бор. "Наврўз", Мустақиллик байрамларидаги ижросини кўриб қувондим. Ҳозир "Сукрот" асари устида ишляпмиз. Актриса бу асарда Гарлияни ўйнайди... Балки олдинда яна янгидан янги, унга аталган роллар тухфаси бордир. Санъаткор аҳли, умуман инсон бир умр орзулар денгизида сузишни, хаёллар оғушида яшашни истайди. Ана шу хаёллар сизу бизни олға ундайди ва эртанги кунга умид уйғотади.

«Театр» журнали, 2007 йил, 6-сон

ЮРАГИДА ЎТИ БОР

Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театрида эллик йилдан ортиқ ишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холматжон Икромов етмиш уч ёшда ҳам ўзига топширилган ролларни ижро этиб келяпти.

Холматжон аканинг театр санъатига қизиқишига кинодаги қаҳрамонларнинг жасорати туртки бўлган. У болалигидан учувчи бўлишни, ёки бирон бир хориж тилини ўрганишни орзу қилган. Бироқ кинофилмлардаги турли-туман актёрларнинг ижро маҳорати уни ўзига бутунлай ром этган. Холматжон ака уларга ҳавас билан боқиб, уларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўрар ва шу тариқа мақсад сари интилиш кераклигини англаб етганди.

Омадни қарангки, Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроев курсига қабул қилинган Холматжон ака курсдошлари Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Каримова, Ҳасан Йўлдошев, Маҳмуд Икромов каби санъаткорлар билан бир курсда ўқиди. У пайтда устоз Марк Аронович Рубинштейн сахна ҳаракатидан сабоқ берарди. "Хайрли кун" асаридаги Алексей, "Оқ нилуфар"даги судья роллари санъаткорнинг ёдидан чиқмайдиган талабалиқда ижро этган илк роллари эди.

Ўқишни тугатгач, Холматжон акани Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят театрига ишга юборишди. У ерда

шарт-шароитнинг етарли эмаслиги, гоҳ директор хонасида ётиб қолиб ишлашга тўғри келгани учун бир йил ишлаб, Фарғона театрига ишга келади. Аммо қисқа вақт ичида Сурхондарё театрида "Шохи сўзана" да Мавлон, "Холисхон" да Сардор ва бошқа бир қанча ролларни ижро этди. Зуннун Мадалиев, Соли Аҳмедов, Сулаймон Қосимов каби режиссёрлар билан ишлаган кезлари тортишувлар, қизғин баҳс ва мулоҳазалар уни саҳна санъати билан янада боғлади. Саҳнада қаҳрамонлар ҳаракатининг сўз билан уйғунлигига катта аҳамият қаратди. Санъаткор топширилган ролга масъулият билан ёндошгани учун йирик пландаги образларни саҳнага олиб чиқишга эришди. "Майсаранинг иши" да Дарға, "Аризасига кўра" да директор, "Инсонликка номзод" да ижроқўм раиси, "Бахтиёр гадолар" да шоҳ ва бошқа роллар шулар жумласига киради.

Холматжон ака ўта талабчан ва тажрибали санъаткор. У ишга, айниқса саҳнага, санъатга садоқатли бўлиш шиорига амал қилади. «Аскарсиз офицер, ҳеч нима қилолмайди. Шунинг учун актёрлар ансамблини ташкил қилиш, театрда режиссёрдан тортиб то маъмургача, актёрдан тортиб саҳна ишчисигача уйғунлик, ҳамжиҳатлик бўлиши керак», - дейди у. Ҳақиқатан ҳам, ҳамфикрилилик ва қовушиб ишлашда самара бўлади. Акс ҳолда бош-бошдоқлик, ўзбошимчалик театр санъати ривожига эмас, унинг пасайишига сабаб бўлади. - Санъаткор шунчаки саҳнага чиққанидан кўра чиқмагани маъқул, - дейди Холматжон ака. Унинг бахти халқимиз севган санъаткорлар А.Ҳидоятлов, Ш.Бурҳон, О.Хўжаевлар билан бирга (оммавий саҳнада) ҳам роль ўйнаганидир. Бир сўз билан айтганда, уларнинг насихатлари, йўл-йўриқлари туфайли саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам ўз ўрнига, ўз овозига эга бўлган санъаткор даражасига кўтарилди. Актёрни санъаткор қиладиган куч унинг юрагидир. Агар саҳнага катта қалб билан чиқмасанг, минг пардоз-андозларга буркан, шоҳона кийим кий, бари бекор, деган ақидага амал қилиб яшайди у. Ҳаётини санъатсиз тасаввур қилолмайдиган бу инсон саҳна муаммолари, ёшларнинг санъатга бўлган эътиборлари ҳақида куюниб гапиради. Хусусан, бугун қўйилаётган айрим спектакллар энгил, мағзи пуч эканини, унинг ўрнига долзарб муаммолар ҳақида ҳикоя қилувчи, ёшларга ибрат бўлувчи асарлар қўйилиши кераклигини таъкидлайди. Юрагида иштиёқ ва шижоат сўнмаган Холмат-

жон ака устозлари ўйнаган ролларни орзу қилади. "Лайли ва Мажнун"да - Ибн Салом ролини беришмаганига ҳалигача ачинаман, юрагимда армоним бор, - дейди у. Инсоннинг қалбида ҳасади эмас, ҳаваси бўлсин. Ҳасадгўй инсон ўзини ўзи емириб тугатади. Орзули, қалби кенг, эзгу ниятли киши ҳамиша ёшаради, узоқ яшайди".

Холмат ака бу гапларни юрак-юрақдан айтаётгани сезилиб туради. Ёшларга ҳам касбга садоқатли, сабр-тоқатли, ҳар ишни ўйлаб бажаришларини насиҳат қилади.

Халқимизда қариси бор уйнинг париси бор, деган нақл бор. Фарғона театрининг отахон санъаткори Холматжон Икромов етмиш уч ёшида ҳам ҳар куни шундай қутлуғ саҳнага чиқиб, халққа хизмат қилиб келаётганининг ўзи катта гап. Ёшлар устоздан тажриба, саҳна сир-асрорларини ўргансалар, кам бўлмайдилар.

«Театр» журнали, 2007 йил, 2-сон

ҲАЁТДА УНЧАЛИК ЖИДДИЙ ЭМАСМАН

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Турғун Бекназаров билан суҳбат)*

Турғун Бекназаровнинг Муқимий номидаги мусиқали драма театрида ишлаётганига ҳам анча йил бўлибди. Одатда қайси актёр нечанчи йил иш бошлагани, нечта роль ўйнагани, нечтаси салбий ва нечтаси ижобий ва ҳоказо, шунга ўхшаш саволлар билан чекланамиз. Тўғриси айтганда, бу каби саволлар кўпчиликнинг ғашини келтиради. Ҳар холда актёр ё актрисаларнинг ижодини баҳолашга, яхши ё ёмон дея ҳукм чиқаришга ҳақли эмасмиз. Негаки, ҳакам - бу томошабиннинг ўзи.

Биз учун эса актёрнинг нечта роль ўйнагани муҳим эмас. Муҳими, тўғрироғи мақсадимиз актёр билан дилдан ва албатта эркин суҳбатлашиш.

— *Турғун ака, актёрнинг ўйнаётган ролига ўзининг характери қисман бўлса ҳам мос келса, рол ҳаққонийроқ чиқади, деган фикрга қандай қарайсиз?*

— Бу саволга икки томонлама жавоб беришга ҳаракат қилман. Баъзан табиатимга, характеримга умуман тўғри келмаган роллар учраб қолади. Бундай роллар гарчи ўзимга ёқса ёқмасга ўйнашим шарт ва мажбурият. Чунки эплолмабди, -

деган гапдан ёмони йўқ. Ўзим эса кўпроқ комик ролларда маза қилиб ўйнайман. Сабаби табиатимга яқинлигида. Негадир "Чархпалак"даги чапани раис ролидан кейин менга салбий ролларни кўп беришяпти. Очиғи салбий ролларни ўйнашга жуда-жуда қийналаман ва ўзим ўйнаган ролларимдан қониқмайман.

— Бундан чиқди "ролини эплолмабди" демасликлари учун ҳам роль ўйнашга мажбурсиз. Бу "истеъдодсиз экан" деган фикрни келтириб чиқармайдими? Нима дейсиз?

— Йўқ. Бир ролда кўринмаган истеъдод бошқасида яққол кўринади.

Мисол айтиб бера қолай. "Оталар сўзи- ақлнинг кўзи" кўрсатувида актриса Мадина Мухторованинг акаси ролини ўйнаётган чоғимда қизиқ воқеа рўй берган. Видеофильмда акаси Мадинанинг юзига бир тарсаки қўйиши ва уни даст кўтариб уйга олиб кириб кетадиган жойи бор. Шу жойда режиссёр Мираббос ака менга қараб: "Ур" - дейди. Қани энди мен уни уролсам. Ҳеч қўлим бормади. Охири ролни чиқаролмай қийналиб кетдим. Бирдан Мираббос аканинг жаҳли чиқиб: "Бўлди, бу иккаласи эплолмади, деб ёзиб қўяман, тамом вассалом, - деди тутоқиб. Шунда бирдан менинг ҳам жаҳлим чиқиб кетди. Ўзи қизиққонман. Жаҳлим тез чиқиб, тез тушади. "Тўхтанг, яна бир марта кўринг шу жойини", - дедим-да, Мадинани ростакамига бир тарсаки туширдим. Шу баҳона бўлиб роль яхши чиқди. Роль чиқмади, дегани истеъдодсиз дегани эмас, менимча.

— Ўйнаган ролларингиз ҳолатидан тез чиқиб кета оласизми?

— Комедияли спектакллардаги роль бўлса тез чиқиб кета оламан. Аммо салбий қахрамонларнинг қиёфаси бўлса ё бўлмаса лирик қахрамонларнинг ролини ўйнасам, ўша ҳолатда узоқ яшайман. Масалан, "Мавлоно Муқимий" спектаклида Муқимийнинг руҳий ҳолатидан чиқиб кетишим қийин кечган. Дублёрсиз ўйнаганим учун деярли кун ора спектаклда чиқишимга тўғри келган. Спектаклнинг сўнгида Муқимий ўз монологини ўқиб бўлгач, саҳнада йиқилиб қолади ва парда ёпилади. Бир кун спектакль охирида монологни ўқиб бўлиб, йиқилдим, ҳеч ўрнимдан туролмайман-да. Юрагимга қаттиқ таъсир қилганидан, чап қўлимни ҳам кўтаролмай қолганман. Дарров парда ёпилиб, мени касалхонага олиб кетишган.

– *Бирон-бир ролни меъёрига етказиб ўйнолмаган пайтин-гиз ҳеч бўлганми?*

Тўғриси айтишимиз? Бўлган. Яна қайси спектаклда денг "Тўйлар муборак" комедиясида. Билмадим, ўша куни залда "кулмайдиган" томошабинлар ўтиришганми ё биз ҳақиқатан қойил қилолмаганмизми, билмадим. Залда тиқ этган кулги йўқ. Муздек терга ботиб кетганман ўшанда. Битта мен эмас, барча санъаткорлар бир-биримизга қараб қотиб қолганмиз.

– *Ҳаётда инсонга истеъдодми ё омадми, қайсиниси кўпроқ керак деб ўйлайсиз?*

– Истеъдод.

– *Сиз ўзингизни истеъдодлиман, дея оласизми?*

– Истеъдодли бўлсам керак. (кулади). Комик ролларни ҳам, трагик ролларни ҳам, лирик ролларни ҳам ўйнашга ҳаракат қиламан. Бундан ташқари кўпгина кўшиқларим радио ва телевидениеда янграб туради.

– *Мусқали драма театри актёрларининг ҳаммаси ҳам куйлай олишади, менимча?*

– Одамни жуда қийнаб юбордингиз-а. Тўғри, мусиқали драма актёрлари мусиқали драма спектаклларидаги кўшиқларни айта олишади. Кўшиқчилик санъатидаги ижод эса умуман бошқа.

– *Халқ ёдида қоладиган бирон роль ўйнай олдим, дея оласизми?*

– Менимча режиссёр Рустам Бобохонов саҳналаштирган "Нурхон" спектаклидаги Ҳайдар, "Кўнгиш кўчалари"даги қишлоқчи йигит Ҳамзажон ва "Чархпалак"даги чапани раис роли бўлса керак.

– *Масалан, "Ўлдинг, азиз бўлдинг" спектаклидаги Султон Мавлонович ролини маромига етказиб ўйнагансиз. Ҳаётда Султон Мавлоновичга ўхшаган амалпараст, ҳисси инсонларни учратиш қийин эмас. Шу роль ўзингизга ёқадими?*

– Ўзимга ёқади, албатта. Мендан ҳам кўра халққа ёқиши керак, деб ўйлайман. Томошабинлар яхши қабул қилишяпти.

– *Турғун ака, томошабин сифатида қайси спектаклни маза қилиб томоша қиласиз?*

– Мулла Тўйчи Тошмухаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри саҳнасида қўйилган "Соҳибқирон Амир Темур" спектакли ва Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри жамоаси саҳналаштирган

"Темир хотин" спектаклини маза қилиб томоша қиламан.

– *Ҳаётдаги ва сахнадаги ожиз томонингиз нимада деб ўйлайсиз?*

– Агар ожизлик деб аташ мумкин бўлса, ҳаётда жудаям жиддий эмасман. Сахнадаги ожиз томоним... Мана неча йиллардан бери катта-кичик роллар ижро этиб келяпман. Энди тажрибам ортди, ролларимни ўзим ҳис қилиб, тушуниб ўйнайман деганда, жисман ўзгардим. Бу эса ўзим орзу қилган ролларни ўйнашимга ҳалақит беради.

– *Масалан?*

– Масалан, Фарҳод образини ўйнагим келади. Аммо, бу ролга ҳам жисман, ҳам ёшим жиҳатидан мутлақо тўғри келмайман. Сахнадаги ожизлигим шу бўлса керак.

– *Ўзингизга ёқмаган томонингиз борми?*

– Эринчоқроқман. Лекин қатъиятлиман.

– Сизга раҳмат. Соғ бўлинг.

«Театр» журнали, 2002 йил, 2-сон

КАСБГА САДОҚАТ

Санъатшунос олимлар, театршунослар кўп. Ҳаммасининг ўз ўрни бор. Бири ҳозиржавоб, бири илмий-назарий жиҳатдан кучли, яна бири тўғрисиўз, яна бири эса танқид ва таҳлилга мойил...

Мана шу сифатларнинг ҳаммаси бир шахсда мужассамлашиши мумкинми? Бунга ҳам кўп алломаларни мисол қилиш мумкин. Шу жумладан, профессор Тоир Исломовни ҳам...

Тоир домла билан гаплашганда эса у кишидаги самимият, жайдарилик, беғараз муомала ва чўрткесарлик кишини ўзидан узоқлаштирамайди, аксинча яқинлаштиради.

Домла билан кўпгина спектакллар қабулида, премьераларда бирга бўлганмиз. Спектакль муҳокамаларида сўз навбати у кишига тегиб қолса, гапни узоқдан, чайналиб бошлаб ўтирмайди. Асар камчиликларини рўйи-рост, очиқчасига шартта-шартта айтади-қўяди.

Лекин, сўзларида чуқур таҳлил, ўз касбининг моҳир устаси эканлигини сезиб турасиз. Ҳеч бир гапни шунчаки, исботсиз гапирмайди. Баъзан шундай вазиятлар ҳам бўлганки, бир ўзи яқка қолиб кетган пайтларда ҳам ўз сўзидан қайтмаган экан.

Тоир Исломов нафақат санъатшунос олим, балки, адабиётга ҳам чинакам ихлосманд. Баъзан "шоир"лиги ҳам тутиб кетиб "ёпирай", "э, хумпар" дея таҳририятга келиб қолади. "Хумпарлар", "Хумпар" сўзларини у оғзини тўлдириб ўзига яраштириб айтади. Унинг шоир табиатлилигини шунда сезамиз.

Домланинг ўз ишига бўлган муҳаббатини унинг жаҳонгашталигидан билса ҳам бўлади. Юришдан чарчамайди. Ҳали у вилоятга бориб спектакль қабулида иштирок этса, ҳали бошқасига жўнаб кетаверади. У маслаҳатчи бўлган спектакллар ҳамиша яхши чиқади. Устознинг тўғрисўзлиги, меҳнатсеварлиги ва талабчанлигини вилоят ва пойтахт театрлари жамоалари ҳам ҳурматлайдилар. Театр жамоалари тарихий мавзулардаги асарларга қўл уриш жараёнида домладан кўп маслаҳат сўрайдилар. Бунга О.Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг "Амир Темур", А.Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар театрининг "Замон ўғлони", Миллий Академик драма театри ижодий жамоасининг "Кундузсиз кечалар" спектаклларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу ўринда театршунос олимнинг "Ўзбек тарихий драматургияси ва унинг саҳнавий талқини" номли номзодлик диссертацияси, "Шайхзода ва ўзбек театри", "Тарихий шахслар ва уларнинг саҳна талқини", "Тарих ва саҳна" каби монографияларини эътироф этиш жоиз. Бу монографияларда олим ўзбек драматургияси ва театр санъатининг ижодий ютуқларга бой даврини чуқур ва атрофлича таҳлил қилади.

Яна бир гап. Унинг бир қанча долзарб мавзулардаги таҳлилий мақолалари республика газета ва журналларида мунтазам эълон қилинишини ҳам таъкидлаб ўтмоқ керак. "Давр ва қаҳрамонлар" (Жалолиддин ва Муқанна ҳақида), "Шоирнинг саҳнавий тасвири" ("Алишер Навоий"), "Маҳорат қирралари" (Шукур Бурҳоннинг тарихий роллари ҳақида), "Қаҳрамон ва муҳит" (М.Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" асари ҳақида), "Тарихий шахслар талқини кўнгилдагидекими?" ("Юлдузли тунлар" ва "Зебуннисо" спектакллари ҳақида) ва бошқа бир қанча йирик мақолалари фикран теранлиги, чуқур таҳлили билан кўпчиликнинг эътиборини тортган.

Қолаверса, бу нарса у кишининг ўз-ўзига талабчанлигидан барак беради. Тоир домла қутлуғ ёшда ҳам навқирон, бағри кенг инсон. Бунинг ҳам сабаби бўлса керак. Ёшлар билан қанча кўп бирга ишласанг, кўнгилларига йўл топа билсанг, тиллаша олсанг, тобора ўзинг ҳам ёшарасан, дейишади. Устознинг юрагидаги ана шу жўшқинлик, ёшариш, муҳаббат ҳеч қачон тарк этмасин!

«Театр» журнали, 2008 йил, 6-сон

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ УЙҒУНЛИГИ

Жонкуяр устоз, адабиётшунос олим Ўткир Шокиров тиниб-тинчимас, заҳматқаш инсон. Ҳар гал таҳририятимизга ўқувчилар учун янги мавзулардаги бир-биридан қизиқарли мақолалар кўтариб келганларида қувониб кетамиз. Гап домланинг қўша-қўша илмий унвонларию олган қатор-қатор мукофотлари ҳақида эмас. Инсонни ким ва қайси касбда меҳнат қилиши эмас, касбига фидойилиги, ҳалоллиги, меҳнатқашлиги улуғлайди. Шу ўринда Ўткир Шокировнинг "Ўзбекистон маданияти намояндалари" ва "Миллий театримиз намояндалари" деб номланган I ва II китоби (2001-2005й.) нақадар қимматли китоб эканини эътироф этиш керак. Олим Ўзбекистонда театр санъатига ҳисса қўшган 500 дан зиёд саҳна даргаларининг ихчам ижодий портретларини ёзиб, ўрганиб, тўпламга киритганининг ўзи игна билан қудуқ қазишдек гап. Бунинг учун чин маънода меҳнатнинг машаққатларидан чўчимайдиган, фидойи инсон бўлиши керак. Олимнинг Иззат Султон драматургияси мавзусига қўл уриши ҳам бежиз эмас. "Қақнус қўшиғи", "Бир асар тарихи" сингари мақолалари "Театр" журналхонлари томонидан яхши кутиб олинганини ҳам айтиш жоиз.

Олимнинг "Иззат Султон", "Танқидчи ва адабий жараён", "Замон нафаси ва образ", "Тошпўлат Арслонқулов", "Авлодлар шажараси" ва бошқа бир қатор китоблари, қўлланмалари, монографиялари катта илмий аҳамиятга эга.

Одатда ижодкорлар бир соҳада ва бир йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борадилар. Ўткир Шокиров эса фақат адабиётшуносликда эмас, санъатшунослик ва тилшунослик соҳаларида ҳам тадқиқотлар олиб борди ва бир неча ўқув адабиётларини яратишга муваффақ бўлди.

Қутлуғ 70 ёшда ҳам олим ижод завқи билан ёниб яшайпти. У "Ўзбекистон маданияти намояндалари", "Миллий театр намояндалари" туркум китобларнинг давоми устида иш олиб борапти. Ушбу китоблар ўзбек ва рус тилларида қайта нашр этилиши кўзда тутилмоқда.

ЭЗГУЛИК САРИ

*(Ўзбекистонда хизмат кўрстаган артист
Карима Зарипова билан суҳбат)*

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёшларнинг эртанги куни порлоқ бўлиши учун кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшлар орасидан истеъдод эгаларини излаб топиш, уларни мақсад сари йўналтириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири.

Мамлакатимизда мусиқа санъатининг ривожланишига катта эътибор қаратиб келиняпти. Ёш истеъдод эгалари кашф этиляпти. Маданиятимиз ва санъатимизнинг гуллаб-яшнашида цирк санъатининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бугунги кун аксарият ёшларда бу санъатга қизиқиш ва меҳр кун сайин ортмоқда. 1933 йил цирк санъати мактабига Ўзбекистон халқ артисти Карим Зарипов асос солган бўлса, йиллар ўтиб бу мактаб аста-секин ривожланиб, кенгайиб эстрада-цирк коллежи сифатида ташкил топди.

Бугун эстрада-цирк коллежига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, цирк санъати асосчиларидан Карим Зариповнинг сулоласи Карима Зарипова раҳбарлик қилиб келмоқда. Суҳбатимиз эстрада-цирк коллежи ҳаёти, бугуни ва эртаси ҳақида.

— *Карима опа, цирк-эстрада коллежига қачондан бери раҳбарлик қилиб келясиз?*

— 1998 йили мени бу ўқув даргоҳига ишга таклиф қилишди. Ўшанда Тошкент Давлат циркида ишлардим. Ишимдан узилмаган ҳолда бу ерда фаолият бошладим. Ўша кезлари коллежга Шухрат Юсупов раҳбарлик қилардилар. Мени цирк санъати бўлимига раҳбар этиб тайинлашди. Бундан ташқари коллежнинг ташкилий ишларида ҳам бош-қош бўлдим. Орадан йиллар ўтди. Ўн йил ичида коллеж фаолиятида кўп ишлар амалга оширилди. Мен келган давримда коллежда бир қанча бўлимлар бор эдию, кафедралар ҳали пайдо бўлма-

ганди. Уч бўлим - хореография, цирк ва бадий сўз устаси бўлимларини битта кафедрага айлантирдик. Бу борада янги ўқув дастурлари, лойиҳалар ишлаб чиқилди. Цирк санъати бўлими аввал битта йўналишда умумий фаолият олиб борган бўлса эндиликда икки йўналишга ажратилиб ўқувчи-ёшларга сабоқ берила бошланди. Биринчи йўналишда - масхарабозлик, афсунгарлик, оригинал жанрлар, илон ўргатиш, мусиқали эксцентрика ва бошқалар ўргатилади. Иккинчи йўналишда - жисмоний машқлар, акробатика, гимнастика, жанглёр, чавандозлик сингари ўқув машғулотлари ўргатилади. Албатта ёшларга малакали педагоглар ўз касбининг моҳир усталари, профессионал устозлар даре беришади.

Биринчи йўналиш бўйича цирк санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган Тошканбоевлар сулоласининг давомчиси Ойдинхон Тошканбоева дарс бериб келяптилар. Дорбозлик, симдор бўйича Холмурод Қорақулов дарс бериб келяпти. Чавандозлик, яъни иккинчи йўналиш бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Улуғбек Зарипов амалиёт дарсларини ўтайди. Бу жараён бевосита цирк саҳнасида кечади. Шу пайтгача чавандозлар ичида қизлар кам учраган. Бугунги кунда Улуғбек Зарипов олти нафар қизлардан иборат чавандозлар гуруҳини тузиб, уларга чавандозлик сирларини ўргатиб келяпти.

– Юқориди бўлимларни битта кафедрага айлантиряпмиз дедингиз. Умуман бугунги кунда коллежда нечта бўлим ва нечта кафедра иш олиб боряпти?

– Бугунги кунда коллежда 5 бўлим, 2 кафедра иш олиб бормоқда. Бадий сўз устаси бўлимимиз номини эстрада-актёрлик санъати деб ўзгартирдик. Эстрада цирк санъати кафедраси цирк, замонавий рақс санъати бўлимларини ўз ичига олган. Иккинчи кафедра хонандалик ва созандалик бўлиб, бу кафедрага Юнус Тўраев раҳбарлик қилиб келяптилар. Созандалик кафедрасида бу йил композиторлик ва овоз режиссёрлиги йўналиши бўйича бўлим очияпти. Бундан ташқари замонавий рақс бўйича Аҳмаджон Раҳимов, Галина Шувалова, Ҳабибулло Саитовлар даре бериб келишмоқда. Ҳабибулло Саитов ўзбек миллий рақс санъати соҳасида катта маҳоратга эга бўлган устозлардан саналади. Бу бўлимда халқ рақслари, замонавий рақслар ва миллий рақслар ўргатилади.

Бизда юз нафар педагог-ўқитувчилар дарс беришади. Ташқаридан ўриндош сифатида ҳам юзта ўқитувчи мутахассисларни жалб этганмиз.

— *Сизнинг ташаббусингиз билан ўқувчи-ёшларга сценарий ёзиш ҳам ўргатилар экан. Бу ҳам алоҳида фан сифатида ўқув режага киритилганми?*

— Ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан етук ва билимдон, санъатнинг барча тур ва жанрларидан мукамал билимга эга бўлишларини назарда тутиб бу фанни ҳам киритдик. Масалан, бошловчилик, суҳандонлик, драма, мусиқали драма, қизиқчилик, режиссура ва бошқа жанрлар билан бир қаторда сценарий ёзишни ўргансалар нур устига аъло нур. Бу фандан дарс бериш учун Ўзбекистон Давлат Санъат институтидан Исоқтой Жумановни таклиф қилганмиз. Саҳна нутқи, бадиий сўз маҳоратидан Суюма Алиева, Амина Иботулина сингари педагоглар ўриндош сифатида иш олиб борадилар. Режиссура асослари бўйича Жаҳонгир Тўраев сабоқ беради. Бугунги кунда коллежда "Цирк студияларининг педагоглари", "Бадиий ҳаваскорлик" сингари соҳалар бўйича ҳам сабоқ берилмоқда.

Коллежни тугатган ўқувчи-ёшлар келгусида болалар драма студияларида, цирк ҳаваскорлик студияларида тўғарак раҳбари сифатида иш олиб борадилар. Бундан ташқари телевидение, радиода журналистика йўналиши бўйича иш-лашлари мумкин.

— *Карима опа, коллеж биносининг таъмирланаётганини кўриб қувондик. Ҳақиқатан, бу жуда катта масъулият, куч ва меҳнат талаб қилади. Ўн йил ичида эришган ютуқларингиз ва келгусидаги режаларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?*

— Энг катта ютуқларимиздан бири коллежимиз биносини муддатидан аввал таъмирлашга эришдик. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан коллежимизга 6 та пианино совға қилинди. Олдинда катта режаларимиз бор. Ҳозирда коллежга 5-синфдан иқтидорли ўқувчиларни қабул қилиш лойиҳаси устида иш олиб борапман. Ўқувчилар бу ерда мактаб программасини ўқиш билан бирга махсус курсларда ҳам таълим оладилар ва битиргач коллежнинг ўзида ўқишни давом эттирадилар. Эстрада цирк коллежи Марказий Осиёда ягона бўлгани учун

келгусида унинг цирк олий мактаби мақомига эга бўлиши учун жиддий ҳаракат қиляпмиз. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Мақсадимиз цирк санъатининг довруғини дунёга таратиш. Иқтидорли ёш истеъдодларни кашф қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш.

– *Хайрли ишларингизда омад ёр бўлсин!*

«Театр» журнали, 2006 йил, 6-сон

ЁШЛАР ВА ТЕАТР

Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри ташкил топганига анча бўлди. Бу йиллар ичида театр жамоаси шаклланди, ўз репертуарига, ўз режиссёрларига, етук актёрларига эга бўлди. Театр ўз даври ёшлари учун, уларнинг маънавий олами учун етарлича таъсир ўтказди.

Бу даргоҳда кўплаб актёрлар, режиссёрлар, драматурглар ижод қилишган. Ўзбекистон халқ артистлари Бадал Нурмуҳамедов, Манзура Ҳамидова, Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева, Воҳид Қодиров, Афандихон Исмоилов каби санъат фидойилари ўз мактабларини яратганлар. Мустақилликдан аввал саҳналаштирилган спектакллар орасида Ҳ. Олимжоннинг "Ойгул билан Бахтиёр", Ф. Фуломнинг "Шум бола", П. Мўминнинг "Қовоқвой ва чаноқвой", Ш. Саъдулланинг "Ёрилтош" И. Аҳмедовнинг "Сирли сандиқ", Б. Раҳмоновнинг "Қилмиш-Қидирмиш" ва бошқа бир қатор асарлар борки, ушбу спектакллар том маънода ёшлар тарбияси учун хизмат қилди. Мустақиллик туфайли барча соҳада янгиланиш босқичлари бошлангани каби санъат соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, театр санъатига бўлган эътибор янада кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1998 йил 26 мартда эълон қилинган "Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони фикрининг ёрқин далилидир.

Мустақиллик йилларида ёш томошабинлар театри жамоасида янгича фикрлаш, янгича ғояларни илгари суриш бошланди. Театр жамоасига Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли режиссёр Олимжон Салимов бадий раҳбар этиб тайинлангач, Фармонда белгиланган вазифаларни бажаришга дадиллик билан киришилди. О. Салимов ўз атрофи-

га иқтидорли, салоҳиятли ёшларни тўплади. Репертуарни ўзбек драматурглари асарлари билан бойитибгина қолмай, жаҳон мумтоз адабиёти намуналарига ҳам мурожаат қила бошлади. Ёшларимизнинг фикрлашини ва дунёқарашини кенгайтиришда, уларга миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларини сингдиришда саҳналаштирилаётган спектаклларнинг аҳамияти жуда катта, десак муболаға бўлмас. Сабаби, ҳар бир саҳналаштирилаётган спектакль бир-биридан тубдан фарқланади. Шунингдек, биргина ёш томошабинлар театри ҳам боғча, ҳам бошланғич мактаб, ҳам лицей ўқувчиларига мос спектаклларни саҳналаштириши зарур. Негаки, Республика ёш томошабинлар театри пойтахтимиздаги болалар учун ягона театр маскани ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Олимжон Салимов томонидан саҳналаштирилаётган асарларни ёш томошабинлар учун, айниқса, лицей ўқувчилари учун мўлжалланган асарлар дейиш мумкин.

Масалан, италян драматурги Карло Гоццининг "Икки мўъжиза" спектакли, япон драматурги Дзуиндзи Киноситонинг "Турна патлари" спектакллари ёш томошабинлар саҳнасида қўйилиб, бизнинг ёшларимизга тақдим этилишининг ўзи бир янгилик. Бу асарлар дунё саҳналарида қўйилгандир.

"Қирол Буғу" спектакли шунчаки енгил, осон тушуниладиган, маиший икир-чикирлардан иборат эмас. Тўғри, бу спектакллар ёшларимиз учун биров мураккаброқ туюлиши мумкин. Лекин воқеаларнинг қизиқлиги, ниқоблар ёрдамида "Del arte" - очиқ майдонда "ниқоб" комедия усулида намойиш этилган бу спектакль ёшларни ҳам ҳайратга солади, ҳам эстетик дидининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. "Икки мўъжиза" ёрдамида хиёнат ва ёлғон фош қилинади. Саҳна декорацияси, спектаклга ишланган либослар, мусиқалар, айниқса, саҳнада мўъжиза пайдо бўлиши ёшлар диққатини ўзига тортади. Иккинчи спектакль "Турна патлари" у қадар мураккаб эмас. Сюжет оддий бўлишига қарамасдан, ўқувчи ёшлар диққатини ўзига жалб қилади. Бугунги ёш томошабинларни ҳам тарбиявий, ҳам эстетик, ҳам маънавий юксакликка етаклайдиган бундай спектакллар жуда зарур. Чунки бугунги ёш томошабинни кечагидай бўри, тулки, қуён образлари билан алдаб бўлмайди. Бугунги кунда юқори савиядаги, болаларни мушоҳада юритишга қорлайдиган асарларни қўйиш биринчи галдаги вазифадир.

Ёш томошабинларнинг театр санъатидан бахраманд бўлишлари фойдадан холи эмас, албатта. Театр санъати қудратли тарбия воситаси экан, менимча, ёшларни боғча ёшиданоқ театр санъати оламига ошно этиш ҳар бир ота-она, тарбия жамоасининг бурчи, деб биламан. Бугунги ёшлар эртанги кунимизнинг давомчилари. Шундай экан, маънавий баркамол авлоднинг ўсиб улғайишида ёш томошабинлар театри саҳнасида қўйилаётган спектаклларнинг ҳар бири алоҳида ўз ўрнига эга бўлиши табиий. Маънавиятнинг юксалиши, фикрнинг ўсишида О. Салимов саҳналаштирган Т. Муроднинг "От кишнаган оқшомда", А. Авлонийнинг "Адвокатлик осонми?" спектаклларининг ҳам аҳамияти бўлакча. О. Салимов "Адвокатлик осонми?" асарига янгича ёндошади. Асарни жиддий комедия сифатида саҳнага олиб чиқар экан, илмсизлик ёшларни нималарга олиб келишини, яъни илмсизлик ва жаҳолат миллатнинг буюк бир фожиаси эканлигини уқтиради.

Маърифатли ва маънавиятли халқ - ўзлигини англаган халқ ҳисобланади. Ушбу спектаклда ўз-ўзини англаш - инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши лозимлиги саҳна воситалари орқали ёрқин очиб берилди.

Маънавият эса ёшлиқдан қалбларга сингиши, фикрнинг ўсиши, дунёқарашининг шаклланиши натижасида юксалади.

Шу ўринда Президентимиз И.А. Каримовнинг "Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур" - деган сўзларида нақадар теран маъно борлигини яна бир бор англаймиз.

Режиссёр ҳар бир спектаклни саҳнага олиб чиқар экан, аввало ёш томошабинларга зарур гапни айта олиши кераклигини биринчи ўринга қўяди. Саҳнанинг томошавийлигига, либосларнинг асарга монандлигига, мусиқаларнинг ранг-баранглигига, актёрларнинг жўшқин ижроси ва асар воқеаларнинг эртакнамо ечими устида бош қотиради. Бунга ўз спектакларида эришди, дейиш мумкин. О. Салимов режиссёрлигида "Боз масхарабоз" спектакли саҳналаштирилиб, 2000 йилда театр жамоаси ушбу спектакль билан Германиянинг Мюлхайле шаҳрида "Ипак йўли" театр саёҳати" доирасида Марказий Осиё театри фестивалида қат-

нашиб, катта муваффақиятга эришди. "Боз масхарабоз" ва Мольер комедияси асосида "Уچار табиб" (Ш. Бошбеков) спектакллари ўзбек ёш томошабинлари учун катта аҳамиятга эга бўлган асарлардир. Енгил юмор ва чуқур фалсафа билан йўғрилган "Боз масхарабоз" спектакли асосан хатти-ҳаракатга асосланган. Ушбу спектаклни миллий масхарабозлик ва қизиқчилик санъатининг энг яхши анъаналарини давом эттирувчи асарлар сирасига киритиш мумкин. Режиссёр "Боз масхарабоз"да актёрлар ижрочилигига таянади. Спектаклда сўз йўқ. Ҳаракатларнинг ўзи сўзлайди. Имо-ишораларнинг ўзида айтилмоқчи бўлган гапларнинг ҳаммаси бор. Пантомима, пластик ҳаракатлар орқали муайян сюжетлар мазмуни очиб берилади. Назаримда ушбу спектакль ўқувчи ёшларни фикрлашга, асарнинг нима демоқчилигию гоясини ўйлаб топишга ўзларини ундайди. Мушоҳадаларга бой ушбу спектакль сўздан йироқ бўлсада, ҳаракатларнинг ўзи спектаклнинг мазмунини сўзлаб турибди. Буни фақат ёшлар англаши керак, холос.

"Уچار табиб" спектакли қувноқ, жўшқин, кулгили. Актёрларнинг эркин ҳаракатлари, мусиқаларнинг жозибadorлиги, ҳаракатлар, воқеаларнинг бир-бирига боғланганлиги ўқувчиларга завқ-шавқ бағишлайди. Режиссёр Мольердан фақатгина сюжетни олиб қолган, холос. Қолган деталларни ўзбекчалаштирган. Ушбу спектакль ўзбек ёш томошабинига мосланган. Лекин шуни айтиб ўтинг жоизки, ёш томошабинлар театри сахнасида яратилаётган сахна асарлари ёшларнинг маънавий олами учун дадил ҳаракат қилипти ва тўғри йўлдан боряпти. Ўзбек томошабинини тарбиялаш ҳам аслида Ёш томошабинлар театридан бошланади, шундай эмасми?

Бинонинг замини мустаҳкам бўлсагина у қад кўтарганидек, ёш томошабинларни тарбиялашда, эстетик дидларининг шаклланишида, қалбларида ғурур, улуғворлик, ватанпарварлик, муҳаббат ва садоқат туйғуларининг шаклланиши ва юксалишида, маърифат, маънавият ва миллий қадрият тушунчаларининг пайдо бўлишида ёш томошабинлар театри сахнасида яратилаётган спектакллар пойдевор бўла олиши керак.

Президентимиз И.А. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" асарида айтган: "Маънавият тарбиянинг энг

таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳалқсеварликка ўргатиш керак бўлади", - деган сўзлари айти ҳақиқатдир.

«Театр» журнали, 2005 йил, 3-сон

ЁШЛАР ОРЗУСИ

Ёшлик - бу улкан орзулар, ширин хаёллар фасли. Ёшлик бу шиддат ва жасорат фасли ҳамдир. Бу гўзал ва бетакрор фаслда ҳар дамни ғанимат билиб, ҳар дақиқани зое кетказмай ўқиш, изланиш, меҳнат қилиш иштиёқида ёниб юрган ёшларни кўриб қувонасан, киши.

Бу галги суҳбатдошимиз изланувчан, ҳаракатчан иқтидорли ёш актёрлар Элбек Мирзоҳидов ва Баҳром Усмоновлар.

Э. Мирзоҳидов – 1978 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1995 йил Тошкент Давлат санъат институтининг кўғирчоқ театри актёрлиги бўлимига ўқишга кириб, уни 1999 йилда тугатган. У ўқиш билан бир қаторда Республика кўғирчоқ театрида иш бошлаган. Бир неча йилдирки, у шу театрда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Баҳром Усмонов -- 1979 йил Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган. 1996 йил Тошкент Давлат санъат институтининг драма ва кино актёрлиги бўлимига ўқишга кириб, уни 2000 йилда тугатган. Ўқиш билан бир даврда Й. Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрида иш бошлаган. Ҳозирда шу театрнинг ёш актёрларидан бири сифатида ишлаб келмоқда.

Э. Мирзоҳидов:- Кўғирчоқ театрида ишлайман, деб сира уйламаганман. Тўғри, режиссёр ёки драма актёри бўлиш орзуим йўқ эмасди. Бироқ бўйимни паст деб, мени драма актёрлиги бўлимига қабул қилишмаган. Сўнгра кўғирчоқ театри актёрлиги бўлимига ўқишга кириб, у ерда устозим Шермат ака Ҳайитбоев қўлида таҳсил олганман. Мени кўғирчоқ театрига етаклаган Каромат опа Исомова бўлади. Бир сўз билан айтганда, аввалига ҳеч қандай эҳтиёж сезмаганман. Элга танилиш хаёли эса умуман бўлмаган. Буни тасодиф десам балки тўғри бўлар. Эҳтимол, санъатга бўлган қизиқиш бувам раҳматли Ҳомиджон Холматовдан ўтгандир. Бувам узоқ йиллар Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий драма театри саҳнасида ишлаган.

- *Касбингизни элга танилиши учун танлаганмисиз ёки бутунлай бошқа бўлганми?*

Б. Усмонов: - Боғчага бориб юрган пайтларимданоқ ашулалар айтиб юардим. Онам менга "Дуторчи" кўшиғини ўргатганлар. Катта бўлсам, ашулачи бўламан деб юардим. Дадам бир куни Обид ака Асомовнинг кассетасини олиб келганлар. Мен ўшанда 2-синф ўқувчиси эдим. Кассетадаги барча ҳангомаларни тўлалигича ёдлаб олгандим ва мактаб сахнасида айримларини ижро этгандим. Кейинчалик маданият саройидаги тўгаракка қатнашганман. У ерда устозим Абдувоҳид Кароматовдан сабоқ олганман. Менимча санъат йўлини танлашим - бу мендаги эҳтиёждан келиб чиққан бўлса керак.

- *Ўзингиз ишлаётган ишингиздан кўнглингиз тўлаяптими?*

Э. Мирзоҳидов: - Гапни бир бошдан бошлай қолай. Кўғирчоқ театрига ишга келганимда олти ой кўғирчоқларни қимирлата олмай қийналганман. Ташқаридан қараганда кўғирчоқларни жонлантириш, ҳаракатлантириш осондай туюлади. Йўқ, ундай эмас экан. Кўғирчоқларни инсондай нафас олдириш у ёқда турсин, ўйнатиш жуда-жуда қийин экан. Агар мендан актёр бўлиш қийинми, деб сўрасангиз, ҳеч иккиланмай, мусиқий драма актёри ва кўғирчоқ театри актёри бўлиш қийин, деган бўлардим. Илк бора "Фозча" спектаклида типратикан ролини ижро этдим. Кейинчалик эса ролларим кўпайди. "Оловуддиннинг сеҳрли чироғи" спектаклида устозим Фатхулла Хўжаев ижро этган "Жин" ролини менга ҳам топширишди. 2001 йилда Туркия давлатининг Бурса шаҳрида "Қоракўз" фестивалида бўлиб қайтдим. У ерда "Карвонсарой" спектаклини турк тилида намоиш этдик. Бу спектаклдаги 7 та ролни Фатхулла ака иккимиз ижро этдик. Шу йили Корея давлатининг Дейжон шаҳрида бўлиб, "Қачал билан Бичахон" диалогини корейс тилида ижро этдик. Анча қийналдик. Мен бу билан қилаётган ишларимдан кўнглим тўлаяпти демоқчи эмасман. Тўлмаётган жойи - мен ҳали катта тажриба орттиришим, дунё халқларининг тилларини мукамал эгаллашим, француз, немис, корейс тилларида бемалол спектакллар ижро эта олиш даражасига кўтарилишим керак. Бунга албатта билим, тажриба ва вақт керак.

Б. Усмонов: - Назаримда, халқда анча хизмат қилиб

қўйган санъаткорлар ҳам қилаётган ишимдан кўнглим тўла-япти, дейишмаса керак. Мен-ку, саҳнага энди-энди қадам қўяётган ёш актёрман. Албатта, бу саволга йўқ, деб жавоб бераман. "Адвокатлик осонми?" спектаклидаги Абдужаббор, "Турна патлари"даги Йохйо ролларим - бу илк қадамим. 2002 йилда жамоамиз билан Германия давлатига ижодий сафарга бориб келдик. Хуллас, ҳали қиладиган ишлар жуда кўп. Ҳаммаси олдинда.

- Қайси санъаткорга ҳавас қиласиз?

Э. Мирзоҳидов: - Қўғирчоқ, театри саҳна устаси Фатхулла ака Хўжаевга ҳавас қиламан. Бу инсон нафақат қўғирчоқ, устаси, балки чин инсон, самимий устоз ҳамдир.

Б. Усмонов: - Устозим Олимжон ака Салимов, актёрлардан Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Фарҳод Аминов каби санъаткорлар ижодига ҳурматим баланд ва уларга ўхшагим келади.

- Қайси бадиий адабиётларни севиб ўқийсиз?

Э. Мирзоҳидов: - Яширмайман, мактабда ўқиб юрган пайтимданоқ китоб ўқишни севардим. А. Навоийнинг "Лиссон ут-тайр", Фирдавсийнинг "Шохнома" дostonларини ва бир қатор таржима асарларни севиб ўқиганман.

Б. Усмонов: - Ёзувчи Саид Аҳмаднинг "Жимжитлик", Тохир Маликнинг "Шайтанат" асарларини ўқидим.

«Театр» журнали, 2002 йил, 4-сон

ЖИЗЗАХ ТЕАТРИ ФИДОЙИЛАРИ

Кўпдан бери Республикамизнинг турли вилоятларида фаолият юритаётган театр жамоаларининг репертуари, санъаткорлари-ю, режиссёрлари билан яқиндан танишиш, журналимиз саҳифаларида ёритиш истагида юардим. Раҳбаримиз мени чақириб, Жиззах вилоятига боришимизни айтганида, бундай имконият яратилганидан жуда хурсанд бўлдим. Бўпти, дедиму, эртасигаёқ ижодий гуруҳимиз билан йўлга отландик. Йўлда кетиб борар эканман, санъаткорлар бизни кўриб қувонсалар керак, деб хаёлимдан ўтказдим. Тўғрида, вилоят театрларида заҳматла меҳнат қилаётган санъаткорларнинг ижоди ҳақида ҳам кимдир ёзиши керак-ку?! Ўйларимнинг чеки йўқ эди. Аммо нима бўлгандаям бир кунлик хизмат сафарига вақтни қўлдан бой бермай унумли

ишлаш керак, дедим ўзимга. Ижодий гуруҳимиз билан Жиззах вилояти Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театрига етиб борган чоғимизда театр жамоасининг қувончини кўриб дилим яйраб кетди. Улар қувонгандан қувонишдики, мен ўйлагандан ҳам аъло бўлди. Жамоада кўп йиллар сахна машаққатини чеккан фидойи инсонлар анчагина экан. Албатта, мен ҳаммалари билан суҳбатлашиб улгуролмадим.

Орамизда яхши инсонлар кўп. Улар борлиги учун ҳам ҳаётимиз нурли ва шукуҳли. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдураим Лапасов билан суҳбат чоғида мен бунга тўла амин бўлдим. Чоҳраси нурли, доим кулиб турадиган бу камтарин инсон ушбу театрга тамал тошини қўйганлардан экан. Абдураим ака 1954 йилда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида дунёга келган. 1971 йилда Жиззах вилояти Ю. Ражабий номидаги мусиқали драма театрига янги бино берилган кундан бошлаб, у шу ерда иш бошлаган. 1972 йил М. Уйғур номидаги Санъат институтининг "драма ва киноактёрлик" бўлимига ўқишга кириб сиртдан таҳсил олган. Мана, ҳозиргача у ўзи бош қош бўлиб келаётган театр жамоаси билан ҳамнафас, ҳамфикр. Абдураим акани 1971 йилда Абдухолиқ Холбўтаев театрга етаклаганини, унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдуҳамид Ғофуров эса устозлик қилганини ўзгача ифтихор билан сўзлаб берди. Табиатан босиқ, камгап, чоҳрасидан кулгу аримайдиган бу инсон фақат ижобий ролларни ўйнаса керак, унга салбий роллар мутлақо тўғри келмасов деб ўйлагандим. Бу сафар ўйлаганимнинг акси бўлди. Инсоннинг инсонлар ҳақидаги қарашлари ҳар доим ҳам тўғри чиқавермас экан. Актёр мендаги ишончсизликни дарров пайқади. Ва "актёр ҳаётда бошқа, сахнада эса умуман бошқа одамга айлана олиши керак", - деди. Унинг ижросидаги роллар ҳам бир-биридан маъно моҳияти жиҳатидан тубдан фарқланади. Масалан, Р. Гамзатовнинг "Тоғ қизи"даги Усмон билан Р. Нури Гунтекиннинг "Хийлайи шаърий"даги Имом умуман бошқа-бошқа қиёфадаги образ бўлса, Душен Фердунанднинг "Тамилла"-сидаги Метцион янада бошқачароқ образ. Метционнинг жоҳиллиги, ҳамма нарсани пул билан ўлчаши, қаҳр-ғазабда тенги йўқлиги каби салбий характердаги ролни актёр шу қадар маҳорат билан ижро этган экан-ки, ҳатто актёрни билган-таниганлар ҳам наҳотки, шу Абдураим ака бўлса, -

деб ишонишмаган.- Актёр гарчи ҳаётда беозор, юмшоқ характерли бўлса-да, жоҳил қаҳрамонлар қиёфасида ўзи кўришни хоҳлайди (албатта сахнада). Ва шундай образларни маромига етказиб ижро қилишга ҳаракат қилади. Салбий қаҳрамонлардан яна бири "Тинмасин соз" асаридаги чўлоқ образи. Асар уруш йилларидаги воқеалар ҳақида бўлиб, актёр ўша аблаҳ, ярамас чўлоқнинг феъл-атворини очиб беради. Бундан ташқари "Қасам ва виждон" спектаклида врач, "Оқ кема"да Мўмин, "Зўраки табиб"да Валер, «Скапеннинг найранглари»да Жиронд, "Совуқ шамол абадий эсмайди" тарихий драмада Оллоёрбек каби ранг-баранг образлар шулар жумласидандир.

Актёр Оллоёрбек роли учун республика театр кўрик танловида иштирок этиб, "Энг яхши эркак роли учун" II - даражали дипломи билан тақдирланди. "Актёрнинг бахти, дейди у,- сахнага чиқиб қиёфа ярата олишида. Агар у ўша қиёфани айнан ўзидай қилиб ярата олмас экан, у актёр эмас".

Абдураим Лапасовнинг ўзига хослиги шундаки, у режиссёр қандай роль беришидан қатъий назар, ўша ролни қайтармайди, ўзига ишонади, меҳнатдан чўчимайди. Ўзининг ўттиз йиллик фаолиятдан, ҳаётидан мамнун. Саҳна унга ҳаётни ўргатди, оқ-қорани танитди, одамлар орасида юриб, мулоқотда бўлди. У жонажон театрини ҳеч нарсага алишгиси келмайди. Актёрнинг бирдан бир орзуси "Қирол Лир" даги Лир ролини яратиш. Ундаги ўзига, ҳаётга бўлган ишонч, умид қачондир Лир ролини сахнага олиб чиқишга ундайди. Ахир айтадиларку, ноумид шайтон, деб. Очиғи, суҳбатдошим билан узоқроқ гаплаша олмадим, вақт эса учқур елдек тезгина ўтиб кетди.

Худди шу театрда чорак аср давомида ижод қилиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олия Эштўхтарова билан бўлган суҳбатимиз ҳам ёмон бўлмади. Олия опа учун театр, ҳам оиласи, ҳам фарзанди, ҳам турмуши, хуллас, бутун умрини сахнага, театрга бахшида этган актрисалардан экан. Олия Эштўхтарова 1946 йилда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида туғилган.

1971 йили Косон маданият уйида ишлаб юрган кезлари уни Тошкентдаги М. Уйғур номидаги санъат институтидан ўқитувчилар келиб, бир гуруҳ қизлар орасидан танлаб Тошкентга олиб келишган. Шу йили унга санъат институти-

нинг "мусиқали драма ва комедия" факультетига ўқишга кириш насиб этган. Омон Абдураззоқов, Шоҳида Маъзумова, Зуҳра Олимжонова, Арсен Исмоилов каби устозлари қўлида таҳсил олган Олия Эштўхтарова йўлланма билан ушбу театрға ишга қабул қилинади. Актрисанинг айтишича, у ишга келганида Шамхаловнинг "Қайнона" ("Аслзода келин") спектакли саҳналаштирилаётган экан. У шу спектаклдаги Жаннат хола, яъни қайнона ролини ёқтириб қолади. Аммо унинг ёшлигини ҳисобга олиб бу ролни беришмайди. Юрагида ўти бор, гайратли актриса йиғлай-йиғлай директор ҳузурига бир неча бор кириб, шу ролни ўйнашига рухсат беришларини сўрайверади. Ва ниҳоят, 26 ёшли актриса 60 ёшли Жаннат хола ролини ўйнашга эришади. Ва ушбу спектакль 60 марта саҳна юзини кўради. Бу спектакль орқали актриса Туркменистон, Қозоғистон ва бошқа кўплаб жойларда бўлиб қайтади. Шаддодгина қаҳрамонларнинг қиёфасини яратишни ёқтирган актриса шу спектаклда Офат ролини ҳам кўп марта ўйнайди. Умуман олганда актрисага ҳам салобатли, ўта жиддий роллар, аynиқса фожиавий асарлардаги роллар кўпроқ мос келади. Масалан, "Бой ила хизматчи"да Ҳожи она, "Тамилла"да Ҳадича бегим, "Оқ кема"да Кампир, "Аёллар гапидан чиққан ҳангома"да Саломат, "Овсинлар"да Муаззам, "Кампир кетармиш"да Бўстон, "Хижрон"да Фоти, "Виждон дориси"да Дилбар, "Шунчаки ҳазил"да Фазилат, "Лайли ва Мажнун"да Лайлининг онаси, Ҳамид Олимжоннинг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Баҳор келди сени сўроқлаб" мусиқали композицияда шоир онасининг ёшлиги ва бошқа бир қатор ролларни санаш мумкин. Актриса билан суҳбатлашар эканман, у ўз ижодидан кўра театрдаги камчиликлар, ечимини кутаётган муҳим муаммолар ҳақида куюниб-куюниб гапирди. Она фарзанди учун қанчалик жафо чекса, қайғурса, актриса ҳам театр муаммолари ҳақида шунчалик қайғуриб, ёниб сўзлади. Театрға энг биринчи галда нималар етишмаяпти деб ўйлайсиз, - сўрайман актрисадан. Холимиздан хабар олгани келиб зап иш қилибсизлар, - дейди у вазминлик билан. Муаммолар беҳисоб, энг муҳимларини сизга айтсам, бизда саҳна безаги, актёрларнинг кийим-кечаги етишмайди. Битта кийимни бир неча

спектаклларда қайта-қайта кийиб роль ўйнашга мажбур-миз. Томошабин ҳузурига бир хилда чиқаверсак, у зерикади-да. Саҳнани безаш учун маблағ ажратилиши керак. Ўзимизни-ку, айтмай, бир неча ойлаб маошсиз яшаяпмиз. Мени ўйлантирадиган яна бир муҳим муаммо, авваллари санъаткорлар тажриба алмашиш, ўрганиш учун чет элларга ишлагани жалб қилинган. Ҳозир ҳам шундай масалалар кўтарилса, амалга ошса... Опа ўйланиб хаёлга чўмди. Сизнингча, - дейман мен, бугун томошабинга қандай спектакллар зарур? Опа биров ўзини ўнглаб, яна тўлиб-тошиб гапира кетди. Томошабинга ё тўла йиғлатадиган, ё тўла кулдирадиган асарлар зарур. Уларни чалғитмаслик керак. Бир йилда бир марта бўлса ҳам классик асарлар қўйишимиз керак. Бунинг учун энг аввал театрдаги муаммолар ижобий ҳал қилингандагина кўзланган мақсадга етишишимиз мумкин. Актрисанинг гапида жон бор. Санъаткорми ё оддий бир бошқа инсонми эмин-эркин, хотиржам бўлсагина, хаёли минг ёқларга бўлинмасагина унинг иши ривож топади. Айниқса, ижодкор бўлса, ижоди янада гуллайди. Ҳар каллада ҳар хаёл деганларидек, айниқса актёр ва актрисаларнинг хаёлини муаммо чулғаб олса... улар ташвишлар билан томошабин ҳузурига чиқишса...

«Театр» журнали, 2002 йил, 3-сон

АКТЁРЛИК – ТАҚДИРИМ, ҚИСМАТИМ

*(Й.Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг актёри ва режиссёри
Бахтиёр Позилов билан суҳбат)*

Бахтиёр Ўш шаҳрида туғилган. Гарчи унинг авлодида Абдулла тароқ номи билан танилган машҳур ҳофиз, Ваҳобжон Абдуллаев сингари актёрлар ўтган бўлса-да, у санъаткор бўламан деб сира ўйламаган. Машҳур футболчи бўламан деб аҳд ҳам қилганди. Бироқ...

Бугунги кунда у ижро этган ролларни кузатсангиз Бахтиёрнинг актёрлик маҳоратига, ролни юракдан ҳис этиб ўйнай олишига амин бўласиз. "Алпомиш"да Тойчахон, "Боз масхарабоз"да масхарабоз, "Осмондан танга ёққан кун"да бой, "Зумраша"да Зумраша, бугун ёш томошабинларни ҳайратга солиб келаётган "Турна патлари" спектаклларидаги Содо,

"Икки мўъжиза"даги Қирол Драмо ролларида актёр бошқа-бошқа қиёфаларда намоён бўлади. Ёш томошабинлар саҳнада актёрни эмас, худди шу қаҳрамонларни кўриб тургандек бўлади.

– Бахтиёр, ҳар сабабда бир оқибат бор. Актёр бўлишингизга, Тошкентга келиб, театрга келишингизга бирон нарса туртки бўлгандир, ахир?

– Янглишмасам, саккизинчи синфда ўқиб юрган кезларимда мусиқа ўқитувчимиз "Жангчи Турсун" балладасидаги жангчи Турсунни ўйнайсан, деб қолди. Мен қандай қилиб ўйнайман, ахир билмайманку, дедим. Ўқитувчим, ўзим сенга ўргатаман, дедилар. Ўшанда Ўрта Осиё бўйича болалар ўртасида мактаблараро театр фестивали ўтказилиб, мен биринчи ўринни эгалладим. Шу бўлдию театр санъатига қизиқиб қолдим. Аслида мен футболчи бўлишни орзу қилардим. Орзу-орзу экан. Актёрлик эса менинг қисматим, тақдирим эканини кейин англадим. Мени Тошкентга бувим етаклаб келдилар. Биринчи йили ўқишга киролмадим. Шундай бўлса-да, Ўш театрига бориб ишладим. Толибжон Бадинов, Неъматжон Неъматов, Наби Мажонов, Бахтиёр Аҳмедов каби санъаткорларни фахр билан тилга оламан. Тошкентга келиб, шу даргоҳда ишлашимга сабабчи бўлган инсонлар шулар бўлади.

– Ижод аҳлининг кайфияти ўзгарувчан бўлади. Дейлик, кайфиятингиз ёмон аҳволда театрга келдингиз. Саҳнада рол ижро этишингиз керак. Кайфиятингиз ролингизга таъсир қиладими?

– Саҳнага чиқишим билан менинг кайфиятим, руҳиятимдаги ўзгаришлар парда ортида қолади. Агар шундай қилмасам, ролим ҳаққоний, жонли чиқмайди. Менинг кайфиятим ёмон бўлса, бунда томошабиннинг нима айби бор.

– Актёрнинг, санъаткорнинг вазифаси деганда сиз нимани тушунасиз?

– Бу вазифа шу қадар масъулиятли, шу қадар оғирки буни фақат жонини тикканлар, саҳнани муқаддас санаганлар, ҳақиқий фидойилар билади. Менинг фикримча, ҳар бир актёр ўзининг зиммасига юклатилган оғир юкни, масъулиятни ҳис қилиб турмоғи керак. Ахир, актёр саҳнадан туриб томошабинни оқ қорани ажрата билишга, ҳам сўзи, имо-ишораси, хатти-ҳаракати, юраги билан даъват этади-ку.

– Актёрга кўпроқ нима керак?

– Менимча хотиржамлик ва эркинлик. Саҳнага чиқиш учун ҳам руҳий қувват керак, тўғри эмасми?!

- *Ҳозирги ёшлар фақат машҳурлик сари интиляптилар. Битта рол ўйнасаю тезда шухрат топса...*

- Ўтирозингиз ўринли. Бироқ ҳамма ёшлар ҳам бирдай эмас.

- *Сиз истеъдодли актёрсиз. Лекин нимагадир, радио, телевидение, клип дегандай...*

- Тушундим. Яна машҳурлик масаласига тўхталяпсиз. Кимнинг машҳур бўлгиси келмайди. Лекин мен театрдан нон, туз еяпман. Буни оқлашим керак. Уни ташлаб қўйиб, ҳали у ер, ҳали бу ерга чопсам, унда театрда ишлашга хожат қолмаса керак. Яна билмадим. Назаримда санъаткор халққа танилиши эмас, халқни таниши керак.

- *Кўпгина роллар ижро этдингиз. Маълум маънода истеъдодимнинг қирралари очилди деб айта оласизми?*

- Йўқ. Агар худо умр бериб 80 ёшга кирганимда ҳам истеъдодимнинг қирралари очилди, деб айтолмаган бўлардим.

- *Сиз кўнгил одамисиз. Театрда сизни тушунадиган инсон борми?*

- Бор. Акром Исломов бўлади.

- *Дўстларингизчи?*

- Энг яқин дўстларим Муроджон ва Сирождиддин.

- *Нималар ҳақида хаёл сурасиз?*

- Жуда кўп хаёл сураман. Ҳаётда ҳамма нарса бежиз яратилмаган. Ҳамма нарсанинг ҳам ўз вазифаси бор. Масалан, қуёш, ой, ер ва ҳоказо... Шунда ўйлаб қоламан. Биз ҳам ўз вазифамизни адо эта оляпмизми. Нимага келдигу нимага кетамиз. Шунга ўхшаш саволлар гирдобида қоламан.

- *Саҳнада актёрнинг ожизлиги нимада?*

- Ожизлик бу актёрнинг билими, маънавияти, дунёқараши торлигида бўлса керак.

- *Хатоларим камчиликларим нимада деган савол сизни ўйлантирадимми?*

- Хатолар ва камчиликлар ҳар бир инсон боласида бор. Фақат уларни вақтида англашга, тузатишга ҳаракат қилиш лозим. Тузатишнинг ягона йўли фақат илм орқали бўлади.

- *Муҳаббат борлигига ишонасизми?*

- Навоийнинг "Лисон ут тайр" китобида "киши ошиқ бўлмагунча ҳақиқий инсон бўлолмайди" дейилади. Яқинда "Саодат-

га элтувчи билим" китобини ўқиб қолдим. Унда шундай мисралар бор. "Севги - инсон табиатининг завқ олган бир нарса-сига майл қўйишидир. Бунинг қувватли, шиддатли шакли "ишқ" дейилади. Муҳаббат бор. Тарихда бунга мисоллар кўп.

"Туркистон" газетаси, 2003 йил, 31 май

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

*(Ўзбек Миллий академик драма театрининг актёри
Меҳриддин Раҳматов ижодига назар)*

Кейинги йилларда Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасига бир қатор истеъдодли ёшлар келиб қўшилаётгани қувонарли. Ёшлар миллат келажагининг ишончи экан, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, билмаганини ўргатиш, йўл-йўриқ кўрсатиш катталар олдида турадиган муҳим вазифа саналади.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг умидли ёшларидан бири Меҳриддин Раҳматов.

Муносиб шогирд, умидли ёшлардан бири Меҳриддиннинг мактабда ўқиб юрган чоғларида бадиий адабиётга ихлоси баланд эди. Шу сабаб, у дарсдан сўнг мактаб кутубхонаси томон ошиқар, рус адибларининг асарларини севиб мутолаа қиларди. Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", Достоевскийнинг "Жиноят ва жазо", "Телба" сингари асарларидан қаттиқ таъсирланарди. Бир куни у одатдагидек кутубхонага кирадию жавонда турган китоблар орасида сарғайиб, титилиб кетган китобга кўзи тушади. Қараса, Сергей Бондарчукнинг "Мўжиза истаб" деган китоби экан. Китобнинг номиёқ бўлажак артистнинг этини жимирлатиб юборади. Китоб мутоаласига киришади. "Мўжиза излаб" уни театр ва кино санъатининг мўжизавий олами сари етаклади. Меҳриддин "актёр бўламан" деган қарорга келди. Шу-шу Сергей Бондарчукни "саҳнага етаклаган ғойибона устозим" дея таъкидлайди.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида туғилиб ўсган Меҳриддин Ўзбекистон давлат Санъат институтининг драма ва кино актёрлиги бўлимига ўқишга киради. Талабалик йилларида ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи асосида саҳналаштирилган спек-

таклини томоша қиладию бош роль ижрочиси актёр Тоҳир Саидов маҳоратига ҳавас қилади. "Қани эди, Тоҳир Саидов билан бирга бир сахнада ўйнасам" - дея ният қилади. Йиллар ўтгач, уни бу даргоҳга Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов ва Жамшид Зокировлар етаклашади. Меҳриддин бу ерда сахна ишчиси сифатида иш бошлайди. Лекин унинг юрагида сахнада роль ижро этиш кундан-кун аланга оларди. Меҳриддиндаги истеъдод, ғайрат ва тиришқоқликни сезган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ботир Муҳаммаджонов сахнага чиқиб роль ўйнашига туртки бўлди. Унинг "Ўзингни синаб кўр, чўчима», деган сўзлари унга мадад берди. Буюк устозлар излари қолган катта даргоҳда, атоқли санъаткорлар билан ёнма-ён ишлаш унга осон бўлмади. Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Рихси Иброҳимова, Турғун Азизов ва бошқа истеъдод эгалари этагидан тутди. Улардан ўрганишга интилди. "Алишер Навоий" спектаклидаги Мўмин Мирзо образи унга ишониб топширилган илк роль эди. Устоз санъаткорларнинг салобати босар, жамоа ишончини оқлаш, берилган ролни удалаш истаги уни янада масъулиятли бўлишига ундарди.

Кейинчалик сахнада бақир-чақир, қуруқ хитоб билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини, ақл билан иш кўриш кераклигини тушуна бошлади.

Х.Расулнинг «Спитамен» асаридаги Спитамен ролидан сўнг у театр жамоаси ишончини оқлади ва актёр сифатида иш бошлади. Унга бирин-кетин "Алишер Навоий"да Хусайн Бойқаро, "Донишманд Натан"да Роҳиб, "Гамлет"да Горацио, "Нексия"да Тўхтасин, "Бир қадам йўл"да Соқчи, "Талваса"да Мэлс, "Макр ва муҳаббат"да Фердинанд каби қатор роллар топширилди. Унинг табиати романтик роллардан кўра кўпроқ жангари, халқ қаҳрамонлари ролларини ўйнашга мойил. Шу боис Т.Азизов сахналаштирган "Макр ва муҳаббат" спектаклидаги Фердинанд роли унинг учун анча қийинчилик туғдирди. Биринчидан, бу роль ҳиссиётларга бой, иккинчидан бош қаҳрамонлардан бири, учинчидан актёрдаги тажриба етарли эмасди. Мана шу жиҳатлар ўз устида тинимсиз меҳнат қилишга, томошабинлар ва ҳамкасблари эътибори, ишончини оқлашга даъват этди. Ва ниҳоят у Фердинанд ролини удалади. Спектаклда ўзи ҳавас қилган актёр Тоҳир Саидов

билан бирга ўйнади. Шунда Тоҳир Саидов уни қучиб "Шу ролда янада очилдинг", - дея эътироф этди. Фердинанд роли унинг бошқа роллари ичида энг ёққани бўлиб қолди.

- Валижон Умаров саҳналаштирган "Увайсий" спектаклидаги Маъдалихон ролимдан кўнглим тўлмади. Сабаби, шоҳнинг дод солиб, фарёд чекиб йиғлашини табиий чиқариб бера олмадим. Балки кейинги ижроимда уддасидан чиқарман. Саҳнада битта нотўғри ташланган қадам актёрнинг бутун спектакль давомидаги хатти-ҳаракатига, руҳиятига таъсир қилади. Демак, ўша нотўғри қадам менинг актёрлик маҳоратимнинг камлиги, тажрибасизлигим оқибатидан келиб чиқади, - дейди Мехриддин.

Театр саҳнасида ижро этган ролларидан ташқари у Ғ.Ғуломнинг "Ёдгор" асари асосида суратга олинган "Ёдгор" видеофильмида Хуршид, Ж.Исҳоқовнинг "Ҳақиқий эркаклар ови" бадиий фильмидаги Анвар, С.Қодированинг "Ўч" видеофильмидаги Ботир каби ролларини ҳам ишончли ва самимий ижро эта олган Мехриддин касбини, ҳамкасбларини ҳурмат қилади. Бир сўзлилиқ, қатъийлилиқ унинг тамойили. Устоз санъаткорларнинг "Санъаткорнинг юрагида дарди, айтадиган гапи бўлиши керак», деган ўғитларига амал қилиб яшашга ҳаракат қилади. Уларнинг бу ўғитларидан илҳомланиб ҳатто ўзи ҳам шеър қоралаган.

*Саҳнага чиқдингми,
Майдонга чиқдинг
Майдонга чиқдингми,
Керак санъатинг
Санъатинг бўлмаса, дардинг бўлмаса,
Кимга кераги бор, қуруқ савлатинг...*

Айни кунларда театр жамоаси яна бир янги асар устида иш олиб борапти. Эркин Самандарнинг "Жалолиддин Мангуберди" асаридаги Жалолиддин роли Мехриддинга топширилди.

У мумтоз, тарихий асарларда ўйнашни, миллатимиз, маърифатпарвар инсонлар ролини ижро этишни орзу қилган эди, яқин кунларда ўзбекнинг жасур ва мард ўғлони Жалолиддин Мангуберди ролида томошабинлар ҳузурига чиқади.

«Театр» журнали, 2008 йил, 4-сон

"ҚАЙРАҒОЧ СОЯСИДАГИ ЭҲТИРОС

Дебют - 2008 ёш режиссёрларнинг II - кўрик фестивалида Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси америкалик ёзувчи Южин О'Нилнинг "Қайрағоч соясидаги эҳтирос" асари билан иштирок этди. Асарни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таржима қилган. Бу мураккаб фожиавий асарга қўл урган Ўзбекистон давлат Санъат институтининг "Драма режиссёри" факультети дипломанти Мансур Холиқовнинг ижодий изланиши яна бир истеъдодли ёш режиссёрнинг улғаяётганига умид уйғотади. Саҳналаштирувчи рассом Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти дипломанти Мурод Акбаровнинг саҳна безаклари асар мазмунига мос тушган.

Саҳнада тош ва ёғочлардан қурилган болаҳонали уй. Ҳовли ўртасида уч дастали қўл тегирмони. Бу хонадоннинг эгаси Кэбот исмли фермер. У анча кексайиб қолган. Умри меҳнатда ўтган. Унинг уч ўғли бўлиб Семеон ва Питер биринчи оиласидан, кичиги Эбин эса иккинчи турмушидан. Ўғиллари оталаридан норози. Ҳар кунги бир хил ҳаёт уларни зериктирган. Эртаю кеч меҳнат қилишади. Аммо ҳаётларида бирон бир ўзгариш сезилмайди.

"Ўттиз йил ишладим, лекин қадрим бўлмади", - дейди катта ўғли Семеон (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Рўздат Каримов) укаси Питерга (артист Илҳом Аллаёров). Укаси ҳам норози оҳангда "елкамдаги калтак изларига қара", - дейди. Кичик укаси Эбин ҳам отасидан норози. У ёш кетган онасининг бевақт ўлимида отасини айблайди.

Оилада парокандалик. Ака-укалар ўртасида тортишув бўлаётган чоғда чол Кэбот (75 ёшда) ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган гўзал Абби (Д.Мирсолиева)ни уйига етаклаб келади. Бундан учала ўғил ғазабланади. Кичик ўғил Эбин акаларига пул бериб уларни Калифорнияга жўнатиш илинжида. Бунинг учун улар меросдан воз кечиши тўғрисидаги қоғозга имзо чекишларини сўрайди. Эбин эртаю кеч қора меҳнат қилиб ҳаётдан тўйган акаларини кўндиради. Акалари пулни олишадию жуфтакни ростлашади.

Кэбот ҳар куни эрта тонгдан то шомгача фермада, моллари билан овора. Рафиқаси Абби эса уйда. Эбинни зимдан кузатар экан, унинг қалбида унга нисбатан муҳаббат пайдо

бўлганини сезади ва уни гапга тутта бошлайди. Аслида Абби ҳам турмушнинг аччиқ-чучугини тотган бахти кулмаган аёл. У Кэботга ҳовли жой, мол-мулкка эга бўлиш учун теккан. Гарчи у кўп қийинчиликларни бошидан кечирган бўлса-да, ўзини анчайин мағрур тутади. Бироқ Эбинни ўзи билмаган ҳолда қаттиқ севиб қолади.

Асар қаҳрамонларининг тақдирлари, қисматлари бир-бириникидан қолишмайди. Уларнинг ҳеч бири тақдиридан рози эмас. Кичик ўғил Эбин эса меросга эга чиқиш пайида. Чол Кэбот бу ҳовли, жой, фермани ўғлига ҳам раво кўрмайди. Ота ва болалар ўртасидаги кескинлик, аччиқ ва кинояли сўзлар уларнинг бир-бирига оқибатсиз эканликларини кўрсатади. Асарда ҳар битта рол ўта мураккаб. Чунки бу ролларни шунчаки, енгил ижро этиб бўлмайди. Ҳар бирининг оғир феъл-атвори, руҳий изтироблари бор. Санъаткорлар ўз ролларига яхши танланган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Адҳам Юсуфалиев истеъдодли актёр. Бироқ Кэбот роли ижросида актёр спектаклнинг бошидан то охиригача бир хил темпо ритмни ушлаб туради. Босиқ, вазмин ҳатто хотини Абби ўғли Эбинни севиб қолганини эшитиб ҳам у қадар ҳис-ҳаяжонга тушмайди.

Балки, унинг феъл-атвори, образ характери шундайдир. Лекин ҳар қанча босиқ ва вазмин одам ҳам фожиа ичида қолса табиатида ўзгариш содир бўлиши табиий. Актёрнинг овози қаҳрамонига тўла мос тушган. Ролга озгина кўтаринки руҳ бера билиш керак. Чунки Кэбот ёшини яшаб, ҳаётнинг минг бир синовларини бошидан кечириб паймонаси тўлган одам. Ана шу изтиробни актёр янада очиб бера олса спектакль жонланган бўларди.

Актёр Иброҳим Қосимов Эбин ролига мос тушган. Бироқ спектакль давомида негадир унинг қирралари ярқ этиб кўзга ташланмайди. Ролга сингиб кетмайди. Спектакль давомида бир нарса диққатимизни тортди. Саҳнадаги қўл тегирмонининг уч дастаси бу, уч ўғилга ишора сифатида топилган рамзий маъно касб этади. Кэботнинг ўғиллари уйдан уни ташлаб чиқиб кетишганида иккала даста синиб тушади. Отанинг кичик ўғли Эбин билан қаттиқ тортишувида учинчи даста ҳам синади ва бу оиланинг инқирозидан дарак берувчи детал вазифасини ўтайди.

Охир-оқибат ота ёлғиз қолади. Режиссёр қўл тегирмонни дасталари орқали тегирмонни отага, унинг уч дастасини ўғилларига ишора қилади бу бунинг режиссёрнинг ижодий фикрлаши, истеъдодидан дарак беради деб баҳолаш мумкин.

Спектаклда актёрлар ансамбли яхши. Рўзмат Каримов, Илҳом Аллаёров ролларига жиддий ёндошганлар.

У ўз мақсадини амалга ошириш ва Эбинга бўлган муҳаббатини сақлаб қолиш йўлида ҳатто ўз фарзандидан ҳам воз кечишга, унинг қотилига айланишига сабаб бўлган бир пайтда жўшқин ҳис-ҳаяжон, кучли эҳтирос сезилмайди. Саҳнага қай ҳолатда чиқиб келган бўлса спектакль қўльминациясида ҳам ўша ҳолатда, бир маромдаги ижро кузатилади. Актриса руҳиятидаги жўшқинликни биров кўтариш керакка ўхшайди. Буни у кейинги ижроларида уддалайди, деб ўйлайман.

Спектакль сўнггида ота ва ўғил ўртасидаги мол-мулк талашуви, хиёнат учун қасд олиш саҳнаси бор. Ота уйига ўт қўяди. Бутун бир оила барбод бўлади.

Умуман олганда бу асар билан театр жамоасини табриклаш керак.

Дебют - 2008 ёш режиссёрларнинг II - қўрик фестивалида ёш режиссёр Мансур Холиқов "Хорижий мумтоз драматургиясини ўзлаштиришдаги изланиши учун" номинациясига сазовор бўлгани ҳам театрнинг муваффақиятларидан бири дейиш мумкин.

«Театр» журнали, 2008 йил, 2-сон

ТЕАТРСИЗ ЯШОЛМАЙМАН

(Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри актрисаси Малоҳат Тоирова билан суҳбат)

Драматург Шароф Бошбеқовнинг "Темир хотин" спектакли ёдингиздами?

Асарда қўшни хотин "Бозорвой акам бир қоп турпни олиб бозорга кетдилар" дейдию девордан бир кўриниб кўздан ғойиб бўлади. Ана шу биргина хатти-ҳаракатни Малоҳат Тоирова самимий ва ишончли ижро этгани учун кўпчиликнинг ёдида қолган бўлса ажаб эмас.

Ролнинг катта кичиги бўлмайти деган гап бор. Бу қай бир маънода ўзини оқласа, қай бир маънода оқламаслиги ҳам мумкин. Баъзан бош қаҳрамон ролини ўйнаб туриб ҳам санъаткор ўзини тўла намоеън эта олмаслиги, баъзан эса ушоққина ролида "очиштиб" кетиши ҳам бор гап. Малоҳат Тоирова ижросидаги ролни кўриб шунга амин бўлдимки, актриса ушоқ ролни ҳам эса қоларли даражага олиб чиқа олади. Ундаги ҳолатдан ҳолатга ўтиш, саҳнада яшай билиш, самимий ижро томошабинни ишонтира олади.

Малоҳат Тоированинг саҳнага, умуман театр санъатига кириб келиши ҳам қизиқ бўлган.

- Уйдагиларга ёлғон гапириб Тошкентга келганим эсимда,- дейди у. - Орзуим саҳнада рол ўйнаш эди. Тошкентга келгач, ҳужжатларимни ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат институтига топширдим ва биринчи синовдан яхши ўтдим. Сора опанинг уларини қидириб топдим. Ўша пайтда сора опа Театр арбоблари уюшмаси раиси эдилар. Опа мендан шеър, масал, монолог сўраб имтиҳон қилдилар.

Малоҳат Тоирова шу тариқа саҳнага, санъат деб аталмиш сирли оламга кириб келди. У институтда Рустам Усмонов кўлида ўқиди. Ўқишни тугатгач, уни Тошкентда олиб қолишмоқчи бўлишади. Бироқ у ёлғиз онаизорини ташлаб шаҳарда қолишни истамайди.

Малоҳат Тоирова театр санъатидаги ижодини Ю. Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театрида бошлади. У табиатан тажангроқ, бачканаликни ёқтирмайдиган инсон бўлганлиги боис, дилидагини айтади-қўяди.

- Одатда,- дейди у,- режиссёр қандай ролни муносиб кўрса ўшани ўйнашга мажбур бўласан. Шундай пайтларда қаттиқ азоб чекаман. Ролим носамимий, зўрма-зўраки чиққанидан ранжийман. "Жонимнинг малҳами" спектаклидаги ролим очиги, ўзимга ёқмаган. Рол ишончли чиқиши учун аввало ўзингнинг дилингда шу ролга ишонч керак. Санъаткор ўзи ишонмаган нарсага бошқаларни қандай қилиб ишонтирсин.

Актриса ўзига топширилган ушоқ ролдан ҳам маъно мазмун қидиради. У ҳамкасблари Ўзбекистон халқ артисти Ёрқиной Хотамова, Холматжон Икромов, ёшлардан Анвар Исоқов, Акмал Мирзаев сингари истеъдод эгалари билан

саҳнада эмин-эркин ижод қилади. Режиссёрлардан Мама-соли Юсупов, Носир Отабоев каби ижодкорлар билан ишлаш унга завқ бағишлайди.

- Саҳнада қизиқарли, қутилмаган воқеалар ҳам бўлиб турадим, -деб саволга тутаман суҳбатдошимни.

- Ҳеч эсимдан чиқмайди. Болалар учун қўйиладиган спектаклларнинг бирида эчки ролини ўйнаганман. Соқолимни яхши ёпиштирмаган эканманми кўчиб кетди. Нима қилишимни билмадим. Спектаклда куён билан кўчқор жанжаллашадиган саҳна бор эди. Вазиятдан чиқиши учун "сенлар ярашсанг яраш, бўлмаса алашимни шу соқолимдан оламан", - дедиду соқолимни шартга юлиб ташладим. Томошабин сезмади. Спектаклдан кейин ҳамкасбларим билан роса кулишдик. Театримизнинг отахони Холмат ака билан "Бахт қуши" спектаклидаги ролимиз ҳам қизиқ бўлган. Холмат ака спектаклда "Учта шарт қўямиз" деган хал қилувчи сўзни ёдларидан чиқариб қўйибдилар. Ҳаммамиз нима қилишни билмай жим бўлиб қолдик. Шунда "эй баковул, шартинг бўлса айт" дейишим билан Холмат аканинг эсдан чиққан сўзлари дарров ёдга келдию вазиятдан чиқдик кетдик. Буни ҳам томошабин табиий қабул қилди.

Актрисадан бугунги кунда театрдаги аҳваол, ижодий жараён ҳақида сўраганимда. У анча ўйланиб:

- Назаримда театрда санъатнинг ҳақиқий фидойилари, театрсиз яшолмайдиган санъаткорлар ишлашаяпти. Айниқса бу ҳолат вилоят театрларида кўзга ташланади. Ҳар йили санъат институтини қанчадан-қанча ёшлар битириб чиқишади. Улар қаерда ижод қилишяпти ҳайронман. Театримизга истеъдодли ёшларнинг келиб қўшилмаётгани ачинарли. Айниқса кўпгина театрлар ижодий муҳитида бўшлиқ пайдо бўлаётгандек туюлади. Баъзи театрларда ўрта авлод санъаткорлари борлиги учунгина ижодий муҳит, жараён кетаяпти. Ана шу инсонлар театрларни ушлаб туришибди. Ҳозирги ёшларда менимча касбга садоқат ва фидойилик кам. Баъзан ўзимнинг руҳиятимда аллақандай тушкун кайфият ҳукмрон бўлиб қолади. Бу касбимни севмаганимдан эмас, аксинча, жон-жонимдан севганим, умримни унга бағишлаганим, усиз яшолмаслигим туфайли. Нега тобора юксалиш ўрнига қадрсизланиб боряпмиз деб ўйланиб қоламан. Нега тўлиб тошиб ўйнайдиган асарлар ёзилмаяпти. Нега касбимизга шунчаки

муносабатда бўлиб қоляпмиз, ёшларда шижоат йўқ...Янги-янги асарларда жўшиб ўйнагим келади.

Малоҳат Тоирова билан узоқ суҳбатлашишга фурсат бўлмади. Бироқ унинг ижоди, фаолияти, роллари ҳақида батафсил, кенгроқ мақолалар, тақризлар ёзишга ҳали улгурамиз, деган ниятда ортга қайтдик.

«Театр» журнали, 2008 йил, 1-сон

ҚАЛБ АРДОҒИДАГИ РОЛЛАР

*(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
Мавлуда Бойматова ижодига қизғи)*

Бугунги кунда Республикамизда 37 та театр жамоаси фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир театр жамоасининг ўз йўли, репертуари, режиссёри, актёрлари, қолаверса, сахна орти заҳматкашлари бор. Ким ижодда олдин, ким кейин, муҳими, театрларда ижодий жараён, ижодий муҳит яратилаяпти, театрлар яшаяпти.

Мақсад эса битта. У ҳам бўлса, томошабин фикри, дунё-қараши, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиш, янгидан-янги асарларни сахнага олиб чиқиш. Очиғини айтиш керак, вилоят театрларида ҳам тилга олишга лойиқ санъаткорлар жуда кўплаб топилади. Лекин ҳаммиша ҳам уларнинг ижоди ҳақида мақола ёзишга фурсат топа олмаймиз. Хизмат сафари юзасидан Наманган, Андижон вилоятларида бўлиб, у ерда меҳнат қилаётган сахна санъати фидойилари билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдим. Вақт тигиз бўлишига қарамай, имкониятни қўлдан бой бергим келмади. Қаҳрамоним Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театрининг етакчи актрисаларидан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Бойматова бўлади. Мавлуда Бойматова 1956 йилда Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида туғилган. 1975 йилда Т. Жалилов номидаги Санъат билим юртининг вокал бўлимини тугатган. Ўқишдан сўнг - 1979 йилдан то бугунги кунга қадар ушбу театр даргоҳида меҳнат қилиб келяпти. Санъатга қизиқиш отаси Раҳматилла Бойматовдан ўтган бўлса ажаб эмас. Негаки, Раҳматилла ака ҳаваскор созанда бўлган, оилада ҳар куни соз чалиб кўшиқ куйланар ва куй-оҳанглар сеҳрига ёш Мавлуда ҳам сармаст бўларди. Бундан бир неча йил-

лар аввал Мавлуда опа ижросидаги қўшиқлар ойнаи жаҳонда тез-тез янграб турарди. Негадир кейинги йиллар ичида ойнаи жаҳонда кам кўринадиган бўлиб қолдингиз,- деб саволга тутаман суҳбатдошимни.

Мавлуда опанинг чеҳраси ёришиб, суҳбатга киришиб кетади. Сингилжон, пойтахтга боришга имконият ҳар доим ҳам тополмаймиз. Қўшиқ ёздириш учун ҳам маблағ керак. Бу ёқда оила, уй-рўзгор ташвиши, бу ёқда театр иши... Хуллас, ҳаммасига улгуриш осон кечмаяпти. Вақтни айтмайсизми? Учқур елдек учиб кетяпти. Айниқса, ёшинг катта бўлгани сари гўё ҳеч нарсага улгармаётгандек, ўз-ўзингдан кўнглинг тўлмаётгандек ҳис қилавераркансан.

- Назаримда сиз омадли актрисалардан бирисиз,- дейман Мавлуда опага. Ҳа, тўғри айтасиз, санъатда жуда омадим келган. Театрга ишга келган кунимданоқ турли-туман роллар ижро этдим. Қаҳрамонларимнинг деярли барчаси бош роллар эди. Озми-кўпми мухлислар орттирдим. Бугунги кунда ҳам режиссёримиз Жавлон Тошхўжаев саҳналаштирган "Бегойим" (Н.Мўйдинов асари) спектаклида Майрам ролини ижро этиб келяпман. Шу пайтгача ижро этган ролларимнинг барини қалбим ардоғидаги ролларим дея оламан. "Фарғона тонг отгунча"даги Ҳаётхон, "Юсуф ва Зулайҳо"даги Зулайҳо, "Холисахон"даги Холисахон, "Меҳробдан чаён"даги Раъно, "Гулсара"даги Гулсара, "Нодирабегим"даги Нодира ва бошқа кўплаб ролларимни севиб ўйнаганман. Сиз санаб ўтган ролларнинг деярли барчаси ижобий роллар, айтинг-чи, ўзингизга қайси роллар кўпроқ завқ бағишлайди,-деб сўрайман актрисадан.

- Очиғини айтсам,-дея кулади Мавлуда опа,- салбий қаҳрамонлар қиёфаларида саҳнага чиққим келади. Билмадим, гарчи ҳаётда кўнгиличан, кечиримли бўлсам-да, салбий образларни маза қилиб ўйнайман.

Мавлуда опа чеҳрасида ним табассум билан тўлиб-тошиб сўзлар, биласизми, дейди менга шўхчан боқиб, руҳан тушкун кайфиятда қолган пайтим мени фақат қўшиқ қутқаради. Келинг, сизга ҳам бир хиргойи қилиб берайми, деб "Мен кетай, Зайнаб билан қолинг, бегим" қўшиғини хиргойи қилади. Қўшиқ тинади. Иккимиз жимиб қоламиз. Рўпарамда ўтирган истараси иссиқ бу аёлнинг овози қулоқларим остида жаранглайверади. Ҳалиям овозлари зўр,- дейман ўзимга ўзим. Афсус, суҳбатимиз тугар-

тугамай Мавлуда опа билан хайрлашаман. Мавлуда опа хизмат қилаётган театр жамоасига, Мавлуда Бойматовага ижодий парвозлар тилагим келади.

«Театр» журнали, 2004 йил, 4-сон

КЎПРИК БИЗНИ БОҒЛАБ ТУРСИН

Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида "Аёлғу" спектакли саҳналаштирилиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилган эди. Ушбу спектакль хусусида мутахассислар ва таклиф этилган томошабинлар томонидан турли фикр-мулоҳазалар, баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтганди. Назаримда, спектакль ҳаёт фалсафасига йўғрилган, унда инсон тақдири, ҳаёт чархпалагининг давомий айланиши, умрнинг ўткинчи экани ҳақидаги ғоялар илгари сурилган. Муаллиф ва режиссёр Валижон Умаров билан саҳналаштирувчи rassom Шухрат Абдумаликовлар фольклор шаклларида фойдаланган ҳолда спектаклда миллийликка урғу берганлар. Ушбу спектакль Миллий театримиз саҳнасида янгилик бўлди, десак хато бўлмайди. Саҳнадаги хатти-ҳаракатлар, ижрочиларнинг либослари, муסיқаларнинг маҳзунлиги томошабинларни фикрга чорлайди. Сўзсиз ҳам ушбу спектаклнинг мазмун-моҳиятини ҳам ақлан, ҳам қалбан тушуниш, ҳис этиш мумкин. Бу эса ҳар бир томошабиннинг ақл идрокига, дунёни қай йўсинда англашига боғлиқ. Айниқса, спектаклнинг бошланиш жараёнидаги Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг тўртлигидаёқ томошабин спектаклнинг мазмун-моҳиятини тушуна бошлайди. Шу йилнинг июль ойида Истамбул шаҳрида Истамбул шаҳар театрининг 90 йиллиги муносабати билан Макон халқаро театр фестивали бўлиб ўтди. Бу фестивалда 18 та мамлакатдан театр жамоалари қатнашишди. Булар орасида Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси ҳам ўзининг "Аёлғу" спектакли билан иштирок этиб қайтишди. Сафар таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни режиссёр Валижон Умаровдан илтимос қилдик.

- "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ар-тамад" махсус жамғармаси ҳомийлиги остида фестивалда иштирок этиб қайтганимизнинг ўзи бутун жамоамизни қувонтирди, - деди режиссёр.

- Таассуротларим бир олам, қувончимиз чексиз бўлди. Негаки, 18 та мамлакат театр жамоалари ичида Ўзбекистон-

дан Миллий театр жамоасининг қатнашишини катта воқеа деб биламан. Спектаклимизни очик майдонда - Мармар денгизининг устидаги кўприкда намойиш этдик. Кенг, очик майдонда санъаткорлар эркин ҳаракатда ижро этдилар. Бу эса актёрларга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмади. Аксинча, сўзсиз, хатти-ҳаракатлар орқали ҳам актёрлар ҳис-туйғуларини бемалол ифодалай олишга эришдилар. Назаримда, бу бизнинг ютуғимиз бўлди. Спектакль хусусида тўхталадиган бўлсам, миллийликка урғу берилгани боисми, спектаклимизни катта ҳаяжон билан кутиб олишди ва ноанъанавий, одатдагидан ташқари спектакль бўлибди, дея эътироф этишди. Истамбул шаҳар театрининг бадиий раҳбари Нуриллоҳ Тунджер спектаклимиз ҳақида жўшиб сўзлади.

- "Спектаклда - дейди у, - биз унутаёзган миллий урф-одатларимизни, маданиятимизни, ўзлигимизни кўришга муваффақ бўлдик. Руҳиятимизга Оврупо маданиятлари сингиб кетаётган айни лаҳзаларда бу спектакль бизни уйғотди, у бизга ўргатди, тун чўкаётган пайтда худди қуёш чарақлаб нур сочаётгандек бўлди. Руҳиятимизда тозариш ҳисларини пайдо қилди."

Фестиваль якунида биз қатнашчилар учун матбуот конференцияси бўлди. Конференцияда Истамбул Маданият ишлари вазири, ташкилот раҳбарлари қатнашишди. Бир неча мамлакат театр раҳбарлари ўртасида маданий алоқалар ўрнатиш бўйича шартномалар имзоланди. Ва бу фестиваль, ҳам ташкилий, ҳам ижодий жиҳатдан давлат миқёси даражасида ўтказилишига қарор қилинди. Фестивалнинг доимий бўлиб қолишига ишончим комил. Фестиваль ниҳоясида, ҳис-ҳаяжонли дамларда "Кўприк бизни ҳамиша боғлаб турсин", - дея ният қилдик.

«Театр» журнали

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ

(Таниқли режиссёр Собиржон Йўлдошев ижодига бир назар)

Дунёда инсон қанча умр кўргани билан эмас, қандай умр кечиргани, ўз ҳаёти давомида қандай эзгу ишлар қила олгани билан қадрлидир.

Касблар кўп, хунарлар кўп. Ҳаммасининг ҳам биз билган ва билмаган машаққатли томонлари бор. Элда эъзоз

топган олиму фузалолар, адабиёт ва санъат намояндalари ҳам талайгина. Уларнинг кўпчилиги бугун орамизда йўқ. Лекин номлари исиз кетмаган. Овозлари киноленталарда, қиёфалари бадий фильмларда, спектаклларда ўйнаган роллари эса магнит тасмаларида сақланиб қолган. Лекин шундай касб эгалари ҳам борки уларнинг иши асосан сахна ортида кечади. Биз уларни сахна орти заҳматкашлари деб атаймиз. Шундай касблардан бири - режиссёрлик касбидир.

Режиссёрнинг бир асарни сахнага олиб чиққунча кечирган заҳматли меҳнатини ҳеч бир сўз билан ифодалаб бўлмайди. Аслида драматургни ҳам, актёрни ҳам элга танитадиган режиссёр бўлади.

Биламизки, ўзбек театри соҳасида машҳур режиссёрлар кўп бўлган. Аммо биз фақат машҳур режиссёрларнинггина номларини биламиз, холос. Биз билмаганларимиз қанча...

Гап машҳурликда, ёйинки кишининг қўша-қўша олган унвонларида ҳам эмас. Гап ўша инсоннинг қилган ишларида, театр санъатига қўшган ҳиссаси ҳамда инсонлар кўнглидан жой ола билганида.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган режиссёр Собиржон Йўлдошев бугун орамизда йўқ. Лекин ҳамкасблари, шогирдлари тилида ва дилида яшайпти.

Собиржон Йўлдошев 1932 йил Андижон вилоятида туғилган. У ўз меҳнат фаолиятини 1951 йилда Ўш шаҳридаги собиқ Киров номидаги мусиқали ва драма театрида актёрликдан бошлаган бўлиб, 1958-63 йилларда Тошкент театр ва рассомчилик (ҳозирги Тошкент давлат Санъат институти) нинг режиссёрлик факультетини тамомлаган. У 1963-64 йилларда Ўш театрида режиссёр бўлиб ишлаган. 1971 йилда Собиржон Йўлдошевни собиқ Й.Охунбобоев номидаги (ҳозирги З.М.Бобур номидаги Андижон вилоят) драма театрига ишга таклиф этишади. Ўша пайтда театрдa Ўзбекистон халқ артисти Аббос Бакиров бош режиссёр бўлиб ишлар эди. Собиржон Йўлдошевга Аббос Бакировдай устоз санъаткор билан бир жамоада ёнма-ён ишлаш насиб этади.

У театрга келган кундан бошлаб, энг аввало театр репертуарини бойитишга эътибор қаратади. Собиржон Йўлдошев бир оддий фаолияти давомида Қ.Шанғитбоев ва Қ.Бой-

сеитовларнинг "Жон қизлар" мусиқали комедия, (1971 й), В.Гюгонинг "Қиролнинг дил хуши" Э.Воҳидов таржимаси (1972 й), А.Афандиев асари, Т.Турсунов таржимаси билан "Яраланган юраклар" (икки пардали драмаси 1973), Алп Жамолнинг "Меҳрибонлар" сатирик комедияси (1973 й), тожик драматурги Ҳожи Сиддиқнинг "Куёв танлаш" комедияси (1974 й), К.Яшиннинг "Нурхон" мусиқали драмаси (1974 й), Султон Жўра ва Восит Саъдуллаларнинг "Ирода" (шеърӣ драма, 1975 й), Ҳамзанинг К.Яшин таҳрири остида "Майсаранинг иши" комедияси (1975й), "Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари" фожиаси (1976 й), Ҳабиб Саъдулланинг "Юсуф ва Зулайҳо" мусиқали драмаси (1980 й), Максим Каримовнинг "Инсонликка номзод" асари ... қўйингчи ва яна бошқа кўплаб асарларни саҳналаштириб, театр санъатига ўзининг муносиб улушини қўшган ҳамда театр репертуарини бойитган.

Собиржон Йўлдошев ҳаётда жуда серғайрат, тиниб-тинчимайдиган, ўз касбига ҳамиша садоқат билан ёндашувчи, бағри кенг ва ўта дилкаш инсон бўлган. Биз уни кўрган билган, бир жамоада ёнма-ён ишлаган ҳамкасблари, қадрдон дўстлари билан суҳбатлашишга мушарраф бўлдик. Ва уларнинг Собиржон Йўлдошев ҳақидаги фикрларини баҳоли қудрат қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

З.М.Бобур номидаги Андижон вилоят драма театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Ҳошимжон Олимжонов Собиржон Йўлдошев ҳақидаги ўз хотираларида шундай дейди: — Собиржон Йўлдошев ҳаётда ниҳоятда камтарин инсон бўлган. Ўз касбига қаттиқ меҳр қўйган, чин маънодаги фидойи ижодкорлардан эди. Унинг бошқа режиссёрлардан фарқи томони шунда эдики, у қай асарни саҳнага қўямасин, роль тақсимотида актёрларга "қани, ўзингиз шу роль устида ишлаб, қаҳрамонингизнинг руҳий ҳолатини, феъл атворини ўрганиб кўринг-чи, қолган камчиликларни кейин тўлдирамиз,-деб, ҳар бир ролни актёрларнинг ўзига ташлаб қўярди. Биз ҳар биримиз ўзимизга берилган ролнинг, асарнинг моҳиятини, қаҳрамонимизнинг ички кечинмаларини ўрганиб, таҳлил қилиб ўзимизча ролга киришиб кетардик. Камчиликларимизни, тушунмаган ерларимизни бизга Собиржон ака иш жараёнида аста - секин кўрсатиб берарди. У баъзи

режиссёрларга ўхшаб ўзининг фикрини бизга сингдиришга ҳаракат қилмас, ролни ўзи қандай тасаввур қилса шундайлигича бизга ёдлатиб қўймасди. Бу жараён эса актёрга биринчи галда эркинлик берар, иккинчи галда фикрни чархлашга, тафаккур қилишга, асарнинг моҳиятини ўрганишга имкон яратарди. У театрда илк бор комедия жанридаги Б.Эгамовнинг "Кампирга совчи келди" асарини сахналаштираётган вақтда жамоамизга Ҳабибулла Аппанов деган режиссёр келиб қўшилади. Аппанов спектаклни кўргач, Собиржон Йўлдошевга асардаги баъзи жойларини янада бўрттириш кераклигини маслаҳат беради. Асар ҳар жиҳатдан яхши чиқади. Бу асарда мен, Ўзбекистон халқ артисти Азиза Аминова, Айсар Ибрагимов, Назира Ҳакимова ва бошқа актёрлар роль ижро этганмиз. Шундан кейин у "Нурхон" спектаклига қўл урди. Бу спектаклда мен Ҳожи ролини ўйнадим. Бу спектакль ҳам ёмон чиқмади. Собиржонда бир хусусият бор эди. У ишда палапартишликни ёқтирмас, ишга ўз вақтида келиб, вақтида кетишга, "темир интизомга" қаттиқ риоя қиларди ва актёрлардан ҳам шуни талаб қиларди. Бировни куттиришни ёқтирмас, ишга ҳам ҳаммадан барвақт келадиган одати бор эди. Аммо, жуда кўнгилчан, покиза виждонли, ҳазилмутойибани ҳам кифтини келтириб қўядиганлардан эди. Жамоамиз "Кампирга совчи келди" спектакли билан бутун Республикани айланиб чиққани ҳам бор гап. Бу спектаклни биз қаерга бориб кўрсатмайлик, томошабинлар мириқиб томоша қилишган."

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳабибулла Юнусов: - 1983 йил Институтни битириб театрда келсам, театрда болалар учун "Хўжа Насриддин" спектакли қўйилаётган экан. Ана шу спектаклда менга Собиржон ака Алиш ролини топширдилар. Ўша кезлари биз анча ёш, қизиққон, осмонга урса ерга сапчийдиган болалар эдик. Собиржон ака шундай пайтларда кўнглимизни оғритмасдан, бошимизни силаб, ўта меҳрибонлик билан бизга хатоларимизни тушунтирар эди. У энг аввало актёрларнинг истеъдодига, меҳнатқашлигига эътибор қаратарди. Қолганини эса ижод жараёнида ўрганиб бораверасизлар,- дерди. Биз ёшларга сахнага қандай чиқиш, унга қандай муносабатда бўлиш, сахна одобига риоя қилиш каби тушунча-

ларни сингдирарди. Ўшанда биз унчалик тушунмаган-дирмиз, лекин вақт ўтган сари инсон устозларни қўмсар экан. Афсус биз у кишидан ўрганадиган нарсаларимиз ҳали кўп эди. Ўрганишга улгурмадик."

Маннон Ҳамидов- режиссёр : - Театрга 1978 йилда келган пайтимда Ҳабибулла Аппанов театрда директор бўлиб ишларди. Собиржон аканинг номини мен Ўш вилоят драма театрида ишлаган даврида эшитгандим. Бу ерга келиб у киши билан бирга ишлаш менга nasib этди. Собиржон ака машҳур режиссёр Владимир Сергеевич Иогельсиннинг шогирди эди. Бахтни қарангки, мен ҳам Иогельсин қўлида таҳсил олганман. Собиржон аканинг меҳрибонлиги, очиқ-кўнгиллиги, нурунийлиги юз-кўзларида намоён эди. Биз уларни фариштали инсон дер эдик. У киши бизни доим қўллаб-қувватлаб турар, эркалаб "болам" деб чақирарди. Ўша пайтларда собиқ Ҳамза (ҳозирги Миллий академик драма) театрида "Келинлар қўзғалони" спектакли қанчалик машҳур бўлган бўлса, бизнинг театрда у киши саҳналаштирган спектакллар ичида "Кампирга совчи келди" спектакли шу даражада машҳур бўлгани ҳамон эсимда. Шу спектаклдан кейин мен ҳам "Эй, совчилар, совчилар" комедияси (Коммуна Олимова асари) устида иш бошладим. Иш жараёнида Собиржон ака менга маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Асар саҳналаштирилгач, менга қараб " Маннонжон, ҳали кўрасиз бу асарлар ўн йилдан кўпроқ вақт саҳнадан тушмайди", -деганлари ёдимда. Ҳақиқатан ҳам бу иккала асар узоқ йиллар саҳнадан тушмади. Собиржон ака асар танлашда ҳам ниҳоятда инжиқ эди. У қўлига тушган асарни саҳналаштирвермасди. Ҳар бир актёрнинг имкониятлари, салоҳияти, иқтидорига қараб ролни тақсим қиларди. Бир сўз билан айтганда у жамоада ўзининг актёрлар ансамблини ярата олган режиссёрлардан эди. Кўпроқ у Ўзбекистон халқ артистлари Азиза Аминова, Назира Ҳакимова, Ҳошимжон Олимжонов, Жалил Раҳимовлар билан ишларди. Кейинчалик жамоага ёшлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мавлуда Бойматова, Ҳабибулла Юнусов ва бошқа кўплаб истеъдодли актёрлар келиб қўшилишди. Мен Собиржон ака билан саккиз йил бир жамоада ишлаган бўлсам, бу йиллар мобайнида улардан ҳам инсонийлик-

ни, ҳам санъатни қадрлашни, касбга ва касбдошларга, саҳнага ҳурматни ўргандим. "

Жумахон Убайдуллаев - актёр - " Бир актёр сифатида Собиржон Йўлдошев саҳналаштирган спектаклларда роллар ижро этганимдан бахтлиман дея оламан. У киши билан ишлаш завқли эди. Жуда ҳазил-ҳузулни ёқтирадиган, одамохун, кўнгилчан, шу билан бирга ишга масъулият билан ёндашадиган режиссёр эди. Мен у киши саҳналаштирган "Яраланган юраклар", "Насриддиннинг бошдан кечирганлари", "Чоллар ва кампирлар" ва бошқа асарларида ўйнаганман. Бу спектаклларнинг Республикамизда бормаган ери қолмаган десам адашмаган бўламан. Энг муҳими, бу кишининг номини ҳамиша яхши сўз билан хотирлаймиз. Собиржон аканинг охирати обод бўлсин. Қолган умрини фарзандлари, набираларига қўшиб берган бўлсин.

Аслида инсонга берадиган ягона таскин ҳам шу. Умр ўтади. Одамлар ҳам ўтади. Қилинган эзгу ишлар, яхши сўз қолади. Зеро Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, "бу гулшан ичра йўқтур, бақо гулига сабот, Ажаб саодат эрур, қолса яхшилик билан от".

Умрини ўзбек театри санъатига бахшида этган фидойи режиссёр Собиржон Йўлдошевнинг ҳаёти ва ижодига назар ташлар эканмиз, мақсадимиз ҳам у кишининг руҳини шод этиш. Негаки яхшиларни ёдга олмоқ ҳам фарз, ҳам қарзdir.

«Театр» журнали, 2010 йил, 4-сон

М у н д а р и ж а

Насимхон Раҳмонов. Санъатга муҳаббат..... 3

ЮРАҚДАН ТАРАЛГАН ОҶАНГЛАР

Кўшиқ куйлаш масъулияти.....	6
Шогирд устоз кўрмаса.....	8
...Кўшиқ ва кўшиқчилар ҳақида.....	11
Устоз кўрмаган шогирд.....	13
Кўшиқчи бўлиш осонми?.....	15
Тўйга нега борамиз?.....	18
Саёз матн яхши кўшиққа ярамайди.....	20
Юракдан куйлаш бахти.....	25
Соҳир овоз соҳиби.....	29
Оҳангида миллийлик зоҳир.....	32
Кўнгил торининг сири.....	35
Кўшиқ юракдан чиқса.....	39
Ажаб дунё.....	43
Кўнгил баҳори.....	45
«Сарбон»нинг йўли.....	48
Жонли ижрони тинглаш ёқимли.....	50
Саҳна масъулияти.....	54
Кўшиқ ички туғён.....	58
Дардларим кўшиқларимда.....	60
Зарбларга инган туйғулар.....	62
Садоларга айланган юрак.....	65
Саҳнада туғилган хонанда.....	68
Мухлисларингизга хиёнат қилманг.....	73
Санъат садоқатни эъзозлайди.....	76
Муҳаббатни куйлайман.....	79
Машҳур бўлишнинг осон йўли.....	81
Кўшигингни соғиниб эшитишса.....	84
Санъаткор халқни тарбияламайди.....	86
Саҳнанинг ўз сеҳри бор.....	88
«Туғилмаган кўшиқларим, сиздан узр».....	91
Сўзга ихлос билан.....	93
«Кўшиқларда Ватан мадҳи».....	95
Мақсад яхши, ammo.....	98

САҲНАДАГИ ТАҚДИРЛАР

Йўқотганим эмас, топганим кўпроқ.....	102
Саҳна хиёнатни кечирмайди.....	109
Ниҳоясига етмаган суҳбат.....	113
Порлайверсин «Чўлпон» юлдузи.....	116
Армоним йўқ менинг.....	118
Танқидни яхши кўраман.....	121
Саҳнадаги умр.....	127
Айтмасам майлими.....	131
Кўнгил ва руҳ тарбияси.....	136
Саҳна истеъдодлилар жойи.....	141
Гўзал ижро соҳибаси.....	148
Ижоднинг ҳузурбахш азоби.....	150
Бахт дегани шу эмасмикин.....	156
Гўзаллик излаб яшайман.....	160
Қалбим буюрганини қилдим.....	164
Пардозчи бўламан деб ўйламаганман.....	171
«Аёл – ўқилиши қийин бир китоб...».....	175
Саҳнадаги сохталик.....	180
Қандай бўлсанг шундай кўрин.....	182
Беором қалб.....	186
Мен, йиғлатган Қайс.....	190
Мажнунингман театр.....	193
Актёрнинг қалб кечинмалари.....	195
Болаларни ҳайратлантирган санъаткор.....	197
Мен «Тиллавоёга» ўхшамайман.....	200
Роль сўраб ўйнамаганман.....	203
Ялангтўшнинг адъютанти.....	208
Яссавийга бўлган муҳаббат.....	212
Спектаклнинг тили бўлмайди.....	215
Ёруғ кунлар умиди.....	217
Саодат аянинг армонлари.....	221
Эртанги кун умиди.....	225
Юрагида ўти бор.....	228
Ҳаётда унчалик жиддий эмасман.....	230
Касбга садоқат.....	233
Адабиёт ва санъат уйғунлиги.....	235
Эзгулик сари.....	236
Ёшлар ва театр.....	239
Ёшлар орзуси.....	243
Жиззах театри фидойилари.....	245

Актёрлик — Тақдирим, қисматим.....	249
Ушалаётган орзулар.....	252
Қайрағоч соясидаги эҳтирос.....	255
Театрсиз яшолмайман.....	257
Қалб ардоғидаги роллар.....	260
Кўприк бизни боғлаб турсин.....	262
Яхшидан ном қолади.....	263

Адабий-бадиий нашр

Матлуба Темур қизи

Санъатнинг сеҳрли йўли

Мақола ва эсселар

Муҳаррир	Ҳабиб Абдуназар
Мусахҳиҳ	Райҳон Яхшибоева
Саҳифаловчи	Улуғбек Саидов
Матн терувчилар	Зуҳра Аҳророва
	Муҳаррам Ёқубжонова

Босишга рухсат этилди 18.12.2010. Бичими 84x108 ^{1/32}
Шартли босма табоғи 17,0. Адади 1000 нусха. Буюртма № 63.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Тамaddon» нашриёти, 100029. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30. Тел.: (8371) 244-42-65. Факс: (8371) 244-42-54.

«SAYDANA PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш. Қамарнисо кўчаси 3-уй.